

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ*

*МУҚИМИЙ НОМЛИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ*

Тарих – Ҳуқуқшунослик факультети

Тарих йўналиши учун

« Ёрдамчи тарих фанидан »

Ўқув қўлланма  
тарих факультети бакалавр йўналиши учун

Қўқон – 2008 йил

Тузувчи: Умумий тарих кафедраси  
ўқитувчилари  
А.Аҳмедов, Ш.Қамбарова, С.Ҳамроқулов.

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти  
Умумий тарих кафедраси

Тақризчи: Тарих факультети декани  
доц. И.Йўлдошев.  
Умумий тарих кафедраси  
катта ўқитувчиси  
Т.Нуриддинов.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотлар ўтказилмоқда, янгилашни жараёни бормоқда. Бундай туб ўзгаришлар тарихшуносликда яққол сезилмоқда. Тарих фанларининг мазмуни ва моҳияти, истиқлол мафқураси, тарихшуносликда шаклланаётган холислик ва адолат тамойиллари асосида ўрганилмоқда. Ўша ўзгаришлар жараёнида ёрдамчи тарих фанлари ҳам тарих фанлари сифатидаги мақомга эга бўлди. Ёрдамчи тарих фанлари шунчаки давлатлар тарихи ҳақида маълумот берувчи соҳа бўлиб қолмай, балки турли мамлакатларнинг муайян тарихий даврдаги хронологиясини, жайлашуви ва чегараларини, тили ва ёзувини, пул бирлиги ҳамда иқтисодий – сиёсий ҳаётини чуқур таҳлил қилишда зарур бўлган маълумотларни ўзида мужассам этган фандир.

Ушбу ўқув қўлланма таълим тўғрисидаги низом ва Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ яратилди. Унда Ёрдамчи тарих фанларининг мақсад ва вазифалари, мазмуни тўғрисида бакалаврият талабаларига маълумот берилади. Уни яратишда мавжуд илмий адабиётлар, қўлланмалар, интернет материаллари ҳамда асосан Тошкент, «Fan va texnologiya», 2008 йилда чоп этилган Ў. Мансуров, А. Сайдуллаев, О.Раҳматуллаеваларнинг Ёрдамчи тарих фанлари учун методик қўлланмаларидан кенг қўламда фойдаланилди.

Ушбу ўқув қўлланма тарих факультети Умумий тарих кафедрасининг 2008 йил \_\_\_\_ августдаги 1-сонли йиғилишида муҳокама қилинган.

Кафедра мудири:

доц. Б.Аминов.

## 1-мавзу: КИРИШ. ХРОНОЛОГИЯ ФАНИ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Кириш. Хронология фани предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Европада хронология фанининг вужудга келиши ва тараққиёти.
3. Ўрта Осиё олимларининг хронология ривожланишига қўшган хиссаси.

**Кириш. Хронология фани предмети, мақсад ва вазифалари.** Хронология тарихий фанларнинг ривожланиши натижасида вақтни ўрганадиган фан сифатида XVI асрда вужудга келди. Хронология илм сифатида Бобил, Миср, Юнонистон ва Римда шаклланди. Ўрта асрларда хронологиянинг ривожланишига Ўрта Осиёлик олимлар ҳам ўз хиссаларини қўшдилар. Абу Райхон Берунийнинг «Ал-осор ал-бокия ани-л-ҳолия» (Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар), «Қонуни Масъудий» асарларида хронология фанига оид кўплаб маълумотлар берилган. Умар Хайём календари эса мукамаллик жиҳатидан Григорий календаридан ҳам устун туради. 1935 йилда Олий ўқув юртларида тарих факультетлари очилгандан кейин бошқа тарихнинг ёрдамчи фанлари қаторида талабаларга хронология фани ҳам ўқитила бошланди.

Хронология - ёрдамчи тарих фанларидан бири бўлиб, у вақт тўғрисидаги фандир. Хронология сўзи юнонча сўз бўлиб, «хронос» - вақт, «логос» - фан, яъни вақтни ўрганиш ҳақидаги фан деганидир. Хронология вақтларни ўрганиш, ҳисоблаш ҳақидаги фан сифатида икки қисмга бўлинади, булар астрономик (математик) хронология ва тарихий хронологиядир. Астрономик хронологиянинг вазифаси - осмон жисмларининг силжиши тўғрисидаги аниқ астрономик даврларнинг вақтини айтиб беришдир.

Тарихий хронология тарихий тараққиёт давомида вақтни ҳисоблаш системасини ўрганади, уларнинг ўзаро боғлиқлигини, вақтларни бир ҳисоб системасидан иккинчисига айлантириш услубларини ишлаб чиқади. Тарихий хронология юқоридаги ҳисоблаш системасидан тарихий вақтларни ҳисоблашда амалда фойдаланади ва тарихий манбалардаги саналарнинг аниқлигини тарихий таҳлил қилади.

Инсониятнинг ҳўжалик ҳаётидаги эҳтиёжи вақтни ҳисоблаш заруратини юзага келтирди. Қадимда вақтни ҳисоблашда табиатнинг доимий такрорланиб турувчи ҳодисаси бўлган сутка, кун, тун, ой фазаларининг ўзгариши, ернинг йиллик айланма ҳаракатидан фойдаланилган. Аста-секин вақтни аниқ ҳисоблашга бўлган эҳтиёж юзага келди. Бунинг учун осмон жисмлар ҳаракатини, умуман астрономияни билиш зарур эди. Бундан та шқари яна бир вазифани, кун, ой, йиллар ўртасидаги фарқларни аниқлаш зарурати ҳам туғилди. Бунинг учун эса математик ҳисоб - китобни пухта билиш лозим эди.

Хронология билим соҳаси ривожланишига Қадимги Юнонистон ва Рим олимлари **Эрот Калипп, Гиппарх, Варрон, Птоломейлар** катга ҳисса қўшганлар.

**Гиппарх** - (милодгача 190-125 йиллар) биринчи бўлиб Ойнинг ўлчамини ва ундан Ер гача бўлган масофани аниқлаган. У шахсий кузатувлари натижасида Қуёш йилнинг узунлигини деярли аниқ ҳисоблаб чиққан (хато 6 дақиқа). Олим ўша давр учун улкан ҳисобланган 850 та юлдузларнинг ҳолати каталогини тузган эди.

**Клавдий Птоломей** - машҳур «Альмагест» асари муаллифи. Асар ўрта асрларгача астрономияга оид асарларнинг сараси ҳисобланган. Шунингдек, Птоломей саккиз китобдан иборат «География» асарининг муаллифи ҳамдир. У картографик проекциялар назариясини ҳам яратган. Унинг «Подшоҳларнинг хронологик жадвали» асари хронологияга оид муҳим манба ҳисобланади.

**Марк Теренций Варрон** (милодгача 116-27 йиллар) хронология фанининг ривожига катта ҳисса қўшган. У қомусий олим бўлиб олти юзга яқин асарлар муаллифидир. Теренций Варрон асарларининг аксарияти хронологияга бағишланган.

VII аср охири - VIII асрнинг биринчи чорагида яшаган англиз монахи, солномачи Беда Достопочтенний хронологияга оид «Дунёнинг олти ёши» номли асар муаллифидир. Унинг асарида христиан эрасининг асослари ҳақида маълумот берилди.

**Европада хронология фанининг вужудга келиши ва тараққиёти.** XVI асрда француз олими Ж. Скалигер тарихий хронологияда тизимлаштиришни амалга оширди. У Юлиан услубидаги солномалар таҳририни ишлаб чиқади. 1583 йилда Ж. Скалигер «Вақтни ҳисоблаш юзасидан янги тадқиқот» номли асарини эълон қилади. 1582 йилда италян олимлари **А. Лилия** ва **И. Данти** янги календарни тузиб чиқади. Бу календар тарихда Григорий календари номи билан шуҳрат қозонади.

XVII асрда француз монахи Д. Петави ҳам вақтни ҳисоблаш юзасидан тадқиқотлар олиб боради.

XVIII асрда Россия олимлари ҳам хронология фанига оид тадқиқотлар олиб борган. «Россия тарихи» китобининг биринчи жилдида В.Н. Татишев ёзган махсус бир боб «Йилнинг бошида вақтни ҳисоблаш» деб номланади. Бу даврда М.В. Ломоносов, М.М. Шербаков, И.Н. Болтин ва А.Л. Шлецер Хронология билан жиддий шуғулландилар. XVIII асрга келиб, Европада хронология мустақил тарихий фанга айланди. Бунга қатор англиялик математик ва астрономлар ўз хиссасини қўшдилар. XVIII аср ўрталарида лорд Честерфильднинг ташаббуси билан мамлакатда Григорий календари қабул қилинди.

1825-1826 йилларда немис астрономи Х.Л. Иделер томонидан ёзилган икки жилдлик «Математик ва техник хронология», Л. Броссеннинг «Хронология техникасига доир» (СПб., 1868), Ф. Кальтенбруннернинг «Григорий календари ислохоти тарихидан» (Вена., 1876), О.Е. Гартманнинг «Рим календари» (Лейпциг., 1882), Я.И. Макдональднинг «Хронология ва календарь» (Лондон., 1897) асарлари хронология фанининг тараққиётида асосий ўринни эгаллади.

XIX аср бошларида Россияда тарихнинг ёрдамчи фани сифатида хронологиянинг аҳамияти янада юксалди. «Россия давлати тарихи» китобининг биринчи жилдида Н.М. Карамзин Қадимги Русда йил ҳисоби тўғрисида маълумот

беради. XIX нинг биринчи ярмида В.Штейнгел ва К.Троминлар йилнома календарь масаласини тадқиқ қилади. П.В.Хавский Русда йилномалар тарихига оид тадқиқотлар ва Юлиан календарини Григориий календарига таққослашга доир хронологик жадвалларни тузади. 1850 йилда, Д.М.Перевошиковнинг «православ черковида қабул қилинган вақтни ҳисоблаш қоидаси» номли китоби нашр қилинди. XIX аср охирларида Д.И.Прозовский насронийликкача бўлган даврда славян – рус вақт ҳисоби ва Қадимги Русда соатни ҳисоблаш асосларини ишлаб чиқди.

XX асрга келиб, хронология тарихнинг асосий ёрдамчи фанларидан бирига айланади. Бу даврда Куёш, Ой-куёш календарларига доир тадқиқотлар юзага келади. 1906-1914 йилларда немис олими. Гинцель уч жилддан иборат «Математик ва техник хронология» номли китобини ёзади.

Замонавий хронологиянинг ривожланишида Э.Мейер (1904), Р.Паркер (1950) (Миср календарлари), М.М.Ундерхил (1921) хиндларда хронология фани, М.Малер яҳудий календарлари, С.Г.Морлей (1954) майя халқларида вақт ҳисоби, Х.Митцман «Рим хронологияси» (1957), Э.Бикерман «Қадимги дунё хронологияси» (1966), Р.Нойгебауэр, А.Е.Штамп, В.Грумел каби тадқиқотчиларнинг хронология услублари ва назариясига оид тадқиқотлари катта аҳамият касб этди. XIX аср охирларида Россияда Юлиан' календарини ислоҳ қишши бўйича махсус комиссия тузилади. Унга машҳур олим Д.И.Менделеев бошчилик қилади. XX аср бошларида хронология фанига оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилди. Н.В.Степанов «Янги услуб ва православ пасхаси» (1907) китобида янги календарга ўтиш заруратини таъкидлайди. Олим томонидан 1909-1915 йилларда рус солномалари календари, Қадимги Рус йил ҳисоби, март ва сентябр ультрамарт услублари ўрганилади ва тадқиқотлар жамланиб, 1917 йилда «Календарь-хронология маълумотномаси» нашр қилинади.

1918 йилда Россияда Григориий календари қабул қилинади. Натижада янги календарь системасига оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилади. И.Ф.Полак «Календарнинг ўзгариши» (1918) ва «Вақт ва календарь» (1928), О.А.Доблаш - Рождественский «Инсонлар қандай қилиб йилни ҳисоблашни ўрганадилар» (1922), Н.И.Идельсон «Календарь тарихи» М.Матье, Н.Шолколарнинг «Ҳозирги, ўтмиш-даги ва келажакдаги календарлар» (1931) каби асарлари ўша изланишлар мевасидир.

1938 йилда В.К.Никольскийнинг «Бизнинг йил ҳисобимизнинг пайдо бўлиши», 1941 йилда Л.Климовичнинг «Байрамлар ва ислом рўзалари» номли китоблари нашр қилинади. Н.Г.Бережковнинг «XV асргача бўлган рус солномалари хронологияси» номли мақоласи ва Рус солномалари хронологияси» (М., 1963) номли монографиялари хронология фанига оид муҳим тақиқотлардан биридир. Муаллиф рус солномаларида март, сентябр ва ультрамарт услубларида берилганлигини исботлайди ва рус солномалари хронологиясини ўрганишнинг услубларини ишлаб чиқади.

1954-1956 йилларда БМТда янада мукамал ва барча халқлар учун ягона бўлган янги календарни ўрганиш масаласи муҳокама қилинади. Натижада бир қатор мамлакатларда календарларнинг астрономик асоси ва йилни ҳисоблашнинг янги услубларига оид илмий тадқиқотлар юзага келади. Жумладан, Г.Д.Мамедбейли (1961), И.А.Орбели (1961) мусулмон йил ҳисоби, М.Р.Рахимов тожикларда йил ҳисоби (1957) ва Г.Мчерлидзеелар Қадимги грузин йил ҳисоби бўйича тадқиқотлар олиб борадилар.

**Ўрта Осиё олимларнинг хронология ривожланишига қўшган хиссаси.** Урта асрларда хронология янада ривожланиб борди. Хронология ривожига Ўрта Осиёлик олимлар, Аҳмадал-Фарғоний (797-865), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Умар Ҳайём (1048-1131) ва Мирзо Улуғбек (1394-1449) катта ҳисса қўшди.

**Аҳмад ал-Фарғоний.** Аҳмад ал-Фарғоний илми-хайъат (фалакиётшунослик-астрономия, риёзиёт-математика) ва жўғрофия (география) фанлари билан шуғулланди ҳамда қатор илмий асарлар ёзиб қолдирди. Аҳмад ал-Фарғоний ал-Маъмун топширигига биноан Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳаракати ва уларни аниқлаш, янгича «зиж» яратиш ишларига раҳбарлик қилди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомий илм ан-нуҷум» (Самовий ҳаракатлар ва умумий илми китоби) асари астрономик асар ҳисобланади. Бу асар астрономия асослари ҳақидаги китоб номи билан маълум бўлиб, 1145-1175 йиллардан Европада латин тилига таржима этилган. Олим «Алфраганус» номи билан Г арбда шуҳрат топади. Унинг мазкур асаридан асрлар давомида Европа университетларида асосий дарслик сифатида фойдаланилган, чунки бу китоб замонасининг астрономия ҳақидаги энг муҳим зарур бўлган билимларини ўз ичига олган эди. Аҳмадал-Фарғонийнинг «Ердаги маълум мамлакатлар ва шаҳарларнинг номлари ва ҳар бир иқлимдаги ҳодисалар ҳақида» асари ҳам машҳур. Асарда Ернинг юмалоқлиги, бир хил осмон ёриткичларининг турли вақтда кўтарилиши, тутилиши ва бу тутилишлар ҳар бир жойда турлича кўриниш, масофалар ўзгариши билан уларнинг кўриниши ҳам ўзгариши ҳақида қимматли мулоҳазалар билдирилади.

**Абу Райҳон Беруний.** Абу Райҳон Беруний Шарқнинг ёрқин ва улуг сиймоларидан бири ҳисобланади. Унинг «Ал осор ал-бокия ани-л-курун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»), («Хронология»), «Қонуни Масъудий» асарларида хронология фанига оид кўплаб маълумотлар берилган. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарда араб, эрон, сўғд, хоразм, юнон календари ҳамда асосий вақт бирликлари, турли вақт тартиблари ҳақида батафсил маълумот берган. Олим ҳар бир халқнинг ўз тарихи борлигини таъкидлар экан, уларнинг нафақат тарихи, балки вақт ҳисоби ҳамда календарлари ҳам бир-биридан фарқ қилиниши таъкидлайди.

Абу Райҳон Беруний «Мовароуннаҳр оташпараствлари, яъни Хоразм ва Сўғд аҳолиси ишлатадиган ойларни» баён этади. Мовароуннаҳрликларнинг календаридоги ойларининг сони ва йилнинг узунлигига кўра эронликлар календарига ўхшаши, фақат ойларнинг бошланиши орасида фарқ борлигини кўрсатиб ўтади. Абу Райҳон Беруний хоразмликлар календаридоги ва кунларининг номларини ҳам келтириб ўтади. Хоразмликлар «исфандоражий» (ўн иккинчи) ойининг охирига қўшиладиган ортиқча беш куннинг биринчисини ойнинг биринчикуни номи билан атаб, қолган кунларга ҳам бири н-кетин келган кунларнинг номларини беришлари аниқлаганини таъкидлайди.

**«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»** асаридан туркий халқлар ўн икки хайвон номи билан аталувчи мучал календари ва уларнинг номлари ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин. Қолаверса, эронликларнинг календаридоги ўн иккита ой номини ҳам шу асарда учратиш мумкин. Эронликлар тузган календарда ҳар бир ой 30 кундан ҳисобланиб, қўшимча 5 кун ўн икки ой охирига қўшилган. Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича, бу 5 кун Қадимги эрон тилида «панжи», «андарго» деб аталган. Кейинчалик бу ном арабчалашиб, «андаржо» ўзгартирилган. Бу беш кун «ўғирланган кун», деб ҳам аталган,

улар бирор ой кунлари ҳисобланмаган. Эронликлар уларни «обонмоҳ» билан «озармоҳ» ўртасига қўйиб, ҳар бир ой кунларига берилган номларда бошқа номлар билан атаганлар. Эрон календаридида бир йил уч юз олтимиш беш кун бўлган. Улар чорак кунлар бир ой бўлмагунча ҳисобга олмаганлар. Бу бир юз йигирма йилда бир марта бўлган<sup>^</sup> Шунда ортиқча ойни йил ойлари каторига қўшганлар ва у ўн учинчи ой бўлган. Ўша йилни кабиса йил деб, ортиқча ой кунларини бошқа ойлари билан атаганлар. Абу Райҳон Берунийнинг маълумот беришича, улар дастлаб ҳафтадан фойдаланмаганлар. Олим бу ҳақида шундай маълумот беради: «Дастлаб ҳафталарни ишлатган ғарб томон аҳолиси, айниқса, Шом ва унинг теварагида яшовчилар бўлганлар. Бунга сабаб, у томонда пайгамбарлар юзага чиқиб, Тавротда айтилганидек, биринчи ҳафта ва бу ҳафтада олам пайдо бўлганидан хабар берганлар. Кейин бу одат улардан бошқа миллатларга тарқалган».

Беруний Миср календарига ҳам тўхталиб ўтиб, календардаги эски ва янги ой номларини ўз асарида таъкидлаб ўтади. Мисрликлар қўшимча беш кунни «абагамно» (кичик ой), кабисали йилни эса «анкнакт» (аломат) деб атаганлар. Қўшимча кун сўнги «мусрий» ойнинг охирига қўшилган. Беруний «Шом мамлақати» (Сурия) календаридидаги ўн икки ой номлари ва тўрт йилда бир марта бешинчи (шубат) ойга бир кун - қўшиб ҳисоблашлари ҳақида ёзади. Бу манбага кўра «Шом мамлақати» календаридидаги ой номлари кенг тарқалган, хатто араблар ҳам «дала ишларига тегишли вақтларни» шу ойлари билан белгилар экан.

Абу Райҳон Беруний «Қонуни Масъудий» асарида Қадимги араб календаридидаги ўн иккита ой номини келтиради, лекин уларнинг фақат иккитасининг луғавий маъносини бериб ўтади. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» да замонавий араб календаридидаги ўн иккита ой ва етти ҳафта кунининг номи ва ўз таърифлари ҳам келтирилади. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, араблар яхудийлардан йилга қўшимча ой қўшишни ўрганганлар ва бу ойни «айём ан-наси» деб атаганлар. Абу Райҳон Беруний ўз асарида милодий йил ҳисобига ҳам тўхталиб ўтади. У мазкур календарни «румий календари» деб атади ва календарга биринчи марта кабиса йилини Юлий Цезарь киритган, деб ёзади. Олим милодий йил ҳисобини Қадимги халқларнинг катор йил ҳисоблари билан қиёслади. «Қонуни Масъудий» асарининг иккинчи китоби хронология масалаларига бағишланган бўлиб, унда «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қўрилган масалалар тўлдирилиб, давом эттирилади. Асарда Эрон, Бобил, Рум подшоҳи ва араб халифалари ҳукмронлик қилган йилларининг хронологик жадваллари келтирилиб, уларнинг номлари юнонча транскрипцияда берилган. Шунингдек, мазкур асарда инсоният томонидан қўлланилган эралар, жумладан, Яздигард, Искандар, Филипп, «Бухтунассар» (Набонассар) эрасини аниқлаш масалалари хусусида ҳам сўз боради.

Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида бу ўлкада яшовчи халқларнинг урф-одатлари, географияси ва у боғлиқ астрономияси кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, олим буржлар, ой фазаларининг ўзгариши, ҳинд эралари, Ой ва Қуёш календарлари ва олтимиш йиллик Юпитер даврийлиги номларини келтириб ўтган.

**Умар Ҳайём.** Шарқнинг энг йирик расадхоналаридан бўлган Исфохон расадхонасини 1076 йили Умар Ҳайёмнинг илтимосига кўра Маликшоҳ қурдирган эди. Олим бу расадхонада олиб борилган кўп йиллик кузатишлари натижасида, ўзининг «Маликшоҳжи» асарини ёзади. Умар Ҳайём хронология фанига қўшган катта ҳиссаси календарь ислоҳотига тегишлидир. Маликшоҳ Умар Ҳайёмга йил боши Наврўз баҳорги тенг кунлик билан мос тушадиган янги календарь топширади. Умар Ҳайём бу даврда қўлланиб келинган машҳур Юлиан календарининг хатоси 128 йилда бир кунга тенг эканлиги ва бу хатони тақрорламаслик учун янги календарнинг йилларини янги комбинацияда тузишни таклиф қилади. Янги календарь лойиҳасига кўра, ҳар ўттиз уч йиллик даврнинг дастлабки йигирма саккиз йилида кабиса йиллари худди календаридек етти кабиса йилдан, саккизинчи кабиса йили эса одатдагидек уч йилдан сўнг эмас, тўрт йилдан сўнг бешинчи йили қабул қилинадиган бўлди. Натижада, Умар Ҳайём календарнинг йил узунлиги 365 сутка 5 соат 49 минут 5,5 сонияга тенг бўлди. Айни вақтда Умар Ҳайём календарининг хатолиги аниқланган бўлиб, у 19,5 сонияни ташкил этди. Бу календардаги хатолик 4500 йилдагина бир суткани ташкил қилади демакдир. Мазкур натижа календарь канчалик мукамал тузилганлигидан далолат беради.

Умар Ҳайём календари Маликшоҳ томонидан 1079 йил (ҳижрий камарий 471 йил) да қабул қилинди. Умар Ҳайём календари Эронда ХГХ асрнинг ўрталарига қадар қўлланилган. Бу календарь Умар Ҳайём календари дейилиши билан барга Маликшоҳ шарафига «Жалолий календари» деб ҳам юритилган. Унинг хронология фанига оид яна бир машҳур асари «Наврўзнома» дир. Асарда Қуёш календари тарихи батафсил баён қилинади. Наврўз кунининг қандай белгилангани, қандай нишонлангани тўғрисида маълумотлар ҳамда ой номларининг луғавий маъносини ҳам беради.

**Мирзо Улуғбек.** Мирзо Улуғбек «Зижи Қўрагоний» асарида вақтни ҳисоблаш масалаларига тўхталиб ўтган. Олим йил китобининг шарқ халқлари қабул қилган усулларини баён этиб, «юнон, маликий, хитой ва уйғур эралари» ҳамда улар орасидаги фарқ, мазкур эралардаги байрам кунлари тўғрисида батафсил маълумот беради. Ҳижрий-камарий календардаги араб даврийлиги, йил боши ва **ой** маҳалларини аниқлаш жадвалларини ва формулаларини кўрсатиб ўтади. Европада Мирзо Улуғбек ва Насриддин Тусийнинг юлдузлар жадвали каталоги 1648 йилда Оксфорд университети астрономи Жон Гривас томонидан нашрга тайёрланган. 1650 йилда Мирзо Улуғбек асарларининг хронологияга оид маълумотлари, Шарқ халқларида йил ҳисоби, календарларга доир қисмлари нашр этилади. Мирзо Улу! "гкнинг юлдузлар каталоги 1665 йилда Томас Хайд томонидан лотин ва форс тилларида нашр қилинади. 1853 йилда Мирзо Улуғбекнинг бу жадвалларга берган тўлиқ муқаддимасини Седиллот таржимаси билан нашр этилган.

Хронология календарларнинг ривожланиши ва ўзгариши билан чамбарчас боғлиқдир. Календарь сўзи лотинча «календарийум» сўзидан олинган бўлиб, қарз китоби маъносини англатади. Бу сўз шу нарса билан боғлиқки, қадимги Римда қарздорлар кам қарз фоизларини ойнинг биринчи кунинида тўлаганлар.

Ҳозирги пайтда календарь бу турли мамлакатларда вақт ҳисоби системаси бўлиб, унинг асосида табиатнинг даврий ҳодисалари, осмон жисмлари ҳаракатлари, вақт оралиқларининг ҳисоби олиб борилади. Календарни ўрганиш тарих фанининг вазифасига кирилади. Тарих фани эса бу ўринда хронология фанига мурожаат қилади. Хронология турли ҳодисалар ва ҳужжат саналарини тузишдан иборат вазифани бажаради. Хронологияда календар турлари, уларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёнлар, ва миқдорий қўринишларидан; Қадимги Шарқ давлатларига хос календарлар; уларнинг ҳам шаклланиш тараққиёт босқичлари ва шулар билан бирга Қадимги Юнонистон ҳамда Римга хос календарлар тарихи уларнинг ўзларига хос хусусиятлари ўрганилади.

## Таянч тушунчалар :

**Хронология** - вақт бирлиги, бўлинишини ўрганади, «хронос» - вақт, «логос» - фан.

**Биринчи хронология ҳақидаги маълумотномалар тўплами** - XIX асрнинг I-ярмида П.В.Хавский «Хронология жадвали»ни тузган.

**Абағамно** - Мисрликлар қўшимча беш кунни (кичик ой) деб атаганлар.

**Анқнакт** - Мисрликлар кабисали йилни эса (аломат) деб атаганлар. «Мусрий» - Мисрликлар қўшимча кунни сўнгги ойининг охирига қўшганлар ва уни шундай атаганлар.

**Календарь** - лотинча «календариум» сўзидан олинган бўлиб, қарз китоби маъносини англатади.

## 2-мавзу. ВАҚТ САНАСИ БИРЛИГИ. ЭНГ ҚАДИМГИ КАЛЕНДАРЛАР

### Режа

1. Вақт тушунчаси. Ҳафта, сутка, соат тушунчалари. Дастлабки соатлар.

2. Календарлар ҳақида тушунча.

3. Календарлар ва уларнинг турлари (Қуёш, Ой, ой-қуёш календарлари).

**Вақт тушунчаси.** Вақтнинг энг муҳим хусусиятларидан бири, унинг бир томонлама, яъни олға, келажак томонга юришидир. Математиклар таъбири билан айтганда, манфий вақт бўлиши мумкин ҳам эмас. Вақтни ўлчаш учун сония, дақиқа, соат, сутка, ҳафта, ой ва йил бирликлари қабул қилинган. Олинган ва бутун дунё мамлакатларида бир хил қабул қилинган. Аниқ вақтнинг асосий манбаи астрономик кузатишлардир. Махсус асбоблар ёрдамида юлдузларни кузатиб, аниқ вақтни (сониянинг мингдан бир улушлари аниқлигида) топилади.

**Ҳафта ва унинг турлари.** Вақт - табиатдаги даврий ҳодисага, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш даврига нисбатан ҳисобланадиган ўлчов бирлигидир. Ўрта аср солномачиси Достопочтенний, «йилнинг узунлигини - табиат, ойнинг узунлигини - анъаналар, ҳафтанинг узунлигини белгилайди», - деб ёзган эди. Вақтнинг сунъий бирлиги бўлган ҳафталар, қадимда уч, беш ва етти кундан иборат бўлган. Бобил ва Шумер матнларида етти кунлик ҳафта мавжудлиги ҳақида маълумотлар берилган. Етти кунлик ҳафта вақт ўлчови сифатида Шарқда Бобилда ишлатилган. Римда ҳам дастлаб саккиз кунлик ҳафта бўлиб, унга А харфидан Н харфигача бўлган номлар берилган. Римда император Август даврида (милоддан аввалги 63-милоднинг 14) етга кунлик ҳафта кенг тарқалган. Етти кунлик ҳафта яхудийлардан мисрликларга, улардан римликларга ва сўнгра Фарбий Европага тарқалган. Бобилликлар еттини «кутлуғ сон» деб ҳисоблаганлар. Бу сизиниш ўша даврда маълум бўлган бешта «сайёра» - «планета» ёки «дайдиб юрувчилар» ва улар қаторига қўшиб ҳисобланган Ой ва Қуёш билан боғлиқ бўлган. Улар Ер атрофида етти сайёра - Ой, Меркурий, Венера, Қуёш, Марс, Юпитер ва Сатурн айланади, деб ҳисоблаганлар. Ҳафталарга сайёраларнинг номи берилган. Бу номларни римликлардан сўнгра, Фарбий Европа халқлари ҳам қўллашган. Лотинча, французча ва инглизчада уларнинг кўринишларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

### ҲАФТА КУНЛАРИНИНГ НОМЛАНИШИНИНГ АСТРОНОМИК ИФОДАСИ

*Ой (душанба)*

*Марс (сешанба)*

*Меркурий (чоршанба)*

*Юпитер (пайшанба)*

*Венера (жума)*

*Сатурн (шанба)*

*Қуёш (якшанба)*

Қадимда сайёраларнинг номи соатларга ҳам берилган. Бир ҳафтада 168 соат (24x7) бўлган. Шанбанинг биринчи соатини (шунингдек, 8, 15, 22 соатларини) 23 соатини Юпитер, 24 соатини Марс бошқарган.

Етти кунлик ҳафта Фарбда император Август даврида кенг тарқалди. Милоддан аввалги 321 йилда Константин «Ҳамма фуқаролар Қуёш куни дам олсин», - деб фармон берди.

Славянларда ҳам етти кунлик ҳафта бўлиб якшанба «неделей», яъни «ҳеч нарса қилма», «ишламайдиган кун» - дейилган. Душанба - «понедельник» - «неделей» дан кейинги кун, вторник сешанба) - «недели» дан сўнгги иккинчи, среда (чоршанба) - недели (ҳафтанинг ўртаси), «четверг», «пятница» - тўртинчи ва бешинчи кун деб аталади. «Суббота» - саббат (шабат) - яъни дам олиш сўзидан олинган. Қадимги Русда замонавий якшанба XVI асргача «недели» деб аталган. Ҳафта сўзининг ўрнида эса «седмица» ишлатилган.

Қадимги Скандинавия халқларида шанба - «кидагэйау» «ҳаммом куни» деган маънони билдирган. Бу шведларда (lorsday ва larsday) ҳам сақданиб қолган. Баъзи халқларда эстон, латиш, араб, юнон ва хитойликларда ҳафта номлари тартиб рақами бўйича аталган. Ҳафталарни рақамлаш Қадимги Бобилда ҳам мавжуд бўлган. Масалан: Сатурн куни бахтсиз ҳисобланган боис, шу куни улар бирор бир иш билан шуғулланишмаган «шаббат» - «осудалик» номини олган. Шу ном кейинчалик араб ва славян тилларида ҳам ишлатилган.

Баъзи халқларда ҳафталарнинг тартиб рақами бошқачароқ қўйилган. Масалан, грузин тилида бешта шанба мавжуд. Ҳақиқий шанба - «шабати» дан ташқари яна, иккинчи шанба (оршабати) - яъни душанба, учинчи шанба (самшабати сешанба, тўртинчи шанба (отшабати) - чоршанба, бешинчи шанба (хутшабати) пайшанба, жума - *параскеви* ва якшанба - *крива* деб аталади. Форсчада ҳам ҳафта номларида "шанба, сўзи олти марта такрорланади. Якшанба - биринчи шанба, душанба - иккинчи шанба, сешанба-учинчи шанба, чоршанба - тўртинчи шанба ва пайшанба-бешинчи шанба тарзида. Жума - муқаддас кун ҳисобланади. Ҳафталарнинг форсча номлари Кавказ Осиё халқлари томонидан ҳам ишлатилади. Озарбайжон тилида «*бозор*» - якшанба, туркчада ҳам якшанба - «*пазар*», «*пазартеси*» - бозордан кейин-ги кун деб аталади. Англияда вақтлар шанба ҳафтанинг охири куни ҳисобланган. Гальфрид Монмутский<sup>1</sup> (XII аср) асарларидан бунга бир талай мисол топишимиз мумкин.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, турли номларда ва шакллардаги ҳафталардан фойдаланилган.

**Сутка ва унинг дастлабки шакллари.** *Ер шарининг ўз ўқи атрофида бир марта айланиб чиқиши учун кетган вақт сутка деб аталади.* Сутка – вақтнинг дастлабки ўлчов бирлигидир. Сутканинг 24 дан бир бўлаги бир соат, соатнинг 60 дан бир бўлаги дақиқа, дақиқанинг 60 дан бири сония дейилади. Ер ўз ўқи атрофида нотекис айланиши маълум,

аммо бу нотекислик кичик бўлиб, 100 йилда сонияшгег мингдан бир улуши билан ўлчанади. Қадимда кеча ва кундузнинг алмашишидан вақт ўлчови меъёри сифатида фойдаланишган. Қадимда юнонча «Бетега» - сутка сўзи икки маънода қўлланилган:

- 1) Куёш чиқишидан Куёш ботишигача бўлган вақт оралиғи;
- 2) Куёш чиқишидан кейинги Куёш чиқишигача бўлган вақт оралиғи.

Лотинча «*dies*» - сутка сўзи ҳам шу маънони билдирган. Қадимги Юнонистон, Рим, Бобилда ва Мисрда сутка эрталабдан, Ўрта Осиёда кечкурундан бошлаб ҳисобланган. Ой календаридан фойдаланган афиналиклар, германлар, иудейларда ҳам сутка-кун кечкурундан бошланган. Зардушпийлар эса Куёшнинг чиқиши билан янги кун бошланади деб ҳисоблашган.

Суткаларни дастлаб мисрликлар соатларга бўлганлар. Миллоддан аввалги йилида Миср кохинлари суткани 24 соатга бўлишган: Улар соатни кундуз, 2 соатни гира-шира пай., 12 соатни кечаси ҳисоблашган. Бобилда ҳам бир сутканинг 12 соати кечаси ҳисобланган. Герадотнинг таъкидлашича, юнонлар бобилликларнинг шу системасидан фойдаланишган. Геродотнинг ёзишича, миллоддан аввалги VI аҳамонийлар ҳукмдори Доро скифларга юриши даврида қўриқчиларига вақтни ҳисоблаш учун тугилган арқон, ташлаб кетади. Улар ҳар куни битта тугунни ечганлар. Қолган тугунларнинг сони шохнинг қайтишига неча кун борлигини билдирган. Аҳамонийлар ҳукмдорлиги даврида вақтни ҳисоблашнинг бундан ҳам мукамалроқ усули мавжуд бўлган, лекин оддий қўриқчи аскарлар юкоридаги усулдан фойдаланишган.

Ернинг юлдузларга нисбатан бир марта айланиб чиқиш даври суткасига ва Куёшга нисбатан айланиш даври Куёш суткасига бўлинади. Юлдуз суткаси узунлиги баҳорги тенг кунлик нуктасидан иккита кетма-кет юкори (ёки пастки) кульминациялари орасидаги вақтга тенг. Юлдуз суткаси ҳақиқий (прецессия ва нутация ҳисобга олинса) юлдуз суткаларига ажралади. Баҳорги тенг кунлик суткаси нуктасининг прецессион ҳаракати таъсирида ўртача юлдуз суткаси Ернинг ўз ўқи атрофида ҳақиқий айланиш давридан 0,0084 сонияга қисқа.

Кундалик ҳаётимизда асосан ўртача куёш вақтидан фойдаланамиз. Ўртача Куёш - экватор бўйлаб тропик йил ичида бир марта текис айланиб чиқадиган ҳаёлий нуктадир. Ўртача Куёш марказининг юкори кульминация пайти ўртача тушлик пайти дейилади. Ўртача Куёш вақти шу пайтдан бошланади. Ўртача Куёш марказининг пастки кульминация пайти ярим тун деб фукаро вақти шу пайтдан (соат 24.00) ҳисобланади ва календарда кун ўзгаради. Астрономияда 1925 йилгача кун ҳисоби туш пайтида ўзгарар, яъни янги кун кундузи соат 12 дан бошланар эди. 1925 йилдан бошлаб астрономияда ҳам фукаро вақтидан фойдаланилмоқца.

**Соат тушунчаси. Дастлабки соатлар.** Соат - бу халқаро бирликлар тизимига кирмайдиган вақт ўлчов бирлиги, қиймати 60 дақиқа ёки 3600 сонияга тенг вақт оралиғи ва вақтни ўлчаш учун ишлатилган асбобдир. Юнонча «*һого*», инглизча «*һоиғ*» соат сўзи дастлаб «вақт оралиғи, давр» каби маъноларни билдирган. Миллоддан аввалги IV асрларда юнончада соат атамаси пайдо бўлган. Одамлар вақтни ўлчашга қадимдан ҳаракат қилиб келишган. Улар Куёш, Ой ҳаракатлишини ва бошқа табиат ҳодисаларнинг муайян вақтларда такрорланиб туришини сезганлар ва улардан вақтни ўлчашда фойдаланганлар. Юнон олими Птолемей (мил. авв. II аср) суткани соат, дақиқа сонияга бўлган. Вақтни жуда аниқ ўлчаш учун махсус астрономик кузатишлар ўтказилган. Бу кузатишлар самараси ўларок дастлаб куёш соати, кейинчалик сув ва кум соатлари пайдо бўлди.


Ксенофонтнинг таъкидлашича, соат кундузи куёшга, кечаси юлдузларга ҳамда одам соясининг узунлигига қараб соат аниқланган. Миллоддан аввалги 1800 йилда Миср кохинлари кечаси бўладиган ибодатларда юлдуз соатларидан фойдаланишган. Куёш ва сув соатларининг пайдо бўлиши соатни янада аниқроқ билиш имконини берди. Мисрда миллоддан аввалги 1600 йилларда сув соатлари, ва 1450 йилларда Куёш соатларидан фойдаланишган. Биринчи Куёш соати, яъни скафис бобиллик Берос томонидан миллоддан аввалги III асрда курилади. Дастлабки юнон Куёш соатлари миллоддан ав. 550 йилларда Анаксиманту Милетский томонидан яратилган. Римда миллоддан аввалги 293 йилдан бошлаб Куёш соатларидан фойдалана бошланган. Осиё халқларида эса қадимда кум соатлари кенг тарқалган. Бу соатлар узун бўлмаган вақт оралиғини ҳисоблашга мўлжалланган. Ҳозирда тиббиётда кум соатларидан фойдаланилади. Хитойда олов соатларидан фойдаланишган. Унда махсус шамлар ишлатилган. Миллоддан аввалги биринчи минг йилликда сув соатлари - *клеспидралар* кенг тарқалди. Мазкур соатлар, аниқ ва қулай бўлмаса-да, маълум бир қатламдаги одамларнинг эҳтиёжини қондирган. Урта Осиёда XV асрнинг биринчи ярмида Мирзо Улуғбек Самарқандда 50 метрлик Куёш соатини бунёд этган. Жамиятдаги тараккиёт натижасида аниқ ва қулай соатларга бўлган эҳтиёж юзага келди. Механик соатлар бу даврга янгилик бўлиб кирди. 578 йиллардаги Византия манбаларида *механик (ғилдиракли)* соатлар тилга олинади. XI-XII келиб, Европада механик (ғилдиракли) соатлар кенг тарқалди. Бундай соатлар, одатда, ратуша минораларига ўрнатилган. Ғилдиракли соатларнинг камчилиги уларнинг улканлиги ва аниқ эмаслигида эди. Россияда бундай соатлар дастлаб 1404 Кремлга ўрнатилади. 1706 йилда Пётр I буйруғи билан бу соат ўрнини Голланд куранти эгаллайди. XVI асрда ғилдиракли соатлар ўрнини янги соатлар эгаллайди. 1640 йилда Галилей томонидан маятникли соатлар лойиҳаси ишлаб чиқилади. Ушбу соат унинг вафотидан кейин 1675 йилда Христиан Гюгенс томонидан ясалади. Христиан Гюгенс чўнтак соатига балансир спираль тизимини (ҳозирги соатларнинг асосий механизмини) киритди ва соатнинг аниқ юриши анча яхшиланди. И.П.Кулибин XVIII асрда товук тухумидек келадиган мураккаб механизмли механик соат ясади. У хар соатда занг урарди. Россияда биринчи зангли соат 1404 йилда Москвада Благовешенск собори яқинида ўрнатилган. Уни византиялик Монач Лазар Сербин ясаган. XIX асрга келиб қўл соатлари пайдо бўлди. Бундай соатлар чўнтак соатидан фарқ қилмасди. Уларда қўшимча қисмлар, календарь кўрсаткичи, сониямер, ўз-ўзидан бураш механизми ҳам бор эди. Дастлабки электр соат Россияда 1840 йилда яратилди. XX асрда электр-механик, электрон-кварц, молекуляр, атом соатлари яратилди. Тошкентда 1947 йилда курилган Тошкент куранти минорасига тўрт циферблатли зангли электр соат ўрнатилган. Энергия манбаига қўра соатлар атом, механик, молекуляр ва электр, тебраниш тизими маятникли, балансирли ва камертонли хилларга бўлинади.

**Календарлар ва уларнинг турлари.** (Тропик йил ва календарь йили, Куёш календари, Ой календари, Ой - куёш календари) Биз танишиб ўтган вақт бирлиги сутка катта даврларни ўлчаш учун кичиклик қилади - Катта даврларни ўлчаш учун суткани ишлатадиган бўлсак, жуда катта сонларни ифодалашга тўғри келади. Вақт бирлиги суткани 10 баравар катталаштириб ишлатиш мумкин. Лекин қадим замонлардан бери инсоният катта вақт оралиғини ўлчаш учун суткадан

ташқари хафта, ой ва йилдан фойдаланиб келганлар. Вақтнинг катта ораликлари ўлчаш бирлиги табиий бирлик - йил деб Ернинг куёш атрофида бир марта тўла айланиб чиқиш даври қабул қилинган. Аммо йил суткалар билан бутун сон орқали ифодаланмайди, яъни сутка ва йил каррали эмас.

Куёш ўзининг кўринма ҳаракати бўйича баҳорги тенг кунлик нуқтаси Y дан икки марта кетма-кет ўтиши учун кетган вақт **тропик йил** деб аталади. Унинг давомийлиги 365 сутка 5соат 48 минут 46 секундга ёки 365,242195 ўртача суткага тенг.

## ОСМОН СФЕРАСИНИНГ АСОСИЙ НУҚТАЛАРИ ВА ЧИЗИҚЛАРИ



Тропик йилнинг 365 суткадан ортиқ қисми йил олиб боришда кўп ноқулайликларга сабаб бўлади. Кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган йил ҳисоби календарь. йили деб аталади.

**Календарь атамаси латинча *calendarium*** — «қарз дафтари» деган маънони англатади. Қадимда Римда қарздорлар ойнанинг биринчи куни қарзларининг фоизларини тўлаганлар ва бу «календарьга» қайд қилиб борилган. Табиатдаги аниқ бўлган вақт ҳисоби бирликлари сутка, ой йил қадимдан маълум бўлиб қадимги календарларнинг асосини ташкил этган. Биз календарь деб шундай вақт ҳисоби системасини айтамыз-ки, унинг асосида осмон ёриткичлари ҳаракатига боғлиқ табиатнинг даврий ҳодисалари ётади. Бундай системани яратиш биринчи бўлиб илк неолит даврида содир бўлди. Бу ишлаб чиқариш хўжалик шаклларининг пайдо бўлишига боғлиқ эди. Дехқончилик ва чорвачилик фаслий табиат ҳодисалари билан боғлиқ эди. Инсоният томонидан қўлланиб келинган календарларни икки асосий гуруҳга бўлишимиз мумкин. Булар Куёш ва Ой ҳисобларидаги календарлардир. Шундан келиб чиқиб, календарларни уч гуруҳга бўлишимиз мумкин.

- 1) Куёш календари;
- 2) Ой календари;
- 3) Ой-куёш календари.

Куёш календаридида тропик йилнинг узунлиги асос қилиб олинади. Куёш календарининг узунлиги тропик йилнинг узунлигига мумкин қадар яқин бўлиши керак. Агар календарь йили тропик йилдан қисқароқ бўлса, биз ўлчаётган вақт оралигида ортиқча вақт қолади. Масалан: йили Қадимги Мисрдагидек 365 сутка деб олинган, у тропик йилдан деярли 6 соат қисқа бўлганлигидан, 4 йилдан сўнг куёш билан баҳорги тенг кунлик нуқтасининг бирлашиши 21 мартга эмас, балки 22 мартга, яна 4 йилдан сўнг 23 мартга тўғри келар эди. Шундай қилиб, календарь йили тропик йилдан қисқа бўлса, йил фасллари календарь йилининг кейинги кунларига сурила боради. Бундай сурилиш бир неча авлод ҳаёти давомида сезиларли хатога олиб келарди, яъни 60 йилда фасллар 15 суткага, 120 йилда бир ойга кеч қолган бўларди, 720 йилда эса ҳатто олти ойга етиб, мартда куз, сентябрда баҳор бўларди. Агар календарь йилини 366 сутка деб олсак, у ҳолда бир сутка эмас, бапки уч сутка хатога йўл қўйиларди ва тенг кунлик нуқтаси Куёш билан 21 мартга эмас, 18 яна тўрт йилдан сўнг 15 мартга тўғри келган бўлар эди.

Юлий Цезарь Миср Куёш календарини ўрганиб чиқади ва Рим Ой-куёш календарини янги *Куёш* календари билан ўзгартиради. Дастлабки Миср куёш календари милoddан аввалги 3 минг йилликда яратилади. Миср астрономлари энг ёрқин юлдуз бўлган Сириуснинг гелиакик кўриниши, дарёсидаги тошқин вақтига тўғри келишини аниқдаган. Бу икки ҳодиса эса баҳорги тенг кунлик даврига тўғри келган. Миср календаридида бир йилнинг узунлиги 365 суткага тенг бўлган. Бир йил эса ўн иккита 30 кунлик ойларга ва қўшимча яна беш кундан иборат бўлган. Ҳар тўрт йилда бир сутка хатолик вужудга келарди. Мазкур Миср календари бир неча асрлар давомида ишлатиб келинган. Мазкур календарни ислоҳ қилишга бир неча бор уриниб кўришган.

Милoddан аввалги 238 йилда Птолемейлар сулоласидан бўлган Еввергет календарь ислоҳатини ўтказди. У ҳар 4 йилда йилнинг охириги кунидан сўнг худолар кунини нишонланадиган яна бир сутка қўшишга фармон беради. Бу ҳозирги кун атамаси билан айтадиган бўлсак, кабиса йилидир. Лекин бу ислоҳот амалга ошмай қолади. Фақатгина Юлий Цезарнинг ташаббуси билангина амалга ошади. Куёш календари Мисрнинг ерли халқи-коптларда яхши сақланиб қолган. Коптлар Мисрдан ташқари, Судан, Иордания, Туркия, Ироқ, Исроил ва Эфиопияда ҳам яшашади.

Юлиан календарининг асосчиси Александриялик астроном Созигендир. Мазкур календарда йилнинг узунлиги 365,25 суткага тенг бўлади. Унда ҳар тўрт йилнинг 3 йили 365, тўртинчи йили эса 366 кунга кабиса йили қилиб қабул қилинади. Лекин Юлиан календари тропик йилдан 0,0078 сутка (11 дақиқа 23,9 сония) узун эди. Натижада, ҳар 128 йилда бу хатолик бир суткани киларди. XVI асрга келиб, Юлиан календари бўйича баҳорги тенг кунлик 21 мартга эмас, балка 11 мартга тўғри келиб қолди. Юлиан календаридидаги хатоликларни кўпгина олимлар, жумладан, Мирзо Улуғбек ҳам таъкидлаган<sup>1</sup>. Юлиан календаридидаги хатоликни тузатиш мақсадида 1582 йилда Рим папаси Григорий XIII бошчилигида календарь ислоҳоти ўтказилади. **Натижада, янги бугунги кунда дунёда ишлатиб келинаётган Григорий календари**

<sup>1</sup> Цибульский В.В. Календари и хронология стран мира. - М.: Просвещения. 1982. с. 54.



**тузилади.** Григорий календарининг узунлиги 365.242500 суткага тенгдир. Григорий календари тропик йидан 0.000304 суткага фарқ қилади. Бу 3300 йилда бир суткани ташкил қилади.

Тарихда Григорий календаридан ҳам аниқроқ календарлар мавжуд бўлган. Шундай календарлардан бири 1079 йилда шоир, астроном олим Умар Ҳайём томонидан тузилган. Умар Ҳайём календари, Эрон шоҳи Маликшоҳ томонидан 1079 йилнинг 16 мартада (бу даврда Юлиан календари бўйича баҳорги тенг кунлик шу кунга тўғри келарди) ёки ҳижрий ой календари бўйича 471 йилнинг рамазонда қабул қилинди. **Бу календарь Умар Ҳайём календари дейилиши билан бирга, кўпинча Маликшоҳ шарафига Жалоллий календари деб ҳам юритилган.**

Умар Ҳайём календаридида кабиса йиллари ҳисоби Юлиан календаридан фарқ қилади. Унда 28 йил ичида Юлиан календаридигидек ҳар тўртинчи йили, кейингиси ўттиз иккинчи йилда эмас, балки беш йил ўтказиб ўттиз учинчи йилда қўшилади. Демак, Юлиан календари бўйича 32 йилда саккизта кабиса йили бўлса, Умар Ҳайём календаридида 33 йилда саккизта кабиса йили бўлади, яъни:

$$365 \cdot 25 + 366 \cdot 8 = 12053 \text{ сутка}$$

$$12053:33 = 365.2424 \text{ сутка}$$

Бу эса тропик йилдан 0.0002 сутка ортиқ, холос. Демак, Умар Ҳайём календаридида 4500 йилдан ортиқ вақтда бир сутка хато келиб чиқади. Умар Ҳайём календари Эронда 19 асрнинг ўрталаригача қўлланилган.

**Ой календари.** Қуёш ҳаракатини кузатишдан кўра, Ойни кузатиш осонроқ. Шунинг учун Ой ҳаракатига асосланган вақт ўлчови Қуёш ҳаракатига асосланган вақт ўлчовидан аввалроқ қўллана бошлаган. Ойнинг кўриниш шакллари кун сайин ўзгариб туради. Қадимдан инсонлар Ойнинг шакллариининг ўзгариб туришига назар солганлар. Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатлиниши даврида Қуёшга нисбатан эгаллайдиган вазиятлари Ой фазалари дейилади. Ой ўзидан нур чиқармайди, уни Қуёш нури ёки Қуёш нуриининг қайтаётган қисми ёритиши мумкин, шу туфайли Ойнинг фазода Қуёшга ва Ерга нисбатан қандай ҳолатда туришига кўра, у Ердан қаралганда турли шаклда кўринади. Ҳар ойда Ой тахминан Ер билан Қуёш орасидан ўтади ва Ерга ўзининг қоронғи томони билан туради. Бунга *астрономик янги ой* дейилади. Бир-икки кундан сўнг Қуёш ботгач, осмоннинг гарбий қисмида Ой ингичка ўроқ шаклида кўринади, бу халқ тилида *ҳилол ёки янги ой (визуал янги ой)* дейилади. Бунда Ойнинг қолган қисмини Ер ўзининг кундузги ярим шаридан қайтган нурлари билан хира кулранг равишда ёритиб туради. Етти кундан кейин Ердан Ойга ва Қуёшга томон йўналишлари орасидаги бурчак 90° га тенг бўлади, бунда у ярим «кулча» кўриниб, Ойнинг бу фазаси биринчи *чорак* дейилади. Тахминан 14-15 кунлик Ой Қуёшга қарама-қарши туриб, унинг қуёш билан ёритилган ярим сфераси тўлалигича Ерга қарайди. Ойнинг бу фазаси *тўлиной* деб аталади. Бунда Ойни тўла ёруғ доира шаклида кўриш мумкин. Кейинги кунларда Ойнинг гарбий томони «емирила бориб», 22-суткада фақат кабарик томони шарққа қараган *ярим доира* шаклида кўринади. Буни Ойнинг *охирги чорак* фазаси дейилади.

29,5 суткадан сўнг Ой яна астрономик янги ой фазасида бўлади. Икки кетма-кет келган янги ой орасида ўтган вақт Ойнинг синодик даври дейилиб 29 сутка 12 соат 44 минут 2,28 сонияга тенг. Сидерик ой -Ойнинг юлдузларга нисбатан икки кетма-кет келган бир хил вазияти орасида ўтган вақт бўлиб, у 27 сутка 7 соат 43 минут 11,51 сонияга тенг.

Ой атамасини биз икки маънода ишлатамиз. Бош ҳарф билан ёзиладиган Ой -бу Ер сайёрасининг табиий йўлдоши самовий жисмдир. Кичик ҳарф билан ёзиладиган вақт оралиги ўлчови, юқорида айтганимиз синодик ойдир. Ой календари тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ойларга бўлинади. Тўлиқ ойлар 30 кундан, тўлиқ бўлмаган ойлар 29 кундан иборат бўлган. Тоқ ойлар 30, жуфт ойлар 29 сутка қилиб белгиланган. Ой календаридида йилнинг давомийлиги 354.36706 суткага тенг.

Ой календаридида бир йил 354 сутка қилиб  $(29.5 \cdot 12 = 354)$  олинган. Ой календари мусулмон оламининг йил ҳисобига асос қилиб олинган. У милодий 622 йилнинг 16 июль жума кунидан бошлаб ҳисобланади. Ҳижрий йил ҳисоби ўз навбатида *ҳижрий-қамарий* (Ой) *ҳижрий-шамсий* йилига бўлинади.

Ой календаридида ҳам Қуёш календаридидаги каби йилларини ҳисоблашда баъзи муаммоларга дуч келинади. Ой календарининг ўзига хос жиҳати унинг жуда аниқлигидадир. Лекин Ой календарининг «камчилиги» у фазаларга мос тушмайди.

**Ой-қуёш** календари. Деҳқончилик ҳўжалигининг ривожланиши натижасида экиш, ҳосилни йиғиштириб олиш учун аниқ вақт ҳисоби зарур эдики, бу нарса Ой фазаларининг ўзгариши ва Қуёшнинг ҳаракати билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам ой-қуёш календарлари тузила бошланди. Ой-қуёш календарининг тузилиши Ой ва Қуёш календарларига қараганда анчагина мураккабдир. Ҳозирги кунга келиб, *Қуёш календари* жаҳонда халқаро календарь сифатида тан олинган.

#### **Таянч тушунчалар :**

**Calendarium** - Календарь атамаси лотинча - «қарз дафтари» деган маънони беради.

**Ой** - ўлчов бирлиги, ҳафта вақт бирлиги.

**Ой календарлари** - кўчманчи (чорва) халқларда пайдо бўлган.

**Ой - қуёш** календарлари - Ўтроқ (деҳқончилик) халқлар календари.

**Вақт ўлчов бирликлари** - соат, минут, сониялар.

**Ой фазалари** - Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатлиниши даврида Қуёшга нисбатан эгаллайдиган вазиятлари.

**Тропик йил** - Қуёш ўзининг кўринма ҳаракати бўйича баҳорги тенг кунлик нуктаси Ҳ дан икки марта кетма-кет ўтиши учун кетган вақтга айтилади.

**laugarsday** - Қадимги Скандинавия халқларида шанба - «ҳаммом куни» деган маънони билдирган.

### 3 - мавзу: ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН ВА РИМДАГИ КАЛЕНДАРЛАР. Юлиан ва Григория н календар ислохоти

Режа:

1. Қадимти Юнонистон календарлари.
2. Римдаги календарлар. Юлиан ва Григориан календарлари.
3. Замоनावий календарлар.

**Юнонистон календарлари.** Қадимги Юнонистонда милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларида Ой-куёш календари тузилди. Бу даврда ҳар бир полис ўз календарини ишлаб чиқади. Улар бир-бирига мос келса-да, ҳар бир календарнинг афзаллик томонлари бор эди. Улар бир йилни ҳар бири Янги Ой билан бошланадиган ўн икки ойга бўлиб чиқди. Календарни фаслларга мослаштириш учун қўшимча ўн учинчи ой ҳам жорий қилинган. Юнонистоннинг турли шаҳарларида ойларнинг ўз номлари бўлса-да, Афина календаридagi ой номлари бир-мунча кенг тарқалди. Улар:

1. *Гекатомбеон (июль) 7. Гамелион (январь)*
2. *Метагейтнион (август) 8. Антестерион (февраль)*
3. *Бозэромион (сентябрь) 9. Элафеболион (март)*
4. *Пианепсион (октябрь) 10. Ю.Мунихион (апрель)*
5. *Мемактерион (ноябрь) 11. И.Фаргелион (май)*
6. *Посейдеон (декабрь) 12. Скирофорион (июнь)*

Йил Куёшнинг ёзги тик туриш давридан (гекатомбеон - июл) бошланган. Эмболистик ойлар иккинчи посейдонга, баъзида иккинчи скирофорионга қўшилган. Эмболистик йилларнинг тартибини октаэтариди эгаллаган, яъни ҳар саккиз йилнинг учинчи, бешинчи, саккизинчи йиллари кабиса йили ҳисобланган.

Милоддан аввалги 432 йилда олимпиада ўйинларининг 86-йиллигига бағишланган тантаналарда Афинанинг марказига парапегма (ёзув, календарь маъносини беради) ўрнатилади. Унда ойларнинг кунлари кўрсатиб турилган. Юнон календарини ривожлантиришда Калипп ва Гиппархлар катта роль ўйнаган. Қадимги Юнонистонда милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаригача воқеаларни ёзишда ҳукмрон шахсларнинг номидан фойдаланилган. Афинада йил ҳисоби календарь учун маълум бўлган эпонимлар-ижроия ҳокимият (архонтлар) нинг раҳбарлари исми билан белгиланган. Милоддан аввалги IV асрда олимпиада асосидagi умум эллин йил ҳисоби кенг тарқалди.

Милоддан аввалги 776 йилдан бошлаб тўрт йилда бир марта бўлиб ўтадиган спорт ўйинлари халқ тантаналаридан бирига айланди. Олимпия ўйинлари янги йил бошланишига қараб белгиланган, чунки календарь системасидagi хатолар туфайли олимпиаданинг аниқ вақти белгиланмаган эди. Олимпия ўйинларининг вақтини жарчилар ҳар бир шаҳар халқига эълон қилган. Олимпия йил ҳисоби Қадимги юнонлар ҳаётига шунчалик чуқур кириб келди-ки, улар ўз эрасининг бошланишини Милоддан аввалги 766 йил биринчи июл қилиб белгилади, чунки айни шу кун биринчи Олимпия ўйинлари бўлиб ўтган эди.

Олимпия йил ҳисоби биринчи бўлиб, милоддан аввалги 264 йилда қадимги юнон тарихчиси Тиме томонидан қўлланилди ва бу ҳисоб VII асрча давом этади. 394 йили император Феодосий I Олимпия ўйинларини бекор қилади. Шундай бўлса-да, Олимпия йил ҳисоби дарҳол йўқ бўлиб кетмади. Олимпия йил ҳисобида тартиб рақами ва тўрт йилнинг тартиб рақамидан фойдаланилган, масалан: юнонлар ва форслар ўртасида бўлиб ўтган Саламин жанги 75,1 (яъни 75 олимпиаданинг биринчи йили) бўлиб ўтган. Юнон календари йил ҳисобини замонавий йил ҳисобига айлантириш жуда қийин, чунки, турли юнон шаҳарларида турли хилдаги янги йил ҳар хил вақтда бошланган календарлардан фойдаланилган.

Юнонларда илк календарь қачон ва ким томонидан яратилганлиги маълум эмас. Микен ва Конек текстларда сақланиб қолган баъзи ой номларини ўқишнинг иложи бўлмаган. Уларда ой ҳисоби мавжуд бўлиб, янги ойларнинг келиши байрам билан кутиб олинган. Дастлаб юнонлар ойлар номларини ва йилда неча ой борлигини ҳисобламаганлар. Милоддан аввалги VII асрда Юнонистондаги полислардан бири Дельфада календарлар реформаси ўтказилган деган маълумотлар мавжуд. Бу Дельфалик Фракул ижодида учраб, ундаги ой номлари байрамлар номи билан боғлиқ ҳолда кўрсатилган.

Юнон полислари ой - куёш календарларидан фойдаланганлар. Афина ва Дельфада йил ҳисоби янги ойнинг чиқиши билан бошланган. Спарта, Радос, Крит ва Милетда куздаги тенг кунликдан йил бошланган. Юнонларда ойларнинг номланиши алоҳида эътиборли байрамлар ва айнан фасллар алмашинуви билан боғлиқ бўлган. Юнонларда қишлоқ хўжалиги ишлари ҳам юлдузларни кузатув асосида олиб борилган. Бунда йил боши бўлиб ёзги куёш тушиши июндан олиб борилган. Уларда 7 кунлик ҳафта бўлмаган, улар ҳафта деганда вақт ҳисоблаш бирлигини тушунишмаган. Милодгача VI—V асрларда Аттикада октаедриклар системаси мавжуд бўлиб, саккиз йил уй эмболинистик йилда ўтган. Шунинг учун йиллар орасидаги фарқлар ҳар саккиз йилда уч кунни ташкил қилган. Бу юнонларга хос вақт ҳисоблаш тизими уларда календарнинг шаклланиши учун аниқ хулосага келиш имконини берган. Афиналикларда календарь 12 ойдан иборат бўлган. Ойларнинг қачон бошланиши белгиланмаган. Бу календарь бошқа юнон полисларидаги календарларга нисбатан анча машҳур бўлган. Ундаги ойлар 29 ёки 30 кундан иборат бўлиб, йил 354 суткани ташкил қилган. Афинада йилнинг бошланиши гекатабеон оии июл - августга тўғри келган. Афинада иилни тўғрилаш учун иккинчи Посейдон оии 29-30 суткали ой киритилган эди. Милодгача 432 йилда Афиналик астроном Метан 235 ой йили ойларини 19 куёш йилига тенг деб, 19 йиллик цикл 7 эмболистик йил деган ғояни олиб чиқди. Бу Метан цикли номини олди. У аниқлиги билан ажралиб турарди. Афинада воқеаларни ҳисоблаш мансабдор - архонтлар номи билан олиб бориларди. Бу Метан циклида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, бу ҳақиқатга яқин эди.

Милодгача IV асрдан бошлаб умумэллин йил ҳисоби бошланди. Олимпия ўйинлари ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилган. Йиллар ҳар тўрт йилги олимпиада ўйинлари бўйича ҳисобланган. Расмий календарлар қуёш календарини рад қилган, бу эса деҳқонларга ноқулайликлар тугдирган. Шунинг учун деҳқонлар юқорида айтиб ўтганимиздек, қишлоқ хўжалик календардан фойдаланганлар. Бу маълумотлар бизга милодгача бўлган VIII аср ёзувчиси Гесиод асарларида учрайди.

**Римдаги календарлар. Юлиан ва Григориан календарлари.** Қадимги Рим календарининг тузилиши санаси тўғрисида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Бизга маълуми шуки, Римнинг афсонавий асосчиси ва ҳукмрони Ромул (милоддан аввалги VIII асрнинг ўрталари) даврида ой календаридан фойдаланганлар. Календарь бир йил 10 ой, жами 304 кундан иборат бўлган. Ойлар тартиб рақамлари (биринчи, иккинчи, ... ўнинчи) билан номланган. Тўрт ой 31 кундан (1,3, 5, 8 ойлар) ва олти ой 30 кундан иборат бўлган.

Йил баҳорги тенгкунликдан бошланган. «Ромул йилини» астрономик йилга тенглаштириш мақсадида 10 ойнинг охирига қўшимча кунларни қўшганлар. Милоддан аввалги VIII асрнинг охирига келиб тўртта календарь ойларига ном берилди. Йилнинг биринчи ойи «Мариус», иккинчи ой «априлис», учинчи ой «майус», тўртинчи ой «юниус» деб аталди. Мазкур календар синодик ой йилига мос келмасди, лекин у Қуёш каленарь синодик ой йилига мос келмасди, лекин у Қуёш календари ҳам эмасди.

Милоддан аввалги VII асрда календарь ислоҳоти ўтказилади. Бу ислоҳотни ярим афсонавий шахс Рим подшоши Нума Помпилий бошлади. У бир йилда кунларнинг сонини 355 га, ойларнинг сонини 12 га етказди. Нума Помпилий ислоҳоти натижасида қўшимча янги икки ой пайдо бўлиб януарус ва февруарис номини олди. Календарда 7 ой 29, 4 ой 31, битта ой «февруариус» 23 суткадан иборат бўлди. «Февруариус» ойига ҳар йили 5 кун қўшиладиган бўлди. Ислоҳотлар натижасида «Нума йили» астрономик бир ой йилидан бир сутка ортик, тропик йилдан эса 10,5 сутка қисқа эди.

Шунингдек, бу даврга келиб яна бир неча ойларга ном берилди. Календарда йил баҳорги тенгкунлик давридан бошланарди.

Рим календаридидаги биринчи ой Мартиус - илгари чорвачилик ва деҳқончилик, кейинчалик эса уруш худоси Марсга атаб қўйилган.

Иккинчи ой - априлис - лотинча «арепге»- «намоён бўлмоқ», «очмоқ» маъноларини билдиради. Бу ойда ҳамма дарахт ва ўсимликлар очилиб гуллай бошлаган.

Учинчи ой Майус - худо Меркурийнинг онаси Ер маъбудаси Мая номи шарафига.

Тўртинчи ой Юниус - Юпитернинг рафиқаси, осмон маъбудаси, аёлларнинг ҳимоячиси Юнона шарафига қўйилган.

Кейинги олти ой календардаги тартиб рақами билан аталиб, Квинтилис - «лотинча»-бешинчи, секстилис- олтинчи, септембер-еттинчи, октобер-саккизинчи, новембер-тўққизинчи, децембер-ўнинчи деган маъноларни билдиради.

Ўн биринчи ой януарис деб аталиб, икки юзли худо Янус номига қўйилган.

Ун иккинчи ой февруариус - ер ости подшоши фебрус номига қўйилган. Шунингдек, «Гешапе» сўзи «тозаланмоқ», «покланмоқ» деган маъноларни билдиради. Йилнинг охирида улар покланиш маросимини ўтказганлар. Февралойи охирига қўшимча кунларни қўшган (масалан феврал 23+5).

Милоддан аввалги VI асрда римликлар мазкур ой календарини Ой-қуёш календарига айлантиришга уриниб қўрдилар. Бунинг учун улар интеркаляция системасидан (қўшимча ойларни қўшиш) фойдаландилар. Қадимги Рим календарига ҳар икки йилда 20 кунлик қўшимча ойни жорий қилдилар. Бу ой «Марцедониус»-марцедоний ойи номини олди. Жуфт рақамларни бахтсизлик рамзи ҳисобланган римликлар марцедоний ойини 23-24 «февруариус»нинг ўртасига жойлаштирдилар. Мазкур ислоҳатдан сўнг календарь йили 365 кунни (355+ 355+ 20): 2 = 365 ташкил қилди ва уларнинг йили ҳам Миср «дайдиди» йилига тенг бўлиб қолди (Тропик йилдан чорак сутка қисқа эди).

**Юлиан календари.** Рим императори Юлий Цезарь (милоддан ав.ЮО-милоддан 44) милоддан аввалги 46 йилда календарь ислоҳотини ўтказди. Юлий Цезар унча Мисрда бўлганида маҳаллий календарь уни қизиқтириб қўйганди. Янги календарни тузишда Александриялик *астроном Созиген* фаол қатнашади. Календарь ислоҳотчилари олдига Миср «дайдиди календари»ни тузатиб, сўнгра уни қабул қилиш вазифаси қўйилган эди. *Созиген тузган бу календар Юлиан календари (Юлий Цезар шарафига) номи билан тарихга киради.*

Юлиан календаридида йилнинг боши, йилнинг давомийлиги ва қўшимча кунларга алоҳида эътибор берилди. Юлиан календаридида йилнинг биринчи ойи сифатида январ қабул қилинди. Милоддан аввалги 153 йилдан бошлаб Рим консуллари январда ўз хизмат вазифасини бошларди. Янги календарда эски календаридидаги ойлар номи сақланиб қолди. Булар: януарис, февруарис, мартиус, априлис, майус, юниус, квинтилис, секстилис, септембер, октобер, новембер, децембердир. Календарда тоқ ойлар (6 та) 31 кундан (януарис, мартиус, майус, квинтилис, септембер, новембер) жуфт ойлар (февралдан ташқари) 30 кундан (априлис, юниус, секстилис, октобер, децембер) феврал 29, (30) кундан қилиб белгиланди. Юлиан календари соддалиги билан анча қулай, икки воқеа оралиғидидаги узоқ даврда ўтган суткалар сонини топиш ҳам анча осон эди. Йилнинг узунлиги 365,25 суткага тенг бўлиб тўрт йиллик цикл жорий қилинди. Тўрт йилдан уч йили 365 кун (оддий йил) тўртинчи йили эса 366 кун (кабиса йил)дан иборат эди.

Милоддан аввалги 44 йилда сенат Юлий Цезарнинг хотирасига (вафот этган йили) Квинтилис ойи (Юлий Цезарь шу ойда туғилган)нинг номини Юлиус ойи деб ўзгартирди. Милоддан аввалги 8 йилда император Август ҳам ислоҳотини ўтказди. Чунки бу даврда (Цезарьнинг вафотидан кейин) Римдаги календарь бўйича масъул қўшма коллегияси йилни ҳисоблашда хатоликка йўл қўйиб келмоқда эди. Улар ҳам тўртинчи йилни эмас, балки учинчи йилни кабиса йили қилиб ҳисоблайдилар. Натижада календарь йили тропик йилдан анча орқада қолиб кетди (Юлиан календари ўзи тропик йилдан 11 минут 14 сония узун).

Август ислоҳоти натижасида қўшма йил қўйган хато тузатилди. Натижада, милоднинг 4 йили 1 мартдан бошлаб, Юлиан календари олдинги ҳолатига қайтарилди. Рим сенати томонидан император Августнинг ғалабалари ва

календарни тузатишдаги хизматлари учун «секстилу» ойига «Августус» номини берадилар<sup>22</sup>. Секстилус ойи 30 кундан иборат эди. Римда жуфт сон бахтсиз рақам саналгани ва император номи берилган ой бошқалардан қисқа бўлмаслиги керак деб ҳисоблаб, у ойга яна бир кун қўшдилар (февраль ойдан бир кун олинди). Натижада учта ой (юлиус, августус, септембер) кетма-кет 31 кундан бўлиб қолди. Шунинг учун йилнинг охиридаги тўртга ойни ўзгартирдилар. Септембер ва ноямбер 30 (илгари 31) кундан, октобер, децембер ойлари 3Цилгари 30) кундан бўладиган бўлди. Бу ўзгариш Юлиан календарининг белгиланган ташқи структурасини (тоқ ойлар 31, жуфт ойлар 30 кундан бўлади деган) ўзгартириб юборди.

Бу даврда Римда етти кунлик ҳафта қабул қилинди. Римга ҳафта тушунчаси Шарқдан I асрда кириб келган бўлса, фақатгина IV асрга келиб қабул қилинди. Шарқий Рим (Византия) империясида ҳам Юлиан календаридан фойдаланилган. Юлиан календари кейинчалик замонавий календарни тузишда асос бўлди.

Милoddан аввалги 44-йилда Юлий Цезарга суиқасд қилиб ўлдирилганидан кейин календарда яна ўзгаришлар рўй берди. Квинтилис ойи Юлий Цезарь шарафига Юлиус (яъни июл ойи) деб ўзгартирилди. Кейинроқ сенатнинг қарорига кўра Секстилис ойнининг номини «Муқаддас киши» унвонига сазовор бўлганинсон Октивиан Август номига «Август» деб ўзгартирди.

Ҳисобда қулай бўлгани учун бу ойга бир кунни Февриарусдан олиб беришди. Бошқа баъзи ойларнинг суткалари ҳам ўзгартирилди. Янги календарь христиан черкови томонидан Никея соборида 325 йилда қабул қилинган. Бу календарда йиллар ҳам кабиса йили ҳисобланади. Масалан: Охири ноль билан тугаган йил кабиса бўлган: 1900, 1919, 1945, 1956 йиллар ичида кабиса йили 1900 йилга тўғри келган. 1956-йил ҳам кабиса йили бўлган.

**Юлиан календаридagi камчиликлар ва Григориан календари.** 325-йилда Никей соборида Юлиан календари ягона христиан календари сифатида қабул қилинди ва улар 21 мартни баҳорги тенг кунлик кунига мос келтирдик деб, ўйладилар. Христианларда диний пасха байрамини ўтказишда бунинг аҳамияти катта эди. Улар бир неча асрдан сўнг ҳақиқий баҳорги тенг кунлик нуктаси календарга тўғри келмай қолганлигини сезиб қолдилар. XVI асрниет иккинчи ярмига келиб, бу фарқ 10 кунга етди, яъни баҳорги тенг кунлик нуктаси 21 март эмас, 11 мартга тўғри келиб қолди. Бу черковни ташвишга солиб қўйди, яъни пасха байрами борган сари ёзга сурила бошлади бу эса Никей собори қарорига зид эди. Пасха байрами 21 мартдан кейинги тўлин ойдан сўнг биринчи якшанбада нишонлаши керак эди. Юлиан календаридagi камчиликларни 1324 йилда византиялик олим Никифор Григора аниқлади ва бунга император Андроника Ц дикқатини қаратди. Лекин император календарни ислох қилишга руҳсат бермади. Юлиан календаридagi камчиликларни XVI асрнинг биринчи ярмида Византияда яшовчи олим - Матвей Властар ҳам таъкидлади. 1373 йилда Византиялик олим Исаак Аргир календарини ислох қилиш зарурлигини асослаб берди. Юлиан календарини қайтадан ислох қилиш заруратини католик черковивакиллари ҳам таъкидладилар. Бу фикрни Климент VI ҳам қўллаб-қувватлади. 1414 йилнинг мартада кардинал Пьер д'Альи ташаббуси билан календарь масаласи муҳокама қилинди. 1437 йилда бу масала Баззел соборида кўриб чиқилди. Унда уйғониш даврининг файласуф олими Николай Кузанский (1401-1464) узининг лойиҳаси билан таништиради. 1457 йили папа Сикст VI календарни ислох қилиш ва пасха ҳисобини тўғрилашга тайёргарликни бошлаб юборади. Шу мақсадда папа Римга етакчи немис астрономи ва математиги Региомонт (1436-1476)ни таклиф қилди. Лекин олимнинг бевақт ўлими туфайли папа бу ишни кейинга суришга мажбур бўлади. XVI асрда календарь масаласи билан Лютеран (1512-1517) ва Триден (1545-1563) соборлари шуғулланади. 1514 йилда Лютеран собори календарь ислохот бўйича махсус комиссия тузади ва Европада машхур бўлган астроном Николай Коперник (1473-1543)ни Римга таклиф қилади. Николай Коперник ўша даврда тропик йилининг узунлиги аниқланмагани учун комиссия таркибида иштирок этишдан бош тартади.

**Рим папаси Григорий XIII нинг календарь ислохоти.** XVI аср ўрталарига келиб, календарни ислох қилиш масаласи кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб қолди. 1582 йилда Рим папаси Григорий XIII махсус комиссия тузди, унинг таркибида Балон университети профессори астроном ва математик Игнатий Данти (1536-1586) ҳам бор эди. Бу комиссияга янги календарь лойиҳасини тузиш вазифаси топширилади. Комиссия тақдим этилган барча календарь лойиҳаларини кўриб чиқиб, италиялик математик ва шифокор Алоизий Луизи Лилио (1520-1576) лойиҳасини маъкул топди. Луизи Лилио Перуджи шаҳридаги университетда медицинадан дарс берган. Ушбу календарь лойиҳасини унинг ўлимидан сўнг укаси Антонио Луизи нашр қилади. Календарь лойиҳаси папа Григорий XIII томонидан қабул қилинади ва кунни 10 кун олдинга суришга фармон беради. Қабул қилинган лойиҳадаги тузатишлар қуйидагича эди:

1) 1582 йил 4 октябр пайшанба кунининг эртаси 5 октябр эмас, балки 15 октябр жума куни ҳисобланади. Бу билан юқоридаги 10 сутка хато тузатилиб, баҳорги тенг кунлик 21 мартга тўғри келди.

2) Келгусида яна шундай хато йиғилмаслиги учун 400 йилда 3 сутка кам ҳисобланиши керак, бунинг учун Юлиан календаридида 400 йилда 100 та кабиса йили ўрнига 97 та кабиса йили ҳисобланади. Юлиан календаридида асрни ифодалайдиган рақамларнинг тўртга бўлинмайдиганлари кабиса йили эмас, балки оддий йил ҳисоблдшга қарор қилинди. Масалан: 1600, 1700, 1800, 1900, 2000, 2100, 2200, 2300, 2400 йиллар Юлиан календаридида кабиса йиллари, янги ҳисоб Григорий календаридида эса фақат 1600, 2000, 2400 йиллари кабиса йиллари, қолганлари оддий йил, чунки 17, 18, 29, 21, 22, 23 сонлари тўртга бўлинганда қолдик қолади.

Григорий календаридида йилнинг давомийлиги 365,242500 суткани ташкил этиб, тропик йилга қараганда ҳар йили 26 116 еонияга ортиб боради ва салкам 3300 йилда бу бир кунни ташкил қилади. Григорий календаридидаги хатонинг қийматини аниқлаш учун дастлаб календарь йилининг узунлигини аниқлашимиз керак бўлади. Ҳар 400 йилнинг 303 йили 365 кундан 97 йили эса 366 кундан иборат. Демак, тўрт асрда

$$303 \cdot 365 + 97 \cdot 366 = 110595 + 35502 = 146097$$

уни 400 га бўламиз.

$$146097 : 400 = 365,242500$$

<sup>1</sup> Баъзи сенэт аъзолари ойларга бошқа Рим императорлари номларини ҳам ҳаракат қилиб қўрган. Император Тиберия (14-37), номига сенат септембер ойнини-Тиберияс. Аврелия Коммода (176-192) номига яна сентабр ойи- Коммодус, октомберни - Домициан (81-96) шарафига- Домицианус деб аташга ҳаракат қилганлар. Лекин бу номлар ўша даврдаёқ қабул қилинмаган.

Демак, Григорий календари тропик йилдан 0.000305 сутка ортиқ. Бу эса 3280 йилдаги хато бир сутка демақдир. Григорий календарини янада аниқ қилиш мумкин. Бунинг учун 4000 йилда бир марта кабиса йили камайтиради. Натижада 4000 йилда 1.22 сутка фарқ пайдо бўлади. Григорий календарига Юлиан календарига нисбатан кабиса йилларини ҳисоблаш мураккаб. Ҳар иккала вақт оралиғидаги фарқни ҳисоблашга келсак, ислоҳ қилинган вақтида фарқ 10 сутка бўлса, 1700 йилнинг 29 февралидан бошлаб, бу фарқ 11 сутка бўлади, 1800 йилнинг 29 февралидан бошлаб эса 12 сутка, 1900 йилнинг 29 февралидан бошлаб, 13 суткага етди. 2000 йилда ҳар иккала ҳисобда ҳам кабиса йили бўлганлигидан 13 сутка фарқ 2100 йилнинг 29 февралигача ўзгармай қолади, ундан сўнг 14 сутка бўлади.

1973 йилда бутун дунёда Коперникнинг 500 йиллик юбилеи нишонланди. Унинг эски ҳисоб бўйича 1473 йил 19 февралда туғилгани маълум. Лекин бизнинг бугунги кунда Григорий календарини ишлатаётганимиз туфайли уни шу ҳисобга айлантириш зарур. Буни қандай ҳисоблаймиз? XVI асрда икки календарь ора сидаги фарқ 10 кун бўлган ва бугунгача давом этган. Бунда 325 йилда Никей соборида Юлиан календарининг қабул қилинганда баҳорги тенг кунлик 21 мартга тўғри келганлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Икки календарь ўртасидаги фарқни 1 март 1700 йилдан қуйидаги жадвалдан билишимиз мумкин.

Григориан календарининг қулайлик томонларига эътибор қаратсак унда асосан йиллар бир системага туширилиб улар бўйича юз йилликлар киритилди.

1852 йил календарь лойиҳаси қабул қилинганидан сўнг дастлабки вақтнинг ўзида уни Григориан календари номи билан Франция, Италия, Испания, Жанубий Неде́рландия, Португалияда, Люксембургда XV асрнинг 80-йиллари Полшада, Швецияда, Чехия, Австрия, Венгриянинг католик Кантон (вилоят)ларида, 1610 йилда Польша таъсири остида Пруссияда қабул қилинди. Протестант давлатлар Григориан календарини узок йиллар давомида қабул қилмай келдилар, аммо ундаги аниқлик, қулайликлар туфайли кейинчалик кўпгина давлатларнинг тан олдилар. Улар Дания, Норвегия, Германияда 1700 йилда жорий этилди. Шимолий Неде́рландия 1707 йил, Англияда 1752 йилда, Швеция ва Финляндияда 1753 йил қабул қилинди. Император Иосиф Шнинг декрети билан 1776 йилда Германиянинг сўнгги протестант ерларида ҳам, 1812 йилда эса Швецияда қабул қилинди.

1873 йилдан бошлаб Осие мамлакатлари ҳам Григориан календарини қабул қила бошладилар. Дастлаб 1873 йилда Япония, 1911 йилда .Хитой Григориан календарини қабул қилди. Диний фарқлар туфайли Болконда ушбу календарнинг қабул қилиниши бироз кечикти. 1916 йилга келиб Болгарияда, 1919 йилда Руминияда ва Сербияда жорий қилинди. РСФСР совнаркомининг 1918 йил 28 январдаги декрети билан Россияда қабул қилинди. (декретга мувофиқ 1918 йил йил 31 январдан сўнг 1 феврал деб эмас, балки 1918 йил 14 феврал деб белгиланди). 1924 йилдан буён Григориан календари Юнонистонда, 1927 йилдан Туркияда, 1928 йилдан буён эса Мисрда қўлланилмоқда.

Кўпгина давлатларда қабул қилинган замонавий куёш календарлари Қадимги Рим вақт ҳисобига киради. Биринчи Рим календари Римга асос солинган милoddан аввалги VIII асрдан бошланган. Йил кунлари 304 суткадан иборат бўлган, 10 та ой мавжуд бўлган. Йил боши 1-мартдан бошланган. Йил номлари тартиб сонлардан олинган бўлиб, фақат милoddан аввалги VIII асрда улардан 4 таси индивидуал ном олг.м. Йилнинг биринчи оёи Мартиус, яъни уруш худоси Марс номидан олинган. Иккинчи ой апрелис, лотин тилидан олинган, учинчи ой маъбуда Майя номига, тўртинчи ой маъбуда Юнона шарафига қўйилган. Қолган ойларни номида тартиб сонлар номи сакданган:

*Квинтилис – бешинчи, Секстилис – олтинчи, Септембер – еттинчи, Октоубер – саккизинчи, Новембер – тўққизинчи, Дестембер -ўнинчи*

Март, май, квинтилис ва октоубер 31 кундан иборат, қолган ойлар 30 кундан иборат. Милoddан аввалги VII асрда календарь ислоҳоти ўтказилди. Бу ислоҳот Римнинг ярим афсоновий шоҳи Нума Помпилий номи билан боғлиқдир. Календарь ой - куёш календари бўлиб қолди. Иккита янги ой январийус-икки юзли худо Янус шарафига қўйилган. Янусни эшик худоси ҳам дейишарди. Чунки эшик икки томонли бўлиб, бириси янги йилни кутиб олса, иккинчиси эски йилни кузатиб қоларди. Шундан бошлаб йил боши январ оёи ҳисобланган. Иккинчи ой Феврус шарафига қўйилган. Шу икки ой ҳисобига йил 365 кунга узайтирилди:

**Мартиус- 31 кун**

**Септембер-29 кун**

**Апрелис-29 кун**

**Октоубер-31 кун**

**Маюс-31**

**Новембер-29 кун**

**Юниус-29 кун**

**Дестембер-29 кун**

**Квинтилис-31 кун**

**Януариус-29 кун**

**Секстилис-29 кун**

**Февриарус-235кун**

355 кундан иборат йил, куёш йилидан ҳар йили 10-11 суткага орқада қоларди. Келишув асосида 2 йилда 1 марта тўлдирув сифатида Мерседониус оёи киритилди, у 22-25 суткадан иборат эди. Мил. авв. 46 йилда Римнинг диктатори ва консули янги календарь чиқара бошлайди. У янги йилга 90 кун қўшди. Янги календарни ишлаб чиқаришда Созиген бошлиқ Александрия астрономлари иштирок этдилар.

Замонавий календарлардаги ойлари микдорининг турлича эканлиги (28, 29, 30, 31 кунлар ҳисобида), йил кварталларининг фарқлари (90, 91, 92 кундан иборат бўлиши) унинг ноаниқлигини яққол намоян қилади. Шу боисдан XIX асрдан бошлаб турли давлатларда календарь ислоҳотлари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиладиган бошланди.

Ушбу жадвалдан икки календарь орасидаги фарқ 19 феврал 1473 йилда 9 суткани ташкил қилганлигини билишимиз мумкин. Демак, Коперникнинг 500 йилигини 28 феврал 1973 йилда нишонланган.

Григорий календарининг умумевропа календари сифатида қабул қилиниши. Григорий календари дастлаб католиклар ҳукмронлик қилган давлатларда қабул қилинди. Лютеран ва православлар бу календарга анча вақтгача қаршилик қилди.

Бир қатор мамлакатларда қийинчиликлар билан бу календарь қабул қилинди. Тарихда 1584 йилда Ригада Польша кироли Стефан Баториянинг фармонида қарши бўлган «календарь тартибсизликлари» бўлиб ўтди. Латишлар янги календарга қарши бир неча йил курашдилар. Кураш 1589 йилда кўзғолон раҳбарлари Гизе ва Бринкенлар осиб ўлдирилгандан кейингина тўхтади. Григорий календари Англияда 1751 йилда қабул қилинди. Улар йилнинг бошини 25

мартдан 1 январга кўчирдилар ва ўша йили Англияда бир йил 282 кунни ташкил этди. Англияда календарь ислохотини ўтказишда ташаббускор бўлган лорд Честерфилдга қарата халқ «бизнинг уч ойимизни қайтар» шиори остида намоийшлар ўтказган эди.

### ДУНЁНИНГ БАЪЗИ МАМЛАКАТЛАРИГА ГРИГОРИЙ КАЛЕНДАРИЮШГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ

Мамлакат	Юлиан календарининг охири куни санаси	Григорий календарининг биринчи куни санаси
Италия	1582 й 4 октябр	1582 й 15 октябр
Испания	1582 й 4 октябр	1582 й 15 октябр
Португалия	1582 й 4 октябр	1582 й 15 октябр
Польша	1582 й 4 октябр	1582 й 15 октябр
Франция	1582 й 9 октябр	1582 й 20 декабр
Люксембург	1982 й 21 декабр	1583 й 1 январ
Голландия	1582 й 21 декабр	1583 й 1 январ
Бавария	1983 й 5 октябр	1583 й 16 октябр
Австрия	1584 й 6 январ	1584 й 17 январ
Швейцария	1584 й 11 январ	1584 й 22 январ
Венгрия	1587 й 21 октябр	1587 й 1 ноябр
Пруссия	1610 й 22 август	1610 й 2 сентябр
Германия	1700 й 18 феврал	1700 й 1 март
Германия (протестантлик)	1700 й 18 феврал	1700 й 1 март
Норвегия	1700 й 18 феврал	1700 й 1 март
Дания	1700 й 18 феврал	1700 й 1 март
Буюк Британия	1752 й 2 сентябр	1752 й 14 сентябр
Швеция	1753 й 17 феврал	1753 й 1 март
Финляндия	1753 й 17 феврал	1753 й 1 март
Япония	—	1873 й 1 январ
Хитой	—	1911 й 20 ноябр
Болгария	1916 й 31 март	1916 й 14 апрел
Совет Россияси	1918 й 31 январ	1918 й 14 феврал
Сербия	1919 й 18 январ	1919 й 1 феврал
Руминия	1919 й 18 январ	1919 й 1 феврал
Юнонистон	1924 й 9 март	1924 й 23 март
Туркия	1915 й 18 декабр	1916 й 1 январ
Мис	1928 й 17 сентябр	1928 й 1 октябр

#### Таянч тушунчалар :

**Мартиус** - июнларда 1- ой уруш худоси (Марс) июнлар илгари чорвачилик ва деҳқончилик, кейинчалик эса уруш худоси Марсга атаб кўйилган.

**Априлис** - июнларда 2 - ой - лотинча «арепге»- «намоён бўлмоқ», «очмоқ» маъноларини бидиради. Бу ойда ҳамма дарахт ва ўсимликлар очилиб гуллай бошлаган.

**Майиус** - июнларда 3- ой - худо Меркурийнинг онаси Ер маъбудаси Мая номи шарафига кўйилган.

**Юниус** - июнларда 4 - ой - Юпитернинг рафикаси, осмон маъбудаси, аёллар-нинг ҳимоячиси юнона шарафига кўйилган.

**Януарис** - июнларда 11 - ой, икки юзли худо Янус номига кўйилган.

**Февруариус** - 12 ой - ер ости подшоси фебус номига кўйилган, «1еБгшше» сўзи «тозаланмоқ», «покланмоқ» деган маъноларни бидиради.

**Юлиан календари** - Милоддан аввалги 45-йилнинг 1 январидан 365 кундан иборат бўлган қуёш календаридир.

**Август** - «Мукаддас киши»

#### 4 - мавзу: ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ВА МУСУЛМОН КАЛЕНДАРИ

Режа:

1. Зардуштийлик календари.
2. Миср календари.
3. Мусулмон календари. Мусулмон тақвимида ойлarning маъноси. Ҳафта номларининг аталиши.

**Зардуштийлик календари.** Эрон, Урта Осиё ерларида зардуштийлик дини шакллангач, Наврўзга бу динга хос урф-одат ва анъаналар кириб, уни диний байрам сифатида ўтказиш одатга айланган. Ўша даврда зардуштийлик идеологиясига мос келадиган календарь ижод қилишган, унинг охириги ислохоти сосонийлар сулоласидан бўлган Яздигирд даврида амалга оширилганлиги учун Яздигард календари деб номланган. Бу календарь 365 кунлик куёш (шамсия) календари бўлиб, унинг 12 ойи 30 кундан 360 кун бўлган, қолган 5 кунни ҳеч бир ойга қирмаган, бу 5 кун 21-мартда қирадиган янги йил олдидан алоҳида ҳисобланган ва бу кунларда наврўз олдидан ибодат қилишган ва тайёргарлик кўришган. Яздигард календаридаги ой номлари унинг зардуштийлик идеологияси билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб туради. Бу ойлarning кадимий Авестодаги ва ҳозирги номларини келтирамиз.

Фраваша (ҳозирги номи Фарвардин) - бутун мавжудотнинг руҳи-худо Ахурамазданинг сифатларидан бири.

Аши Вахишта (ҳозирги номи Ордибеҳешт чинакам) тақводорлик.

Харватот (ҳозирги номи Хўрдод) - бутунлик ва саломатлик худоси.

Тиштрия (ҳозирги номи Тир) - Сириус юлдузи-зардуштийлар бунга ҳам сиғинганлар.

Амеретот (ҳозирги номи Мўрдод) - абадийлик.

Хшатра-варя (ҳозирги номи Шахревар) - олий ҳокимият.

Митра (ҳозирги номи Меҳр) - ёруғлик, аҳд ва осмон худоси.

Апу (ҳозирги номи Обон) - сув худоси.

Одар (ҳозирги номи Озар) - олов худоси.

Дотуш (ҳозирги номи Дей) - яратувчи.

Воху Маноҳ (ҳозирги номи Баҳмон) - яхши фикр.

Спенти Омоти (ҳозирги номи Эсфанд) тақводорлик асосий ақидалардан бири.

Ҳозир жаҳонда зардуштийлар 130 мингга яқин бўлиб асосан, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда яшайди. Барча исломлаштирилган худудларга ислом анъанаси бўйича 354 кунлик ҳижрий қамарий йил ҳисоби амалга киритилади, ислом урф-одатлари ва анъаналари ана шу календарь бўйича адо этилади. Ҳижрий-қамарий йил 12 ойдан иборат бўлиб, тоқ ойлар 30, жуфт ойлар 29 кунлик тарзида қабул қилинган.

Наврўз 365 кунлик куёш календари бўйича қирадиган янги йилнинг 1 кунни сифатида байрам қилинади. Бу календарь Малик шоҳ (1072-1092 йиллар) даврида киритилган, унинг ойлари юлдуз туркумлари номи билан аталгани учун у «буржий» календарь деб номланган. Куёш календари ойлarning номлари, уларнинг луғавий маъноси ва милодий календарь ой-кунларига мослиги жадвали.

Ўрта Осиё ва Эрон халқлари қўллаган энг кадимги йил ҳисобидир. Зардушт йил ҳисоби Куёш йилига асосланган бўлиб, 12 ойдан иборат. Ҳар бир ой 30 кун, яна қўшимча беш кун бор. Бу беш кун алоҳида ой ҳисобланади. Бу беш кун саккизинчи ойдан кейин қўйилган бўлиб, шунда тўққизинчи ойнинг бошланиши Наврўзга тўғри келган. Тақвимдаги 12 ойнинг номи «Авесто»даги маъбудаларнинг номига бориб тақалади. Ой номларидан ташқари ой таркибига кирган кунлар (30 кун)нинг ҳам алоҳида номлари бор. «Авесто»нинг милодий VI асрда сосонийлар даврида тузилган матнида ойлар ва кунларнинг тўлиқ номи рўйхати келтирилган. Бироқ баъзи календарь атамалари «Авесто»нинг энг азалий қисмлари деб ҳисобланувчи милоддан аввалги УШ-УП асрларда таркиб топган. «Готлар» да ҳам учрайди. Олимларнинг тахмин қилишича бу тақвим шарқий Эрон ва Ўрта Осиёда милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида тузилган. Дастлаб, ғарбий Эронда Ахмонийлар даврида расмий давлат тақвими сифатида қабул қилинган (илмий адабиётларда Қадимги Эрон йил ҳисоби деб аталишининг сабаби ҳам шу).

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Хронология» асарида милоддан аввалги 441 йилни зардушт йил ҳисоби шу йилдан бошланган деб кўрсатади. Зардушт календари 365 кун, ҳар бири 30 кундан тузилган 12 ой ва яна 5 кундан иборат, тўрт йилда яна бир кун орттирилган. Демак, ҳар тўрт йилда (кабиса йилида) ўн иккинчи ойнинг охирига 5 кун эмас, 6 кун қўшилган.

Ўттиз кунга атаб қўйилган мазкур номлар йилнинг ўн икки ойидаги ҳамма кунларга тааллуқли бўлган. Зардушт йил ҳисоби милодий 632 йилгача қўлланиб келди. 632 йилда сосоний шохлардан Яздигирд III зардуштийлик тақвimini ислох қилади.

Абу Райҳон Беруний Сўғд ойлари тўғрисида ҳам маълумот беради. Уларда ўн иккита ой бўлиб, уларнинг ҳар бири ўттиз кундан ҳисобланган.

**Сўғдий ой номлари:**

**1. Навсарз**

**2. Жр-ж-н**

**3. Нисан**

**4. Б-соқ**

**5. А-ш-н-а-х-н-з-а**

**6. М-ж-и-х-н-з-а**

**7. Ф-ғоз**

**8. Л-ба-н-х**

**9. Ф-в-ғ**

**10. М-со-ф-в-ғ**

**11. Ж-и-м-да**

**12. Х-ш-в-м**

Сўғдийлар ҳар бир кунни алоҳида ном билан атаганлар. Кунларнинг номларини Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида таъкидлаб ўтган.

**Хоразм календари.** Қадимги Хоразмда Куёш календарига асосланган йил ҳисобидан фойдаланилган. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Хоразм йил ҳисоби Ўрта Осиёдаги энг Қадимги йил ҳисобларидан бири ҳисобланган. Хоразм календарида бир йил 12 ойга бўлинган ва ҳар бир ой 30 кундан иборат бўлган. Қўшимча 5 кун йил охирида ўн иккинчи ойга қўшилган ва бир йил 365 кунни ташкил этган. Ҳар йили қолдиқ сифатида ортиб қоладиган чорак кунга Хоразм календарида эътибор берилмаган. Янги йил баҳорги тенгкунликдан бошланган. Ой номлари Абу Райҳон Беруний асарида

икки хил тўлик ва қискартирилган шаклларда келтирилади. Ойларнинг тўлик номи жуда узун бўлиб, кўпчилик товушларни ундош ҳарфлар ташкил қилади. Беруний Хоразм календари ой номларининг тўлик ва қискартирилган шаклини қуйидагича келтиради:

#### Хоразм календари ойларининг тўлик номи

- |                     |                           |
|---------------------|---------------------------|
| 1. Ручнофуновсрочи  | 7. Авмрий                 |
| 2. Ардушфвсирханком | 8. Ёнохн фохрсон рочибок  |
| 3. Хрвдодфвиҳрий    | 9. Арвфвфимжобхрфин       |
| 4. Жирий форозок    | Ю. Всмрфвнофконжанком     |
| 5. Хмдод            | 11. Ашмн фвирданком       |
| 6. Ахшриврий        | 12. Исбандармажий фвяхшм. |

#### Хоразм календаридagi ойлар номларининг қискартирилган шакли

- |               |                   |
|---------------|-------------------|
| 1. Новсоржий. | 7. Авмрий.        |
| 2. Ардвст.    | 8. Енохи.         |
| 3. Хрвдод.    | 9. Арв.           |
| 4. Жирий.     | 10. Римжд         |
| 5. Хмидод.    | 11. Аршмн.        |
| 6. Ахшриврий. | 12. Исфандоражий. |

Абу Райхон Беруний ойларининг тўлик номини берган бўлса-да, аммо кундалик иш юритишда ва маъмурий ҳужжатларда ойларнинг юқорида келтирилган қисқа шаклидан фойдаланилган. IV-VIII аср қадимги хоразм ёзуви ҳужжатларида ва XII-XIV аср араб-хоразм ёзуви манбаларида ой номлари юқоридаги шаклларда қўлланади. Ўн иккинчи ойга қўшиладиган 5 куннинг махсус номи бўлмаган. Йил ойлари кунларига ортиқча кунларни қўшиш, яъни йилни кабисали қилиш календар тарихида муҳим масала бўлган. Беруний Хоразмда кабисали йилга ўтиш масаласига ҳам тўхталиб ўтиб, улар ортиқча беш кунни охирига ойга қўшганликлари тўғрисида маълумот беради. Хоразмликлар билан сўғдийлар йил бошини белгилаш учун ортиқча кунларни қўшишда бир хил амал қилганлар. Хоразм календариди ҳам ойнанинг ҳар бир куни (30 куни) алоҳида ном билан юритилган. Беруний Хоразм календаридagi ой кунларининг номини ҳам бериб ўтади. (Ушбу маълумот З.Раҳмонқулованинг «Хронология» номли ўқув қўлланмасидан олинди<sup>3</sup>.)

**Миср календари.** Миср Қуёш календарининг ватани ҳисобланади. Қадимданок бу ўлка олимлари Қуёшнинг ёзги тик туриш даврини ва энг ёруғ юлдуз Сирлус (Катта Ит туркумида) нинг гелиакик чиқиши (биринчи кўриниши) даврига тўғри келишини кузатганлар. Шунингдек, улар Сириуснинг тонг олди чиқиши даври Нил дарёсининг тошқини бошланиш пайтига тўғри келишини билганлар. Қадимги Мисрликлар табиатнинг мана шу уч ҳодисасига (Қуёшнинг ёзги тик туриши, Сириуснинг чиқиши ва Нилнинг тошқинини) кўра йилни ҳисоблаганлар. Нилнинг тошқини бошланиши мисрликлар хўжалик ҳаётида катта аҳамиятга эга эди. Чунки, айниқса, бошоқли экинларнинг ҳосили шунга боғлиқ эди. Қуёш, Нил ва Сириус қадимги мисрликларнинг календари вазифасини ўтаган эди. Нил дарёсининг биринчи тошишидан иккинчи тошишигача бўлган вақт, Қуёшнинг икки ёзги тик туриши орасидаги вақт Сириус (Сотис)нинг гелиакик чиқиши оралиғидаги вақтлар Қадимги мисрликларнинг асосий вақт бирлиги бўлиб қолди. Бу Сотис ва Нил йили номларини олди.

Мазкур Миср календари табиий ва аниқ эди. Унда бир йил 365 суткага (тропик йилдан 0,25 сутка қисқа) тенг эди. Бу календарда дастлаб йил ойларга бўлинмаган. У учта мавсумдан иборат бўлган. Булар «сув тошқини (Нил тошқини)», «ҳосил» (қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланиладиган давр), «йўқлик» (сувнинг кам вақти, ҳосилни йиғиш даври) мавсумлари деб аталган. Биринчи мавсум Қуёшнинг ёзги тик туришдан октябрғача, иккинчи мавсум октябрдан-мартғача, учинчиси мартдан-июнғача бўлган вақтни ўз ичига олган. Кейинги даврларда ой тушунчаси пайдо бўлди ва улар ўн иккитага бўлинди. Ҳар ой 30 кундан иборат эди. Демак, бир йил 360 кундан ва беш қўшимча кундан иборат бўлган. Бу қўшимча кунларни юнонлар «эпагомен» деб атади.

Милоддан аввалги IV минг йилликда яратилган бу календарда дастлаб, ойларнинг номлари бўлмаган. Улар ҳар бир мавсумга (4 ойдан) бўлинган ва шу билан фарқланган. Кейинчалик улар қуйидагича аталган.

- |          |            |
|----------|------------|
| 1. Тог   | 7. Фаменот |
| 2. Фаофи | 8. Фармути |
| 3. Апир  | 9. Пахон   |
| 4. Хойяк | 10. Пайни  |
| 5. Тиби  | 11. Эпифи  |
| 6. Мехир | 12. Месори |

Ўн иккинчи ойдан сўнг «эпагоменлар» биринчи кун-Осирис, иккинчи кун-Гора, учинчи-Сета, тўртинчи-Исида, бешинчи кун-Нефтида деб аталган. Улар Ер худоси Геб ва осмон маъбудаси Нутларнинг болалари ҳисобланган. Геродот мисрликларда йил 12 ой ва бешта қўшимча кундан иборатлиги тўғрисида маълумот бериб ўтади. Миср календари қанчалик қишлоқ хўжалиги ишлари учун қулай бўлмасин, у тропик йилдан 0,25 сутка қисқа эди. Бу тўрт йилда бир суткани, 120 йилда бир йилни ташкил қилади. Бу Миср «дайди» календариди 1461 Миср йили 1460 Юлиан йилига тенг эди. Милоддан аввалги II минг йилликда Миср календарини ислоҳ қилишга ҳаракат қилинади. Улар Миср календарига тўрт йилда бир кун қўшади ва Миср календари тропик йилга тенглаштирилади. Мисрда гиксослар ҳокимияти қулагандан сўнг яна анъанавий Миср календари жорий қилинади. Шундан бошлаб, тахтга чиққан Миср фиръавнлари йилнинг узунлигини ўзгартирмасликка қасамёд қилган. Милоддан авв. III асрга келиб, Птолемей III Эвергет (милоддан ав.246-222) бу қасамёдни бузиб календарь ислоҳотини ўтказди. У милоддан аввалги 238 йил 7 мартда календарда кабиса

<sup>3</sup> Раҳмонқулова З. Хронология. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, - Т.: 2006. 88-89-б.



йилини жорий қилиш қилиш тўғрисида махсус фармон (мазкур фармон Канон ибодатхонаси номига Канон фармони деб аталади) беради. Канон фармонида шундай дейилади: «Юлдуз (Сириус) ҳар тўрт йилда бир кун олдинга ўтиб кетмоқца. Келажакда ёзда нишонланадиган байрамларни қишда нишонламаслик учун ҳар тўрт йилда бир марта 360 кун ва 5 қўшимча кундан сўнг ва янги йилдан олдин бир кун қўшилсин. Календарь подшо Эвергет томонидан тузатилганини ҳамма билсин». Бундан Қадимги Мисрда Юлиан календари тузилишидан салкам 200 йил олдин кабиса йилини биланлигани кўришимиз мумкин. Манбалардаги маълумотларга кўра, Птолемей III Эвергетнинг бу ислоҳоти ҳаётга татбиқ қилинмаган. Милоддан аввалги 26 йилга келибгина Рим императори Август Мисрда кабиса йили мавжуд бўлган Юлиан календарини жорий қилади.

Қадимги Мисрда дастлаб ягона эра бўлмаган, улар фиръавналарнинг ҳукмронлиги даврига қараб йилни ҳисоблаганлар. Эллинизм даврига келиб, Набонассар эрасидан фойдаланганлар. Эранинг бошланиш санаси Юлиан календари бўйича милоддан аввалги 747 йил 26 февралга тўғри келади.

III асрга келиб Мисрда Диоклитиан эрасини жорий қилади. Диоклитиан эраси боши Юлиан календарига кўра 284 йил ҳисобланади. Диоклитиан эрасидан бугунги кунда христиан-коптлар диний анъаналарни ўтказишда фойдаланиб келади. Набонассар ва Диоклитиан эралари тўғрисида эралар мавзусида батафсил тўхталиб ўтамиз.

**Месопотамия календарлари.** Месопотамиядан топилган ёзма ёдгорликларда милоддан аввалги 2500 йилда шумерлар Ой-қуёш календарларидан фойдаланганлари тўғрисида маълумотлар сақланган. Бобилда Ҳаммурапи (милоддан аввалги 1792-1750) ҳукмронлиги даврида нафақат икки дарё оралиғида, балки Олд Осиёдаги энг йирик сиёсий, маданий марказга айланди. Ҳаммурапи бир қанча ислоҳотлар, жумладан, календарь ислоҳотини ҳам ўтказди. У икки дарё оралиғидаги турли хил календарларни бекор қилиб, ягона календарни жорий этди. Ур шаҳри календари бутун Бобилда расмий календарь сифатида қабул қилинди. Бу календарь дастлаб Ой календари бўлиб, ҳар бир йилдаги тоқ ойлар ўтгиз, жуфт ойлар йигирма тўққиз кунлик ўн иккита ойдан иборат эди. Ойлар шундай номланган:

- |              |                |
|--------------|----------------|
| 1. Нисану 30 | 7.Ташригу 30   |
| 2. Айру 29   | 8.Арахсамна 29 |
| 3. Сивану 30 | 9.Кисливу 30   |
| 4. Дуuzu 29  | 10.Тебету 29   |
| 5. Абу 30    | 11.Шаабату 30  |
| 6. Улулу 29  | 12.Аддару 29   |

Ой номлари бобилликларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ эди. «Нисану»-ҳаракат қилмоқ, қадам ташламоқ, «Айру»-ёрқин, ёруғ, «Абу»-адоват, «Ташригу»-бошланиш, «Тебету»-лойқа, «Шабату»-вайронагарчилик (ёмғир натижасида), «Аддару»-булутли деган маъноларни билдирган. Бобилликлар календардаги «бахгли» ва «бахтсиз» кун тушунчасига катта эътибор берган. Уларда дастлаб беш, сўнгра етти кунлик ҳафталар бўлган. Беш кунлик ҳафта «хамушту» деб аталган.

Бобилликлар ярим кечасини куннинг бошланиши ҳисоблаганлар. Шунинг учун Куёш боғтанган сўнг янги Ой кўриниши билан ойнинг биринчи куни бошланган. Мусулмон ва яҳудийларнинг ҳам календарларида шу тамоилга амал қилинган.

Бобилда Ҳаммурапи ҳукмронлиги даврида Ой календаридан Ой-қуёш календарига ўтилди. Улар аниқ ҳисоб-китобларсиз қўшимча ойларни жорий қилди<sup>4</sup>. Улар иккинчи улулу ойини қўшади. Бобилда бу усул милоддан аввалги VI асргача қўлланилган. Бобилда милоддан аввалги VI асрга келиб Клеостат циклидан «октаэтеридан» фойдаланган. Унда саккиз йилда учта иккинчи, бешинчи, саккизинчи йилларда эмболистик ойлар жорий этилади. Милоддан аввалги IV асрга келиб Клеостат циклининг ўрнини Метон цикли эгаллайди. Унда ҳар 19 йилда 7 та (3, 6, 8, 11, 14, 17, 19 йиллар) эмболистик ой жорий қилинади. Бобилда Ой-қуёш йили 22 март 20 апрел оралиғида бошланган. Мазкур Бобил календари кенг тарқалган. Уни милоддан аввалги XII асрда Оссурия, кейинроқ Аҳамонийлар, салавкилар, парфияликлар қабул қилганлар.

Қадимда Бобилда астрономия фани тараққий этган. Ой жисмлари ҳаракатини кузатиш мақсадида миноралар (зиккуратлар) бунёд этилди. Милоддан аввалги 700 йилларда Бобилда астрономия фанидан «Мульапин» деб номланган дарслик яратилади. Бобилда дастлабки вақтлар эрадан фойдаланмаган. Воқеалар подшо-ларнинг ҳукмронлиги даврига қараб ҳисоблангани боис ноқулайликлар туғдирган. Бобилда қабул қилинган дастлабки энг қадимги эра сифатида Набонассар эрасини (милоддан аввалги 747-743 йилларда ҳукмронлик қилган) айтишимиз мумкин. Набонассар аждодларидан қолган бутун ёдгорликларни бузишга фармон бериб, янги эрани бошлайди (бу Юлиан календари бўйича милоддан аввалги 747 йил 26 февралга тўғри келади). Набонассар эраси бир қатор давлатларда қўлланилиб келинган.

**Мусулмон календари. Мусулмон ойлари, ҳафта номлари. (Ҳижрий-камарий йил ҳисоби, Ҳижрий-шамсий йил ҳисоби).** Эрон, Афғонистон, Урта Осиё, Кавказ давлатлари исломлаштирилгач, зардуштийлик календаридан фойдаланишмаган. Бунга фақат зардуштийлар амал қилганлар.

Ислом дини вақтни ҳисоблашга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Исломдан аввал араблар Ой календаридан фойдаланганлар. Абу Райхон Берунийнинг ёзишича, араблар яҳудийлардан йилга қўшимча ойлар қўшишни ўрганганлар ва у ойни «аям ан-наси» деб атаганлар. Бундан биз арабларнинг Ой-қуёш календаридан фойдаланганлигини билишимиз мумкин. Араб календариде 12 ой бўлиб, улар куйидагича аталган.

1) **Мухаррам** - «таъқиқланган», «ман этилган», «муқаддас» маъноларини беради. Мухаррамда жоҳилият даврида уруш Ҳаром қилинган. Бу ҳолат еттинчи (ражаб), - ўн биринчи (зулқайда) ва ўн иккинчи (зулҳижжа) ойларига ҳам тегишли бўлган.

2) **Сафар** - «сарик», «заъфарон» деган маънони беради. Бу ойда арабларга ҳалок қилувчи яра тошар эди. Инсонларга бу касаллик етганида юзлари сарғайиб кетарди. Шу сабабли бу ойни сафар «сарик» деб номлади. Шунингдек,

<sup>4</sup> Ҳаммурапи фармонларидан бирида «Календарь йилимиз орқада қолиб кетмоқца. Шунинг учун кейинги ой ҳам эзули (иккинчи улулу) оийи ҳисоблансин. Тишригу оийи бир ой кейинга сурилсин»,-деб буйруқ беради.

бошқа бир фаразга кўра, сафар ойида араблар «сафария» номли гуруҳбилан биргаликда озик-овқат кидирганликлари учун бу ойга шундай ном берилган.

**3) Раби ул-аввал.** «Рабиъ» сўзи араб тилида «бахор» маъносини беради. Аммо Қадимги араблар «рабиъ» сўзини «куз» маъносида ҳам қўллаганлар. Ушбу ой куз фаслида келгани учун «биринчи куз» маъносини англлатган.

**4) Раби ус-соний** - «иккинчи куз».

**5) Жумоду-л-аввал, Жумоду-с-соний** - бу икки ой киш кунларига, совуқ қаттиқ бўлиб, сув музлаган пайтини англлатувчига арабча «окамода» сўзидан олинган бўлиб, «котиб қолмок», музламок маъносини беради.

**7) Ражаб** - араблар бу ойни улуғлайдилар, яна бу ойни «кар ойи» ҳам деб номлайдилар, чунки бу ойда уруш овозини эшитмасдилар.

**8) Шаъбон** - «ташааба» сўзидан олинган бўлиб, «тарқалмок» маъносини беради.

**9) Рамазон** - «ёндирумқ», «жазирама ой» маъноларини англатади. Бу ой ёзнинг энг иссиқ пайтига тўғри келгани учун шундай аталган.

**10) Шаввол** - «кўтарилмок», «олиб бормок», «кўчирмок» маъноларини беради. Араб қабилалари бу ойда ўз жойларидан кўчиб кетарди, шунинг учун шаввол деб номланган.

**11) Зулқаъда** - «ўтирмок», «уйда қолмок» маъноларини англатади. Бу ойда урушлар бўлмайди.

**12) Зулҳижжа** - «ҳаж» сўзидан олинб, «ҳаж қилиш» маъносини беради. Араблар бу ойда ҳаж қилганлар.

Бу ойларнинг номларининг қўйилиши ҳақида бирмунча сабаблар баён қилинган. Улардан бири шуки, муҳаррам «муқаддас ойлар» жумласидан бўлгани учун улар шу ном билан аталган. Сафар ойида араблар «Сафария» номли гуруҳ билан биргаликда озик-овқат кидиришганлари учун бу ойга шундай ном берганлар. Иккала раби ойларида ўсимликлар гуллаган, кетма-кет шабнам ва ёмғир ёққани учун улар шундай аталади. Бу биз «ҳариф» (куз) деб атайдиган фасл табиатига тегишлидир. Қадимги араблар уни «раби» (бахор) деб атадилар. Иккала жумода ойида сув яхлаганидан уларга бу ном берилган. Ражаб ойида уриш бўлмай, тинчлик бўлганидан араблар бу ойда сафарга чиққанлар. Шабонда араб қабилалари тарқалганлари сабабли шундай аталади. Рамазон ойи дейишга сабаб бу ойда иссиқнинг кучлилигидан тошлар ҳам қуяди. Шаввол деб аталишига бу ойда иссиқ кетиб, ҳарорат пасаяди. Зулқаъда ойида араблар ҳамиша уйларида бўлганларидан бунга шундай ном берилган. Зулҳижжада араблар ҳаж қилганларидан шундай аталган. Араблар ойларини жоҳилият даврида ҳам ҳозир мусулмонлар ишлатаётганларидек ишлатганлар, уларнинг ҳаж маросимлари йилнинг тўрт фаслида айланаверган. Кейин улар тери, кўн, мева ва бошқалардан иборат моллари етилган вақтда ҳаж қилишни ва бу маросимни бир ҳолатда энг яхши ва фаровончилик вақтда адо этишни кўзда тутиб, ўз кўшнилари бўлган яхудийлардан йилни кабисали қилишни ўргандилар.

Ислом гача бўлган даврда араблар Ой-қуёш календаридан фойдаланганлигини баъзи ой номларидан билишимиз мумкин. Ислом дини пайдо бўлган, диний ва дунёвий ишларни юритиш учун янги календар зарур эди. Бу масала халифа Умар даври (634-644)да ҳал қилинади. Ўша даврда фақатгина йиллар воқеалар номлари билан аталар, тартиб рақами билан юритилмаган эди. Араблар ўртасида хат, ҳужжатларга сана қўйиш одати бўлмаган. Бир куни бир киши халифа Умар ҳузурларига келиб шаъбон ойида тўланиши керак бўлган қарз ҳақидаги ҳужжатни кўрсатди. Шунда халифа Умар «бу ҳужжат қайси шаъбонга тегишли? Ўтган йилги шаъбонгами ёки бу йилги шаъбонгами?» деб сўрайди. Бундай вазиятга Жазира вилоятининг волийси Абу Мусо ҳам дуч келади. Унга иккита буйрук ёзиб берилади. Бу буйруқларнинг бири иккинчисига сира тўғри келмас, бошқа-бошқа эди. Уларнинг қайси бири олдин, қайси бири кейин ёзилганини аниқдай олмаган Абу Мусо халифа Умарга мурожаат қилади. Чунки ҳар икки буйруқда ҳам сана йўқ эди. Бу масалани ҳал қилиш учун халифа Умар Машварат ўтказади. Машварат ой ҳисоби бўйича календарь тузишни маъқул топади. Улар янги календарда ўша вақтгача қўлланилиб келинган қамарий ой номларини саклаб қолишни лозим кўрадилар. Бу ойлар араблар ўртасида жуда машҳур эди. Машваратдагилар календарь боши – эра бошини қайси вақтдан ҳисоблашга оид турли фикрларни ўртага ташладилар. Баъзилар пайғамбарнинг туғилган кунидан деса, баъзилар пайғамбарликнинг келишидан ҳисоблашни таклиф қилди. Али ибн Абу Толиб ислом календарини пайғамбарнинг Маккадан Мадинага ҳижратларидан бошлашни таклиф этдилар. Бу таклиф маъқулланди. Пайғамбарнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб етиб борган вақтлари раби ул-аввал ойдан 11 кеча ўтганда душанба куни бўлган эди. Бу милодий ҳисоб билан 622 йилнинг 23 сентябр кунига мувофиқ келади. Мазкур машварат ҳижратдан 17 йил кейин муҳаррам ойининг биринчи куни (милодий 638 йил 23 январ) бўлган эди. Ҳижрат эса юқорида айтилганидек, рабиъул аввал ойининг ўн биринчи кунда, яъни ҳижрий-қамарий сананинг учинчи ойида бўлиб ўтган. Ваҳоланки, арабларда аввалдан йил боши муҳаррам ойининг биринчи кунидан ҳисобланган. Шу сабабли, тарихий воқеаларни ҳисоблаганда чалқашлик рўй бермаслиги учун ҳижрат воқеа бўлган учинчи ойдан олдинги биринчи ва иккинчи ойлар (муҳаррам, сафар) ҳам ҳижрат йили ҳисобига қўшиб олинди ва муҳаррам йил боши бўлиб қолди. Яъни бошқача қилиб айтганда, ҳижрий ҳисобнинг биринчи йилининг биринчи куни муҳаррам бўлиб қолди. Бу санани милодийга айлантирганда 622 йилнинг 16 июлига мувофиқ келади.

**Ҳижрий йилни аниқлаш формуласи.**

$$h = (m - h) + \underline{m - h} \quad 32$$

$$h = (2008 - 622) + \underline{2008 - 622}$$

32

$$h = \underline{1386} + 1386 - 138 \quad 32$$

$$h = 1386 + 43$$

$$h = 1429$$

**Ҳижрий-қамарий ҳисобда** бир йил 354 кун бўлади. Тоқ ойлар (муҳаррам, раби ул-аввал, жумоду-л-аввал, ражаб, рамазон, зулқаъда) - 30 кундан, жуфт ойлар (сафар, раби ус-соний (охир), жумоду-с-соний, шаъбон, шаввол, зулҳижжа) - 29 кундан ҳисобланади. Ҳижрий-қамарий календарда кабиса йиллари тартиби араб даврийлигига кўра ҳисобланади. Унда 30 йилда 11 та кабиса йили мавжуд. Кабиса йилидаги бир кун зулҳижжа ойи охирига қўшилади. Ҳижрий йил милодий йилга нисбатан қисқароқ (354 ёки 355) бўлгани боис, йил боши ҳар йили маълум вақтда келмайди.

Келгуси йил олдинги йилга нисбатан 10, 11 ёки 12 кун (йилнинг оддий ёки кабиса бўлишига қарам) эртaroқ келади. Милодий ҳисобда ўттиз уч йил, ҳижрий ҳисобда ўттиз тўрт йилга баробар бўлади.

Ислom дини тарқалган барча мамлакатларда ҳижрий-камарий йил ҳисоби диний календарь сифатида қабул қилинган. Рўза, ҳайит, ҳаж каби ислomий ибодатлар шу календарь асосида олиб бoрилади. Ҳижрий-камарий йил ҳисоби VIII асрдан бошлаб ислom дини, араб тили ва ёзуви билан бирга Урта Осиёга кириб келди. XX асрнинг биринчи чорағига қадар Ўрта Осиё йил ҳисобидан фойдаланилар.

**Ҳижрий-шамсий йил ҳисоби.** Ҳижрий-шамсий йил Қуёш (шамс)нинг бир йиллик ҳаракатига асосланган. Милодий 1079 йилда Салжукийлар султони Жалолиддин Маликшоҳ Яздигирд йил ҳисобини ислoҳ қилиш тўғрисида буйруқ беради. Календарь ислoҳоти махсус тузилган ҳайъат томонидан ўрганиб чиқилади. Унга шоир ва олим Умар Ҳайём (1040-1123) раҳбарлик қилади. Янги календарда йилнинг бошланиши баҳорги тенгкунликка тўғри келиши керак эди. Чунки ўша вақтда янги йилнинг бошланиши баҳорги тенг кунликдан деярли бир ҳафта узокланиб, 14-16 мартга тўғри келиб қолган эди. Агар янги йил 20,21 ва 22-мартдан бошланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Умар Ҳайём бошчилигидаги ҳайъат янги йилни баҳорги тенгкунликдан бошлайди ва бунинг учун кабиса йили танлаб олинади. Бу календарда ҳам Яздигирд йил ҳисобидаги каби бир йил 12 ойга бўлинади ва ҳар бир ой 30 кундан иборат бўлади. Бу календарда Яздигирд календаридан фарқи ўларoқ кабиса йилига 6 кун ҳам қўшилган. Календарда ҳар 33 йил бир давр (цикл) ҳисобланган. Унда ҳар ўттиз уч йилда саккиз марта кабиса йили келган. Бунда кабиса кунни етти марта тўртинчи йил охирига, саккизинчи кабиса кунни эса бешинчи кабиса йили охирига қўшилган. Бу календарь ҳижратнинг биринчи йили (622 йил) дан бошлаб ҳисобланади. Календарьнинг татбиқ этилган кунни ҳижрий 471 йил 10 рамазон, (Яздигир ҳисоби бўйича 448 йил 19 февралдин) милодий 1079 йил 16 мартга тўғри келади. Ушбу сана ҳижрий-шамсий ҳисоби бўйича 458 йилнинг биринчи бошланиш кунини - баҳорги тенгкунлик кунини (Наврўз) бўлди. Бу календарь салжукийлар султони Жалолиддин Маликшоҳ номи билан Жалоллий календари деб ном олди. Умар Ҳайём календари дунёда бугунги кунгача яратилган мукамал календарлардан бири ҳисобланади. Унда хатолик бир суткага етиш учун 4500 йил керак бўлади. Бу эса календарнинг аниқлик даражаси қанчалик юқори эканлигини кўрсатади. Жалоллий (Умар Ҳайём) календари XIX аср ўрталаригача Эронда қўлланилди. Кейинроқ ҳижрий-шамсий календари ислoҳ этилиб, ойларнинг кун миқдори бурж ойлари кун миқдorigа тўғриланади. Шу вақтдан бошлаб ҳижрий-шамсий календарида Қадимги Эрон ойлари кунининг номи ҳам қўлланила бошланди. Уларнинг тартиби қуйидагича:

- |                             |                         |
|-----------------------------|-------------------------|
| 1. Фарвардин-ҳамал (қўй)    | 7. Мехр -мезон          |
| 2. Ордибехишт-савр (хўкиз)  | 8. Обон -акраб (чаён)   |
| 3. Хурдод-жавзо (эгизак)    | 9. Озар-қавс (ёй) 76    |
| 4. Тир-саратон (қисқичбақа) | 10. Дай -жади (эчки)    |
| 5. Мурдод-асад(арслон)      | 11. Бахман-далв (қовға) |
| 6. Шахривар-сунбула         | 12. Исфанд-хут (балиқ)  |

1925 йилнинг 21 мартада Эронда янги Қуёш ҳижрий календари жорий этилди.

Бу календарнинг эраси ҳижрий, яъни 622 йилнинг баҳорги тенгкунлигидан бошланиб, оддий ва кабиса йилларининг узунликлари 365 (366) кундан ҳар йилнинг 12 ойдан дастлабки олти ойи 31 кундан, кейинги бештаси эса 30 кундан ва охириги ўн иккинчи ойи оддий йиллари 29, кабиса йиллари эса 30 кундан эди. Айни вақтда Эроншиг расмий календари ҳисобланган бу календарда ойлар, Қадимги Яздигард III календаридаги ойлар номи билан аталади. Ушбу календарда кунлар сонининг юқоридагидек таксимланиши тасодифий бўлмай, Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракатини ўзига акс эттиради.

Афғонистон расмий календари ҳам ҳижрий-шамсий календарь бўлиб, унинг асосида 1911 йили Эрон билан бир вақтда қабул қилинган «Буржий календарь» ётади. Бу календарда ойларнинг номи зодиак юлдуз туркумларининг номлари билан ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, акраб, қавс, жадди, далв ва хут деб юритилиб, уларда кунларнинг сони 29, 30, 31 ва баъзан ҳатто 32 кун бўларди. Шунинг учун ҳам бу календарь нокулай эди. Натижада, 1958 йилга келиб (ҳижрий-шамсий йил бўйича 1337 йили), афғон календари маълум даражада Эроннинг ҳижрий-шамсий календарига яқинлаштирилди. Бу учун 32 кунлик жавзо ойи кунларининг сони 31га туширилиб, ўнинчи ой - жадди оддий йиллари 29 кунга, кабиса йиллари эса 30 кунга тенг бўладиган қилиб қайта ислoҳ қилинди. Натижада унинг дастлабки олти ойи (ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула) Эрон календаридаги каби 31 кундан қилиниб, кейинги жаддидан бошқа беш ойи (мезон, акраб, қавс, далв ва хут) 30 кундан қилиб белгиланди. Эрон ва Афғон календарлари бўйича саналар тўла мос келгани ҳолда оддий йилларида охириги икки ой далв ва хут бир-биридан бир кунга фарқ қилади.

Агар Григорий календарининг маълум санасига тўтри келадиган ҳижрий-шамсий йилни топиш зарур бўлса, у ҳолда Григорий календари йилидан 622 ни (сана 21 мартдан олдинги кунга тўғри келса) ёки 621 ни (агар сана 21 мартдан кейинги кунга тўғри келса) айириш керак. Масалан, 1990 йилнинг 15 феввали ҳижрий-шамсий календарида қайси йилига тўғри келишини топиш учун 1990 дан 622 ни айириш керак бўлади, чунки 15 феврал 21 мартдан олдин келади. Демак, 1990 йил ҳижрий-шамсий 1368 йилга тўғри келар экан.

Ҳижрий-шамсий календарь йилнинг муайян вақтида баҳорнинг биринчи кунини (наврўз)да бошлангани учун фасллар, иқлим, об-ҳаво ва табиатда юз берадиган даврий ҳодисаларни кузатиб бoришда жуда қулай. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ барча ишларни олиб бoришда ундан фойдаланилади.

#### **Таянч тушунчалар :**

**Фраваш** (ҳозирги номи Фарвардин) - бутун мавжудотнинг руҳи - худо Ахурамазданинг сифатларидан бири.

**Аши Вахишта** (ҳозирги номи Ордибехишт чинакам) — такводорлик.

**Харватот** (ҳозирги номи Хўрдод) - бутунлик ва саломатлик худоси.

**Тиштрия** (ҳозирги номи Тир) - Сириус юлдузи-зардуштийлар бунга ҳам сиғинганлар.

**Амеретот** (ҳозирги номи Мурдод) - абадийлик.

**Хшатра-варя** (ҳозирги номи Шахривар) - олий ҳокимият.

**Митра** (ҳозирги номи Мехр) - қадимдан бўлган худо, зардуштийликда ёруғлик, аҳд ва осмон худоси.

**Апу** (hozirgi номи Обон) - жуда қадимги сув худоси.

**Одар** (hozirgi номи Озар) - олов худоси.

**Дотуш** (hozirgi номи Дей) - яратувчи.

**Воҳу Манох** (hozirgi номи Бахмон) - яхши фикр.

**Спенти Омоти** (hozirgi номи Эсфанд) такводорлик-асосий акидалардан бири.

**Мухаррам** - «таъқиқланган», «ман этилган», «муқаддас» маъноларини беради. Мухаррамда жохилият даврида уруш Харом қилинган.

**Сафар** - «сарик», «заъфарон» деган маънони беради. Бу ойда арабларга ҳалок қилувчи яра тошар эди. Шунингдек, бошқа бир фаразга кўра, сафар ойда араблар «сафария» номли гуруҳ билан биргаликда озик-овқат қидирганликлари учун бу ойга шундай ном берилган.

**Раби ул-аввал** - «Рабиъ» сўзи араб тилида «бахор» маъносини беради. Аммо Қадимги араблар «рабиъ» сўзини «куз» маъносида ҳам қўллаганлар. Ушбу ой куз фаслида келгани учун «биринчи куз» маъносини англаган.

**Раби ус-соний** — «иккинчи куз» маъносини англаган

**Жумоду-л-аввал, Жумоду-с-соний** - бу икки ой киш кунларига, совуқ қаттиқ бўлиб, сув музлаган пайтини англатувчига арабча «жамода» сўздан олинган бўлиб, «қотиб қолмоқ», музламоқ маъносини беради

**Ражаб** - араблар бу ойни улуглайдилар, яна бу ойни «кар ойи» ҳам деб номлайдилар, чунки булар бу ойда уруш овозини эшитмасдилар

**Шаъбон** - «ташааба» сўздан олинган бўлиб, «тарқалмоқ» маъносини беради Рамазон - «ёндиarmoқ», «жазирама ой» маъноларини англатади. Бу ой ёзнинг энг иссиқ пайтига тўғри келгани учун шундай аталган

**Шаввол** - «кўтарилмоқ», «олиб бормоқ», «кўчирмоқ» маъноларини беради. Араб қабилалари бу ойда ўз жойларидан кўчиб кетарди, шунинг учун шаввол деб номланган

**Зулқаъда** - «ўтирмоқ», «уйда қолмоқ» маъноларини англатади. Бу ойда уруш-лар бўлмади

**Зулҳижжа** - «хаж» сўздан олинди, «хаж қилиш» маъносини беради. Араблар бу ойда хаж қилганлар.

# Paleografiya va Epigrafika

2 – боб.

## 1 – mavzu. Paleografiya va Epigrafika fanining predmeti, maqsad va vazifalari.

### Reja

1. Yozuvlar haqida umumiy ma'lumot.

2. Epigrafika faniga kirish, fanning predmeti

3. Deshifrovka, bilingva tushunchasi haqida .

#### Yozuv – biror tilda qabul qilingan maxsus belgilar yig'indisi.

Yozuv 5-6 ming yil avval *Misr, Mesopotamiya, Xett, Hindiston* va *Xitoyda* kashf etilgan.

**Shumerda** (Mesopotamiya) mil.avv. IV – ming yillikda mixsimon ieroglif Yozuvi kashf qilingan. Shumer Yozuvlari suratli Yozuvlar bo'lib aytmoqchi bo'lgan fikr surat shaklida aks ettirilgan. Lekin suratli so'zlar bilan ko'p narsani ifoda etib bo'lmagan va bu soddalashtirilib ponasimon mixxat Yozuvi kashf etilgan. Mixxat belgili Yozuvlar 600 dan ortiq bo'lgan. Bu Yozuv 3 ming yillikda Shumerda ixtiro qilingan. Mesopotamiyaning Ur, Bobil, As hur kabi shaharlarida kutubxonalar mavjud bo'lgan. Mixxat Yozuvi Old Osiyoga keyinchalik Evropa davlatlariga keng tarqalgan.

**Misrda** bundan 6-7 ming yil avval 750 belgidan iborat – rasmlı ieroglif kashf etilgan. Misr Yozuvida narsa va xodisalar turli xil rasm va belgilar bilan ifoda etilgan bo'lib zamonlar o'tishi bilan bu belgilar Alifbo belgilariga aylangan. Qadimgi podsholik (m.a.2800-2250 y.y.) davrida 24 ta tovushni bildiradigan alifbo paydo bo'lgan. 1822 – yil Jak Fransua Shampalon **Rozetta** shahri yaqinida toshga o'yilgan bir xil mazmundagi Misr va Yunon Yozuvlarini o'qishga muvaffaq bo'lgan (Rozetta tosh hozirgi kunda Londondagi "Britaniya" muzeyida saqlanadi). *Misrliklar Yozuvi o'ngdan chapga qarab yozilgan, Shumerliklar Yozuvi esa chapdan o'ngga qarab yozilgan.*

**Hind Yozuvi** – mil.avv. 3 – 2 ming yillikda 700 ga yaqin belgi – rasmdan iborat Yozuv bo'lgan. Xind va Panjob viloyatlarida 700 belgidan iborat alifbo topilib, olimlarning fikricha bu Yozuvlar Shumer va Misr Yozuvlari asosida vujudga kelganligi aniqlangan. Xindlar birinchi bo'lib er.avv.3-2 ming yillikda xisob soniga «0» raqamini kiritgan. Hind Yozuvi taxminan 400 yoki 250 – 300 belgi – rasmdan iborat bo'lgan Shumer va Xett Yozuviga o'xshatiladi. Mil.avv. V – asrdan boshlab braxmi , kxaroshtxi , aramey , gupta Yozuvidan foydalanganlar.

**Xitoy Yozuvi** – bundan 3,5 – 4 ming yil avval kashf etilgan , Xitoy ieroglifi dastlab Shan In davrida mil.avv. 2 – ming yillikda kashf etilgan , shunda Yozuvlarning turi 2 mingga yaqin bo'lgan. Xan davrida ierogliflar soni 18 mingga etgan. Hozirgacha qisman o'zgarishsiz saqlangan. Dastlab Xitoyliklar suyak , yog'och , cho'p , teri va bambuk daraxtidan tayyorlangan taxtachalarga yozishgan , V – asrdan boshlab ipak shoyi parchasiga yozganlar.

**Krit – Mikenda** mil.avv. 3 – 2 ming yilliklarda – chizikli Yozuv mavjud bo'lgan, **"A"** va **"B"** chizikli xatga ega bo'lgan. Bu Yozuvni 1953 yilda ingliz olimlari Ventris va Chadvik **"B"** chizikli Krit Yozuvlarini o'qishga muvaffaq bo'lgan.

**Etrusk, Osk, Lotin** Yozuvlari mil.avv. VIII – VII asrlarda yaratilgan.

**"Avesto"** (qat'iy qonunlar ma'nosida) miloddan avvalgi IV – asrda to'planib , 21 ta kitob qilinadi , matnlarga yozilgan tafsilrlar **"Zand"** deb ataladi , Xorazm zaminida kitob xolatiga keltirilgan.

**"Avesto"** ning ayrim qismlarini Frantsuz olimi A.Dyuperron tarjima qilishga muvaffaq bo'lgan.

**"Avesto"** ga ko'ra Markaziy Osiyodagi ijtimoiy tuzum :

Mil.avv. I – ming yillik boshlarida aholi 4 guruxga bo'lingan :

1. Koxin (ruxoniylar);

2. Jangchilar;

3. Dehqonlar;

4. Xunarmandlar;

“Avesto”ga ko’ra ma’muriy tuzilish :

Nmana – Katta patriarxal oila (mahalla);

Vis – urug’ jamoasi (qishloq);

Varzana – hududiy qo’shnicilik jamoasi (tuman);

Zantu – qabila (viloyat);

Dahyu – qabilalar ittifoqi (davlat);

Finikiyada mil.avv. IX asroxiri VIII asr (X asr) boshlarida 25 ta belgidan iborat Yozuv kashf etildi. Yozuv islox qilinib 22 ta belgiga tushirildi. Bu *Finikiya Yozuvi* deb ataldi. Er.avv. 2 ming yillik oxirlarida *Suriyada* 29 belgidan iborat, *Finikiyada* esa 22 xarfdan iborat alifbo kashf etilgan, dunyo alifbolari asosan Finikiya alifbosidan kelib chiqqan.

Finikiya alifbosi asosida *Oromiy Yozuvi Eron Ahamoniylari Yozuvi* va *Parfiya Yozuvi* G’arbiy Osiyoda kelib chiqqan.

*Oromiy Yozuvi* asosida mil.avv. III-II asrlarda *So’g’d Yozuvi* shakllandi, bu Yozuv qoldiqlari Panjikent yaqinidagi Qal’ai Mug’dan (1932 yil topilgan, 74 ta so’g’dcha, 2 ta Xitoycha, 2 ta Arabcha, 1 ta Turkcha), SHarqiy Turkistonning Turfon shahri yaqinidan, Samarqanddagi Afrosiyob yodgorligidan topilgan.

*Oromiy Yozuvi* asosida yana *Xorazm Yozuvi* kelib chiqqan. Bu Yozuvning mil.avv. V-IV asrlarga oidlari Oybuyrqal’adan topilgan. Mil.avv. IV-III asrlarga oidlari Qo’yqirilganqal’adan topilgan.

*So’g’d Yozuvi* va *Xorazm Yozuvlari* asosida 25 harfdan iborat *Toxariston Yozuvi* shakllangan, bu Yozuv ko’ndalangiga chapdan o’ngga qarab bitilgan.

*So’g’d Yozuvi* asosida *Turk Yozuvi* shakllangan, bu Yozuv fanda *ko’k turk yoki Runik bitiglari* deyiladi, XVII asrdan o’rganila boshlangan. Sibir, Mo’g’iliston (Tunyuyuq, Kultegin, Bilga Xoqon, Ongin bitiglari), Oltoy, O’rta Osiyo (Farg’ona, Ettisuv, Zarafshon vodiysi) dan topilgan. 38-40 harfdan iborat bo’lgan.

*Oromiy Yozuvi* asosida yana *Kushon* (bu Yozuv burchakli, to’rtburchakli va aylana shaklda bo’lgan) – *Baqtriya Yozuvi* shakllangan, bu Yozuv qoldiqlari qadimgi Termiz shahridan topilgan.

*Oromiy Yozuvi* asosida yana *Baqtriya Yozuvi*, Baqtriya Yozuvidan esa *Eftaliylar Yozuvi* (25 harfli) shakllangan.

*So’g’d Yozuvi* va *Xorazm Yozuvlari* asosida yana bir Yozuv *Uyg’ur Yozuvi* kelib chiqqan, *Uyg’ur Yozuvidan Manjur hamda Mo’g’ul Yozuvlari* shakllangan.

**Hozirgi kunda er yuzida 5 ta Yozuv asosida tuzilgan Yozuv sistemalari tarqalgan :**

**1. Lotin Yozuvi grafikasidan – dunyo aholisining – 30 % ga yaqini foydalanadi.**

**2. Fonetik Arab Yozuvi grafikasidan – dunyo aholisining – 10 % ga yaqini foydalanadi.**

**3. Slovyan – Krill Yozuvi grafikasidan – dunyo aholisining – 10 % ga yaqini foydalanadi.**

**4. Grafik – Xitoy Yozuvi grafikasidan – dunyo aholisining – 25 % ga yaqini foydalanadi.**

**5. Bo’g’inli – Hind Yozuvi grafikasidan – dunyo aholisining – 20 % ga yaqini foydalanadi.**

Epigrafika Yunoncha *epi* va *grafika* so’zlaridan olingan bo’lib, *“buyumga yozilgan”* degan ma’noni bildiradi.

Epigrafika fani asosan tosh, sopol, metall, va boshqa qattiq buyumlarga bitilgan qadimgi va o’rta asr Yozuvlarini urganuvchi fandır. Uyg’onish davrida Qadimiylikka, chunonchi Qadimgi sharq va qisman qadimgi “Bibliya” ga qiziqish kuchaygan paytda paydo bo’lgan. Epigrafika fani dastlab Italiya, Yunoniston, SHimoliy Afrika va Falastindan topilgan oltin, Yunon, etrusk, qadimgi yaxudiy, finikiya puni yodgorliklarigagina ega edi. XIX asming o’rtalaridan epigrafika ayniqsa tez rivojlana boshladi. Epigrafika fani yordami bilan Kipr orolidan topilgan miloddan avvalgi XI-VIII asrlar tosh va idishlarga bitilgan Yunon tilidagi yoo’zlar Livan, Suriya, Karfagen, O’rta er dengizi orolaridai Italiya, Frantsiya, ispaniya va SHimoliy Afrikadan topilgan finikiya puni shuningdek qadimgi Yozuvlari, miloddan avvalgi IV-III ming yilliklarda Fila oroli va Nil daryosidan topilgan qadimgi Misr petroglifik Yozuvlari, miloddan avvalgi VI asrdagi janubiy va shimoliy arab Yozuvlari, Tigr va Evfat daryolari oraligi va Old Osiyoning qadimgi xududlaridagi miloddan avvalgi 3 ming yillikka oid mixxat matnlari, Ahamoniylar sulolasining o’rnatilishidan Artakserks III podsholigi (mil.avv. 358-338y) gacha bo’lgan dvrdagi koyalar, saroy dvorlari, va oltin taxtachalarga bitilgan qadimgi eron mixxatlari, Slayan, Gruzin, Arman, Qadimgi Turkiy, Xitoy, osiyo shuningdek O’rta Osiyo va boshqa xududlardan topilgan ko’plab yozma yodgoorlilar (bitiklar) topib urganildi. Epigrafikaning tarakkiyoti tufayli qadimgi xalqlarning, ibtidoiy. Ijtimoiy-siyosiy mddy madaniyati diniy mazhabi va umumiy tarixi haqida gi qimmatli ma’lumotlarni to’plash ikoni yaratildi va tuplandi.

Harf shakllarining o’zarishi ilmiy jixatdan o’rganish orqali arxeologik yodgorliklarning kaysi davrga mansubligi, qadimgi Yozuvlarning rivojlanish darajasi aniqlandi. Enisey (Ensoy) dayorsi xavzasi (Xakasiya A.V. va Tuva A.R. siyosiy) dan topilgan Urxun-Enisey Yozuvlar fanga ko’pgina qimmatli ma’lumotlarni to’plash imkonini berdi. YUmshoq buyumga yozilgan Yozuv qo’lyozma xisoblanadi.

Epigrafika fani qattiq buyumlarga yozilgan Yozuvlarni o’rganadi. Qo’lyozmalarni esa poligrafiya fani o’rganadi.

Qadimgi davrda qog’oz taqchil bo’lgan paytda qattiq materiallardan Yozuv vositasi sifatida foydalanish juda keng tarqalgan. Yozuv uchun yumshoq materiallar teri, papirus, va pergamentlardan ham foydalanganlar. Lekin bu yumshoq materiallar vaqt o’tishi bilan chirigan yoki yaxshi saqlanmagan shuning uchun qadimgi dunyo tarixini o’rganishda asosiy manbaa bo’lib epigrafik yodgorliklar maydonga chiqadi.

**Deshifrovka** noma’lum Yozuv bitilgan matnni o’qish demakdir. Buning uchun tatqiq etilgan yozuvdagi belgilarni o’sha belgilar bilan yozilgan tildagi so’zlarga o’xshatish, matnlashtirishdir. Noma’lum til yoki noma’lum Yozuvni o’qish uchun qandaydir bir tayanch, asos bo’lishi kerak: chunki yo’qdan bor bo’lmaydi. Agar tayanch bo’lmasa, asos topilmasa, jiddiy natija chiqishini ham kutmaslik kerak.

“Deshifrovka” tushunchasi keng ma’noda aytilganda odatda yozma yodgorliklar ustida ijtimoiy olib boriladigan uch xil ishni o’z ichiga oladi.

Birinchi, variantda tatqiqotchi noma`lum tilda, biroq ma`lum Yozuvda bitilgan xat yoki xujjatni tushunib olishi va o`qishi kerak. Masalan, xett mixtida yozilgan matn va etrusk tilini yoki bizga yanada tanishroq misol – Portugaliyada lotin alifbosidan foydalanishni o`qish. Agar portugal lug`ati va grammatikasi bo`lmasa, portugalcha matnni qanday qilib o`qish mumkin? Buning uchun tatqiqotchi so`zlarining ma`nosini tushunishi va grammatik formalarini bilishi lozim.

Ikkinchi variantda, til aniq ma`lum yoki ma`lum deb xisoblanadi, lekin matn noma`lum Yozuv bilan bitilgan, masalan, Kipring tugunli sistemasida yozilgan Yunon Yozuvi yoki oddiy misol: siz nemischanani tushunasiz, biroq faqat lotincha harf (shriftni) o`qiy olasiz va got harflarini bilmaysiz. Bu erda tatqiqotchiga bir xil belgilar sistemasini boshqa xil sistemaga o`tkazishga to`g`ri keladi.

Nixoyat uchunchi, oxirgi variant sizga til ham, Yozuv ham noma`lum. Bu tatqiqot eng qiyin biroq eng jozibali xol albatta. Bunda tatqiqotchi bir xil Yozuv sistemasini boshqa sistemaga o`tkazishi va ma`nosini tushunib olishi lozim. Bu vaqtda yordamchi fanlarning imkoni boricha barcha ilmiy vositalarining yordami zarur. SHuning uchun, masalan, Xett mixtida yozilgan matnni o`qish bilan Misr ierogliflari yoki mixxatni o`qishni bir darajaga qo`yib bo`lmaydi.

Noma`lum matnni o`qish, ya`ni deshifrovka qilishning eng barakali vositasi – **bilinva** dir, ya`ni turli tillarda yozilgan biroq ozmi-ko`pmi bir xil mazmunga ega bo`lgan ikki parallel matndir.

Masalan, rus va o`zbek tillarda yozilgan e`lonlar bunga misol bo`la oladi. Agar bilinva bo`lmaganida Misr ierogliflarini ham Bobil mixxatlarini ham o`qib bo`lmas edi.

Agar bilinvalar bo`lmasachi, unda nima qilish kerak?

Bunda yuqorida ta`kidlaganimizdek tatqiqotchiga qo`l keladigan barcha variantlardan foydalaniladi.

Lekin Shunday xolatlarda ham bo`ladiki, eng ishonchli bo`lib, ko`ringan bilinva ham Yozuvni o`qishga yordam berolmaydi, masalan:

Bunday bir necha yil ilgari Likiya bilinvalari topildi. mil.avv. bir necha asr davomida bu podsholik gullab yashnagan. Bilinvalarning topgan tatqiqotchilarning quvonchi ichiga sig`mas edi. Axir shu paytgacha Likiyaliklar Yozuvni o`qish imkoni bo`lmagan edida. Biroq olimlar bexuda quvonishgan ekan, topilgan narsalar bilinva emas, balki Likiyaliklar bir necha so`zdan iborat yozib qoldirgan qabrtoshlarlar bo`lib chiqdiki, bu so`zlar lug`at tuzish uchun kamlik qilar edi.

1974 yili Turkiyaning Janubida Frantsuz arxeologlari balandligi bir metr dan sal oshiqroq tosh devorni topishadi. Dvorga ikki tilda emas, balki bir yo`la uch tilda: Likiyaliklar, qadimgi Misrliliklar va Oromiy tilida bitilgan Yozuv – **tirilingva** ni ko`rib olimlarning sevinchi to`lib toshdi. Oromiy Yozuvi qadimgi Yunon Yozuvi kabi yaxshi o`rganilgan edi. U qadimgi Eron imperiyasida davlat tili vazifasini o`tagan.

Shunday qilib, tatqiqotchi Yozuvni o`qishga kirishar ekan, avvalo Yozuv sistemasining umumiy xususiyatini aniqlaydi. U oxirgi satrning to`ldirilmay qolgan qismidan, Yozuvning yo`nalishini bilib oladi, so`zlarining bo`laklarga ajralishi ajralmasligini aniqlaydi, bo`laklarga ajratilgan taqdirda bo`laklar qanday belgilar: chiziqcha, nuqta, ikkita nuqta va xokazolar bilan muntazam takrorlanayotganligiga e`tibor beradi.

So`ngra belgilar sonini belgilab chiqadi. SHunga qarab, u qanday Yozuv: harfli, bo`g`inli, ideografik yoki aralash Yozuv bilan ish ko`rayotganligini bilib oladi. ? Belgilari soni 30 tadan kam bo`lgan Yozuvning harfli sistema bo`lishidan ko`ra, bir necha yuz belgidan iborat, Yozuvning esa murakkab bo`g`inli sistema bo`lishi aniqroqdir.

Tatqiqotchi atoqli otlarni bilinva yordamida (agar bo`lsa) birinchi navbatda topadi. Ular olimni noma`lum Yozuvga olib kiradigan so`qmoq yo`l bo`lib xizmat qiladi, masalan, V. Tomson Urxun Enisey bitigtoshlardagi Yozuvlar ichidan birinchi bo`lib, **“Turk”, “Tangri”** so`zlarni o`qiydi. Bilinva bo`lmagan xollarda noma`lm tilda yozilgan tekstni o`qib tushunishi uchun quyidagi ikki usuldan foydalaniladi.

**Birinchi** - kombinatsiyaga asoslangan usul, bunda Yozuv o`qilayotgan ( lekin tarjima qilinmagan ), tekstidan kelib chiqayotgan qonuniyatlar asosida tushuntiriladi va sharhlanadi. Turli guruxdagi belgilarning tuzilishi va o`zgarishini, umuman tekstning tuzilishini, jumlaning asosiy bo`laklari qanday o`rin egallaganligini kuzata borib, keyin xulosa chiqariladi.

**Ikkinchi** - etimologik usul. Bu usul o`qitilayotgan tekstdagi so`zlarni taxil qilingan qardosh tildagi so`zlarga taqqoslashga asoslangan, biroq bu usulni qo`llash uchun mazkur ikki tilning qardoshligini isbotlaydigan jiddiy dalillar zarur. Harf (belgi)lar shaklining o`xshashligi etarli dalil bo`la olmaydi, masalan: ruscha “N” bilan lotincha “N” ning shakli bir xil lekin ular har xil o`qiladi.

Yozuvchi har qanday kontekstda o`qish mumkin bo`lgandagina deshifrovkani nixoyasiga etgan deb xisoblash mumkin.

**Таянч тушунчалар :**

**Ieroglif, Mixxat, Bilinva , Poleografiya , Epigrafika , kontekst.**

## **2 - mavzu: Qadimda turkiy epigrafik yodgorliklar.**

**Reja:**

- 1. Qadimgi Turkiy epigrafik yodgorliklar, ularning o`rganilish tarixi.**
- 2. Urxun-Enisey yodgorliklari.**
- 3. O`rta Osiyoda topilgan Turkiy bitiklar.**

### **Qadimgi turkiy epigrafik yodgorliklarning o`rganilish tarixi.**

Bir necha ming yillar davomida shakllangan turkiy Yozuvlar taqdiri Shumer mixxatlari kabi uzoq vaqtgacha jamoatchilikka ma`lum bo`lmay keldi.

XVIII asrda turkiy xalqlar Yozuvlari haqida dastlabki ma`lumotlar paydo bo`ldi. Lekin Yozuvlar qaysi xalqqa mansub ekanligi muammoligicha qolaverdi. Chunki bu Yozuvlarni xech kim o`qiy olmadi. 1691 yilda o`z davrining yirik olimi, Moskvadagi Gollandiya elchixonasi a`zolaridan biri Nikolay Vidzen Verxotur shahridan uncha uzoq bo`lmagan joyda noma`lum alifboda yozilgan bitigtoshlarni topdi. N. Vidzenning bu sohaga qiziqishiga Sibir viloyati boshlig`i Golovin sababchi

bo'lgan edi. U Sibir bo'ylab sayohat qilib yurganida Ob daryosining o'pirilgan joyidan odam suyaklari saqlangan yog'och quti, kumush boldoq, idishlar topadi. Bu topilmalarni u N.Vidzenga sovg'a qiladi. Lekin bu topilmalar va Yozuvlar qaysi xalqqa tegishli ekanligi noma'lum edi. Oradan 5 yil o'tgach 1696 yilda Tobolsk boyar o'g'li Semen Remezov ham Sibir erlarining haritasini chizayotib , bir punktiga Urxun toshi deb belgi qo'yadi. Noma'lum Yozuv bitilgan va tosh haritada chegara vazifasini o'tay boshlaydi. Bunday Yozuvlar haqida 1710 yilda asirlikka tushgan shved zobiti Filipp Ioganin Stralanberg to'liqroq ma'lumot beradi. Asirlikda u 13 yil yashab noma'lum Yozuvning jadvalini ham chizib oladi. Uningcha bu Yozuvlar **run** Yozuvlari deb atala boshlandi. Run deb atalishiga sabab , got Yozuviga tashqi jixatdan o'xshashligidir. Runa - sir ma'nosini bildiradi. Qadimgi olmonlarning run Yozuvi milodiy II-III asrlarda kelib chiqqan .Turkiy Yozuvlar esa G'arbdagi run Yozuvlari paydo bo'lgunga qadar ham mavjud edi.

1716 yili Pyotr I Dantsigda professor Breyning tabiyot-tarix muzeyini borib ko'radi. SHundan so'ng olimdan bu sohada iqtidorli kishi berishni iltimos qiladi . Brey do'sti , tibbiyot fanlari doktori Daniil Gotlib Messershmidtni tavsiya qiladi. U tarix, jug'rofiya, botanika sohasida ham bilimdon edi. Oradan ko'p o'tmay D.Messershmidt Peterburgga chaqirildi. Unga Sibirning fizik tasvirini yaratish topshirildi. U etti yil tinimsiz ishladi.

Qadimiy turkiy yodnomalarning ilk to'plovchisi va tadqiqotchisi bo'lgan F.I Stralanbergning faoliyati ham D.G.Messershmidt nomi bilan bog'liq.Ular 1720 yili Tobolsk shahrida tanishadi. Messershmidt xukumatdan uni ham o'z ekspeditsiyasiga kiritishni iltimos qiladi. Ular ikki yil davomida birga ishlashadi. 1730 yili ular Lyubenda «Ovro'pa va Osiyoning sharqiy va shimoliy qismining tarixiy hamda jug'rofiy tasviri» kitobini nashr etdilar. Bu kitob ikki olimning kundaliklaridan iborat bo'lib , unda dunyo ahamiyatiga molik fikrlar bayon qilingan edi. SHundan so'ng Enasoy Yozuvlari haqidagi ilk munozaralar boshlandi. Bu Yozuvlarni shakliga qarab , gox slavyan, gox keltlarga, va greklarga nisbat berdilar. **Bu nazariya tarafdorlarining fikricha : "turkiy xalqlar Sibirning erli axolisi emas shuning uchun bu Yozuvlarning Turkiy xalqlarga tegishli ekanligi haqida gap bo'lishi mumkin emas".**

XIX asming II yarmida «Slavyan nazariyasi» unutila boshlandi. Bu davrlarda qadimshunoslar Enasoy,Abakan daryosi qirg'oqlaridan ,Oltinko'l yaqinidan ,Buluk daryosi bo'ylaridan ko'plab toshga yozilgan Yozuvlarni topdilar. Lekin bu Yozuvlarning taqdiri ham avalgi Yozuvlarning taqdiriga o'xshab noma'lumligicha qolaverdi. Yozuvlarning turkiy xalqlarga tegishli ekanligini birinchi bo'lib **N.Yadrintsev** isbotlab berdi. U topilgan Yozuvlarning taxminan 2000 yillar ilgari yaratilganini , turkiy xalqlarning skif va gotlarga qo'shni bo'lganligini , bu Yozuvlar turkiy xalqlarga taaluqli ekanligini aniqladi. Lekin bu bitigtoshlarda nimalar ifodalanganligi noma'lumligicha qolaverdi.

N.M.Yadrintsev boshliq ekspeditsiyaning Urxun va Tula daryolariga qilgan safarlari run bitiglarini butun dunyoga mashhur qildi. U topgan «tangacha» li bitigtoshlar ko'pchilik tarixchilarning diqqatini o'ziga jalb qildi.

Kultegin bitigida xitoycha Yozuv matnlari ham bor edi. Bu matnlardan ma'lum bo'lishicha , bitigtoshlarning biri Biliga xoqon va ikkinchisi ukasi, lashkarboshi Kultegin sharafiga bitilgan ekan. **N.Yadrintsev topilmasidan so'ng bu Yozuvlar Urxun- Enisey Yozuvlari deb nomlandi. Ba'zi olimlar bu Yozuvlarni run Yozuvlariga o'xshashligini nazarda tutib , turkiy-run Yozuvlari deb atayverdilar.**

1891 yili N.Yadrintsev Ungin daryosi bo'yidan yana bir bitigtosh topadi. U fanda Ungin bitigtoshi deb atala boshladi. Keyinchalik Ettisuvdan bitigtoshlar topildi. Ular shakl jixatidan Urxun Yozuvlaridan bir oz farq qilgan.

**Yozuvlarni o'qish daniyalik olim V.Tomson va rossiyalik olim V.Rad'lovlar zimmasiga tushdi.** 1893yil bahorida Tomson Urxun daryosi bo'yidan topilgan Yozuvlarni o'qiganligi haqida Daniya qirolligi Fanlar akademiyasi yig'ilishida axborot beradi. Uning boshqa xalqlar Yozuvini deshifrovka qilib o'qishda qo'llagan tajribasi Urxun Yozuvlarining kalitin ochishda ham qo'l keladi. U Yozuvlardan turli belgilarning qanday tovush ifodalashini bilib olgach, unga tayangan xolda, Urxun Yozuvlaridagi butun alifboni aniqlaydi va birinchi marta «Tangri», «Turk» so'zlarini o'qiydi. Bu bitiktoshlarning turkiy xalqlarga mansubligi aniq isbotlab beradi.

Tomsondan keyin V.Rad'lov ham 1894 yil 19 yanvar kuni Rossiya Fanlar akademiyasi yig'ilishida Kultegin bitigini o'qiganligi haqida ma'lumot beradi. V.Rad'lov bu bitiktoshlardagi turkiy Yozuvlar alifbosining 15 harfni 1893 yil kuzida,ya'ni, Tomson o'qishiga qadar aniqlab bo'lgan edi. Shunday qilib,ikki olimning sa'yi-harakatlari bilan bu Yozuvlar – run, ya'ni sir emasligi isbotlandi.

Bu bitiktoshlar turkiy Yozuvda bitilganligi isbotlangandan so'ng, yana bir muammo paydo bo'ldi: Urxun – Enisey Yozuvlari qaysi Yozuv asosida kelib chiqqan: Lekin olimlar haligacha bu xususda bir to'xtamga kela olganlari yo'q. V. Tomson bu Yozuvdagi ayrim harflarning **seliy – paxlaviy** Yozuidagi harflarga o'xshashligini topdi. Keyinroq turkiy alifbodagi 23 harfning **oromiy** alifbosiga o'xshashligi aniqlandi. U turkiy tilning tovush qurilishiga mos xolda qayta ishlangan va oromiy alifbosidagi bir necha belgilar bilan to'ldirilgan degan xulosaga keldi. Oromiy Yozuvi mil.avv. I ming yillik boshlarida vujudga kelgan. Bu Yozuv dastlab Suriya va Mesopotamiyada paydo bo'lgan. Dastlabki oromiy Yozuvi finikiya Yozuvidan deyarli farq qilmagan. Keyinchalik mil.avv I ming yillik o'rtalarida oromiylar finikiya Yozuviga ayrim o'zgartirishlar kiritganlar. Harflar soni qisqartirilib, shaklini ham soddalashtirganlar. Mil.avv. VIII asrdan boshlab ko'pgina xalqlar : yaxudiylar, vavilonliklar, assuriyaliklar, forslar va arablar oromiy Yozuvini o'z tillariga moslashtirganlar.

Qozog'istonlik olim A.S. Omonjulovning fikricha, turkiy alifbo mil.avv. I ming yillikda shakllanib bo'lgan edi. Bu fikrda jon bor. 1970 yil Olma-otadan topilgan (Issikdan) ashyoviy dalillar buni isbotladi. Bu erdan topilgan chetlariga turkiy – runiy Yozuvlariga o'xshash belgilar bitilgan kumush kosacha hammaning diqqatini tortadi. Qazilma raxbari ashyoviy dalillar joylashgan qabr mil.avv. V – IV asrlarga tegishlidir. 1960 yillarda Turkiston shaxriga yaqin bir joyda loyga bitilgan bitigtosh topiladi. Uchta belgini xisobga olmaganda bitik Urxun Yozuviga mansub. Bu loy bitig o'ziga xos tumor bo'lgan. Xo'sh bu yangi belgilar qaerda keldi. Bu belgilar ijodkori noma'lum, lekin, bu belgilar o'sha davr bilan shug'ullanuvchi olimlarning aytishicha Yunon alifbsidan olingan.

E.D. Palivanov turk – Yunon Yozuvlarini turkiy muxitning o'zida paydo bo'lganligi haqidagi fikrni bildiradi.

**Endi qadimgi turkiy yozuv haqida :**

Qadimgi Turkiy Yozuvi 38 harfdan iborat bo'lib, 4 harf unli, qolgan 34 harf unsizdir. Yana ba'zan a – e, o – u, u – yu harflari uchun bir harf qo'llanilgan. Bu qadimgi Yozuv o'ngdan chapga qarab yozilgan va so'zlar orasiga ikki nuqta (: ) qo'yilgan.

Demak, shuni xulosa qilishimiz mumkinki, qadimgi turk Yozuvi mil.avv. V asrda paydo bo'lgan va asosan oromiy Yozuvi asosida shakllangandir.

**Urxun – Enisey yodgorligi.** Qadimgi Turkiy bitigtoshlarning Urxun Yozuvida bitilgan yirik namunalar quyidagilardir.

Tunyuquq bitigtoshi,  
Kultegin bitigi,  
Bilga xoqon bitigtoshi,  
Kuli chur bitigtoshi,  
Mayun chur bitigtoshi.

**Tunyuquq bitigtoshi** 2-turk xoqonligiga asos solgan Eltarish xoqonning maslaxatchisi va sarkardasi Tunyuquqqa bag'ishlanib, 712 – 716 yillari o'yib yozilgan. Tunyuquq bu bitigni o'zi xayotligida yozdirgan. Bitigtosh Ulan – Batordan 66 km. janubiy sharqidagi Bain TSokto degan joydan topilgan. Bitigtoshni *Elizaveta Klements* 1897 yili shimoliy Mo'g'iliston safariga borganda topgan.

Tunyuquq bitigtoshi Kultegin va Bilga xoqon bitigtoshidan mazmunan farq qiladi.

Bitigtoshda turkiylarning dushman qabilalariga qarshi kurashi, Tunyuquqning xalq oldidagi xizmatlari xikoya qilinadi.

Tunyuquq Turk xoqonligi Xitoyga bo'ysundirilgan vaqtda (630 – 680 yillar) Xitoyga ko'chib ketgan Turk oilasida tug'ilgan. Faqat qaysi turkiy uruqqa mansubligi aniqlanmagan. Keyinchalik turklar xitoyliklardan mustaqillikka erishgan paytda Eltarish qutlug' xoqon tomoniga o'tib, Bilge xoqon davrida ham Turk xoqonligida birinchi vazir va harbiy qo'mondon vazifalarida qolgan. Bu Tunyuquq Tosh yodgorligi Tula daryosining yuqori oqimidan, Kultegin va Bilga xoqon yodgorliklari atrofidan topilgan. Faqat yodgorlikning qaysi yili o'rnatilganligi aniqlanmagan.

**Kultegin bitigtoshi** Bilga xoqon bitigtoshi bilan bir vaqtda paydo bo'lgan. Radlov bu bitigni nemis tiliga tarjima qilgan. Bu bitigtosh marmarga o'yilgan, qalinligi 41 sm, balandligi 3 metr 15 sm, tub qismining kalinligi 1 m. 24.sm. Marmar tosh o'rtasida bosh burchakli qalqon bor. Unga balandligi 64 sm, kengligi 40 sm bo'lgan lavxa o'yilgan. Lavxada arxar surati naqshlangan. U xoqonlik tamg'asi xisoblangan. Orqa tomonga bitigtoshning o'rnatilish tarixi, xattot Yozuvida bitilgan. Uning old tomoniga 40 satr, o'ng va chap tomoniga 13 satrdan Yozuv bitilgan. Ba'zi joylarida Yozuv o'chib ketgan. Bu marmartoshga yozish ishini Yullig Tegin ismli kishi bajargan.

Bu bitigtosh Kulteginning akasi Bilga xoqon ko'rsatmasi bilan amalga oshirilgan. Bitigda asosan xalqqa murojaat qilingan. Bitig 732 yili Kul tigin xotirasi uchun Bilga xoqon tarafidan bitilgan. Kultegin 731 yili to'qqiz-o'g'izlar bilan bo'lgan jangda xalok bo'lgan edi.

**Bilga xoqon bitigi** – Bilga xoqon 734 yil 25 noyabrda o'z yaqinlari tomonidan o'ldiriladi. Uning o'g'li Ichon xoqon 735 yili otasining xotirasi uchun Kultegin bitigidan 1 km uzoqlikda bitiladi. Bu Yozuvni ham Bilga xoqonning amakisi Yullig Tegin yozgandir. Bitigtosh ag'darilib 3 bo'lakka bo'lingan, shuning uchun ham Yozuvlarning ma'nosi unchalik tushunarli emas. Bitigtosh Bilga xoqonning taxtga o'tirishidan boshlanadi. Bitigtoshda Bilga xoqonning xoqonlik yillari, davlatni adolatli boshqarganligi aytiladi. Bitigtoshning so'nggi misralarida Bilga xoqonning o'z xalqiga qilgan nasixatlari aks etgan: “*xalq xoqonidan, er-suvidan (ya'ni vatanidan) ayrilmasa, ezgulik ko'radi, baxtli, betashvish yashaydi*”.

Bilga xoqon bitigtoshini ham Xitoy ustalari o'rnatgan. Bitigtosh oxirida esa uning muallifi Yullig teginning ismi keltiriladi:

«*Turk bilga xoqonning so'zlarini bu tosh ustiga men yozdim, Xoqonning jiyani men Yullig Tegin, bir oy 4 kun o'tirib yozdim...*»

Bunga xoqonning vafoti sanasi bitigtoshda quyidagicha ko'rsatilgan:

«*Otam xoqon it yili uchinchi oyning yigirma oltisida vafot etdi. To'ng'iz yili beshinchi oyning yigirma ettisida dafn marosimini qildirdim*». Bu it yili 734 yilga to'g'ri kelsa kerak.

**O'rta Osiyodan topilgan turkiy bitiglar.** Turkiy bitigtoshlar O'rta Osiyoda ko'p topilmagan. Asosan **Talas** vodiysidan topilgan xolos. Talas bitigtoshlarini topish va jamoatchilikka ma'lum qilishda M.E. Masson 1930 yilda **Tereksoyda** o'tkazgan arxeologik qazishmalari natijasida urxun – enasoy xarfi shaklidagi ikki qator Yozuv bitilgan tosh topdi. Yana Talasdan 1933 yilda ettita katta – kichik hajmdagi bitigtosh topildi. 60-yillarda ham O'sh viloyatida Batken tumani xududida qabr toshiga bitilgan va qadimgi turk davriga oid bitigtosh ma'lum qilingan.

YOdgorliklarning tarqalishi kengligi ham hozircha muammo bo'lib turibdi. Bu erlarda topilgan Yozuvlar xattotlik maxorati jixatidan turli-tuman, chunki Yozuv keng xalq orasida qo'llangan. Yozuvning yaxshi egallagan odamlarning katta bir guruxi orasida u kengroq qo'llanilgan. Masalan, yirik Urxun yodnomalari xusnixat bilan yozilgan, uning ijodkorlari Yozuv maxoratini egallagan, maktabda maxsus o'qitilgan. Mayada toshlardagi Yozuvlarni bitishda ushbu Yozuv avtorlarining kasb mahorati etishmasligi sezilib turadi, ular xunuk xat bilan yozilgan.

Qadimgi turkiy Yozuvlar tarqalgan o'lkalar orasida O'zbekiston xududlarining ham alohida o'rni bor ekanligi qator topilmalar orasida isbotlanmoqda. Masalan, Farg'ona vodiysidagi **Isfara**dan topilgan turkiy bitig, A.N. Bernshtame'lon qilgan Farg'ona turkiy bitigi, **Quvada** topilgan xum sirtidagi turkiy bitig, S.T. Klyashtorniy o'qigan Farg'onadan topilgan bronza uzugiga yozilgan bitig va boshqalar bu fikrni tasdiqlaydi.


Tadqiqotlar O'zbekiston xududida yashagan yangi turkiy bitiglar topilishiga olib kelmoqda. 1986 yili O'z. FA Arxeologiya instituti tomonidan Andijon viloyatining Marhamat tumanida joylashgan **Lunbitepa yodgorligi**da qazish ishlari boshlandi. Bu yodgorlik maydoni 60x90 metr, balandligi 8 metr keladigan tepa bo'lib, V – VIII asrlarga oid bo'lgan mustahkamlangan qishloq qo'rg'oni edi. Bu erda xayot IX – X asrlarda uzilib qolgan.

Bu yodgorlikda ko'plab ashyoviy dalillar qatori qadimgi turkiy Yozuviga daxldor muxim obida topildi. Bu obida buyi 20 sm.dan sal ortiqroq, qorin qismining keng nuktasi 16 – 17 sm, bo'yin qismi tor xumcha bo'lib, uning og'zi labidan elkasiga



birlashuvchi bir yoqlama ushlagich bandi bor. Uning bandi sirtiga pastdan yuqoriga yo'nalgan qadimiy turkiy bitik o'yib tushirilgan.

Bitik idish xumdonida pishirilishidan oldin bitilgan. Bu xumcha yodgorlikning VI – VII asrlarga oid qatlamidan chiqdi. Xumcha bog'ida quyidagi Yozuv mavjud.



Bu erdagi birinchi va oltinchi xarflar « k » xarfini ifodalaydigan ekan. Har ikki o'rinda ham xarflar Urxun–Enisey yodgorliklaridagiga qaraganda bir oz farqli. Buni biz bu Yozuv mutaxassis bo'lmagan bir qiziquvchan kishi tomonidan yozilgan bo'lishi mumkin deb izoxlaymiz. To'rtinchi xarf « m » deb o'qilgan. Tunyuquq bitigtoshida shu xarfni birlashtiruvchi chizig'i to'g'ri

yozilgan bo'lsa, bu erda qiyaltirib yozilgan. Qolgan harflar nomlanishi quyidagicha: «k, i, a, m, i, k, ch». Turk xatining tovushlar uyg'unligi (singarmonizm) qonuniga moslashganligi, bu erda so'zlarning qattiq yoki yumshoq o'zakli ekanligini aniqlashga imkon beradi. SHunga asosan fikr yuritadigan bo'lsak, birinchi so'z yumshoq o'zaklidir, chunki u « k » tovushi bilan kelgan. Turkiy so'zlarda bilamizki, ikki unli yonma-yon kelmaydi. Demak, so'z chegarasi ham shu erda bo'ladi: « i » birinchi so'zga, « a » harfi ikkinchi so'zga taalluqli bo'ladi. Beshinchi belgi « i » ning qattiq (variantini) undan keyingi belgi esa yumshoq « k » ni ifodalaydi. «i» oldingi, « k » esa oxirgi so'zga tegishlidir. SHundan kelib chiqib bitigni uch so'zga ajratish mumkin: o'rtadagi qattiq, ikki yondagisi esa yumshoq o'zakli so'zlardir. Endi so'zlni o'qib chiqishga harakat qilamiz: 1 va 2-xarfi birinchi so'zga birlashadi, ularning oldiga qadimiy turkiy imlo qoidasiga ko'ra tushirib qoldirgan yumshoq «E» tovushini ko'shsak, «*eki*» - deb o'qish mumkin bo'ladi. Qadimgi turkiy talaffuzda ikki so'zi *eki* tarzida ishlatilgan. Xarflarning ikkinchi guruxini (a, m, n) «*amin*» - deb o'qish mumkin. V.Radlovning turkiy loxjalar bo'yicha lug'atida bu so'zga «yashamoq, turmoq, turish, xayot, makon» deya ta'rif berilgan.

So'nggi ikki xarfni « k » va « ch » birlashtirib «*xech*» yoki «*ekach*» deb o'qilsa bo'ladi. Mahmud Qoshg'ariyning lug'atida o'z singlisidek qiz «*ekach*» deb atalgan. YAna bir faraz matndagi «*ekach*» so'ziga « a » qo'shimchasi qo'shilsa, u jo'nalish kelishigida «*egachimga*» shaklini oladi. YUqoridagi da'volar asosida ko'zachadagi Yozuvni quyidagicha o'qish mumkin bo'ladi:

*Ek amin ekach « a »*

Talqinimizni chin bo'lgan takdirda, uning ma'nosi: «*Egachimga ikki umr (bersin)*», «*Egachimning ikki dunyosi obod bo'lsin*» degan mazmun anglashiladi.

*Таянч тушунчалар :*

**Bilga , Egachi , Kultegin , Runiy , Tunyuquq.**

### **3 - mavzu: Ilk O'rta asrlar O'rta Osiyo tarixiga oid epigrafik manbalar.**

**Reja:**

**1. So'g'd tilidagi manbaalarning umumiy tavsifi.**

**2. Mug' tog'idan topilgan So'g'd arxivi xujjatlari va ularning mazmuni.**

**So'g'd tilidagi manbaalarning umumiy tavsifi.** Bizga ma'lumki, So'g'd Yozuvi mil. avv. III-II asrlarda shakllangan.Lekin milodning dastlabki davrlariga oid So'g'd manbaalari kam topilgandir. Buning asosiy sababi, arablar istilosidir. Arablar O'rta Osiyoni bosib olganlaridan keyin bu erdagi turli narsalarga yozilgan Yozuvlarni beav yo'q qildilar. Istilo natijasi O'rta Osiyo xalqlari orasidagi til munosabatlariga ham ta'sir qildi. Arab va fors tili shahar madaniyat tiliga aylana bordi. Bu esa So'g'd tilining amaliy doirasini toraytira boshladi. Buning ustiga turkiy tilning tobora keng yoyilishi So'g'd tilining mavqeini yanada cheklab qo'ydi.

**Muhammad Narshaxiy** ning «*Tarixi Buxoro*» asaridan ma'lum bo'lishicha, X asrda So'g'd tili faqat qishloq tumanlaridagina saqlanib qolgan edi.SHuning uchun So'g'd tilida yozilgan manbaalar kam saqlanib qolgan.

XX asrda So'g'd manbaalariga qiziqish kuchaydi. Asosan chet el olimlari So'g'd manbaalarini topishga harakat qilishgan. 1889 yili N.I. YAdrintsev tomonidan Urxun daryosi xavzasidagi Qorabolg'a sun degan erdan topilgan uch xil Yozuvli tosh lavxadagi uchinchi Yozuv So'g'd tilida - «So'g'd Yozuvi» deb ataladigan Yozuvda bitilganini aniqladi. Kizigi shundaki So'g'd tilida bitilgan dastlabki epigrafik yodgorliklar faqat So'g'd xududidan tashqarida topilgan .XX asr 30-yillarigacha So'g'd xududidan birorta ham Yozuv topilmagan.Umuman So'g'd tilidagi manbaalar IV-IX asrlarga oid bo'lib turli mazmundagi yuridik xujjatlar (ahdnomalar , nikox haqidagi shartnomalar , oldi –sotdi xujjatlari , tilxatlar ) xukmdorlar o'rtasidagi yozishmalar , kundalik turmushga oid xujjatlar hamda farmonlardan iboratdir.

Bu xujjatlar So'g'diyonaning o'zida (*Mug' qal'asidan*), Samarqandda(Afrosiyobdan), Kirg'iziston va SHarqiy Turkistondan topilgan . (*Mug' qal'asidan topilgan xujjatlar tafsiloti haqida keyinrok to'xtalamiz*).

1961-1965 yillarda O'zbekiston Fanlar Akademiyasi tarix va arxeologiya instituti ekspeditsiyasi Afrosiyobda V-VII asrga oid saroy harobalarini ochdilar .Saroy mexmonxonasi devorlari turli mazmundagi rasmlar bilan bezatilgan bo'lib ular orasida oq kiyim kiygan CHag'oniyon elchisining surati ham bor. Uning etagida So'g'd tilida 16 satrdan iborat ishonch yorlig'i ham yozib qo'yilgan.

Muhim xujjatlar So'g'diylarning Qozog'iston ,Qirg'iziston, hamda SHarqiy Turkistondagi savdo koloniyalarida ham topilgan . Bular orasida ayniqsa , 1902-1906 yillarda A.Steyn boshliq ingliz ekspeditsiyasi topgan epigrafik yodgorliklar mashhurdir. Bu ekspeditsiya Xitoyning G'arbiy tumanlarida –Dunxuan nomli punktda qazuv ishlarini olib borib, yuzlab xitoycha ,turkcha va boshqa xat xujjatlari orasida So'g'd Yozuvi bilan bitilgan nodir qo'lyozmalar ham topishga muvaffaq bo'ldi. Talas daryosining o'ng soxilida , hozirgi Talas shaxrida 7-8 km shimolda joylashgan Kulunsoy hamda Teraksoy

daralarida qoyatoshlar o'yib bitilgan Yozuvlar alohida e'tiborga ega. Bu yozuvlar IV-XI asrlarda So'g'd kasabalaridagi ahvol haqida, O'rta Osiyo bilan Sharq Mamlakatlari orasidagi savdo aloqalari va bunda So'g'diylarning roli haqida qimmatli ma'lumotlarni beradi.

Dunxuan va Xo'ton xujjalari A.Steyn, Talasdan topilgan yozuvlar esa V.A.Kamaur, M.E.Masson, D.F.Vinnik, A.Asanaliyev, U.Jumagulovlar tarafidan o'rganilgan.

So'g'd yozma yodgorliklari ham Yozuv alfavit turlari, ularda aks etgan diniy dunyoqarash mazmuni bo'yicha turlichadir. Masalan, budda diniy marosimlari aks etgan yozma yodgorliklarning aksariyati «Samarqand Yozuvi» yoki «So'g'd milliy Yozuvi» nomi bilan yuritiladigan yozuvda bitilgan.

Kushonlar imperiyasida (milodiy I-II asrlar) oid tangalardagi yozuvlar ham So'g'dcha bo'lgan.

**Mug' tog'idan topilgan So'g'd arxivi xujjalari va ularning mazmuni.** 1932 yilning baxorida Zaxmatobod tumanida (hozirgi Ayniy) Xayrobod qishlog'i yaqinidagi Qolgan Mug' nomli tepalik yonbag'rida cho'pon Jo'rali Mahmudali o'g'li kolxoz qo'ylarini o'tlatib yurganida, qal'adan noma'lum Yozuvda bitilgan xatni topib oladi. Cho'pon qishloqqa qaytgach xatni mahalliy savodxon kishilarga ko'rsatadi. Lekin xatni hech kim o'qiy olmaydi.

Voqeadan habardor bo'lgan A.Pulodiy (Zaxmatobod tumani partiya komitetining birinchi kotibi) –xatni Do'shanbega jo'natadi. U erda xatni sobiq SSSR FA Tojikiston bazasining ilmiy kotibi A.Ivasilev ko'radi. Undan fotonusxa olib Peterburgga –So'g'd Yozuvidan xabardor olim A.A.Frey manga jo'natadi.

**Shu yili kuzda Qolgan Mug'da qazish ishlari boshlab yuborildi. Qazishmalar natijasida 400 ga yaqin ashyoviy dalillar topildi, qal'a arxitekturasi o'rganib izoxlandi, avval topilganlari bilan birga 80 dona yozma yodgorlik tekstlari qo'lga kiritildi. Ulardan 74 tasi So'g'dcha, 2 tasi arabcha, bittasi turkiy bo'lib fan uchun benixoya kimmatbaxo ma'lumotlarni beradi.**

Bu erdan topilgan So'g'd Yozuvi yodgorliklari uchun ishlatilgan materiallar Yozuv taraqqiyotini o'rganishda muhim ob'ektdir. So'g'd Yozuvi va O'rta Osiyo Yozuvlarining eng Qadimylari metall predmetlari yuzasidan bizgacha etib kelgan. Ularda xatning shaklan eng soddadir turlaridan tortib, yuksak kursiv xusnixat shaklarigacha mavjud. So'g'd Yozuvining keyingi namunalari ko'pincha ipakdek nafis va pishiq «xitoy» qog'oziga bitilgan. Bundan tashqari Samarqand qog'ozi ham keng tarqalgan bo'lib, lekin, tadqiqotchilar fikricha VII-VIII asrlarda bu erda qog'oz ishlab chiqarish qiyin bo'lganligi uchun qog'oz etishmagan va juda qimmat turgan. SHu sababli ko'pincha xo'jalik xisobi ishlarida kundalik extiyojlar uchun qog'oz bilan bir qatorda yog'och ham keng qo'llanilgan. YOg'och - toldan yasalgan tayoqchalar bo'lib (uzunligi 0,5m va undan ortiq) ularning po'stlog'i shilingan, ko'pincha uzunasiga ikkiga bo'lib ishlatilgan. YOg'ochning bo'rtik va tekis yuzalariga yozilavergan. **Mug' xujjalarning 30 ga yaqini shu kabi tol yog'ochlariga yozilgan.**

Xujjalarning bir qanchasi esa charmga yozilgan. Ularning saqlanish darajasi har-xil. Bulardan tashqari So'g'd Yozuvining qator namunalari sopol parchalarida, idishlarning sirtida, toshda etib kelganki ularning tarixiy va madaniy jihatidan ahamiyati beqiyosdir.

**So'g'd Yozuvi mil. avv. I ming yillikda Osiyoda keng tarqalgan Oromiy Yozuvidan kelib chiqqandir. Mil. avv. III-II asrlarda So'g'd Yozuvi to'la shakllanib bo'lgan edi.** So'g'dda savodxonlikka intilish kuchli bo'lganligi ko'pincha So'g'd davlatining ichki iqtisodiy taraqqiyoti ham savodxonlikni talab qilardi. SHuning uchun ham So'g'diyona savod o'rgatish maktablari, kotiblik san'ati maktablari bo'lgan. 1965 yili Panjikentdan topilgan So'g'd alifbesi bitilgan mashq taxtachasi, Mavrdan sopolga bitilgan kotib mashqlari bu fikrni isbotlashi mumkin.

Endi bevosita Qolgan Mug'dan ba'zi epigrafik yodgorliklar haqida, bu yozma yodgorliklar o'sha paytda So'g'dning xo'jalik ishlari, bir qator yuridik xujjatlar, arab noibining xatlari, Devashtich ko'zg'oloni haqidadir.

Bizga ma'lumki, Devashtich ko'zg'oloni bostirilgach, dastlab u avf etildi, keyinchalik Arbinjon degan erda dorga osib o'ldirildi. Bu voqea 722 milodiy yilda bo'lgan. Olimlar tomonidan o'qilgan va nashr qilingan juda yomon xolda etib kelgan (charming ko'p erini qurt egan, chirigan, Yozuvi bir qadar o'chib ketgan) arabcha xat Devashtichning arab xalifasi noibiga xijriy 100 yilda (milodiy 710-718 yillar) yozgan maxsus xati edi. Unda 710 yilda Gurak tomonidan taxtdan chetlatilgan, o'zini o'ldirgan So'g'd podshosi Tarxunning bolalariga xomiy bo'lishni noibdan iltimos qilingan edi. Bu xol arab istilosi davrida So'g'dda taxt uchun kurash ham davom etganini ko'rsatsa ajab emas. Aslida Devashtich Tarxunning ikki o'g'liga xomiy bo'lgan va taxtning vorisi deb ana shu ikki bolani bilgan. SHuning uchun 710 yildan boshlab So'g'd podshosi xisoblangan Tarxunning akasi Gurakning xayot bo'lishiga qaramay Devashtich ham o'zini Panjikent xokimi, So'g'd podshosi deb e'lon qilgan. Arablar siyosati natijasida, ko'pchilik zodagonlar arablar tomoniga o'tgan. So'g'd podshosi Gurak ham Devashtichning taxtga da'vosidan va xalq orasidan ko'zg'olon ko'rqib arablar tomoniga o'tib ketgan.

Mug' qal'asidan yana juda ko'plab xujjatlar topilgan, lekin boshqa xujjatlar ayrim fan mavzusi bo'lganligi uchun fikrimizni shu erda to'xtatamiz.

*Таянч тушунчалар :*

Dunxuan, Devashtich, Xo'tan, Qorabol'gasun, Gurak.

4 - mavzu: Arab yozuvining vujudga kelishi, rivojlanishi va uning turlari.

Reja:

I. Arab yozuvining paydo bo'lishi.

2. Arab yozuvida o'tkazilgan islohotlar.

3. Arab yozuvi turlarining Shakllanishi :

a) kufiy yozuvi;

b) muxaqqaq yozuvi;

v) rayxoniy yozuvi;

g) suls yozuvi;

d) tavqi' yozuvi;

e) riqo yozuvi;

j) nasx yozuvi;

z) tavqi' yozuvi yoki xatti tavqi';

f) ta'liq yozuvi;

i) Shikastayi

ta'liq;

4. Xulosa.

Eramizning dastlabki yillarida Arabiston yarim orolining shimoliy - g'arbiy qismida **Nabatiylar davlati** mavjud bo'lib bu davlatning Yozuvi oromiy Yozuvi edi. Bu Yozuv nabatiylar davlatida ishlatilganligi sababli **nabatiylar Yozuvi** deb ham

atalgan. Bu alifbo 22 belgidan iborat bo'lgan. Keyinchalik bu alifbodan hozirgi kunda Afrikaning shimoliy - g'arbiy qismidan Hindistongacha bo'lgan ulkan xududda amalda qo'llanib kelinayotgan va *Arab Yozuvi* deb ataladigan Yozuv shakllangan.

Ilk arab Yozuvining eng qadimgi yodgorliklari Janubiy Suriyadan topilgan bitiklar bo'lib, ular eramizning IV - VI asriga mansubdir.

Eranizning V - VI asriga kelib arab Yozuvi shimoliy Afrikaga ham tarqalgan edi.

Arablar xayotidagi eng ulkan ijtimoiy - siyosiy va madaniy - ma'naviy burilish VII asrning boshlarida vujudga kelgan islom ta'limotidir. Bu ta'limotning beShigi o'sha davridayoq umumarab ahamiyatiga ega bo'lgan savdo markazi Makka shaxridir. Islom ta'limotining va uning birinchi kitobi bo'lgan "*Qur'oni Karim*" ning sharofati bilan deyarli savodsiz xisoblangan ko'chmanchi arablar juda boy va rang - barang Yozuvga ega bo'lishgan, sivilizatsiyalaShgan va madaniy xalqqa aylangan. Shuning uchun ham "*Qur'oni Karim*" kitoblarning onasi deb ataladi.

Islom dini ildiz otib, aholi bu dinga e'tiqod qilishga boshlaganidan keyin, Qur'on va arablarning o'sha davrdagi og'zaki she'riyati asosida arab adabiy tili shakllana boshlagan. Arablarning xarbiy soxadagi qo'lga kiritgan yutuqlari, islom dinining qo'shni hududlarda tarqalishi arab tilining obro' - e'tiborini kuchaytirgan. VII asr oxirida (685 — 705 yy.) xalifa Abdulmalik davrida (ungacha to'rtta dastlabki xalifalar va Muoviya, Yazid, Marvonlar xalifalik qilishgan edi) xalifalikning poytaxti Damashqda barcha davlat muassasalari va rasmiy yozishmalarni faqat arab tilida olib borish xaqida farmon qabul qilindi va bu farmon xalifalikning barcha xududlari ucluni uinuniy deb e'lon qilindi. Chiqarilgan bu farmon arab tili va Yozuvining jamiyatda tutgan mavqeini yanada mustaxkamladi.

Arab tilining rivojlanishi, uning xalifalikka tobe bo'lgan xududlarda keng tarqalishi arab Yozuvi va uning orfografiyasini takomillashtirish zaruratini keltirib chiqardi. Bu narsa esa, Yozuvda isloh o'tkazish masalasini ko'ndalang qo'ydi. Bu islozni amalga oshirishda o'sha davrda Iroqning xukmdori bo'lgan Al - Hajjoning tashabbusi va xizmati ulkan bo'lgan. Yozuvda o'tkazilgan bu isloxotning vaqti aniq bilangan emas. Extimol u bosqichma — bosqich uzoq muddat davomida amalga oshirilgan va 680 yildan 780 yilgacha bo'lgan davrni o'z ichiga olgan. Umuman arab Yozuvicla o'slia davrda o'tkazilgan isloxotning moyiyati qisqacha quyidagilardan iborat:

Yuqorida aytganimizdek, *nabatiy Yozuvi* da 22 ta harf mavjud bolgan. Bu xarflar orasida 4 ta harf shaklan juda o'xshash bo'lgan. Ular deyarli bir xil yozilgan. Ilk arab Yozuvda bu xarflarni bir — biridan farqlash uchun ularning ustiga yoki ostiga nuqtalar qo'yish joriy etilgan. Shundan keyin bu harflarning shakli bir xil yozilavergan va ular faqat tepa yoki pastdagi nuqtalar va ularning soni bilangina farqlangan. Huddi Shunday uslub bilan nabatiy tilida bo'lmagan, lekin arab tilida mavjud bo'lgan undosh tovushlar uchun ettita harf ijod etilgan. Nabatiy Yozuvdagi bitta harf arab tilida yo'q bo'lgan tovushni ifodalaganligi uchun u iste'moldan chiqarib yuborilgan. *Shunday qilib 28 ta xarfdan iborat bo'lgan arab Yozuvi shakllangan*. Bu Yozuvdagi bir — biridan shaklan farq qiladigan harflar nabatiy Yozuvda bo'lgani kabi 15 tadir.

Nabatiy Yozuvda so'z tarkibidagi xarflar asosan bir tomondan ulab yozilgan. Ilk arab Yozuvda esa, xarflarning ko'pchiligi har ikki tomondan qo'shib yozilgan. Shu sababli shakllanib takomiliga etgan arab Yozuvda har bir harfning so'z boshida, o'rtasida, oxirida yoziladigan va alohida shakllari ishlab chiqilgan va amalda qo'llana boshlagan. Istisno tariqasida 6 ta xarf ilgari xususiyatini saqlab qolgan va ular faqat o'ng tomondagi harf bilan qo'shib yoziladi. Shuning uchun ularning ikkitagina shakli mavjud, Shunday qilib, arab Yozuvdagi 28 harfning 100 ta ko'rinishi shakllangan.

Ilk arab Yozuvda ayrim harflarga nuqtalarning qo'yilishi, ko'pchilik xarflarning xar ikki tomondan qo'shib yoziladigan shakllarini ishlab chiqish bilan bir qatorda xarflarning o'zaro katta — kichiklik normalari xam ishlab chiqilgan.

Nabatiy Yozuvda cho'ziq unililar xarflar yordamida ifodalanan edi. Bu qoida arab Yozuvda ham saqlab qolingan. Shuning uchun arab Yozuvdagi harflari undosh tovushlarni ifodalash bilan birga cho'ziq a, u, i unililarni xam ifodalaydigan bo'lgan.

Qisqa unililar esa, alohida harflar yordamida emas, balki shu unililardan oldingi xarflarning ostiga yoki ustiga qo'yiladigan zabar, zer, pech harakatlari bilan ifodaladigan bo'lgan. Bu harakatlardan tashqari turli vazifalarni bajaruvchi hir necha qo'shimcha harakatlar ham joriy etilgan.

Shunday qilib, "*Qur'oni Karim*" va o'sha davr og'zaki poeziyasi talaffuz normalariga to'la javob bera oladigan Yozuv ishlab chiqilgan. Arablarning bu Yozuv sistemasini VII asrning o'rtalariga kelib, takomiliga etgan.

Shu tariqa arablar chetdan olib kirgan Yozuvni takomillashtirish yo'li bilan kelajakda yozma yodgorliklarni yaratish uchun juda qulay va ixcham Yozuvga ega bo'lganlar. Bunda har bir undosh tovushni ifodalash uchun alohida harf mavjud bo'lgan. Unli tovushlar xam qo'shimcha belgilar yordamida yozilish imkoniga ega bo'lgan. Bundan tashqari bu Yozuv ixchamligi bois tejankor hisoblangan. Bu esa arab tilida kitob yozish an'anasining shakllanishida muxim shartlardan biri bo'lgan.

Arablar xukmronligining kengayishi, arablarning boshqa arab bo'lmagan xududlarga tarqalishi, arab tili va islom dinining bosib olingan o'lkatarning ziyoli aholisi orasida yoyilishi, arab tilining davlat tili sifatida mavqeining mustahkamlanishi va nihoyat arab Yozuvda imlo qoidalarining ishlab chiqilishi — bularning xammasi arab Yozuvining kelajakda yanada keng tarqalishiga zamin yaratgan.

XI asrda arablarda shakllangan fikrga ko'ra, arab Yozuvining dastlabki bosqichida faqat *kufiy Yozuvi* mavjud bo'lgan. "*Qur'oni Karim*" dastlabki nusxalari shu Yozuvda ko'chirilgan. Bu Yozuv 4 - xalifa Ali ibn Tolib tomonidan takomiliga etkazilgan. Arab grafikasidagi boshqa xat turlari shu *kufiy Yozuvi* asosida keyinchalik shakllangan xat turlaridir.

X asrga kelib arab Yozuvi yana islox qilingan. Bu islox *Ali Muxammad ibn Ali ibn Muqla* (272 — 328) — (886 — 940) nomi bilan bog'liq. Bu kishi uch abbosiy xalifa qo'lida vazirlik lavozimida ishlagan. U kufiy xati asosida sharq olamida keyinchalik mashhur bo'lib ketgan olti xat turini yaratgan olimdir: *muxaqqaq, suls, riqo, nasx, tavqi' va rayhoniy xat* turlari. Ibn Muqlaning bu ishini Eronlik olim Ali ibn Hiloi davom ettirgan. Uning taxallusi Ibn Bavvob bo'lgan va u 413—1022 yilda vafot etgan. U Sherozdagi mashhur kutubxonada xodim bo'lib ishlagan. Isloxot ishini undan keyin davotn ettirgan shaxs so'nggi abbosiy xalifa saroyida xattot bo'lib ishlagan Yoqut Musta'simiydir (640-696)-(1242-1298 yy.)

Ibn Muqlaning yaratgan sistemasini aniq matematik hisob - kitobga asoslangan mutanosiblik asosida qurilgan. Bunda harflarning shakli, diametri alif harfiga teng bo'lgan aylana ichiga joylashtirilgan kvadrat, besh burcliikka qiyoslab yaratilgan. Bu xarflarning moduli esa, qamishqalamning bir harakati bilan hosil qilingan rombik shaklidagi nuqtadir. Bu nuqtalarning soni

bilan xarflarning katta — kichikligi aniqlangan. Umuman Ibn Muqlaning bu tizimida harflarning shakli va razmeri alifning uzunligiga teng bo'lgan rombik nuqtalarning soni bilan aniqlangan. Natijada Ibn Muqla yaratgan olti xat turining xammasida xarflarning Yozuvdagi o'ri, ularning hajmi ilmiy jihatdan aniqlab berilgan.

Umuman, xattotlar va qalam sohiblari orasida eng ko'p tarqalgan va eng e'tiborli sanalgan xat turlari quyidagilardan iboratdir:

1. **Kufiy Yozuvi** yoki **xatti kufiy** - **Kufiy Yozuvi** nabatiy Yozuvi asosida shakllangan dastlabki arab Yozuvidir. U birinchi marta Kufa shahrida ishlatilib, u erda rivoj topgani uchun «kufiy» deb nom olgan. Arab olimlarining fikricha, (bu olimlar XI asrga mansubdir) "**Qur'oni Karim**" birinchi qo'lyozma nusxasi yozilgan bu Yozuv turi 4 - xalifa xisoblangan Ati ibn Abu Tolib tomonidan takomillashtirilgan. Natijada o'sha davrda turli yozishmalar, davlat idoralaridagi hujjatlar va boshqa Yozuv - chizuvlar shu Yozuvda olib borilgan. o'sha davrdagi qo'lyozma kitoblar ham shu Yozuvda yaratilgan. Keyinchalik esa, Ibn Muqla o'tkazgan isloxot natijasida vujudga kelgan boshqa turdagi Yozuvlar o'rini egallay boshlagan. XII asrga kelib Suriya, Iroq, Eron xududlarida kufiy Yozuvi amalda qo'llanishdan to'xtagan. Lekin u umuman iste'moldan chiqib ketgan emas. Kufiy Yozuvi islom badiiy san'atining asosiy elementlaridan biri bo'lib xizmat qilgan. Shu bilan bog'liq xolda bu Yozuv turi ishlatilish soxasiga qarab, yana bir necha turga bo'linib ketgan. Masalan, bu xat turidagi harf elementlariga gullar, barglar, ko'raklar shakli berilib, xusnixat turlarida ishlatilgan va unga **gulli xatti kufiy** deb nom berilgan. Kufiy Yozuvidagi xarflarning yozilishidagi to'g'ri chiziqlar o'rtasidagi to'g'ri burchaklarga yanada ishlov berilgan, ya'ni uning geometrik shakli qayta ishlangan va undan turli xil binolarning ustki qismidagi bezaklar sifatida ishlatila boshlagan. Bunda mazkur xatti kufiy, birinchidan, Yozuv sifatida ma'lum tushunchani ifodalasa, ikkinchidan, naqsh yoki bezak sifatida imoratlarning chiroyli chiqishi uchun xizmat qilgan. Xatti kufiyning bu turi **kufiyyi bannoiy — binokorlik kufiy xati** deb nom olgan.

Kufiy Yozuvda qabr toshlariga turli Yozuvlar bitilgan. Shuningdek, XV asrgacha qo'lyozmalarda asar nomi, asar boblari va qismlari nomi, asar boshlanishidagi bosmalani yozishda kufiy Yozuvidan foydalanilgan.

2. **Muxaqqaq Yozuvi** yoki **xatti muxaqqaq** - Bu Yozuv turi abbosiy hukmronligining boshlanishida — VII asrning ikkinchi yarmida vujudga kelgan. U Iroq hududida paydo bo'lgani sababli **xatti iroqiy** deb ham ataladi. Bu Yozuv turida xarflardagi egri chiziqlar bilan to'g'ri chiziqlar o'rtasidagi proporsiya 1,4 va 3,4 ga to'g'ri keladi. Muxaqqaq Yozuvi katta xarflar bilan yoziladigan matnlarga mo'ljallangan. Shuning uchun u katta xajmdagi "**Qur'oni Karim**" nusxalarini ko'chirishda ishlatilgan. Bundan tashqari boshqa bitiklarda ham, agar harflar vositasida ulug'vorlik, tantanavorlik ifodalash zarur bo'lgan o'rinlarda shu Yozuv turidan foydalanilgan. Eron xattotlari tomonidan shu Yozuv turida yaratilgan "**Qur'oni Karim**" nusxalari o'sha davrlarda katta shuxrat qozongan. Xususan, Amir Temurning nabirasi Boysunqur Mirzo (vaf. 837—1434) juda katta xajmdagi "**Qur'oni Karim**" nusxasini shu Yozuvda ko'chirib, kitob yaratgan. Bu "**Qur'oni Karim**" har bir varag'i 170 - 101 sm xajmga ega bo'lgan.

Yana shuni aytish joizki, muxaqqaq Yozuvning ishlatilish sferasi juila keng bo'lmagan. Undan asosan "**Qur'oni Karim**" nusxalarini ko'chirishda, xattotlik namunalarini yaratishda xamda imoratlarning peshtoqiga bezak sifatida "**Qur'oni Karim**" oyatlarini bitishda foydalanilgan. XVII asr o'rtalariga kelib, bu Yozuv o'z o'rini yana bir Yozuv turi xisoblangan **suls Yozuvi** ga bo'shatib bergan. **Suls Yozuvida** esa, "**Qur'oni Karim**" nusxalari to'laligicha yaratilgan emas, balki "**Qur'oni Karim**" ning ayrim oyatlariga yozilgan.

3. **Rayhoniy Yozuvi** yoki **xatti rayhoniy** - Hozirgacha Sharq paleografiyasida bu Yozuv turiga aniq ta'rif berilmagan. Bir xil olimlar rayxoniy Yozuvi bilan muxaqqaq Yozuvi o'rtasidagi farq rayhoniy Yozuvidagi chiziqlarning faqat ingichkaligi va go'zalligidan iborat, bundan boshqa ular o'rtasida farq yo'q desalar, boshqalarning fikricha, agar muxaqqaq Yozuvidagi harflarning o'zaro mutanosibligi qonun - qodasiga rioya qilgan holda nasx Yozuvi bilan bir xil xajmda xarflar yozilsa, bu rayxoniy Yozuvi bo'ladi. Yana uchinchi toifa olimlarining fikricha, muxaqqaq Yozuvda ayrim harflarni tashkil etuvchi doiralari kvadratga yaqinroq turadi. Rayhoniy Yozuvi xam muxaqqaq Yozuvi bilan bir xil funktsiyani bajargan va XVII asrning o'rtalariga kelib, o'rini **Nasx Yozuvi** ga bo'shatib bergan va iste'moldan chiqib ketgan. Yana Shuni aytilish joizki, XIV - XV asrlardayoq ayrim xattotlar bu Yozuvni qo'lyozmalarning hoshiyalaridagina ishlata boshlagan edilar.

4. **Suls Yozuvi** yoki **xatti suls** — O'rta asrlarda bu Yozuv musulmon olamining barcha xududlarida eng keng tarqalgan Yozuv turlaridan edi. Bu Yozuvni muxaqqaq Yozuvi bilan qiyoslasak, muxaqqaq Yozuvda tantanavorlik, ulug'vorlik aks etib tursa, suls Yozuvda esa, o'ziga xos mayinlik, noziklik ustun turadi. Bu Yozuvda harflardagi yo'g'on yoziladigan qism bilan ingichka yoziladigan qism o'zgacha bir noziklik bilan almashinadi. Bu Yozuvda chiziqlarning uchdan bir qismi to'g'ri chiziqdan va uchdan ikki qismi egri chiziq va dumaloq shakldan iborat bo'lgani uchun bu Yozuv "**suls**" deb atalgan. (arabchada bu so'z "**uchdan bir**") ma'nosini bildiradi). O'rta asr an'analari binoan, xukmronlarning rasmiy ko'rsatmalari, farmonlari shu Yozuvda bitilgan. Shuningdek, qo'lyozmalarning titul varaqlari, oxirgi sahifasi suls Yozuvda amalga oshirilgan. Me'moriy yodgorliklarda bezak o'rinda ishlatilgan suls Yozuvlarini ham uchratish mumkin.

5. **Tavqi' Yozuvi** yoki **xatti tavqi'** — Bu Yozuv turi xatni tez yozishga mo'ljallangan, xarflarning shakli dumaloq bo'lgan Yozuvidir, o'rta asr xattotlarining fikricha, bu Yozuv suls Yozuvidan kelib chiqqan va uning modifikatsiyasidir. Bu Yozuv turida harflarning hajmidagi o'zaro mutanosiblik suls Yozuvidagi mutanosiblik bilan bir xil bo'lsa - da, ularning bir - biriga ulanishi suls

Yozuvidan farq qilgan. Chunki bu Yozuv turida elementlarning oltidan bir qismi to'g'ri chizikli elementlardan iboratdir. Shunday qilib, tavqi' Yozuvi mavjud bo'lgan etti Yozuv turi ichida eng tez yoziladigan Yozuv xisoblangan. Bu Yozuvda harflarning barcha elementlari bir xil yo'g'onlikda yoziladi va unda yo'g'on elementlarning ingichka Yozuvlar hilan almashinish hodisasi uchramaydi. Bunga esa qamishqalamning uchini boshqacharoq chiqarish yo'li bilan erishilgan. Tavqi' Yozuvda nafaqat bir so'z ichidagi Yozuvlar, balki ayrim so'zlar xam qo'shib yozilgan. Islom olamida bu Yozuvdan xukmronlar u yoki bu farmonga, ko'rsatmaga imzo qo'yishda foydalanganlar. Bundan tashqari davlat ahamiyatiga molik bo'lgan muxim hujjatlar, qozilarning chiqargan hukmlari ham shu Yozuvda bitilgan. Vaqt o'tishi bilan XIV asrdan keyin qo'lyozmalarning so'nggi sahifalari, undagi turli xil qo'shimcha ma'lumotlar shu Yozuv bilan bitilgan. Dunyoviy mazmundagi qo'lyozmalar, hamda "**Qur'oni Karim**" yangi ko'chirilgan nusxalarining hoshiyalari ham ko'proq shu Yozuv turida yozilgan.

6. **Riqo Yozuvi** yoki **xatti riqo** – Bu Yozuv turi tavqi' Yozuvining kichraygan shakli bo'lib, u ham suls Yozuvi bazasida vujudga kelgan. U xam xukmronlarning farmon va yorliqlarini yozishda qo'llanilgan. Riqo Yozuvi o'zining xususiyatlari bilan tavqi' Yozuvidan farq qilmaydi. Faqat riqo tavqi'ga qaraganda maydaroq va ingichkaroq yoziladi. Qisqa qilib aytganda bu Yozuv ham tez yozishga mo'ljallangan, xarflari dumaloq shaklli Yozuvdir. Bu Yozuvning taraqqiyotini kuzatgan olimlarning fikricha, bu Yozuv kichkina qog'oz varaqchalariga yoziladigan shaxsiy maktublarni yozishga mo'ljallab yaratilgan Yozuvdir. Shuning uchun xam bu Yozuv **riqo'**- **kichkina** qog'ozga yozilgan xat demakdir. Keyinchalik bu Yozuvda ko'ngilochar mazmundagi qisqa - qisqa hikoyachalar xam yozila boshlagan. Shuningdek, **“Qur'oni Karim”**, xadislar va dunyoviy mazmundagi qo'lyozmalarning titul varag'i va oxirgi saxifasi yozilgan va bunda qo'lyozmaning ko'chirilgan joyi, sanasi, xattotning ismi, asarning nomi, ba'zan qo'lyozmani ko'chirishga buyurtma bergan shaxsning ismi va hokazolar yozilgan, Tavqi' bilan riqo' o'rtasidagi o'xshashlik oxir — oqibatda shunga olib kelganki, keyinchalik riqo' termini ostida xam tavqi' Yozuvi, xam riqo' Yozuvi tushunila boshlagan.

7. **Nasx Yozuvi** yoki **xatti nasx** - «Nasx» so'zining lug'aviy ma'nosi «yo'q qiiish, bekor qilish, chizib tashlash»dir. Termin sifatida u «boshqa xat turlarini bekor qiluvchi» ma'nosida qo'llanilgan. Bu Yozuv hozirgi kimgacha xam butun musulmon Sharqida eng ko'p tarqalgan va eng ommabop Yozuv turidir. Hozirgi kunda bosma usulda chiqayotgan barcha kitoblar, jumallar. gazetalar va xakozolar nasx Yozuvi bazasida nashrdan chiqadi. Bu Yozuvning bu darajada keng tarqalishiga sabab unda xarflarning aniq, ravshan, o'zaro mutanosib ravishda bir - biriga ulanishi va eng asosiysi, uni o'zlashtirishning nisbatan osonligidir. Bu Yozuv turi xarflar shakl va xajmining o'zaro mutanosibligi qoidasi asosida shakllangan. Nasx Yozuvi X asr oxiridan boshlab ishlatila boshlagan. Keyingi ikki yarim asrlk muddat ichida undan **«nasxi eroniy»** deb ataladigan varianti vujudga kelgan. Bu esa mashhur xattot va olim Yoqut Musta'simiy faoliyati bilan bog'liqdir. XIII —XIV asrlarda mo'g'ullar bosqini bilan bog'liq holda bu Yozuv bir oz e'tibordan chetda qolgan bo'lsa ham, u Eron va O'rta Osiyoda XVII asroxiri -- XVIII asr boshlarigacha xukmronlik qilgan. Uni mashhur xattot Axxmad Nayriziy bir oz o'zgartirgan va uni **nasta'liq Yozuviga** yaqinlashtirgan. Garchi XIV asr oxirida yangi nasta'liq Yozuvi paydo bo'lib, uni bir oz chekkaga surgan bo'lsa xam, nasriy asarlarning ko'pchilik qismi nasx Yozuvida kilobat qilingan va XX asr boshlarigacha nasx Yozuvi bilan nasta'liq Yozuvi xattotlar uchun asosiy Yozuv turi bo'lib xizmat qilgan.

Biz yuqorida ko'rib o'tgan Yozuv turlari kelib chiqish nuqtai nazaridan arabiy xisoblangan, an'anaviy va mumtoz Yozuv turlari deb tan olingan va ular arab mamlakatlarida, Eron va o'rta Osiyoda keng qo'llanib kelingan.

Bundan tashqari Temuriylar davrida Xuroson va Movarounnaxr xududlarida vujudga kelgan Yozuv turlari xam mavjudki, ularning asosiylari **«ta'liq»**, **«Shikastayi ta'liq»**, **«nasta'liq»** va **«Shikastayi nasta'liq»** Yozuvlaridir.

Xullas, arab olamida shakllanib, amalda qo'llana boshlagan arab Yozuvi keyinchalik Shunday taraqqiy etganki, unda vujudga kelgan Yozuv turlari haqiqiy san'at darajasiga ko'tarilgan va bu Yozuvlarda bitilgan qo'lyozmalar hozirgacha ham dunyo miqyosida sharq sivilizatsiyasining tipik namunasi sifatida e'zozlanib kelinmoqda.

#### **Таянч тушунчалар :**

**Nabatiy yozuvi, Ummul – kitob, Ibn Muqla, Ali ibn Hilol, Yoqut Musta'simiy, Etti yozuv turi, Nasxi Eroniy, Kufiy yozuvi, Kufiyi bannoiy, Gulli kufiy, Muxaqqaq, Rayxoniy yozuvi, Boysung'ur Mirzo, Suls yozuvi, Tavqi' yozuvi, Riqoyozuvi, Nasx yozuvi, Axxmad Nayriziy.**

#### **5 - mavzu : Kitob bosish tarixidan.**

##### **Reja :**

- 1.Kitob haqida mutafakkirlar fikri.**
- 2.Kitoblarning tuzilishi va turlari,kitob bosishning boshlanishi.**
- 3.Yozuv qurollari haqida umumiy ma'lumot.**

**Kitob** – axborotlar, g'oya, obraz va bilimlarni saqlash hamda tarqatish vositasidir. Halqaro miqyosda YUNESKO tavsiyasiga ko'ra 3 bosma taboqdan ortiq ,ya'ni, 48 saxifadan kam bo'lmagan bosma asarni shartli ravishda kitob deb qabul qilingan.

Kitob siyosiy va mafkuraviy kurashning muhim qurolidir, u ijtimoiy ong mahsuli sifatida sinfiy va partiyaviy xarakterga egadir.

A.Navoiy : “Olamda kitobdan aziz do'st yo'qdir”, “Kitoblar inson tafakkuri javohirlarini yig'ib avlodlarga meros qoldiradi”, “Kitob g'oyat, g'oyat katta kuchdir” ;

Oybek : “Xalqning qay darajada madaniyatli ekanligini mamlakatda nashretlayotgan kitoblarning miqdori bilan o'lchanadi”;

Kitob ishi – bu kitobni yaratish, tayyorlash, tarqatish, saqlash va o'rganish bilan bog'liq katta jaryonni o'z ichiga oladi. Kitobni ko'plab chiqarishni paleografiya sanoati amalga oshiradi.

Kitobning paydo bo'lish tarixi Yozuvning yaratilish va shakllanishi jaryoni bilan uzviy bog'liqdir. Yozuvning tuzilish xususiyatlari va materiali kitobning tuzilishini belgilab beradi. Qadimgi Misr, Rim, Yunoniston va O'rta Osiyoda dastlab insonlar tosh, palma darahti barglari, sopol boshqa materiallarga yozishgan, shuning uchun ham qadimgi kitoblar bir necha kilogrammdan iborat bo'lgan. Mil.avv. Dastlab papirusdan, mil.avv.II – asrga kelib pergamentdan foydalanish boshlandi. Ayrim ma'lumotlarga qaraganda “Avesto” kitobi ham pergamentga yozilgan.

Arablarning O'rta Osiyoga bosqiniga qadar kitoblar kutubxonalarda saqlangan, halifa Usmon tomonidan pergamentga yozilgan **“Qur'oni Karim”** 681 yili yozilgan bo'lib, hozirgi kunda u Oybek nomli O'zbekiston xalqlari tarixi muzeyida saqlanmoqda.

Qog'ozning kashf qilinishi kitob rivojlanishida yangi davrni ochdi. Qo'lyozma kitoblar odamlarni kitobga bo'lgan extiyojini qondira olmadi, qog'ozning kashf qilinishi kitobning ko'payishiga, tarqalishiga, turli rasmlar, xoshiyalar bilan kitob chiqarish imkonini berdi, hattotlik, muqavasoqlik kasblari shakllandi.

XV – asrning 40 – yillarida Germaniyalik Iogann Gutenberg zomonaviy kitob bosish san'atini ixtiro qildi, u dastlab yog'ochdan keyinchalik metallan harakatlanadigan harflarni tayyorlab, qog'ozning ikki tomoniga kitob bosishni kashf qildi.

1465 yili Italiyada, 1468 yili CHexoslavakiya va SHveysariyada, 1470 yili Frantsiyada, 1473 yili Polsha va Vengriyada, 1477 yili Angliyada kitob bosish keng tarqaldi. XVIII – XIX asrlarda bosmaxona, badiiy bezak sohalari alohida kasb sifatida shakllandi. 1798 yilda Litografiya, ya'ni, Toshbosma ixtiro qilindi, endi kitoblarni rasmi hamda turli bezakli qilishi mkoniyati yaratildi.

**Pergament** – maxsus ishlov berilgan mol teri bo'lib, qadimda xat yozish uchun ishlatilgan, birinchi bo'lib Pergam shahrida (Kichik Osiyodagi qadimiy shahar - Pergam shahri nomidan olingan bo'lib, hozirgi kunda Bergama nomi bilan ataladi) xat yozishda papirus o'rniga pergamentdan foydalanilgan. Pergam shahri kutubxonasida pergament qo'lyozma kitoblar ko'pligi jihatidan Misr (uzoq Aleksandriya) kutubxonasidan keyingi ikkinchi o'rinda turadi.

**Qog'oz** – o'simlik tolasidan tayyorlanadigan maxsulot bo'lib, ermizning II – asrida Xitoyda ixtiro qilinganligi haqida ma'lumotlar mavjud. VI – VIII asrlarda O'rta Osiyo, Koreya, Yaponiya, Hindistonga, VIII – XI asrlarda Arab halifaligiga, XI - XII asrlarda Evropaga keng tarqalgan. Xitoylik CHay Lun degan kishi qog'oz tayyorlashda eng murakkab usullardan foydalangan. Xitoyda qog'oz tayyorlash uchun bambuk va ipakli daraxtlardan foydalanilgan.

**Qalam** – turkcha “qara” va “tash” so'zidan olingan bo'lib, ko'mirning bo'lagi yoki grafit (qalam qattiq siyoh) ga aytiladi. Ko'mirning yozish xususiyati borligi insoniyatga o'ldan foydalanish boshlanganidan ma'lum. XIV – asrdan boshlab Italiyaliklar qalami keng tarqalgan. Qalam ichdagi qattiq siyoh shaklidagi qalam XVI – asrdan boshlab uchraydi. Qalam ichiga quyib ishlatiladigan grafit (qora mineral) xom ashyosi 1565 yilda Britaniyaning Kamberlend grafligida, Ispaniyadan keyinchalik Sbirdan topilgan.

Birinchi bo'lib yog'ochdan qilingan qalam 1790 yilda Frantsuz olimi N.Kante (1755 – 1805 y.y.) tomonidan ixtiro qilingan. Bir vaqtning o'zida Chex olimi Gartmut birinchi bo'lib grafit va loy tuproqdan o'zgaruvchan Yozuv vositasi ishlab chiqarishni taklif etgan, shu taklif asosida XVIII – asrda Lomonosov grafitli qalam ixtiro qilgan.

Qalam ishlab chiqarish uchun 3 protsess: qalamning asosi, qalam taxtachalari va qalam ishlab chiqarishdan iborat.

## 3 – bob. НУМИЗМАТИКА

### 1-мавзу: Нумизматика фанининг мақсад ва вазифалари.

Режа:

1. Нумизматика фанинг ўрганилиши тарихидан.
2. Тангаларнинг зарб қилина бошлаши.

Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги туфайли жамиятимизнинг ҳамма соҳаларида жиддий ўзгаришлар даври бошланди. Шу жумладан тарих фани олдида ҳам янги муаммолар илмий изланишларни тақозо қилмоқда.

Тарих фанининг ёрдамчи соҳалари ичида ўз ўрнига эга бўлган нумизматика, мамлакатимиз истиқлолга эришландан кейин унинг нуфузи янада ортди, мустақил тарих фани сифатидаги мақомга эга бўлди.

Чунки тарихимизни ўрганишда тангашунослик фанининг аҳамияти бекиёсдир. Тангалар бизга эрамиздан аввалги даврдан то ҳозирги кунгача бўлиб ўтган тарихий воқеалар сиёсий иқтисодий, айрим ҳолларда эса миллатларнинг эътиқодий дунёқарашлари ҳақида маълумот беради.

“Нумизматика” сўзи грекча “номисма” – яъни танга пул ёки чақа деган маънони англатади. Тангашунослик олтин, қумуш ва мисдан ишланган металл пулларни ўрганиш ҳақидаги фандир. Ушбу соҳага бундан ташқари яна қоғоз пулларни ўрганиш (бонистика) ва орден, медал ҳамда шу хилдаги эсдалик тамгаларни (значоклар) флорестика) ўрганиш ҳам қиради.

Бу фан археология билан алоқадор фанлар жумласидандир. нумизматика фани археологияга ёрдам беради.

Тангашунослик билан қизиқувчилар доираси бирданига кенгайган эмас, танга чақфа пулларни тўплаш илмий нумизматика томон дастлабки қадам бўлди. Коллекция тўплаш мазкур фанинг ривожланишига катта туртки бўлди.

Бундан бир неча йил муқаддам инсонлар танга ва чақа пуллар билан қизиққанлар. Унга бирон нарса сотиб олиш нуктаи назаридан эмас, балки ўша тангаларга қараб ўтмиш даврни, бу пулларнинг қачон зарб қилинганлигини билишга ҳаракат қилиш нуктаи назаридан қизиққанлар.

Коллекционерлар турли замон ва даврлардаги танга, чақа пулларни йиғиб уларни каталогларини (рўйхатлари) тузганлар ва ҳар қайсисини алоҳида тарзда таърифини ёзганлар. Уларнинг қўпчилиги қадимги тилларни билганликларидан танга чақалардаги хатларни ўқишга ҳаракат қилганлар. Айрим коллекционерлар тўплаган тангаларини бир жойга тўплаб умумий коллекция ташкил этганлар.

Ғарбий Европа ҳукмдорлари санъат ахли тангаларни бойлик сифатида тўплашлари натижасида у ердаги давлат хазиналарида турли хил мамлакатларнинг тангалари йиғилиб борди.

Тангаларни йиғиш 14 асрлардан бошлаб аста – секин одат тусига кирди. Қироллар ва императорлар қимматбаҳо тангаларни давлат хазинасидан ажратиб олиб махсус мюнкабинетлар (тангаларни сақловчи хоналар) ташкил этганлар, ҳамда уларни ўрганиш ва уларга тартиб бериш учун олимларни жалб этганлар. Ҳозирги кунда Англия, Франция, Санкт – Петербург, Вена, Берлин каби мамлакат шаҳарларида жаҳондаги йирик йиғма коллекциялар мавжуд.

Дастлабки тангашуносликнинг изланишлари натижасида илк бор 14 асрда Андрео Фульвинонинг юнон ва рим тангалари ифодаланган “Таниқли кишилар тасвири” номли китоби нашр этилди. Ушбу китоб машҳур ҳукмдорларнинг тасвири ва уларнинг ҳаёти ҳақида қисқача маълумот берганлиги билан мазкур тадқиқот қизиқиш

уйғотди. Кейинчалик 1553 йили Гильома Руд “Дунё яратилгандан буён яшаган таниқли кишиларнинг тангалардаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача маълумот” номли китобини ўқувчиларга тақдим этди. Бу адабиётлар 16 асрда жуда катта нуфузга эга бўлган. Тангашунослик илми кашшофларини 14 – 16 асрларда тангалардаги хукмдорлар қиёфаси ва таржимаи холи қизиқтирган бўлса, 18 асрда бу фанни илмий нуқтаи назардан ривожлантириш катта аҳамият касб этди. Австралиялик рухоний Иосиф – Иларий Эккел (1738 – 98) саккиз жилдан иборат “Қадимги тангалар илми” номли китобида 70 мингдан зиёд тангаларга тартиб берди. Аниқлай олмаган тангалар ҳақида ҳеч қандай фараз қилмаган, уларни номаълумлар қаторига қўшиб қўйган, кўп мамлакатларни танга турларини аниқлай олмаган.

18 асрда шарқий нумизматикада бир неча минг танга пул бўлган, аммо уларни шу вақтга қадар тадқиқ қилувчи бўлмаган. Россия ФА академиги Христиан Мартин Френ шарқий нумизматика асос солган кишидир. У Қозонда яшаб Олтин Ўрда хонлари томонидан зарб қилинган тангаларни ўрганиш учун жуда бой манбага эга бўлган. Френ немис бўлганлиги учун тез орада Германияга қакиришган, йўл – йўлакай Петербургда тўхтаган, у ерда фанлар академиясида тўплаган тангаларни кўргач, ташлаб кета олмаган, бутунлай Россияда қолиб бутун умрини шарқ танга пуллари ўрганишга бағишлаган.

Пётр 1 томонидан Петербургда ташкил этилган музей кунскамерада бошқа кспонатлар билин бирга танга пул ва медаллардан ҳам катта коллекция тўплаган. Кунскамерада доим ўз коллекциясини тўлғазиб турган, тўплаган танга пуллари тартибга солган. Ундаги қимматбаҳо пуллар коллекцияси ҳозирги вақтда Давлат Эрмижада жойлаштирилган, бу коллекция дунёдаги энг катта коллекциялардан бири ҳисобланади, ҳисобида 300 мингта танга пул бор.

Бундан ташқари Ўрта Осиё нумизматикаси тадқиқотчилари орасида М.Е.Массон, В.А.Мишкин, Е.А.Давидовичлар салмоқли ўрин эгаллайдилар. Улар қадимги Ўрта Осиё танга пуллари аниқлаб турларга ажратдилар ва зарб қилиш ишидаги ривожланишнинг асосий босқичини белгиладилар.

Қадимшунос олимлар ер қуррасидаги дастлабки савдо муомаласи ибтидоий жамоа тузумининг тош асрдан бошланганлигини исботлайдилар. Уларнинг таъкидлашларича инсон ўз меҳнатининг маҳсулотларини айирбошлаш натижасида савдо – сотикнинг илк ва содда тўрини вужудга келтирди. Танқис ашёларни пул ўрнида айирбош қила бошлади. Бундан товар пул муомалалари минтақаларда турли кўринишда амалга оширилган. Масалан: Осиё ва Африкада каури номли чиғаноқлар пул вазифасини ўтганлиги маълум.

Улар айрим элатларда қадимдан, яъни ибтидоий жамоа тузумидан милодий XX асргача савдо воситаси бўлиб келган. Масалан: бу чиғаноқлар қадимий Хитой, Япония, Хиндистон шаҳарларида анча вақтгача муомалада қадрланган. 6 – 7 асрларда Германия, 9 – асрда Швецияда, 16 – асрд Рига шаҳрида ишлатилганлиги, Гвенияда ҳам каури тасвири туширилган пуллар мавжуд бўлганлиги аниқланган.

Бундан ташқари инсонлар орасида жонлик қорамол ёки харсанглар кейинчалик итларнинг тиши, чўчка гўшти, маъдан парчаси сингари нарсалар ҳам савдо воситаси сифатида қўлланилган. Одамзот ўзи учун қулай пул шаклини ихтиро этгунига қадар мазкур “пул” ларни табиатдан олиб савдо воситаси сифатида ишлатиб турган. Вақти келиб инсон маъдандан ишланган пул – парчанинг энгиллигини ва ўз ёнида олиб юришга қулайлигини ҳисобга олиб соф маъданли қуймаларни айирбош қилишга ўтади. Бундай пул бирлиги қадимги Икки дарё оралиги ва Мисрда пайдо бўлиб, бу даврдан эътиборан инсон ҳаётига “танга” ҳолатида кириб келди.

Аммо бу қуймаларни инсонлар қалбакилаштира бошлайдилар. Қаттиқ жазо чораларига қарамай бундай ҳол давом этавергани сабабли, хукмдорлар ўз қуймаларини муҳрлашга, яъни уларда бирор – тасвири ёки туғролар – гербларни ифодалашга одатландиларки, бу билан қуймалар ҳақиқийлиги давлат томонидан қафолатланадиган бўлди.

Қадимий тарихчилар Геродот ва Ксенофонт асарларидан маълумки, илк тангалар олтин ва кумушдан бўлиб, Кичик Осиёдаги Мидияликлар томонидан милоддан аввалги 7 – асрда зарб этилган. Аммо Юнонистондаги Эгина шаҳрида, Хитой ва Хиндистонда махсус тангалар зарб этиш ихтиро қилинди. Уларнинг кўриниши жуда содда бўлиб, дастлаб айрим чизгилар билан безатилган, сўнгра турли жонзотларни (тошбақа, укки, денгиз мушуги, балиқ ва ҳаказоларни) тасвирлашга ўтилган. Бунда акс этирилган жонзот, унинг шаҳар туғроси ёки номи билан ҳамоханлигидан келиб чиқиб иш тутилган. Кейинчалик илоҳлар ва базилевелар тасвири ифодаланган тангаларни “монета” деб номлай бошлаганлар. Қадимги Рим давлатида Юнона деб бошлаганлар. Қадимги Рим давлатида Юнона деб номланган илоҳ бўлиб, “монета” унинг хислатларидан бири милоддан аввалги 45 – йилларда Тита Каризий томонидан нозик бир аёл тасвири туширилган танга зарб этилди. Тасвир ортида “монета” деган лотинча сўз зарбланган бўлиб “башоратчи” деган маънони ангталар эди. шу даврдан бошлаб тангалар монета деб юритиладиган бўлди. Европанинг Ғарб билан шарқга кириб келган бу сўз русизабон инсонлараро тилида кенг қўлланила бошланди.

Ҳозирги кунда жаҳон бозорида турли хил танга ва пул бирликларининг номларини учратиш мумкин. Қадимги тетрадрахма, драхма, гемидрахма, обол, динор, дирхам, лира ва ҳаказо номли тангалар мавжуд бўлган. Бу номларнинг келиб чиқиши ҳам бир – бири билан узвий боғлиқдир. Масалан: Юнон драхмаларидан шарқий дирхам, рим динарийларидан динор ва бошқа шу каби пул номлари ҳосил бўлганлиги ҳаммага маълум.

Қадимги тангалар икки хил: 1) қуйма. 2) зарбланган услубда тайёрланган, қуйма тангалар махсус шакл ва тасвир ўйинган қолип идишларга маъдан қуйиб тайёрланган. Иккинчиси эса темир ёки бронзадан ишланган муҳр – штемпелда (танганинг ўнги ва терси нақш этилган махсус асбобда) тангалар ифодаси тайёрланиб, керакли металл қуймаси устига зарбланган. Биринчи услубда танга сатҳидаги тасвир ноаниқ бўлганлигидан тезда ўчиб кетиши сабабли милоддан аввалги 7 – асрга келиб зарбланган тангалар кенг миқёсда қўлланиладиган бўлди ва шундан буён тангалар фақат зарбланган ҳолда муомалага чиқариб келинмоқда.

#### *Таянч тушунчалар :*

**Нумизматика. Биностика. Флористика. Эсталик тамгалар. Мюнцкабинетлар. Қадимшуносликлар. Туғро.**

## 2-мавзу: Антик давр тангалари.

Режа:

### 1. Антик давлатларда пул зарб қилишни йўлга қўйилиши.

### 2. Антик давр тангаларининг нумизматика фани олдидаги ахамияти.

Инсоният тарихий тараққиёти улкан, поёнсиз йўллари босиб ўтди, тараққиётни эволюцион йўли, инсониятни цивилизация сари етаклади. Антик тараққиётни бошланиши санъат ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига таъсир кўрсатиб, ўзининг ривожланиш йўлида юқорига етган бўлса, бу даврда тарих фанининг алоҳида бўлими ҳисобланган нумизматика соҳасида ҳам диққатга лойиқ ишлар қилинган. Металлдан ишланган пул танга чақаларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихидаги муҳим воқеалардан биридир. Маълумки жамият ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг ғоят юксак даражасига эришгандагина танга чақалар кашф этилиши мумкин. Одамлар энди пул тарикасида чорва молларини ишлатмай қўйсаларда, буюмлар нарҳини илгариги одатда кириб қолган чорва мол нарҳига чиққанлар. Металл пуллар қирқиб тортила бошлаганидан кейин, уларни оғирлиги кўрсатиб берувчи белги сола бошлаганлар. Белги солинган пулни пайдо бўлиши ҳақида шундай афсоналар сакланган. Римликларни кўпдан – кўп худолари орасида, ихтироларни бошқарадиган худолар ҳам бор экан. Унинг иккита юзи бўлиб, оти Янус экан. Дастлаб танга пулни пулни ўша Янус ихтиро қилган эмиш. Шунинг учун эски рим ва итальян пулларининг бир томонида икки юзли Янус сурати, иккинчи томонидан Янус тушиб келган кема сурати зарб қиланган.

Танга пулларнинг дастлаб қаерда пайдо бўлганлигини аниқ айтиш қийин. Аммо танга пулнинг номи “Монета” эллиндарда туғилган.

Қадимги Римликлар худоларни ҳаммаси ер ва осмон подшоҳи Юпитер ва унинг хотини Юнон Монетага бўйсунди деб билганлар.

“Монета” – мураббия дегани бўлади. Римликлар маъбуда Монетани бениҳоя хурмат қилганлар ва унга атаб Римнинг энг баланд жойига ибодатхона солганлар. Улар урушларда ғолиб бўлганларидан кейин ўз маъбудаларига атаб катта қурбонликлар қилишган, хатто пулларини Юнон Монета ибодатхонасида зарб қилишга қарор қилганлар. Ана шундан буён танга пуллар монета деб аталадиган бўлди.

Дастлаб қилинган дунёда танга пуллар фақат соф олтин ва кумушдан зарб қилинган. Аммо б металллар соф ҳолида жуда мўрт бўлганлигидан, ундан зарб қилинган пуллар тез ейилиб сийқаланиб кетган. Шундан кейин пулларни қотишмадан зарб қиладиган бўлганлар. Олтин ёки кумушга бошқа металллар, масасалан, мис ёки қалай қориштирганлар.

Ҳар бир мамлакатнинг ҳукмдори бошқаларниқидан фарқ қиладиган танга пуллар зарб қилиб чиқаришга уринганлар.

Нумизматика фанининг асосий тушунчаларидан бири бўлган танга пул хиллари ана шу тарика пайдо бўлган. Танга пулларни одатда бетини ўраб турган доираси бўлади, бу доирада ёзув ёки сурат бўлади. Нумизматлар ёзувни танга пулнинг Легендаси (тангада учрайдиган барча ёзувлар, қискартирилган сўзлар, алоҳида харфларнинг атамаси) деб атайди. Суратларга келсак одатда подшоҳлар, худолар сурати зарб қилинади ва бу суратлар давлатнинг ёки подшоҳнинг муҳрини акс эттиради.

Қадимги Грецияда танга пулларга кўпроқ худолар, маъбудалар ва муқаддас ҳайвонларнинг суратларини зарб қилганлар. Мас.: *Афина шахрининг танга пулларида маъбуда Афина сурати, Олимпия тангаларида Зевс сурати* зарб қилинган.

Греklar улкан жаҳон империясига асос солиши натижасида Ўрта Осиё ҳам унинг таркибига киритилди. Натижада умумий олди-сотди савдосида пул жорий этилди. Эрамиздан аввалги 293-280 йиллар мобайнида Бактрия давлатининг шарқий вилоятларида ноиб Салавканиннг ўхши Антиох биринчи марта асос солди. Грек маданиятининг йирик вакиллари бўлмиш Салавкийлар танга пулларини грек намунаси бўйича зарб этдилар. Бу чиқроилган пулларнинг номлари турлича эди.

Жумладан, тилли, олтиндан қилинган пуллар статер, кумуш-пуллар – тетрадрахма, драхма, ярим драхма деб аталган. Хатто пулларни оғирлиги грек ўлчов бирлиги бўйича, яъни тетрадрахмалар 16 грамм, драхмалар 4 гр. ни ташкил этган. Кундалик савдода фойдаланиш учун мўлжалланган мис тангалар ҳам чиқарилган. Грек-Бактрия аъналарини давом эттирган. Танганиннг юза томонида подшоҳи расми, орқа томонида эса грек худолардан (апполон, Артемида, Афина, Геракл, Зевс, Посейдон ва бошқалар) бирининг расми ифодаланган. Аммо маҳаллий таъсир ҳам пул зарб қилиш ишларида сезиларли бўлган. Жумладан грек худоларининг баъза бир хусусиятлари Шарқ худоларининг баъзи жиҳатларига ўхшаш ҳолда акс эттирилган.

Грек-Бактрия танганлари медал(медал танга- биронта улуг зот, шарафли сана, қимматчилик ёки қаҳат, очлик йиллари муносабати билан зарб этилган танга. Медальер- медал ёки тангша қуйиш ёки зарб этиш) яшаш санъатининг гўзал намуналари ҳисобланади. Бу расмлар тарихий шахсларнинг кўлёзма манбаларида ифода этилмаган қиёфалари ва ҳис-ҳаяжонларини акс эттиради.

Ўрта Осиёда зарб этилган Салавка танганлари жуда оз миқдорда топилган бўлса, Грек-Бактрия танганлари эса аксинча ана шу умумий миқдорнинг кўп қисмини ташкил этади. Грек-Бактрия кумуш тангалари хазинаси (100 га яқин) Қашқадарё водийсининг Китоб шаҳри атрофидан топилган.

Ўзбекистон территориясида XIX аср охири XX аср бошларида коллекционерлардан сотиб олинган Ахмонийларнинг қатор дирик- (олтин танганлари) ва сикларини – (кумуш тангалари) сотиб олиниши Ахмонийлар даврига мансуб тилла ва кумуш пулларни Сўғд ва Бактрияга кириб келганлигидан далолат беради.

Геродотни ёзиб қолдирилган маълумотларга қараганда Сўғд, Хоразм, Бактрия Ахмонийларга талант-яъни пул бирлигида ўлпон тулаганлар.

*Таянч тушунчалар :*

Янус. Юнон Монета. Легенда. Антиох. Тетрадрахма. Драхма. Дирик. Статер. Антик.



### 3-мавзу: Қадимги давр Ўзбекистон тангалари.

Режа:

1. Дастлабки тангаларни муомалада бўлиши.
2. Ўрта Осиёда тангалар зарб этишнинг бошланиши.

Металлдан ишланган пул танга чақаларнинг пайдо бўлиши инсоният тарихидаги муҳим воқеалардан бирidir. Маълумки, ҳамиёт иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юксак даражага эришгандагина танга чақалар кашф этилиши мумкин. Дастлабки танга чақалар кашф этилиши мумкин. Дастлабки танга чақалар милоддан аввалги VII асрда Кичик Осиёда пайдо бўлди.

Танга зарб этиш Ўрта денгиз бўйи мамлакатларига тез тарқалди. Милоддан аввалги VI асрда эса Эрон ва Ўрта Осиё қаттагина қисмини ўз ичига олган Ахмонийлар империяси таркибига кириб борди. Юнон шаҳарлари танга зарб этиш тарихида муайян ўрин тутди. Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ ноёб қазилма бойликларини қўлга киритгач, Искандар Зулқарнайнинг одамлари ўз юртиларида танга зарб эттирдилар ва уларни бутун Ўрта денгиз мамлакатларига муомалага киритганлар.

Милоддан аввалги IV асрда Александр Македонский Ахмонийлари барбод этиб, унинг вафотидан кейин тасарруфидаги ерларнинг шарқий қисми Салавкага теги. Ахмонийлар ва Македонский тангаларининг Ўрта Осиёга фақат ноёб нусхалари етиб келган эди. Салавканинг ўғли Антиох давридан бошлаб Ўрта Осиёга қумуш тангаларгина эмас, балки мис чақаларнинг ҳам кенг қўламда кириб келиши кузатилади. Милоддан аввалги III асрда Ўрта Осиёда пул муомаласи бошланади.

Милоддан аввалги III асрнинг охирида Ўрта Осиёнинг ўз тангалари пайдо бўлди. Улар Антиохнинг қумуш тангаларига ўхшатиб зарб этилади, бюсти, орқа томонида юганланган шохли от боши ва ҳукмдор номи битирлган (“Подшоҳ Антиох”) деган ёзув қўзга ташланади. Бундан ташқари монограмма (грек тилида моно – бир: грамма – харф ёзув. Бу ерда тангада монограмма – тангани зарб қилган уста ҳамда ҳукмдор исми шарифларининг жимжимадор бош харфи) ҳам бор.

Антиох асл тангаларидан унинг фарқи шу эдики, Ўрта Осиё тангаларидаги тасвирларнинг сифати пастрок эди. Ёзувлар бузиб берилган. Улар Самарқандда зарб этилган.

Милоддан аввалги III аср ўрталарида Салавкилар ҳокимлигини шарқий ҳудудларида Грек – Бактрия подшолиги юзага келди. Грек – Бактрия тангалари юқори бадий дид билан ишланган бўлиб, ҳар бир тангада доира ичига подшоҳнинг тасвири унинг ички моҳиятини очиб берадиган тарзда заргарона санъат билан бажарилган. Грек – Бактрия тангалари мамлакатимизни жанубий сарҳадлари Сурхандарё вилоятида кўп учрайди. Бухоро воҳасида Грек – Бактрияни йирик қумуш тангаларининг 60 нусхасидан иборат бутун бошли хазинаси топилган. Бу ҳукмдорлар кўпроқ асосан қумушдан, истисно ҳолларда хатто мис, никель қотишмасидан зарб этганлар. Грек – Бактрия тангаларини машхулиги шунга олиб келдики. Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида жанубий Амударё бўйларида. Бухоро ва Хоразм воҳаларида ўша тангаларни ўхшатиб тангалар чиқарилди.

Милоднинг I-III асрларида Ўзбекистоннинг жанубий, Афғонистон ҳамда Шимолий – Ғарбий Хиндистонни ўз ичига олган жажоншумул мамлакат бўлган Кушон империяси таркибига кирган. Зарб этилган илк кушон тангаларида грек – бактрия таъсири яққол сезилган, бироқ кейинроқ кушоннинг ўзига хос алоҳида тангалари пайдо бўлди. Бу даврдаги тангаларда хатто Будда тасвирини ҳам кўриш мумкин. Кушон тангалари Кама бўйларида ҳам учрайди.

Хоразмдан топилган тангаларда латин алфавитидаги “S” харфига ўхшаш сиёвушлар тамғасининг борлиги, бу сулола сиёвушлар авлодидан бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Мана шундай тахлитда кушон тангалари тарқалади, маҳаллий ҳар қандай тангаларни зарб қилиш деярли тўхталади.

Эрамизнинг бошларида ташкил топган кушонлар подшолиги янги эра бошларида дунё аҳамиятига эга бўлган империяга айланиши натижасида кушон тангаларида ҳам грек алифбосидан фойдаланиш давом этди. Кейинчалик грек алифбосида Бактрия тилидаги сўзлар ёзила бошланди. Грек худоларининг тасвири аста – секин маҳаллий, шу жумладан зороастрия худоларининг тасвири билан алмаштирилди.

Анахита (табиатнинг ҳосилдорлик ва жонлантирувчи худоси), Фарро (бойлик ва подшо ҳукумати рамзи), Митра (қуёш илоҳияти) шулар жумласидандир. Агар Ўрта Осиёда кушонлар ва хатто илк кушонлар даврида ҳам қумуш танга зарб қилинган бўлса, кушон подшоши Вима Кадфиз ислохот ўтказиб, олтин танга зарб қилишга асос содда. Шу даврда кўплаб олтин динорлар ва бошқа тангалар чиқарилди. Мазкур тангалар халқаро савдода муҳим ўрин эгаллаган рим олтинларига яқин турар эди. Шу нарса диққатга сазоворки, кушонлар даврида турли қийматга эга бўлган мис тангалар ҳам кўплаб зарб қилинган. Фақат Сурхандарё вилоятининг кичик қишлоқларида кушонларнинг юзлаб мис тангалари топилганлиги фикримизнинг далилидир. Ўрта Осиёда бундай ҳол илгари бўлмаган. Бу қундалик майда савдонинг халқ орасида қанчалик ривожланганлигидан далолат беради.

Кушон тангаларини аксарияти олтиндан зарб қилинган. Бундан ташқари кушонлар даврида кўплаб мис чақалар ҳам чиқарилган. Масалан: Сурхандарё ҳудудида улар фақат қўхна шаҳарларнинг харобаларидагина эмас, балки кичикроқ қишлоқ қасабаларида ҳам учрайди.

Бинобарин, хатто қишлоқлар ҳам ўша даврларда товар пул муносабатларига тортилган. Бу даврда Амударё вилоятлари иқтисодий тараққиётининг юқори юксак даражага етди. Бу борада мазкур вилоятлар Ўрта Осиё микёсида етакчилик қилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида Ш-д подшолиги Грек – Бактрия империясидан ажралиб чиқди, аммо Грек – Бактрия тартибига таҳлид қилган ҳолда ўз тангаларини зарб этишда давом этди. Лекин тез орада мазкур тангалардаги грек ёзуви сўғд ёзуви билан алмаштирилди.

Эрамизнинг бошларида бир томонлама подшо тасвири, иккинчи томонида ёйчининг расми акс эттирилган Сўғд қумуш тангалари пайдо бўла бошлади. Уларнинг вазни анча енгил бўлиб, оғирлиги 0,3 граммни ташкил этарди.

Эрамиздан аввалги III-II асрларда Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудлари кўчманчи кангюй бирлашмасига тобе эди. Ўтроқ вилоятлар эса ўз ҳукмдорларига эга бўлиб, ярим мустақил эдилар. Хоразмга қушон тангалари кириб келса ҳам, улар – подшо тасвирини ва отлик аскарни акс эттирган ўз тангаларини зарб қилишда давом этарди.

Эрамизнинг биринчи асрида Чочда (Тошкент вилояти территориясида) ҳам тангалар зарб қилинган. Бу тангаларда тож кийган подшо, иккинчи томонида суғд ёзуви бўлган ўзига хос тамға тасвирланган эди.

Бу давр тараққиётида Фарғона водийси иқтисодий ривожланиш гирдобига тортилади. Водийда Хитой тангалари тез – тез учрайди, айрим вилоятларида эса рим тангалари кўзга ташланади. (Ўратепада шундай тангалар хазинаси топилган). Буларнинг бари халқаро савдонинг кенг миқёсда олиб борилганлигидан, унга Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятлари тортилганлигидан далолат беради. бу эса Фарғона вилоятининг иқтисодий жадал ривожланганлигинидан далолат беради. Ўзбекистон территориясида маҳаллий тангалар билан бир қаторда чет эллардан келтирилган тангалар ҳам учрайдики, бу Ўзбекистон вилоятларининг халқаро савдо билан кенг шуғулланганлигини кўрсатади.

#### *Таянч нушунчалар :*

**Ахмонийлар империяси. Салавка. Вима Кадфиз. Сиёвушлар тангаси. Зардуштийлик.**

#### **4-мавзу: Ахмонийлар, аршакий ва сосоний шаханшоҳларининг тангалари.**

##### **Режа:**

##### **1. Грек дирхамларини муомалада бўлиши.**

##### **2. Хоразмда зарб қилинган тангалар.**

Жамият иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг илгариланма характери ер юзи айрим минтақаларида тараққиётга юқори даражага эришувига замин яратди. Дастлабки танга чақаларнинг пайдо бўлиши милoddан аввалги VII асрда Кичик Осиёда пайдо бўлди. Тангаларни зарб этиш Ўрта денгиз бўйи мамлакатларида тез тарқалди. Пулни пайдо бўлиши билан савдо – сотиқ ривожланиб узоқ ва яқин мамлакатлар Ўртасида қарвонлар муттасил қатнай бошлаган. Шу тариқа пул тараққиёти учун хизмат қила бошлаган.

Йирик салтанатлар қарор топиши билан ҳар бир мамлакатда кўпроқ бойлик орттириш иштиёқи пайдо бўлди. Савдо – сотиқ ишларини ривожланиши қарваонлар қатнови, уруш қилмай туриб бойликларни қўлга киритиш мумкинлигини кўрсатди. Натижада ўзга юртдан келган савдогарлардан солиқ олш одат тусига кирди.

Юнон шаҳарлари танга зарб қилиш тарихида муайян ўрин тутди. Милoddан аввалги III асрдан бошлаб бронза ўрнига олтин тангалар зарб қилина бошлаган ва узоқ йиллар муомалада бўлган.

Милoddан аввалги VI асрда Эрон ва Ўрта Осиёнинг катта қисми Ахмонийлар империяси таркибига кирган. Шу даврда Александр Македонский Ахмонийлар империясини барбод қилган. Унинг вафотидан сўнг шарқий ерлар Салавкийларга ўтган. Ахмонийлар ва македонский тангалари Ўрта Осиё ҳудудларига ва македонский тангалари Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келган, бироқ бу тангаларнинг айрим нусхалари эди.

Салавканинг ўғли Антиох даврдан қумуш тангалардан ташқари мис чақаларни қўлланилиши қузатилади.

Милoddан аввалги III асрда Ўрта Осиёда пул муомаласи бошланди. Шу асрнинг охиридан Ўрта Осиёнинг ўз тангалари пайдо бўлди. Тангаларнинг олд қисмида чамбарга олинган подшоҳ бюсти, орқа томонида от боши ва ҳукмдор номи битилган тангалар асосан Самарқандда зарб қилинган.

Милoddан аввалги III аср ўрталарида Салавкийлар ҳукмронлигининг шарқий ҳудудларида Грек – Бактрия подшолиги юзга келади. Грек – Бактрия тангалари юқори доира ичида подшоҳнинг тасвири унинг ички моҳиятини очиб берадиган тарзда заргарона санъат билан бажарилган. Бу давлат тангалари Сурхондарё вилоятида кўч учрайди. Бухоро воҳасида йирик қумуш тангалари 50 нусхадан иборат хазина топилган.

Грек – Бактрия ҳукмдорлари асосан қумушдан баъзан олтиндан ва мисдан айрим ҳолларда мис никель қотишмасидан зарб қилинган. Бу тангаларнинг машҳурлиги шунга олиб келдики, Ўрта Осиёнинг кўпгина жанубий Амударё бўйи вилоятларидаги ҳудудларда, Бухоро ва Хоразм воҳаларида шу тангаларга ўхшатиб тангалар чиқарилди.

Яна бир мана шундай қадимги давлатлардан ҳисобланган Парфия ҳақида гапирадиган бўлсак, минтақамизнинг Атрек ва Гургон дарёлари юқори хавзасида жойлашган (Жанубий Туркменистон, Шимолий – шарқий Эроннинг бир қисми) тарихий маконлардан бири қадимда шундай ном билан юритилган.

Милoddан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмида Парфия ахмонийлар қўл остига тушади ва салтанатнинг 16 округ таркибига киритилган.

Парфия тангаларида тасвир этилган шоҳларнинг сиймоларини ҳар бир шоҳ сурати учун индивидуал бўлган тиара (қадимги Шарқ подшоҳлари ҳамда Рим папаларининг бош кийими) шакли орқали фарқласа бўлади. Парфия шоҳларини бошқалардан фарқлайдиган белги бу “оссурий” типи деб ном олган қалин, узун, тўлқинсимон турувчи соқолидир.

Милoddан аввалги IV асрнинг 30 йиллари сўнгида юнон Александрга тобе қилинади. Шу асрнинг сўнги ўн йилликларида Салавкийлар таъсирига тушиб қолади. Бу ҳолат милoddан аввалги III аср ўрталарида қадар давом этади. Тахминан шу даврда парфияликлар салавкийлар таъсиридан озод бўлади. Бу ҳақда юнон ва арман манбаларини гувоҳлик беришича, асли келиб чиқиши сакларнинг дай қабиласидан бўлмиш тажан дарёси бўйларида яшовчи Парна уруғи сардори Аршак салавкийларнинг Парфиядаги ноибини ағдариб ҳокимиятни ўз қўлига олади ва аршакийлар сулоласига асос солади. Салавкийларга зарба бергандан кейин. Рим билан тўқнаш келади. Милoddан аввалги 55 – 38 йилларда ҳарбий юришлар уюштиради. Милoddан аввалги 553 йили Жазира томонидан шимолидаги Карр шаҳри яқинида икки томон ўртасида тўқнашув содир бўлади. Хоразмликларнинг ҳарбий тактикасини қўллаган аршакийлар римликларга зарба берган. Шундан кейин Сурия, Кичик Осиё ҳамда Фаластинни ҳам бўйсундирган ва пойтахтни Ктесифон шаҳрига қўчиради. Шунинг учун Марғиёна унинг таркибидан чиқади. Аршакийлар даври ижтимоий сиёсий ҳаётига эътибор берсак, олий ҳукмдор аршакийлар хонадонидан бўлиши шарт ҳисобланган. Давлат бошқарувида иккита кенгаш: зодагонлар ва кохинлардан иборат бўлган. Янги ҳукмдор шу кенгаш иштирокида сайланган марҳум

васияти инобатга олинган. Вафот этган хукмдорнинг ўғли, укаси тахтга чиқмасдан сулолани бирон бир намоёндаси эгаллаган. Кенгаш хатто олий хукмдорни четлатишга ҳам қодир ҳисобланган. Шу билан бирга мулклари, мавқеи бир хил бўлмаганини таъкидлаш жоиз. Сейистон, Тиркания ярим мустақил мулк сифатида ўз пулларини зарб этганлар. Хар бир сатрапияда турли хўжаликлар мавжуд бўлиб, давлат хазинасига солиқ тўлаб турган. Ишланадиган ерлар бир неча даражага бўлиниб, улардан олинадиган солиқлар ҳам турлича бўлган, асосан махсулот сифатида қисман пул билан қабул қилинган.

Бешинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Туркистон сиёсий ҳаётида эфталийлар хонадони хукмрон ўрин тута бошлайди. Бу йилларда заифлашиш йўлига кирган қушонлар салтанатининг ғарбий сарҳадлари сосонийлар таҳдид остида қолган эди. Шунинг учун бу икки сулола ўртасида рақобатлашиш табиий эди. Бешинчи асрнинг 30 йилларидан тўқнашувлар содир бўлади.

Сосонийлар давлатнинг шарқий вилоятларини (Сейистондан марғиёнагача бўлган ҳудуд) бошқарганлар. Шу муносабат билан улар қўшни ўлка сиёсий, савдо доиралар билан яқиндан муомалада бўлган. Сосонийларни мазкур ҳудудларни бошқарган хукмдорлари “қушон хукмдор” лари унвонига эга бўлган. Аммо эфталийлар қудрати ошиб, Сосонийларга қарши курашга киришишини англаган Перуз дастлаб уларга қарши уруш очади, асрга тушиб қолади. Византия хукмдорларининг ёрдами билан озод қилинади, кейин яна икки марта ғарбий юриш уюштиради. Яна аср олиниб 30 ҳақир кумуш дирхам эвазига озод қилинади.

Эрон сосонийларини кумуш тангалари Туркистонга кўплаб келтирган. Уларни олд томонига шаханшоҳ тасвири, орқа томонига эса икки соқчи ўртасида ўтли меҳроб тасвирланган. Ана шундай дирхамларга тахтитдан хукмдорлари бухорхудотлар номида юритилган. Амударё вилоятлари ҳамда Бухоро воҳасида кумуш тангалар зарб қилинган. Шу боис Бухоро тангалари – бухорхудот тангалари номини олган.

Туркистонга Византия тангалари кириб келиб, Чағониён, Сўғд, Чоч ва Фарғонада танга чиқаришга ўз таъсири ўтказди. Бу таъсир жуфт тасвирларнинг пайдо бўлишида ўз аксини топади. Сўғд, Чоч ва Хўжанд оралигида жойлашган Уструшон тангалари ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг айримларида Хиндистон билан алоқаларга шама қилувчи фил тасвири келтирилган.

Бундан ташқари маҳаллий танга нусхалари ҳам бўлган. Бу борада “Хоразм чавандози” тасвири милоннинг биринчи асрдан саккизинчи асригача бўлган тангалардан жой олган. Хоразм хукмдорлари ўз тангаларини зарб этишни йўлга қўйганлар. Пул тизимини жорий қилиниши давлатчиликни ривожланганлигидан далолат беради.

#### *Таянч тушуночалар :*

**Бухорхудот. Бухорхудот тангалари. Хоразм чавандози. Қушон хукмдори. Сосоний. Аршаккий.**

### **5-мавзу: Илк ўрта асарларда Ўзбекистон ҳудудидаги тангалари.**

#### **Режа:**

#### **1. Ўрта осийда иқтисодий савдо муносабатларининг кенгайиши.**

#### **2. Тангалар зарб қилинишининг янада кенгайиши.**

Илк Ўрта асрларда жаҳон тараққиёти янада таққий топди. Чунки жаҳоннинг ривожланган минтақаларида, қулдорлик тузуми инкирозга юз тутиб, феодализм даври бошланди. Натижада жаҳон мамлакатлари билан кенг қўламадаги савдо ва маданий алоқалар янада фаоллашди. Хитой билан алоқаларнинг кучайиши натижасида Ўрта Осиёнинг айрим вилоятларида хитой намунасидаги тангалар зарб этила бошланди. Кўп асрлар мобайнида Хитойда мис (ёки бронзадан) ишланган. Ўртасида квадрат тарзидаги ўйиқли тангалар ягона пул хизматини ўтаган Улар зарб этилмай балки қуйилган. Шундай хитой тангалари тахлитдаги (хитой, иероглифларисиз) ўртаси ўйиқ қуйма тангалар Самарқанд, Сўғдда, Бухоро воҳасида, Фарғонада, Етисузда ва Амударё бўйи вилоятларида чиқарилган. Бундан ташқари Туркистонга Византия тангалари ҳам кириб келиб, Чағониён, Сўғд, Чоч ва Фарғонада танга чиқаришга ўз таъсирини ўтказди. Бу таъсир хусусан жуфт тасвирларнинг пайдо бўлишида ўз аксини топади.

Сўғд, Чоч ва Хўжанд оралигида жойлашган Уструшон тангалари ҳам диққатга сазовордир. Уларнинг айримларида чамаси Хиндистон билан алоқаларга шама қилувчи фил тасвири келтирилган. Умуман олганда илк Ўрта асрлар танга нусзаларининг ниҳоятда хилма – хиллиги билан ажралиб туради. гарча Ўрта Осиё VI асрда Сарик денгиздан Қора денгизга қадар чўзилган улкан турк ҳоконлиги таркибига киради.

Туркистон ерларида амалга хукмронликни ўнлаб Ўрта ва майда мулкларнинг ҳокимлари амалга ошириб, улардан деярли ҳар бири ўз тангасини чиқаришга интилган. Шуниси диққатга сазоворки, Туркистоннинг деярли барча вилоятлари иқтисодий ривожланишнинг шундай даражасига эришдики, натижада ўз тангасини чиқариш зарурати туғилди. Натижада бу даврга келиб барча Туркистон вилоятлари нумизматика сахнасига чиқди.

Чочда танга зарб этиш тўртинчи асрдан олдинроқ илк Ўрта асрларда нусхаларнинг ниҳоятда хилма – хиллиги билан ажралиб турувчи танга зарб этадиган бир қанча марказлар таркиб топди. Фарғонада илк бор ўз тангаси, чамаси олтинчи асрда пайдо бўлган. Саккизинчи асрда эса, бир қанча ерларда чиқарилган. Уструшонда танга зарб этиш еттинчи асрда вужудга келган. Кешда ўз пул зарб қилина бошланганлиги аниқлангани йўқ.

Нахшабда танга зарб этиш тўртинчи асрдан бошланиб, саккизинчи асрда ҳам давом этган.

Бу вақтга келиб тангалар ҳамма ерда чиқарилган бўлсада, туркистоннинг барча вилоятлари иқтисодий жиҳатдан бир хил ривожланган эмас. Бу борада Самарқанд, Сўғд етакчилик қилган, зеро бу ерда мис тангалар жуда кўп чиқарилар эди.

Умуман олганда бу даврда Ўрта Осиё кўплаб кичик ва майда эгалликларга парчаланиб кетган эди. бу парчаланиш ҳар бир вилоятнинг ўз тангасини бўлишига олиб келди. Масалан: Нахшабда (Қашқадарё воҳасининг қадимги шаҳри) 3-5 асрларда бир томонда подшо қалласи, иккинчи томонда подшонинг шер билан курашини акс эттирган мис тангалар зарб қилинган. Бухоро вилоятида Ўрта Осиёга кўплаб кириб келган Сосоний кумуш тангаси таъсири роль ўйнаган. Танганинг бир томонида хукмдорнинг қалласи, иккинчи томонида қохинлар билан меҳроб

олови тасвирланган. IV-V асрларгача Сўғда ёйчи тасвирланган майда кумуш тангалар чиқарилган. Яқинда қадимий Самарқанд (Афросиёб) территориясида ана шундай тангалар ҳазинаси топилган.

Еттинчи асрнинг иккинчи чорагидан эътиборан Самарқанд подшоҳлари тўртбурчак шаклидаги тешикка эга бўлган, Сўғд ёзуви битилган мис тангаларни зарб қилганлар. Мазкур тангаларда кичик ҳокимлар ўз унвон ва исмларини, шунингдек танга зарб этилган жой кўрсатиб ўтганлар. Масалан: Панч (Панжикент) ёки Сейистон ва ҳаказо. Шуниси диққатга сазоворки Самарқанд ҳукмдорларининг юзлаб, айрим ҳолларда катта ҳазиналар тарзида топилмоқда. Бундай тангалар биринчи навбатда ички майда савдга хизмат қилган. Бу тангалар бошқа вилоятлар Нахшаб, Чоч, Хоразм, Тохаристон ва Эронда ҳам топилган. Юқорида номлари билан ажралиб кетган бўлса ҳам уларнинг ўртасидаги савдо алоқалари яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Самарқанд ҳокимларининг чиарган тангасидан қўшни Уструшона (Жиззах ва Ўратепада) вилоятида VI-VIII асрларда зарб қилинган тангалар тубдан фарқ қилган. Уларда тўртбурчак шаклидаги тешиклар бўлмай, балки ҳукмдорнинг расми ва Сўғд ёзувида ҳукмдорларнинг номи ва унвони ҳамда тамғаси ифодаланган.

Шу даврларда Чочда, яъни VI-VII асрларда бир неча хилда кўплаб тангалар зарб қилинган. Уларда Сўғд ёзувлари, тамгалари подшонинг боши ёки рафикаларининг расми ифодаланар эди. Танга пуллар хилининг кўпчилиги Чочда пул савдосини жуда ҳам ривожланганлигини кўрсатади.

Яқинда Самарқанд музей коллекциясидан V-VI асрларга оид Фарғонанинг тангасини топишга муваффақ бўлинди. Қадимий ёзуви бўлган бу ёдгорлик ўша давр халқларининг тилини ўрганишимизга яққою ягона ёдгорлик ҳисобланади. Кейинчалик VII-VIII асрларда Фарғонада тўртбурчак шаклидаги тешикка эга бўлган Сўғд ёзуви туширилган тангалар чиқарилган.

Шу даврларда зарб қилинган тангалар, Ўрта Осиё халқларини юксак маданиятга эга эканлигини биринчи навбатда товул пул муносабатларини гуллаб – яшнаганлигидан далолат беради.

#### *Таянч тушунчалар :*

**Бронза. Мис. Иероглиф. Чоч. Уструшона тангалари. Нахшаб. Коллекция. Тўртбурчакли тангалар.**

#### **6-мавзу: Араб халифалиги ва Сосонийлар даври тангалари.**

##### **Режа:**

- 1. Халифаликни дастлабки даврида муомалада бўлган тангалар.**
- 2. Араб халифалиги томонидан зарб қилинган тангалар.**
- 3. Сосонийлар даври тангалари.**

Еттинчи асрдан бошланган араблар истилоси Туркистонни ҳам ўз домига тортди. Бу ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир кўрсатиш билан бир қаторда тангасозлик соҳасида ҳам муҳим босқич бўлди. Араблар халифалиги барпо қилинган дастлабки йилларда Византия ва Сосонийлар даврида зарб қилинган тангалар савдо муомаласида ишлатилган. Шундан сўнг халифалик ўша давр тангаларини чиқаришни давом эттирган. Лекин тангалардаги Византия императори ёки Сосонийлар ҳукмдорининг тасвири араб ёзуви билан зарб қилинган.

Еттинчи асрнинг сўнгида Абдумалик Умавий пул ислохоти ўтказиб, мусулмон тангасини зарб қилишга асос солди. Шундан эътиборан тангалар соф эпиграфик, яъни уларда фақат ёзувлар жойлаштириладиган бўлди. Бу даврда зарб этилган янги тангалар хар икки томонида ҳам тасвирларни йўқлиги билан олдинги тангалардан ажралиб турар эди. Аста – секин ёзувлар бир тартибда ёзила бошланди. Танганинг олди томонига “Ло иложа иллоллох”, орқа томонига эса “Муҳаммад оллохнинг расули” деган ёзувлар битилган. Шуниси муҳимки, танганинг олди томонида танганинг номи, зарбхона номи хижрий ҳисоб бўйича танганинг зарб этилган йили келтирилган.

Халифаликда олтиндан, кумушдан, мисдан тангалар зарб қилинган уларнинг номланиши металга боғлиқ эди. Олтин тангалар – динор, кумуш тангалар – дирхам, мис тангалар – фульс деб аталган.

Илк мусулмон тангалари исмсиз бўлган. Кейинроқ халифаларнинг, ноибларнинг ва ҳаказоларнинг исмлари пайдо бўлади. Мусулмон тангалардаги ёзувлар кўфий усулида ёзилганлигидан VIII – IX асрлардаги тангалар кўпинча кўфий тангалар деб юритилган. Динор ва дирхамларни фақат дастлабки вақтларда халифаликка зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Мис тангани эса ворислар, амирлар танга четига ўз номларини ёздириб зарб қилишлари мумкин эди. Олтин танга ташқи савдо учун зарб қилинган эди. Халифалик савдосида кумуш тангалар дирхамлар пул муомаласини асосини ташкил этган. Улар халифалик ва унинг халқаро савдосини етарли даражада таъминлаганлар.

Мавороуннаҳрда арабда истилосидан кейинги дастлабки вақтларда умумхалифа тангалари билан бир қаторда маҳаллий эски атнгалар ҳам муомалада бўлган ва араблар ўз ноибларининг номлари билан араб ёзувида шундай тангаларни зарб қилганлар.

Аста – секин бу ерларда ҳам умумхалифалик тангалари дирхам, фульслар зарб қилина бошлаган. VII – IX асрларда Бухоро, Самарқанд, Шошда шундай тангалар зарб қилинган. Бундан ташқари вақти – вақти билан тангалар зарб қиладиган шаҳарлар ҳам бўлган. Масалан: Муаскар аш – шош (Шош қальаси), ўша даврдаги Фарғона пойтахти Ахсикент шундай шаҳарлардан ҳисобланган.

Мавороуннаҳр халифаликдан ажралиб чиққандан кейин Хирот вилоятидан келиб чиққан Тохир ибн Хусайн (821 – 873) Хуросон ноиби этиб тайинланади ва у Тохирийлар сулоласига асос солади. У Боғдод халифалигига тобе бўлиб ички сиёсатда мустақил эди. Тохирийларга тобе бўлган Мавороуннаҳр ноиби биринчиси сомонийлардан эди. Тохирийлар тахдан тушганларидан кейин Сомонийлар мустақилликка эришганлар.

Тохирийлар тангашунослик соҳасида дастлаб дирхам ва мис тангалар зарб қилинган. Абдулла ибн Тохир ҳукмронлигидан бошлаб олтин динорлар зарб қилинган. 15 дан ортиқ зарбхоналар бўлиб, вақти – вақти билан тангалар зарб қилинган. Мавороуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Шош, Мадинаи аш – Шош шаҳарларида, кейинчалик Хоразм зарбхоналарида тангалар зарб қилинган.

Умумий кўриниши хусниҳат ёзувларни жойлашиши бўйича Тоҳирийлар давлатида зарб қилинган тангалар умумхалифалик тангаларидан фарқ қиларди.

Биринчи Сомоний фақат кумуш танга зарб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Улар зарб қилган мис тангалар – фельеслар ташки кўриниши бўйича юмалоққа яқин хатлари хунук бўлган.

Сомонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин Исмоил ибн Аҳмад даврида кумуш тангалар кўплаб ишлаб чиқарилади. Кейинчалик олтин тангалар пайдо бўла бошлади. Олтин тангаларга нисбатан аъло сифатли кумушдан кўплаб зарб қилинган тангалар мамлакат ташқарисига ҳам чиқиб кетган.

Сосонийлар томонидан зарб қилинган тангалардаги ёзувлар худди халифалик даврда зарб қилинган тангалардек эди. Мис ёки кумуш тангаларнинг бир томонида бир ёки икки қатор аҳён – аҳёнда уч қатор ёзувлар учрайди. Дирхамларда фақат Сосонийлар ноибининг исми ёзилибгина қолмай, халифаларни исмлари ҳам ёзилган.

Сосонийлар даврида зарб қилинган мис тангалар ташки кўриниши билан ҳам диққатга сазовордир. Мис танга кўпроқ тарқалган, кўп муомалада бўлишига қарамай у дирхам ва динорлар сингари пухта ишланган. Улардаги ёзувлар ҳам чиройли. Айрим мис тангалар, айниқса бухорода зарб қилинган мис тангалар шунчалик чиройли ва пухта ишланганки кишини хайратга солган. Ўша даврларда 30 дан ортиқ зарбхоналар бўлган. Лекин улар вақти – вақти билан қисқа муддат ишлаб кейинчалик ёпилган.

Сомонийлар динорлари нисбатан кичик қўламда асосан Туркистондан ташқарида зарб қилинган, кўплаб Хуросон, айниқса Мавороуннаҳрда Бухоро, Самарқанд ва Шوشда зарб этилган.

Мис тангалар деярли Мавороуннаҳрда, Бухоро ва Самарқандда икки хил қийматда – адли ва паших тарзида тарқалган.

Сомонийлар даврдаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики. Тангашунослик соҳасида ҳам шу даврлардан бошлаб қалбакилаштириш масаласи бу даврда ҳам тангаларни ҳар вақт қўлбола ускуна штампелда зарб этишаверган. Зарбхона ускунаси улар қўлига тушиб қолган. Тангаларни қалбакилаштириш асрлар давомида мўмай даромад келтирган, шунинг учун улар ўлимдан ҳам кўркмай фаолиятини давом эттирганлар. Бу эса танга чақаларнинг кадри юқори эканлигидан далолат беради.

#### *Таянч тушунчалар :*

**Тоҳирийлар. Сомонийлар. Динор. Дирхам. фўльс. Адли. Пашиз. Штемел.**

#### **7-мавзу: XI-XII асрлардаги Ўзбекистон ҳудудида муомалада бўлган тангалар.**

##### **Режа:**

- 1. Мамлакатдаги ижтимоий аҳвол, тангашуносликдаги ўзгаришлар.**
- 2. Қорахонийлар даврида зарб қилинган тангалар.**

Сомонийлар ҳукмронлигининг охириги даврларида, айниқса X асрнинг иккинчи ярмига келиб минтақанинг Етгисув қисмида шаклланган макондан кўра ҳам кенгрок миқёсда сиёсий фаолият кўрсатиш имкони ва қудратига эга бўлган янги сиёсий куч майдонга чиқади. Биз уларни Қорахонийлар номи остида биламиз. “Қорахон” атамаси хусусида “хон” маълум тушунча, яъни ҳукмдор “Қора” нинг асли “Қаро” бир неча маънода қўлланиши таъкидланган ҳолда, биз кўраётган мисолда “Буюк”, “Улуғ” тушунчасини беради.

“Буюк” хон, “Улуғ хон”.

Шундай қилиб X асрнинг иккинчи ярмида қорахонийлар шарқий йўналишда Балхаш қўли – Черген дарёсига (Шарқий Туркистон) бўлган ерларни бўйсундиришга муваффақ бўлиб, ғарбий йўналишда Исфижоб, Ўзган, Мурғоб дарёси қуйи оқимларига бўлган ҳудудни ўз таъсир доирасига киритиб олади. 1005 йили Сомонийлар сиёсий сахнадан бутунлай тушиб кетди, шу вақтдан бошлаб Қорахонийлар Эн ва Бухоро, Самарқанд умуман Амударёгача бўлган ҳудудларни бошқара бошладилар. Бошқача айтганда XI аср бошларида Туркистон бир қанча сиёсий кучлар томонидан идора этилган. Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағониён, Хутталон вилоятлари Қорахонийлар Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар то Ғазнагача Хуросон, Сейистон вилоятлари ғазнавийлар, Хоразм эса Хоразмшоҳлар, Орол денгизидан шарқ ва шимолдаги ерлар ўғизлар иттифоқи томонидан бошқариладиган эди.

Қорахонийлар даври иқтисодий ҳаётига эътибор берсак, деҳқончилик қишлоқ хўжалик ишларини бир маромда олиб борилиши, сунъий суғориш иншоотларини қилиниши, савдо –сотик ва хунармандчилик соҳасида таҳсинга сазовор ишлар қилинган.

Юқоридаги ишларни инобатга олган ҳолда тангашунослик соҳасида ҳам Қорахонийлар таҳсинга сазовор ишларни амалга оширишган.

Қорахонийлар тангаси сомонийлар тангасидан ёзувининг нафислиги ва умуман безакларнинг хилма – хиллиги ҳамда сифатлилиги билан ажралиб туради. Камдан – кам ҳолларда фил, йўлбарс, арслон, қоплан, қуён, қушлар, хатто балиқ тасвирланган. Қорахонийлар мавжудодни тасвирлашни ислом динида маъқул кўрилмаслигидан яхши хабардор бўлганликлари учун мавжудод расмлари ички бозорда ишлатиш учун чиқариладиган чақалардагина берилган.

Қорахонийлар мис, кумуш тангалар, XII асрнинг ўрталарига келиб олтин тангалар ҳам зарб қилганлар.

Айни вақтда Қорахонийлар давридан 40 дан ортиқ зарбхоналар фанга малум эмас. Масалан: Ахсикент, Боласоғун, Бароб, Барсхон (Иссиққўл жанубида) ва бошқалар. Шуни таъкидлаш жоизки, бир зарбхона бир неча номларда танга зарб қилган бўлиши мумкин. Масалан: Кўзўрда ва Боласоғун номи битта шахарга тегишли. Лекин Сомонийлар даврига нисбатан Мавороуннаҳрда зарбхоналарни кўпайганлиги шубҳасиз, зарбхоналар унча катта бўлмаган уларни ташкил этиш учун кўп маблағ сарф этиш талаб қилинмаган.

Қорахонийлар давлатини салмоғи улар зарб этган XI асрнинг кумуш тангаларидаги ёзувлар маъносида ҳам акс этган. XI аср кумуш тангаларида бу даврга келиб, мусулмонлар дунёсининг диний бошлиғи Боғдод халифасининг

номи бутун Қорахонийлар давлатининг хокими, шунингдек унинг вассали шахар ёки вилоят хокимининг ва танга зарб қилинган жой кўрсатилган.

Мис тангалардаги ёзувлар кумуш тангалардаги ёзувлардан фарқ қилади. Уларда халифанинг номи кўрсатилмай, фақат танга зарб қилинган шахар ёки вилоят хокимининг номи, танга зарб қилинган жой кўрсатилган.

Қорахонийлар даврида зарб қилинган тангалардаги ёзувларнинг аксарияти араб алифбосида бўлиб, онда – сонда уйғур сўзлари ҳам учрайди. Кўпчилик холларда Наср, Юсуф сингари хокимларнинг номлари уйғур тилида ёзилади. Тангаларнинг ташқи кўринишида ҳам айрим ўзгаришлар содир бўлди. Агар сомонийлар даврида зарб қилинган тангалардаги ёзувлар айланасига битилган бўлса, қорахонийлар тўртбуркак шаклида ёзганлар.

Қорахонийлар асосан қушмуш тангалардан ташкил топган тангалар системасини ҳам сомонийлардан мерос қилиб олдилар. X аср охири XI аср бошларида Қорахонийларнинг оддий кумуш пуллари соф кумушдан тайёрланиб халқаро савдода ишлатилган. XI асрнинг иккинчи ўн йилликларига келиб кумуш тангаларни сифати ўзгаради. Кумуш миқдори камайиб унинг ўрнига мис кўрғошин ишлатила бошланди.

XI аср ўрталарига келиб Еттисув ва Фарғонада таркибида умуман кумуш бўлмаган дирхам тангалар зарб қилинган ва оқ тангага “дирхам” – яъни кумуш танга деб ёзилган.

Фанда “кумуш инкирози” деб аталган бу ҳодиса XI асрда бутун мусулмон шарқида қайд қилинган. Қорахонийлар давлатида “кумуш инкирози” ни содир бўлишига ўзаро курашлар сабаб бўлган, ундаги кўплаб ҳаракатлар сифатсиз дирхамларни чиқаришга сабаб бўлган, танга зарб қилишдаги бундай фирибгарлик, аҳолини кумуш ва мис тангаларга бўлган ишончини йўқотган.

Шунинг учун XI аср охири ва XII асрда Қорахонийлар давлатининг шимолий вилоятларида танга умуман зарб қилинмади. Мавороуннаҳрда танга зарб қилиш озайиб кетди. Савдо битимларида бошқа сулолалардан келтирилган динарлар – олтин тангалардан фойдаланилган.

Маворауннаҳрда зарб қилинган тангаларда фақат Қорахонийлар номи ёзилибгина қолмай, салқуқийлар сулоласига мансуб бўлган султонларнинг номлари ҳам битилган. тангалар асосан Самарқанд, Бухоро, Ўзган зарбхоналарида чиқарилган. XII асрнинг 60 йилларига келиб, танга зарб этиш ишлари бутунлай ўзгарди. Ўзган ва Самарқандда кумуш суви юритилган дирхамларни кўплаб зарб қила бошлашига йўл қўйилади. Бу билан бир қаторда Самарқанд ва Бухорода олтин динарлар зарб этила бошланди. Кумуш суви югуртирилган дирхамлар кундалик савдога бўлган талабни қондирадиган бўлса, олтин тангалардан савдо битимида халқаро савдода ҳам фойдаланилган.

Ҳақиқий кумуш тангалар бўлмаганлиги олтин тангалар, йирик пул ҳисобланганлиги учун уларни майда – чуйда бўлақларга бўлиб савдо қилишган.

XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрдаги Қорахонийлар сулоласи томонидан зарб қилинган тангалар, X аср охири ва XI асрда зарб қилинган тангалардан тубдан фарқ қилади.

Биринчидан бу тангалар вақт ўтиши билан йириклашиб борган. Агар X-XI аср тангаларининг диаметри 2-2,5 см бўлса. XII асрнинг 60-70 йилларида кумуш суви юритиб зарб қилинган дирхамларнинг диаметри 3 см. XI аср бошларида эса 4 см бўлган. Тангалардаги ёзувларнинг жойлаштирилиши, ўрни ва уларнинг маъноси ҳам ўзгарди.

Ўзбекистон ҳудуда XI-XII асрларда муомалада бўлган тангаларни асосий қисми Қорахонийлар даврида зарб қилинган тангаларни ташкил қилади. Лекин Ўзбекистоннинг баъзи жанубий туманлари, яъни Термиз ғазнавийлар, кейинчалик Темурийлар давлати таркибига кирган. Бу ерларда ғазнавийлар ва Темурийлар томонидан зарб қилинган тангалар муомалада бўлган.

Хоразмда ануштегинийлар сулоласи вакили Муҳаммад ибн Текеш даврдан мунтазам равишда тангалар зарб қилинган. Султон фақат Хоразмда танга зарб қилмай, балки Самарқанд, Бухоро, Ўзган ва Марқ шаҳарларида, шунингдек Мавороуннаҳрдан ташқарида ҳам мис кумуш суви югуртирилган кумуш ва олтин тангалар зарб қилдирган.

*Таянч нуқталар :*

**Ануштегин. Кумуш инкирози. Бағдод халифалиги. Боласоғун. Тохирийлар. Туркистон.**

**8-мавзу: XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида муомалада бўлган тангалар.**

**Режа:**

- 1. XIII-XIV асрлардаги ижтимоий сиёсий аҳвол.**
- 2. Мўғуллар даврида зарб қилинган тангалар.**

Жаҳон тарихидан маълумки, XIII аср бошларида Туркистон мўғуллар томонидан истило қилинди. Кейинчалик бу империя алоҳида давлатларга, улусларга парчаланиб кетди. Жумладан Туркистон бу даврда Чигатой улуси таркибига кирди. Хоразм Жўжиларга, Жанубий Туркистон Хулагуларга бўйсунди.

Мўғуллар Ўрта Осиёни забт этгач, ўзаро савдо муомаласида олдинги сулолалар даврида зарб қилинган тангалар ишлатилди. Аммо тез орада Чингизхон ҳамда халифа Носирнинг исмидан боша ҳеч қандай хокимининг исми ёзилмаган тангалар Самарқанд ва Бухорода зарб қилина бошлаган. Ҳар икки шаҳарда ҳам кумуш ва кумуш суви юритилган дирхамлар, Самарқандда вақти – вақти билан динарлар зарб қилинган. Агар динарлар кенг муомала учун зарб қилинган бўлса, дирхамлар эса ўша танга чиқарилган вилоят аҳолиси учун мўлжалланган эди. Бу ҳол ўша тангаларга битилган ёзувлардан аён бўлади.

XIII аср охирида Чигатойлар давлати юқори пробали кумуш танлаган мунтазам чиқарила бошланди, бу билан кумуш инкирозига чек қўйилди.

XIV аср бошларида Чигатой танга туркуми шаклланиб, у мўғиллар истилоси арафасида тангалардан тубдан фарқ қилган. Танганинг олд томонига исломий эътиқод рамзининг иккала қисми ёзилган ва халифалар: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алининг номлари ёзилган. Танганинг орқа томонида подшоҳ номи, зарбхоналар номи ва санаси, одатда рақамлар билан туширилган. XIII – XIV асрдаги танга ёзувларида аввалгидек араб тили ҳукмронлик қилган, баъзи уйғур ёзувидаги муғул матнлари берилган.

Самарқанднинг XIII аср дирхамларида, форсий ва онда – сонда туркий матнлар араб ёзувида берилган.

XIII аср Бухоро тангаларининг ноёб нусхаларида хатто Хитой иероглифлар учрайди, бир вақт Бухоро ноиби хитой бўлган.

Бошқа бир хитойнинг маслаҳати билан қўшни Хулагулар давлатида XIII аср охирида пул ислохоти ўтказилиб, унга кўра олтин ва кумуш тангалар зарб этиш ва муомалада юритиш маън қилинган. Унинг ўрнига “Чао” – қоғоз пул чиқарилган. Хитойда қоғоз пул бир неча асрдан буён мавжуд эди. Хулагулар давлатида эса қоғоз пул муомалада бўлмаган. Шунинг учун аҳоли “Чао” ни қатъий қабул қилмади. Савдо – сотиқ тўхтаб қолди. Хўжалик фаолияти издан чиқди, натижада ҳукумат тез орада танга зарб эттиришга мажбур бўлди. Ўйламай ўтказилган ислохот инқирозга юз тутди.

Лекин 1225 йили Самарқандда зарб қилинган дирхамлар диққатга сазовордир. Муғуллар истилосидан кейин орадан беш йил ўтган бўлса ҳам дирхамларнинг тури ўзига хос хусусиятларини йўқотмади. Биринчидан, ҳеч қаерда диний ақидалар баён кўрсатилмаган, горизонтал ёзувлар, хошиялар йўқ, олд томонида “Самарқанд” сўзи битилган. Қолган ҳамма ёзувлар тўғри тўртбурчак ичига жойлаштирилган. Танга зарб қилинган вақти уч марта қайта ёзилган. Биринчи марта танганинг олд томонида ва икки марта орқа томонида танга зарб қилинган сана кўрсатилган. Аммо ёзувлардан бири ажабланоқлидир. Унда “Бу танга Самарқанд ва унинг вилоятларида ўтади” деб ёзилган.

Самарқандда зарб қилинган кумуш суви югуртирилган мис дирхамларда тожик тилида ёзилган сўзлар кишини яна хайратга солади. “Кимда – ким Самарқанд ва унинг чеккаларида ушбу тангани олмаса, у жиноятчи ҳисобланади” деб ёзилган. Сабаби шундаки аввалги ҳукмдорлар даврида бўлганидек, муғуллар истилосидан кейин ҳам дирхамларни ўз қийматидан ортиқроқ юргизишга мажбур қилганлар. Аҳоли кумуш суви югуртирилган мис дирхамларни олишдан бош тортар эдилар. Шунинг учун ҳам Самарқандда тезликда ҳақиқий кумуш тангалар зарб қилинди. Бухорода ҳам ахвол шундай тарзда эди.

Мавороуннахрнинг бошқа вилоятларида муғуллар ҳукмронлигининг биринчи ўн йиллигида умуман тангалар зарб қилинмади. бундай ахвол узокқа чўзилиши мумкин эмас эди. Савдо – сотиқ ишлари муғуллар босиб олган вақтдаги даражага етмасада, муомала воситаларига жуда муҳтож эди.

XIII аср ўрталарида олтин танга динор зарб қилиниб оғир ахволдан қутулишга уриниб кўрилди. Динорларни Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ўтрор, Дамашқ зарбхоналарида чиқара бошланди. Динорлар турли катталикларда бўлгани учун савдо вақтида уларни кичик – кичик бўлакларга бўлишга тўғри келарди.

Кумуш суви югуртирилган мис дирхамларни зарб қилиш ҳам йўлга қўйилди. Уларни Самарқанд ва Бухордан ташқари Хўжанд ва Ўтрор зарбхоналарида чиқара бошланди.

1317 йили Чигатой улуси савдо талабларига жавоб берадиган даражада пул ислохоти ўтказилди. Кумуш суви югуртирилган мис дирхамларни ишлатиш маън қилинди.

Аста – секин ислохот ўтказилиб, XIII аср охирига келиб муваффақият қозонди. Бир хил сифат ва оғирликка (2 граммга яқин) эга бўлган дирхамлар, улар қаерда зарб қилинганлигидан қатъи назар бутун мамлакат бўйича муомалада бўлар эди. Янги – янги зарбхоналар ишга туширилиб, улар сони 16 тага етди: Бухоро, Андижон, Қошғар, Марғилон, Тароз, Тошкент ва ҳаказолар эди.

1321 йили муғул хона Кебекхон ўтказган пул ислохоти савдони ривожлантириш учун янада қулай, имконият яратди. Шу даврдан эътиборан ягона намуна бўйича оғирлиги 1,4 граммга яқин бўлган кумуш динорлар чиқарила бошланди. Бир кумуш танга 6 та дирхамга тўғри келарди.

Муғуллар даврида Ўрта Осиёда зарб қилинган тангаларда ҳокимнинг исми кўрсатилмаган бўлсада, Кебек ва унинг издошлари Тармаширин даврида зарб қилинган тангаларда “Улуғларнинг улуғи, адолатпарвар ҳокон (ёки султон)” деб ёзиладиган бўлди.

Муғуллар истилосидан то Амир Темурнинг тахтага ўтиришига қадар ўтган юз эллик йил давомида Ўрта Осиёда танга зарб қилиш ишларида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу умумий ягона белги муғулларнинг умумий тамғасидир.

#### *Таянч нушунчалар :*

**Муғул. Чигатой улуси. Кебек. Хулағухонлар давлати. Жўжи улуси. “Чао” қоғоз пули. Мис дирхам.**

#### **9-мавзу: Амир Темур томонидан зарб қилинган тангалар.**

##### **Режа:**

- 1. Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши.**
- 2. Амир темур зарб этган тангаларнинг хусусиятлари.**

XIV асрнинг 60 – йилларида Мавороуннахрда сиёсий, иқтисодий вазият кескинлашиб кетди. Дехқончилик, ҳунармандчилик, савдо – сотиқ ишлари инқирозга юз тутди. Бундан савдогарлар, ҳунармандлар ва дехқонлар норози эдилар. Аҳолининг бундай табақалари ўртасида мавжуд ахволдан қутулиш, мамлакатни бирлаштириш ва кучли давлат ташкил этиш ҳаракати кучаяди.

Ана шундай шароитда Темур, Барлос қабиласининг амирларидан бири, 1370 йили Мавороуннахр ноиби қилиб тайинланади.

Темур ўз замонининг бундай талабини яхши тушунди, ўз мақсадини амалга оширишга руҳонийлар, савдогарлар, ҳунармандларга суянди. У Мавороуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб олгач, ўз давлатини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга киришади. Феодал тарқоқлик тугатилиб: марказлашган давлат тузилганлиги ижобий ҳолларга олиб келди. Айни вақтда хўжаликнинг асоси бўлган дехқончиликда ҳам муайян силжишлар рўй берди. Ҳунармандчилик ва савдо ривожланади, фан ва маданият равнақ топди. Савдо муносабатларининг давлат ва жамият ҳаётида ташқи сиёатда тутган муҳим ўрнини яхши англаган Амир Темур бу борада қатор тадбирларни амалга оширган. Бозорлар қуриш, эскиларини кенгайтириш, таъмирлаш ишларини жадал амалга оширган. Бунинг исботи учун Самарқанд бозорининг бино этилиши орқали кўриш мумкин. Амир Темур буйруғи билан шаҳарнинг темир

дарвозаси қисмидан бошланиб, жанубий ғарбий йўналишда катта қўча қурилади. Унинг икки томонида эса икки қаватли, чорси тим шаклида қурилган дехқонлар, расталар қад қўтаради. Қўча усти бошдан охир гумбаз шаклида ишланган ток билан ёпилади. Ёруғлик тушиб туриши учун ҳар ердан дарчалар қолдирилган. Бундан ташқари маълум масофада фавворалар қурилиб, омборхоналар қад қўтарган. Бу даврдаги пул муомаласига тўхталсак, Амир Темур томонида 6 гр. оғирликадаги кумуш тангалар ва унинг тўртдан бирига тенг 1,5 гр.лик кумуш пуллар зарб қилинганлиги маълум. 1,5 граммлик кумуш пуллар “мири” дейилган. Мазкур ном Соҳибқирон Амир унвони билан боғлиқ.

Шунингдек муомалада мис пуллар чақалар ҳам бўлган. Тангалар Самарқанд, Бухоро, Ардабил, Астробод, Дарбанд, Дамғон, Табриз, Сабзавор, Шероз ва бошқа қатор шаҳарларда зарб қилинган. Бундан ташқари Амир Темур харбий ўрдасининг махсус зарбхонасида (дор алзарби урдуи олий) бўлган.

Темурийлар даврида ҳам икки хил қийматда кумуш танга зарб қилиш давом этди. Йирик кумуш тангалар “танга”, майдалар “мири” Темур унвони “амир” нинг қисқа шакли дейилган.

Улуғбек давридан кўп мис тангалар бизгача етиб келган. Унинг илк мис тангаларидан бири диққатга сазовор. Аҳси, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Термиз тангаларида шер, орқасидан эса қуёш чиқиб келаётгани тасвирланган. Хижрий 832 йил (милодий 1428-1429) ларда Улуғбек икки босқичда муҳим пул ислохоти ўтказди. Биринчи босқичда бир хил мис тангалар бир қанча зарбхоналарда Андижон, Шохруҳия, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Термизда чиқарилди.

Иккинчи босқичда ислоҳ қилинган тангалар ишлаб чиқариш Бухорода марказлаштирилди ва нусхаси ҳамда санаси ўзгартирилмаган холад Улуғбек ўлимига қадар, ундан кейин ҳам зарб этилди. Улуғбекнинг пул ислохоти хазина ва аҳоли манфаатларини маълум тарзда уйғунлаштирди. Темур ва Темурийлар даврида зарб қилинган тангалар қатор хусусиятлар билан бошқа давр тангаларидан фарқ қилади. Зарб этилган тангаларга махсус тамға босиш ана шундай хусусиятлардан бири эди. Бундай нақшлар Чигатой даври тангаларида XIII асрда солиниб, XV асрга келганда кенг қўлланила бошлади. Улар думалоқ, тўртбурчак, гулга ўхшаш ва ҳаказо шаклларда бўлган.

Хоразм ўнг қирғоғи билан Чигатой улуси таркибига кирсада, чап қирғоғи Урганч билан биргаликда Жўжи улуси таркибига кирган бўлиб, Олтин ўрта хонлари томонидан бошқарилар эди. XIV асрнинг иккинчи ярмида 1360 – 1380 йилларда тахт учун 25 хон уруш олиб борди, марказий ҳокимиятнинг заифлашганлигидан қўнғиротлар қабиласининг маҳаллий “сўфийлар” сулоласи усталик билан фойдаланди. Улар тахминан 1360 йиллардан Хоразмни мустақил идора қила бошладилар, ҳатто Хоразмнинг ўнг қирғоқ ерларини қўшиб олдилар. 1372 йили Темур Хоразмга юриш қилиб ўзига тобе қилади. Чунки Юсуф Сўфий бир сафар Амир Темурни тан олса, бир сафар Олтин Ўрда хона Тўхтамишни тан олар эди. Шунинг учун Амир темур Хоразмга бир неча марта юриш қилган. 1388 йил Урганчни эгаллайди. Амир Темур вафотидан сўнг Хоразмда яна Олтин Ўрда хонлари ҳукмронлик қилди.

1412 йили Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Хоразмни қайта қўлга киритади. Мўғуллар истибдодидан сўнг Хоразмда зарб қилинган тангалар бизгача етиб келмаган. Темур ҳукмронлиги даврида кичик олтин тангалар ҳам зарб этилди. Хоразмда Чигатойлар динорига ўхшаш йирик кумуш тангалар бўлмаган, Хоразмни жулд дирхамлари Мавороуннаҳр Чигатой дирхамларидан фарқ қилган. Биринчидан уларнинг қиймати турлича бўлиб, у аста – секин камайиб борган. XIII аср охирларига келиб ҳамма кумуш тангаларнинг оғирлиги 2,3 грамм бўлса, XIV аср бошларида 1,9 грамм, 1380 йилда 1,5 грамм, XV асрнинг бошларида эса 1,1 граммни ташкил қилган. Олтин тангаларнинг оғирлиги эса, 1,10 грамм – 1,15 ва ундан оз бўлган.

XIII асрга доир Хоразмнинг биринчи дирхамларида ўша давр ҳокимиятини бошқараётган ҳукмдор номи акс этган. Танганинг бир томонида диний оятлар ёки Қуръондан олинган калима, иккинчи томонида танга чиқарган сана, жой зарб қилинган. Тангалардага ёзувларда хатолар ҳам бўлган, харфлар тушиб қолган ёки қўшилиб кетган.

Темурнинг кумуш тангалари унинг номидан сохта мўғул ёнлари Суюрғатмиш ва Султон Маҳмуд номлари билан Моварауннаҳр, Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Ироқнинг 40 дан ортиқ шаҳарларида зарб этилган. Моварауннаҳр ва Хуросоннинг бош ҳукмдори сифатида Шохруҳ Мирзо Астробод, Бухоро, Дамғон, Исфохон, Қирман, Қум, Нишопур, Марв, Самарқанд, Сабзавор, Султония, табриз, Хоразм, Хирот ва Шероз ва бошқа шаҳарларда ўз номи билан кумуш тангалар зарб қилиб, пул зарби ва савдосини тартибга солди. Бу даврда ички чакана савдода кенг қўламда муомалада бўлган майда мис чақа “фулус” лар кўпроқ маҳаллий ҳокимлар томонидан зарб қилинар эди.

1428 йили Улуғбек томонидан ўтказилган фулусий пуллар ислохоти катта аҳамият касб этди. Аҳолининг ички савдо мунобатларига кўпроқ жалб этиш мақсадида Улуғбек енгил вазнда зарб этилган ва муомалада юрган барча чақа пулларни бекор қилди. Ички савдони майда мис пулларга бўлган талабини қондириш учун бир вақтнинг ўзида Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шохруҳия ва Андижон шаҳарларида зарбхоналар ташкил қилиниб бир хил вазндаги фулуслар зарб қилиниб, муомалага чиқарилди. Мис пулларни зарбини марказлаштириш мақсадида бошқа шаҳарлардаги зарбхоналарга барҳам берилиб, Бухоро зарбхонаси сақлаб қолинган. Халқ орасида “Фулуси адлия” яъни, “адолатли чақа” номи билан шухрат топган бу янги мис фулуслар Моварауннаҳрнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг муомалага кириб давлатнинг ички савдосини нақт пул билан таъминлади.

Улуғбекнинг бундай ислохоти мамлакатда хунармандчилик маҳсулотларининг ички чакана савдоси учун кенг йўл очиб берган эди.

1428 – 1929 йиллардаги ислохот пул муомаласини яхшилаш. Мис тангалар қадрини ошириш мақсадида амалга оширилган эди. Натижада у бир қанча самаралар берди. Унга қўра 1420 йили зарб этилган мис тангалар зарбхоналарга топширилиб, уларнинг ўрнига оғирлиги 1,5 – 2 баробар кўп бўлган тангалар зарб этилди. Қулайлик учун зарбхоналар Бухородан ташқари Андижон, Қарши, Самарқанд, Термиз, Шохруҳия ҳам ташкил қилинган. Натижада пулнинг қадри кўтарилган.

#### *Таянч тушунчалар :*

**Мири, Темурийлар, Фулус, Тим, Раста, Гусбаз.**



## 10-мавзу: Шайбонийлар ва жонийлар ҳукмронлиги давридаги Ўзбекистон тангалари.

Режа:

### 1. Мамлакатдаги иқтисодий – сиёсий аҳвол.

### 2. Шайбонийхон ва жонийлар даврида зарб қилинган тангаларнинг хусусиятлари.

Ўн бешинчи аср охирига келиб бўшашиб кетган Темурийлар давлати ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жихатидан инкирозга юз тутиши натижасида Шайбонийлар бошчилигидаги ўзбеклар томонидан забт этилди. Мамлакатда Шайбонийлар сулоласига асос солинди. Бу сулола XIV асрнинг охирига қадар давлатни идора қилганлар.

XIV асрнинг 40 – 50 йилларига келиб Шайбонийлар давлати тинимсиз ўзаро уруш олиб борадиган кичик – кичик ҳокимлик ва вилоятларга бўлиниб кетди. Фақат 70 – 80 йилларда Абдуллохон бутун мамлакатни бирлаштиришга муваффақ бўлди. Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатиб, тангалар зарб қилишда анча ўзгаришлар қилишди. Бу даврда Темурийлар давридаги зарб қилинган кумуш ва мис тангалар ҳам мавжуд эди. Шайбонийлар уларни тамғалаб, қийматини камайтирганларидан сўнг мазкур тангалар савдо алоқасида юргизила бошланди. Шайбонийлар номи билан янги кумуш ва мис тангалар зарб қилишда, оз миқдорда олтин тангалар зарб қилинди, фақат Абдуллохон томонидан.

Шайбонийлар зарб қилган кумуш тангалар Темурийлар даврида зарб қилинган тангалардан фарқ қилган. Лекин мис тангалар Темурийлар даврида зарб қилинган мис тангаларга ўхшаш эди. Улар кўп ҳолларда чиройли безатилган динорлардан ташқари майда мис пуллар ҳам зарб қилганлар. Бир динорга олтинга мис пул тўғри келган. Мис пуллар эътиборсизлик билан зарб қилинган. Бизгача етиб келган мис пуллар ёзувлари учиб кетганлиги учун яхши ўрганилмаган.

Шайбонийлар даври тангалардаги ёзувлар кўп ҳоллар насх ёки куфий услубида битилган. Баъзан томонлардан биридаги ёзув ўрнига турли нақшлар ёки хайвон, қушларнинг расми берилган.

Хайвонлар ёмон тасвирланган, ҳозир уларни ажратиш ҳам қийин. XV асрда бўлганидек XVII асрда ҳам кумуш ва мис тангаларни тамғалаш услуби давом этган. Тангалар илгари нима мақсадда тамғаланган бўлса, шайбонийлар даврида ҳам тамғалашни моҳияти характери шундайлигича қолган. Бу давлатда кўплаб зарбхоналар мавжуд эди. Андижон, Аҳси, Бухоро ва бошқа шаҳарларда тангалар зарб қилинган. Фақат Тошкент, Самарқанд ва Балхда мунтазам равишда тангалар зарб қилинган. Хуросонни қўлга киритганда Хирот, Машхад, Нишопур, Сароҳ ва бошқа шаҳарларда зарб қилинган.

Бундан ташқари унча катта бўлмаган вақтли зарбхоналар ҳам бўлган. XVI асрда бундай зарбхоналар мис динорларга тамға босиш иши билан шуғуланмаганлар. Масалан: Вобкани (Вобкент), Шавдаро ва Миёнқол, Парак сингари зарбхоналардир, улар шаҳарларда эмас, балки унча катта бўлмаган аҳоли яшайдиган жойларда иш юритар эдилар.

Кумуш тангаларга тамға босиш биринчидан олдин маън этилган тангаларни қайтадан савдо муомаласига киритишга имкон яратса, иккинчидан хазина фойда кўрар эди. Лекин мавжуд кумуш тангалар “эски” ва “янги” тангаларга бўлинар эди. Ўнта эски танга тўққизта янги тангага тўғри келар эди. Бу ҳол хазина учун бойлик ҳисобланар эди. Шайбонийлар давлати инкирозга юз тутган бир вақтда баъзи вилоят ҳукмдорлари ўз номлари билан кумуш тангалар зарб қилганлар. Хуллас, Шайбонийхон аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ниятида ўтказилган. 1507 – 1509 йиллардаги ислохоти натижасида у то шу вақтгача мавжуд турли ўлчов ва оғирликлардаги тангалар ўрнига бир хил оғирлик ўлчовидаги (5,2 гр.) кумуш ва мис тангаларни жорий этади. Бу албатта пул савдо муносабатларини барқарорлаштиради. Аммо Муҳаммад Шайбонийхон ўлимидан кейин бир томондан ўзаро қарама – қаршилиқ, иккинчи томондан Бобурнинг Самарқандни олиш ниятидаги ҳарбий юришларидаги жанглар мамлакат иқтисодий ҳаётига катта зарар бўлиб, пул қадрсизланган. Шунинг учун ҳам Кункунчихон 1515 йилдан бошлаб пул ислохотига киришиб, фақат 1527 йилга келиб аҳволни тўғрилашга эришади.

Шайбонийлар давлати инкирозга учрагандан сўнг ҳокимият тепасига жонийлардан Муҳаммад Жоний тахтга ўтирди – XVIII аср ўрталарига қадар ҳукмронлик қилганлар. Бу давр мобайнида мамлакат иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар қилинган. Улар XVII асрда кумуш, мис тангалар зарб қилганлар, 1702 йилдан олтин тангалар чиқарганлар.

Шайбонийлар дастлаб тангаларнинг оғирлигини бир мисқол, яъни 4,8 грамм миқдорида зарб қилган бўлсалар. 17 асрга келиб тангаларни оғирлиги 4,4 граммга тушиб қолди. Жонийларнинг зарб қилган тангалари XVI асрдаги тангалардан фарқ қилмайди, улар зарб қилган кумуш ва олтин тангалардаги ёзувлар насх услубида берилган. XVII асрда ҳам кумуш тангалар “эски” ва “янги” тангаларга бўлинган. Бу даврдан бошлаб кумуш тангалар аъло сифатли соф кумушдан тайёрланган. Мазкур тангалар “эски” деб эълон қилинидан сўнг 10% қийматини йўқотган, кейинчалик тангаларда кумуш миқдори камайиб борган. 17 асрнинг ўрталарида тангаларнинг ярми кумушдан иборат бўлган. Шундай бўлса ҳам зарб қилинган тангалар “янги” ҳисобланиб улар юз фоиз кумушдан зарб қилинган тангалардек муомалада юритилган. Аммо давлат уларни “эски” тангалар деб эълон қилиши биланоқ тангалар ярим қийматини йўқотар эди.

Тангаларнинг 50% кумушдан зарб қилинаётганлигига қоникмаган жонийлар 17 асрнинг охирида кумуш миқдорини 25% га туширди. Мазкур тангалар хатто кўринишидан ҳам кумуш тангаларга ўхшамас эди.

18 асрнинг бошларига келиб кумуш тангалардаги кумуш миқдори 9% га тушиб қолди. “Эски” тангаларни қиймати тез – тез тушиб турганлиги сабабли йирик савдо ишларини олиб бориш қийинлашди. Савдо ишларини енгиллаштириш мақсадида 18 асрнинг бошларида ашрафий ёки тилла деб ном олган олтин тангалар зарб қилина бошлаган.

*Таянч тушунчалар :*

**Шайбонийлар тангалари, “Эски” ва “Янги” тангалар, Жоний тангалари, Ашрафий.**

## 11-мавзу: XVIII-XX аср бошларида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида зарб қилинган тангалар.

Режа:

### 1. Хонликлардаги иқтисодий ҳаётнинг ривожланиши.

### 2. Ўрта Осиёда тангалар зарб этишда ҳар бир хонликда ўз хусусиятларида сақланиб қолиши.

XVIII асрда Ўрта Осиёда ўзбек қабилаларидан чиққан кишилар ҳукмронлик қилган учта мустақил хонлик таркиб топди: Қўқон хонлиги, Бухоро хонлиги ва Хива хонлиги. Уччала давлатда (ашрафий ёки тилла), кумуш (танга), мисдан пул тайёрланди. Қўқон хонлигида 1876 йили пул чиқариш тўхтатилган.

Хоразмшоҳлар ва Хива хонлиги даврида ўзининг ҳақиқий қийматиغا эга бўлган олтин, кумуш ва мис муомалада ишлатилган.

Хива хонлигида уч хил пуллар муомалада бўлган:

1. “Тилла” – олтин пул бўлиб, икки хил шаклда ва оғирлик миқдориди бўлар эди. Ўша давр пул миқдориди 1 сўм 80 тийинга тенг, иккинчиси 3 сўм 60 тийин деб белгиланган эди.
2. “Танга” – кумушдан ишланиб, бир танга ўша давр пул бирлигида 30 пул бирлиги ёки 20 тийин деб белгиланган.
3. “Пул” – мисдан ишланади. У пулга ва тийинга бўлинар эди. Кумушдан ишланган танга “оқ танга” деб, мисдан ишланган пул “қора танга” деб юритилар эди. “қора танга” ўзининг қиймати жихатидан оқ танганинг 60 % га тенг эди.

Шунингдек хонликда “Шойи”, “Аббос шойи”, “ярим шойи” деб номланган пул бирликлари ҳам ишлатилган. Уларнинг қиймати 10 тийиндан 40 тийингача ўзгариб турган. Бу пулларда одам расми тасвирланмасдан араб имлосида қайси хонлик томонидан нечанчи йилларда зарб қилингани ёзилар эди.

Хива олтинлари пуллари маҳаллий ва чет элдан келтирилган олтинларга бўлинар эди. Хива олтинлари ўзининг ялтироқлиги, мустаҳкамлиги жихатидан ажралиб турган. Муомалада кўп ишлатилган кумуш пулларни металлари Қуйи Новгороддан келтирилган.

Хозирги кунда Хива хонлигида зарб қилинган олтин, кумуш, мис пуллар ва уларнинг қолиплари дунёни кўпгина мамлакатлари музейларида сақланмоқда. Масалан: Москва, Санкт – Петербург, айниқса Хива хонлиги Россия томонидан забт этилгач унинг қимматбахо буюмларини биринчи навбатда олтин, кумуш пулларини талаш. Россия жуғрофия жамияти вакили шарқшунос олим П.И.Перх ва А.П.Кун раҳбарлигида илмий жихатдан ташкил қилинди. Василевский ёрдамида Петербургдаги Эрмитажда ташкил қилинган нумизматика ва бошқа фондлар Ўрта Осиёдан, жумладан Хива, Қўқон ва Бухоро амирлигидан келган олтин, кумуш, мис, атлас ва бошқа пуллар ҳисобига бойиди. 1883 йили Эрмитажга жўнатилаган буюмлар ичиди 1168 та қадимий олтин – кумуш тангалар эди. Бундан ташқари ўлжалар ичиди танга зарб қиладиган қолиплар, олтин ва кумушдан ишланган. 25 та хон муҳри, 200 дан ортиқ қадимий тангалар мажуд эди. Буларнинг ҳаммаси Хива хонлиги даврида зарб қилинган пулларнинг намуналаридир. Россия Хивани босиб олиши биланоқ пул системасини Россия пул системасига ўтказишни таклиф этган, лекин амалга ошмаган.

Хонликда кўпинча кумушдан бўлган танга пуллар қулайлиги учун кўп ишлатилган. XIX асрнинг охиригача ҳар йили бир миллион сўмлик кумуш танга пуллар хивалик маҳаллий усталар томонидан зарб қилинган.

Россия босиб олинганидан кейин Екатерина II подшолиги давридан буён пул сифатида муомалага киритилган қоғоз, кумуш пуллар хонлик ҳудудида қўлланилмаган. Қўлланилганда ҳам ўз кусидан паст нарҳда қўллар эди. Пул муомаласида қийинчилик вужудга келиши натижасида саррофлар фаолияти активлашади. Хатто рус савдогарлари тангалар ва тиллаларни йиғиштириб олиб қоғоз пуллар тарқатишни таклиф қиладилар. 1893 йил Россия молия вазирлигининг ташаббуси билан рус савдогарларининг илтимоси муҳокама қилинди ва Хива хони танга пулларини фақат рус подшосининг руҳсати билан зарб қилиш мажбурияти юклатилди.

Натижада XX асрнинг биринчи ўн йиллигида рус қоғоз пуллари ишлатилаётган танга пулларга нисбатан икки баробар кўпайиб кетди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II ўз умрининг охирида Хива хонлигида муомала учун ишлатилаётган пул миқдорининг етишмаётганлиги, шунингдек мусулмон шарқ оламида подшолар номидан пул чиқариб турилмаса унга халқ итоат этмаслигини тушунтириб илтимос қилиб зўрға танга чиқариш имкониятига эга бўлди. Унинг вафотидан кейин Хивада пул босиб чиқариш деярли тўхтатилди. Рус подшоси пулларни муомалада ишлатиладиган бўлди.

1914 йилдан бошлаб Россия рус савдогарлари Хивада зарб қилинган тангаларни олмай қўяди, мажуд бўлган тилла ва кумуш пуллар халқ қўлида муомалада ишлатилиб келинди.

Асфандиёрхон ҳокимиятга келгач, рус подшоси ва амалдорлари Хива хонлигида бир қанча ислохотлар ўтказиш, Хивада муомалада бўлган юритилаётган барча танга ва пулларни йиғиб олиб бутунлай пул системасини ўтказишни ҳам таклиф қилдилар. Лекин амалга оширилмади. 1918 – 1920 йиллар хонликда икки хонлик даври бўлди. Бу даврдаги Сайд Абдуллоҳон қўғирчоқ хон эди. Аслида ҳокимиятни Жунаидхон бошқара эди. У ўз ҳокимлигини халққа маълум қилиш учун пул ҳам бостириб чиқарди. Унинг пули атласга ишланган бўлиб “турма қоғоз” номи билан юритилган. Кейинчалик Жунаидхон номи билан қоғоз пуллар ҳам босиб чиқарган.

1920 йили 2 февралда ҳокимият советлар томонидан эгалланганидан кейин 1920 йил 11 апрель қарорига асосан Хива пул бирлиги курси белгиланди. Хиванинг қоғоз пул бирлиги курс рус подшолари давридан ишлатиб келинаётган 1 сўм “кренка” пули 4 сўмлик Хоразмнинг учун совет пулига ва 1 сўм “Туркистон бони” пули, Хоразмнинг 5 сўмлик умумсовет пулига тенг деб белгиланади. 1920 йилнинг апрелидан бошлаб Хивада янги пул бирлиги босиб чиқариш бошланди. Унинг олд томонида қишлоқ хўжалик ишчи ва деҳқонларнинг иттифоқини билдирувчи ўроқ, жўхори пояси белгиси тасвири герб тарзида тасвирланган эди.

1921 йил 1 январдан РСФСР нинг 1919 йилда босиб чиқарган пул бирлиги ишлатила бошланди. Бу ўз қийматига кўра шу даврда юриб турган Россия “Кренка” пулига тенг бўлиб ва “Туркбон” номинасига нисбатан 10 баробар қиммат эди.

Хоразмда 1920 йил май ойидан 1921 йил май ойигача 489 миллион, 549 сўм Хоразм пули босиб чиқарилган, Россиядан 225 миллион сўм қоғоз пул олинган. Жунаидхон даврида босиб чиқарилган 3 миллион сўм пул ҳам муомалада бўлиб, жами Хоразмда 717 миллион сўмдан ортиқроқ пул мавжуд эди. Шундай ҳолатда пул муомаласини тартибга сола олинди. Хоразм пулини қиймати туша бошлади. 100 млрд сўмлик Хоразм пули босиб чиқарилди. Бир миллиард 100 миллион сўм РСФСР пули ҳам ишлатила бошланди, лекин кадрсизланишини олдини ола олмади.

1923 йил 31 май ва 9 июлда Хоразм Халқ Республикаси МК ижроия комитетида Республика пул бирлиги курси кўриб чиқилди. Хоразм пул бирлиги бир сўмлик Россия пул бирлиги билан алмаштиришга қарор қилинди ва 1923 йили 10 июлдан 10 августгача – муддати деб белгиланди. 1924 йил 14 февралдан муомала учун зарур бўлган пуллар босиб бўлингач, СССР пул бирликларини босиб чиқариш тўхтатилди. Уларни ўрнини қоплаш учун 1924 йилда казначей билетлар, қумуш ва мис пуллар босиб чиқарилди. Июнь ойида СССР ни барча ҳудудларида пул бирликларини алмаштириш якунланди, кадрсизланган ҳамма пуллар йиғиб олинди.

1922 – 1924 йиллар давомида амалга оширилган пул ислохоти Хоразмда Совет ҳокимияти йилларида амалга оширилган биринчи пул ислохоти эди. Олтин, қумуш ва мис пуллар бундан кейин ҳам аҳоли қўлида ишлатилиб келинди.

Иккинчи пул ислохоти 1947 йили, учинчиси 1861 йилда амалга оширилди. Бу ислохот ҳам муомаладаги 10 сўмлик пуллар 1 сўм қийматига келтирилди. Янги пул бирликларига ўтилди. 1991 йил январ ойида СССР давлат банкининг 1961 йил нусхасидаги 50 ва 100 сўмлик пул белгилари тўлов учун қабул қилиш тўхтатилди, ўрнига янги 50 ва 100 сўмлик пуллар босиб чиқарилди.

#### *Таянч нушунчалар :*

**Туркистон бони. Турма қоғози. Жунаидхоню. Оқ танга. Қора танга. Ярим шойи. Танга. Тилла**

### **12-мавзу: Қадимги рус тангалари.**

#### **Режа:**

- 1. Қадимги рус тангаларининг пайдо бўлиши.**
- 2. Россияда ўтказилган пул ислохоти.**

VIII аср охирида қадимги рус давлати ҳудудига катта миқдорда шарқ тангалари кириб кела бошлади. Бу тангалар “дирхам” деб аталиб, Ўрта Осиё, Кавказ орти, Эрон, Кичик Осиё, Мессопотамия каби ҳамда Араб Халифалигининг катта ҳудудида, Африка ва Испаниянинг турли жойларида зарб қилинар эди. Илгари VI – VII асрларда Русга шарқ тангаларидан сосонийларнинг драхмалари ҳам етиб келган эди.

Дирхамлар йирик думалоқ шаклда зарб қилинар эди. Унинг иккала томонида ҳам ёзувлар бўлар эди. Бу ёзувлар халифа ёки шохнинг номи, зарб қилинган шаҳар, йил ва шу қабилар эди.

Рус давлатига Европа тангалари XI аср давомида кириб кела бошлади. Бу тангаларнинг асосий қисмини герман фенниглари, Англо саксларнинг пеннлари ташкил қилар эди.

Византия тангалари ҳам қадимги Русда катта роль ўйнади. Византиянинг олтин тангалари халқаро савдо ишларида кўпроқ фойдаланилса, мис тангаларидан ички савдодаги пул муомаласида кенг фойдаланилар эди.

X аср охири – XI аср бошларида Қадимги Русда ўзининг хусусий тангасини чиқариш учун биринчи марта кўриниш бўлди. Ёзма манбаларда рус тангаларини зарб қилишнинг бошлариниш ҳақида маълумот сақланмаган. Лекин шу нарса аниқки, Русда танга зарб қилиш тасодифий эмас, балки бу бутун Рус тарихининг ривожланиши давомида, аввало икки юз йил давомида унинг территориясида шарқ тангаларининг муомалада бўлганлиги натижасида юзага келди.

Танга зарб қилиш Владимир I Святославич князлик қилган даврда (980 – 1015), аниқроғи, 988 йилда христианлик расман қабул қилингандан кейин бошланди. Бу ҳақда Исо пайғамбарнинг олтин тангаларида ва қумуш тангаларнинг баъзиларида тасвирланганлиги далолат беради.

Танга зарб қилишни Владимир I минг ўғиллари Святополк (1015 – 1019) ва Ярослав Мудрий (1019 – 1054) лар давом эттирди. Олтин тангаларни фақат Владимир зарб қилдирган эди. Унинг 4 та турдаги тангалари маълум. Бу тангаларнинг олд томонида князь, орқа томонида Исонинг тасвири бор эди.

Пул муомаласи даврида XII – XII – XIV асрлар пулсиз давр ҳисобланади. Мўғул – татарларнинг ҳужуми натижасида Россияда иқтисодий ҳаёт инкирозга учраган.

XIV асрнинг сўнгги чорагида 350 йиллик танаффуздан сўнг, Русда яна тангалар зарб қилинган.

Янгича иқтисодий ва сиёсий шароитда ривожланиш йўлига чиқиб, бир вақтнинг ўзида бир қанча шаҳар марказларида зарб қилана бошланди. Дастлаб рус князликлари орасида Москва князлиги, княз Дмитрий Донской даврида зарб қилинди. “Дмитрий” номи билан аталди. Олд томонида, қўлида қилич ушлаб турган киши ёки “хўроз” акс эттирилди. Айланасига “Буюк князь Дмитрий мужри” деб ёзилди. Орқа томонига Тўхтамиш номи ёзилди, бу унинг Олтин Ўрдага вассаллигини билдирар эди.

Мана шундай тангалар Рус давлатининг феодал тарқоқлиги даврида XIV асрларда барча шаҳар марказларида зарб қилинган. Албатта, Рус давлатида марказлашган давлатнинг ташкил топиши жараёни, тангашунослик соҳасига ҳам таъсир кўрсатган. Бу эса Москва князлиги атрофида ягона Рус давлати қарор топганлиги ўз ифодасини топган. Буюк княз Иван III даврида ўзига хос тангалар зарб этилган.

1534 – 1535 йилларда Елена Глинская томонидан пул ислохоти ўтказилди. Янги тангаларнинг вазни ва ўлчов бирлиги ўзгарди. Мис тангалар – копейкалар пайдо бўла бошлади. Рус тангалари мис металига асосланади. Бирок

Иван Грозный ҳам ўз даврида янги тангаларини зарб қилдира бошлади. Лекин катта қийматдаги тангаларнинг йўқлиги салбий оқибатларга олиб келди.

1610 йилда Москва князи Василий Шуйский даврида олтин тангалар – копейкалар зарб қилина бошланди. “Тривенник” ва “пятачок” пуллари муомалада бўла бошлади.

1654 йили Алексей Михайлович томонидан яна пул ислохоти ўтказилди. Йирик кумуш тангалар “Талер” каби, йирик мис танга “денги” – копейкалари муомалада бўла бошлади. Бу ислохот ҳам иқтисодийга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади, салбий оқибатларга олиб келди.

XVII аср охири XVIII аср бошларида Россияда ҳокимият, машҳур жавдат арбоби саркарда Пётр I ҳокимият тепасига келиши билан давлатнинг барча соҳаларида ўтказган ислохотлари ўз натижаларини бера бошлади. Жумладан ислохот нумизматика соҳасида ҳам олиб борилган.

1700 йилда “полтина” ва “полполтушка” номли мис тангалар зарб қилдирган.

1710 йили кумушдан “полтина”, “полполтушка” зарб қилдирган.

Нихоят, 1704 йилда кумуш рубл кўп партиядо мис копейкалар зарб қилдирган, ундаги ёзувлар славян харфлари билан битилган.

5 ва 10 тийинлик тангалар рубл – талер, кумушдан “олтин” тангалар, рубл, “талер” ва мис тангалар, олтин – червонецлар зарб қилина бошланган. Бу эса мамлакат иқтисодийга учун ижобий оқибатларга олиб келган.

Черновец оғирлиги 3,4 грамм Фарбий Европанинг дукати билан тенглаштирилган.

Мана шу тарзда XVIII асрда Пётр I нинг ислохотлари натижасида Россиянинг иқтисодий ҳаётида стабиллашув жараёни рўй берди. Бунга черновец, рубл деб номланган пулларнинг зарб этилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

#### *Таянч нушунчалар :*

**Слааянлар, шарқий славянлар. Гривна. Византия тангалари. Англосакс пенлари. Черновец. Шарқ тангалари. Олтин танга.**

### **13-мавзу: Қадимги ва Ўрта аср тангалари.**

#### **Режа:**

**1. Қадимги даврда савдо муносабатларининг йўлга қўйилиши.**

**2. Хитойда тангаларнинг зарб қилиниши.**

Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқалари тарихий илдизи қадимги даврга бориб тақалади. Масалан: Кушон давлатида олтин, олтин мис тангалар зарб қилинган бўлиб, бу тангалар Ўрта Осиё билан бир қаторда Шарқий Туркийтонни савдо муомаласида ҳам ишлатилар эди. Кейинчалик Эрон Сосонийлар ҳукмронлиги давридаги кумуш тангаларнинг Шарқий Туркистонда топилиши ўзаро савдо ва маданий алоқаларини кўрсатиб берувчи фактдир.

Эрамининг IV – VI асрларининг биринчи ярмида Ўрта Осиё да ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини ўзига бирлаштирган Эфталлийлар давлати ҳам ўз Эрон сосонийларининг пулларига тақлид қилиб зарб қилганлар.

XI – XII асрлардаги Қорахонийлар, XIII асрдаги Мўғуллар истилоси, XIV – XVI аср Темур ва Темурийлар даври ва ундан кейин Шарқий Туркистонда 1514 – 1533 йиллари Султон Сайилхон ҳукмронлик қилган Ёрқент ҳокимлиги даврида то Шарқий Туркистонни Манжур империяси босиб олгунга қадар (1759) Ўрта Осиёда юритилган пулларнинг ташқи кўринишидаги ёзувлари ва унинг оғирлик вазнларида кўп ўхшашлик мавжуд.

1759 йили Хитойдаги Дин сулоласи Манжур Хитой феодаллари Шарқий Туркистонни босиб олди. У ерда XV асрда Султон Сайилхон ҳукмронлик қилган Ёрқент хонлигини ағдариб ташлаб, бу жойда Дин сулоласи ўз ҳокимиятини ўрнатди. Улар Шарқий Туркистонни кўшни халқлар билан бўлган ўзаро маданий иқтисодий алоқаларни узиб қўйиш мақсадида илгари савдо муомаласида юритилган кумуш ва мис тангаларни йўқ қилди. Кумуш тангаларни қуйма ёмбига айлантириб, мис тангаларни эса қайта қуйиб, 1760 йилдан Хитой пулларини чиқара бошлади.

Император Цянь Лун даврида (1736 – 1795) зарб қилинган бронза пулларнинг олд томонидан Цянь Лун Тун Бао (император Цянь Лун пули ҳаммажойда юритилади) деб ёзилган бўлса, орқа томонида бу пуллар зарб қилинган шаҳарнинг номи манжур, хитой ва уйғур тилларида ёзилгандир. Ундан кейин Хитой императорларидан Цзя Цинь (1796-1820), Дао Гуан (1822-1850), Оянь Фен (1851-1861) давларида ҳам худди ана шундай пулларни ҳар бир император ўз номидан чиқара бошлади. Бу бронза пулларни ерли халқлар ярмоқ пул деб атала бошлади.

Тянь-Шан тоғининг шимолий томони бу ўлкага XVII аср бошларида ҳозирги Мўғилистон ва Олтой торларидан кўчиб келган ва 1755 йиллари манжур хитойлар томонидан бу ўлкани босиб олиш жараёнида бутунлай йўқ қилиб кириб ташланган жунрор қабилалари номида Жунғория деб аталади.

Цинь сулоласининг Қошғарда зарб қилинган бронза пуллари билан Жунғорияда зарб қилинган пуллар бир бирларининг худудларида юритилмас. Бу пулларнинг олд томони ўхшаш бўлса ҳам лекин унинг оғирлик вазни бир биридан фарқ қилган. Яна Қошғарда зарб қилинган ярмоқ пулларнинг орқа томонига зарбхоналар хитой, манжур ва уйғур тилларида ёзилган бўлса, илида зарб қилинган пулларда фақат манжур ёзувида “илий” деб ёзилган, унда хитой ва уйғур ёзувлари йўқ. (Илида- Жунғория).

Миллий озодлик ҳаракатларининг энг каттаси 1826 йилдаги Жаҳонгир хужа қўзғолони эди. Баъзи маълумотларга кўра Жаҳонгир хужа Қошғар, Хутан, Ёрқент ва янги ерларни эгаллаб олгандан сўнг бу жойларда ўз номидан тангалар зарб қилган.

Жаҳонгир хужа қўзғолонини Қўқон хони Муҳаммад Алихон қўллаб-қуватлаб унга Қошғарни озод қилишда ўз қуроли кучлари балан ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Алихон Қўқонга қайтиб келгандан кейин 1828 йилдан бошлаб Қўқонда зарб қилган танга пулларни “Ғози” номи билан чиқара бошлади. Бу тангаларнинг олд томонида (Муҳаммад Алихон Ғози) деб ёзилган бўлса, орқа томонига “зарб Қўқон латиф” деб ёзилган.

1864 йил 4 июнда Кугарда бошланган уйгур халкининг миллий озодлик ҳаракати тез орада бутун Шарқий Туркистон ҳудудига тарқалиб бу ерда 5 та мустақил хонлик ҳокимияти ташкил топишига сабаб бўлди. Рашид аддин хоннинг Кугарда олиб борган муҳим иқтисодий чораларидан бири у ўзининг сиёсий ва иқтисодий қувватини мустаҳкамлаш учун Кугарда 1864 йилининг ўзидан ўз номидан Хитой пуллари тилида, яъни ўртаси тўртбурчак шаклидаги тешикка эга бўлган мис пуллари кўйишга бошлади. Бу пуллари чиқаришда у кўзголондан илгари Кугар ва оксувда Цинь сулоласи томонидан қурилган зарбхоналардан фойдаланган. Кугардаги зарбхоналардан чиқарилган пуллари олд томонига Рашид ад-дин хон Сайил Ғози деб ёзилган бўлса, орқа томонига “Зарб дор-ас салта – нат Кугар” деб ёзилган. Шундай пуллар Оксув зарбхоналарида ҳам кўйилган бўлиб унинг олд томонига “Рашид ад-дин Сайил Ғози” деб ёзилган. Орқа томонига эса “Зарб дор ас Салтанат Оксув” деб ёзилган.

1865 йилнинг январида Бузрук хўжа Қошғарга келгандан сўнг уни хон деб элон қилди. Шундан кейин Ёқуббек давлат тўнтариши қилиш мақсадида атрофига ўзига содиқ кишиларни тўплади. У ҳокимиятни бутунлай ўз қўлига олди.

1866 йили Қўқонда кумуш пуллар зарб қилдирди. “Бир мисқоли шаръи” (Шаръи шарқ мусулмон давлатларида оғирлик ўлчови бирлиги бўлган . Шаръи – (2,95 грамм-бир мисқол шари 4,25 граммга тенгдир)

Ёқуббек 1865-67 йилларда Қошғар, Хутон ва Кугар хонликларини бирлаштириш асосида Тянь – Шан тоғининг жанубидаги бошқа шаҳарларни кўшиб олиб Еттишаҳар давлатини ўзи бош ҳукмдори бўлди. (Қошғар, Хутон, Ёрқент, Янги Хисор, Оксув, Кугар ва Қўрпа).

Шундан сўнг у Қошғарда кумуш ва мис пуллари зарб қилди. Ўз номидан эмас, балки Қўқон хони Сайид Султонни отаси Маллахон номидан чиқарди. Қашғар зарбхоналарида чиқарилган бўлса ҳам ўз тангаларига “зарб Қўқон” деб ёзилган. Саналарда Ёқуббекни Еттишаҳарда ҳукмронлик қилган 1867-1873 йил кўйилган. Қўқон тилла пуллари оғирлиги 4,5 граммни ташкил қилса, Қошғар тилла пуллари оғирлиги 3,6 граммни ташкил қилган.

Ёқуббек Қўқон хони Маллахон номида 1873 йилларгача зарб қилди. 1873 йилдан кейин тилла, кумуш ва мис пуллари Маллахон номидан эмас, балки Абд ал-Азизхон ундан кейин Муродхон номидан зарб қилиш бошланди. Лекин бу тангаларни орқа томонига “Зарб-дар-ас Салтанат Қошғар” деб ёзилган .

Еттишаҳар давлати фақат ички савдо муносабатлари билан чекланиб қолмай, қўшни мамлакатлар билан алоқа қиладиган халқаро талабларга жавоб берадиган тилла ва кумуш пуллр зарб қилинди. Бу тангалар уч хил бирликда бўлиб унинг шакли номи ҳам Ўрта Осиёдаги уч хонлик даврида юритилган пулларга ўхшаб кетади. Улар Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда бир хил ном билан олтиндан зарб қилинган тилла деб аталса, кумушдан ишланган пуллар танга, мис пуллар ярмоқ ёки чақа деб юритилар эди. Тилла пуллари оғирлиги 3.6 грамм , кумуш танга 1,8 грамм, мис пул оғирлиги 3.6 граммни ташкил қилган. Ўзаро нисбати қуйидагича: 50 дона мис (чақа) пул бир танга кумуш, 25 дона кумуш бир тилла тангага тенг эди.

Цин хонлиги Еттишаҳарни мағлубиятга учратқач босиб олинган ерларда бир қатор сиёсий ва иқтисодий чора тадбирлар ўтказдилар. Шундай тадбирлардан бири Цин хонлигининг Шарқий Туркистонда олиб борган пул ислохатидир. Бу ислохат Еттишаҳар давлати томонидан муомалага чиқарилган уч хил (тилла, кумуш, мис) бирлигини йўқ қилиб, 1878 йилдан бошлаб Шарқий Туркистонда юритиш учун махсус кумуш ва мис пуллари чиқарди.

Кумуш пуллар 5 хил номда чиқарилди:

- 1.Ярим мисқол-1.80 гр.
- 2.Бир мисқол-3.6 гр.
3. Икки мисқол 7.20 гр.
- 4.Уч мисқол 10.80 гр.
- 5.Беш мисқол 18 гр.

Улар асосан Қошғар, Хутан, Янги Хисор, Оксув ва Урумчида зарб қилинган . Бу тангаларда зарб қилинган жойлар номи манжур ва уйгур тилларида берилган бўлиб, пулнинг номинали (қиймати) хитой ва уйғурчада берилгандир. Тангаларни зарб қилинган йили мусулмонча хижрий йил ва араб рақами билан ёзилган. Бундан ташқари Шарқий Туркистонда юритилган кумуш пуллар ичида баъзи кумуш пулларга хитой иероглифи билан “Сянь пин” уч мисқол ёки “Сян пин” – беш мисқол деб ёзилгандир. Унинг маъноси шуки, Хитойдаги Хўкан ўлкасининг оғирлик ўлчов бирлиги асос қилиб олинган бўлиб, Қўқон ўлкасида юритилган бир сар “Сян пин” нинг оғирлиги тахминан 390 гр. Га тенг бўлган. 1878 йилдан бошлаб Шарқий Туркистонда кумуш пул системаси юргизилди (Хитойда 1879 йил).

XIX аср охирига келиб товар пул муносабатлари кучайиши билан пулни савдо капиталидаги рўли ошиб борди.

*Таянч тушунчалар :*

**Шарқий Туркистон. Еттишаҳар. Цинь сулоласи. Тянь – Шан. Мисқол. Ярмоқ пул.**

## 4 – боб. ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯ

### 1-маву: ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ. ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАН СИФАТИДА

**Режа:**

1. **Тарихий географиянинг предмети ва манбалари.**
2. **Тарихий географиянинг асосий таркибий қисмларининг хусусиятлари.**
3. **Тарихий географиянинг фан сифатини шаклланиши ва ривожланиши.**
4. **Тарихий география янги ва энг янги даврда.**
5. **Тарихий картография.**

Мамлакатларнинг тарихий географиясини ўрганишда дастлаб ўз диққатини аҳолини жойлашиши тарихий географияси, хўжалигининг тарихий географияси, тарихий-сиёсий географияси, тарихий иқтисодий географиясига қаратади. Тарихий география соҳасида тадқиқот олиб боришда, тадқиқотчида кўплаб умумий характердаги муаммолар келиб чиқади. (Масалан, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий географиясидаги тез ва кескин мамлакатнинг худудий ўзгаришлари)

Мамлакатнинг тарихий-иқтисодий ва тарихий-сиёсий географиясини ўрганишда тадқиқотчи бу мамлакат ҳақидаги бутун бир тарихий давр ичидаги маълумотни билиши керак. Шунга қараб, бу мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ёки инқирозини англаб етади. Яна иқтисодий ва сиёсий тарихий география ўтган тарихий давр мобойида аҳолининг сони, миллий таркиби, жойлашиши, чегаралари ва ички маъмурий бошқарув вилоятларини ҳам ўрганади.

Вазифаларидан энг мушқули мамлакатнинг иқтисодий географияси ва унинг тараққиёти даражасини аниқлайдилар. Шундан кейингина иқтисодий соҳадаги ўзгаришларнинг суръати кўз ўнгимизда намоён бўлади.

**Тарихий географиянинг асосий вазифаси** — мамлакатнинг қадимий даврдан то ҳозирги давргача бўлган сиёсий давлат чегаралари қадимги шаҳарларнинг ўрни, шунингдек, уларнинг турли даврлардаги ўзгаришлари, аҳолисининг жойлашувини ўрганади. Шунингдек, тарихий воқеалар, жанглар ва уларнинг оқибатлари, бу жангларнинг давлат чегараларига таъсирини ҳам ўрганади.

Тарихий география тарихий воқеа ва ҳодисалар янада тушунарли бўлиши учун кўшинларнинг йўналиши картаси, жанг майдонининг географик худуди каби вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади. Юқоридаги вазифаларнинг ечими тарихчига аниқлик ва илмийликда ёрдам беради.

**Демак, тарихий география** — мамлакатлар тарихидаги географик томонларнинг тарихий жараёнларини ўрганади. Чунки бундай тарихий географик томонларни билмасдан туриб, мамлакатнинг ривожланиш босқичларини ҳам ўрганиб бўлмайди.

Тарихий географик тадқиқотларни олиб боришда худди тарих фани каби тарихий манбаларга таянади. Алоҳида кийматга эга бўлган тарихий - географик асарлар, турли хужжатлар, қадимги хариталар ва ҳ.к. Хусусан, давлатнинг чегаралари кўрсатилган қонунлар, келишувлардир. Аммо булар ҳақида маълумотлар кам. Энг катта аҳамиятга эга бўлган археологик манбалар - бўлиб, улардан айниқса, қадимги даврга оид иқтисодий географик тадқиқотларда мамлакатнинг иқтисодий аҳоли, хўжалиги, хунармандчилик турлари, савдо-сотик алоқалари каби маълумотларни олиш мумкин.

Тарихий географияни ўрганишда - томонимика ва антропология маълумотлари ҳам муҳимдир. Дарёларнинг номлари, кўллар ва бошқалар ҳам номлари турли даврларда турлича бўлган. Антропологик материаллар эса халқларнинг шаклланишида, аралашиб кетиш жараёнлари сабабларини ўрганади.

**Тарихий география XVI асрда алоҳида фан сифатида шаклланди.** Унинг фан сифатида шаклланишига XV-XVI асрлардаги икки йирик тарихий воқеа туртки бўлган:

1. Уйғониш даври Ренессанси
2. Буюк географик кашфиётлар

Уйғониш даврида зиёли одамларнинг қадимги даврга, тарихга, географияга бўлган кизикиши ортди. Буюк географик кашфиётларни (XV аср бошлари - XVI аср) ни амалга ошишига асос бўлиб геофафик билимлар хизмат қилди. Одамлар, сайёҳлар, тарихчиларнинг қадимги давр географиясига кизикиши янада кучайди.

Дастлабки, йирик асари билан тарихий географияга асос солган, *қадимги дунёнинг 1-атласини яратган фламанд географи А.Ортели* (XVI аср) бўлиб, у ўзининг харитасида ҳар бир харитага қисқача матн ёзган. У 1-бўлиб географияга, "тарихчининг кўзи" билан қаради ва «*тарихий география*» терминини фанга киритди. Бироқ Ортели қадимги давр муаллифлари геофафияни қандай ёритган бўлсалар, шундайлигича қабул қилган, уларга танқидий ёндашмаган. Ортели асаридаги камчиликлар XVII асрда Голландиянинг Лен Ден Университети профессори *Ф.Клювернинг* тарихий географиядан яратган «*Қадимги Италия*» ва «*Қадимги Германия*» номли асарида тузатилган.

Тарихий геофафиянинг ривожига ҳисса қўшган француз геофафларидан Ж.Б.Д'Анвиль бўлиб, у қадимги давр географияси билан бирга, ўрта асрлар географиясини ҳам ёритган.

XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб, тарихий ва географик асарларнинг кенгайиши туфайли, ижтимоий-иқтисодий тарихни ривожланиши билан тарихий геофафиянинг мазмуни ҳам кенгая бошлайди.

XIX асрда руслардан тарихий географияга асос солган геофафлар В.Н.Татщев, И.Н.Болтин, Н.П.Барковлардир. XX аср бошларида бу фан Петербург археологик институтида, Москва университетида ўқитилган. Тарихий картофафия фанининг ривожидан рус олимлари М.Тихомиров, В.К.Яцунский, И.А.Голубцов ва бошқалар хизмат қилганлар.

**Тарихий картография** - илмий соҳасининг вазифасига тарихий карта ва атласларни тузиш, уларни ишлаб чиқиш методларини ўрганиш қиради. Тарихий картофафия тарих фанини ўрганиш ва ўқитишда катта аҳамиятга эга бўлиб, тарихий карталарни монография, китоблар, ўқув кўлланма, дарслик ва мақолаларда фойдаланадилар. Тарихий карталарда мавзу ва воқеа-ҳодисалар, жараёнларнинг мазмуни, давлатнинг чегаралари ва бошқалар берилади. Тарихий карталарнинг бир неча турлари бор: *тарихий иқтисодий, тарихий этнографик, археологик, тарихий-сиёсий, харбий-тарихий, тарихий-маданый.*

*Ўқув тарихий карталари* эса - ўрта, ўрта махсус ва олий таълимда фойдаланалади. Карталар ҳеч қачон эскирмайди. Эскирганлари ҳам ўз кадрини йўқотмайди. Аммо ўша давр тарихига археологик изланишлар ёки бошқа ёзма манбаларнинг топилиши билан янги ўзгаришлар киритилиши мумкин бўлса -да, барибир ўтган давр тарихшунослиги ҳақида ҳам маълумот бериш вазифасини ўтайди. Уларга қараб танқидий фикрни ривожлантириш ҳам мумкин.

*Тарихий-карталарни яратиш картографиянинг асосий вазифасига кирса ҳам доимо тарихий география билан чамбарчас боғлиқликда ривожланади.* 1579 йилда А.Ортели геофафик атласга тарихий карталарни қўшди. 1603 йилда эса француз картофафи Ж.Б.Д.Анвиль томонидан қадимий даврдан то ўзининг давригача бир неча бўлимли тарихий карталар пайдо бўлди. Ортели ва Анвиль карталарида турли миф ва афсоналардан, Библиядан олинган сюжетлар, турли халқларнинг жойлашуви, чегаралар, харбий ҳаракатлар, турли саёхатларнинг йўналишлари ва воқеа—ҳодисалар бўлган географик худудлари акс эттирилди.

XX асрда Жаҳонда ҳарбий ва иқтисодий карталарни деталлари билан яратилиши уларга илмий ёндашувни янада кучайтирди. Л.Г.Бескровский томонидан 1946 йили рус ҳарбий тарихига бағишланган «Атлас карти схем по русской военной истории» номли атласи яратилган бўлиб, у Киев русидаги ҳарбий ҳаракатлардан то 1904—1905 йилдаги Япон уруши, Иккинчи жаҳон урушигача бўлган ҳарбий жараёнларни ўз ичига олади.

Яна тарихий картографияда халқ ҳўжалиги, ишлаб чиқариш тармоқларини акс эттиришга бағишланган карталар ҳам яратилган. Бу соҳада рус картографияси катта илмий ютуқларга эришган. Мустақиллик йилларида ўрта ва ўрта махсус таълим учун мўлжалланган Ўзбекистоннинг қадимги даврдан мустақиллик йилларигача бўлган даври акс этган тематик карталар яратилган. Аммо олий ўқув юртларидаги таълим учун тематик карталар яратилмаган. Уларнинг катталаштирилган шакллари яратилмаган. Уларни яратиш ҳозирги кундаги картографиянинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

#### **Таянч нушунча :**

**Тарихий география** - мамлакатлар тарихидаги географик томонларнинг тарихий жараёнларини ўрганади.

**Тарихий географиянинг асосий таркибий қисмлари** - аҳолини жойлашиши тарихий географияси, ҳўжалигининг тарихий географияси, тарихий-сиёсий географияси, тарихий иқтисодий географияси.

## **2-мавзу. МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ**

### **Режа:**

#### **1. Марказий Осий қадимги давр манзилгоҳлари**

#### **2. Мис-тош ва бронза асри даври тарихий географияси.**

**Марказий Осий ибтидоий даврдаги манзилгоҳлар.** Ватанимиз ҳудудида яшаган илк аجدодларимизнинг манзилгоҳлари илк палеолит даврига оид бўлиб, Фарғона водийсининг Сўхтуманидаги Селенгур ғоридан ва Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри яқинидаги Кўлбулоқ маконидан топиб ўрганилган. Бу борада археолог олимлар А.П.Окладников, Ў.Исломов, М.Р.Қосимов, В.Л.Алексеевларнинг хизматлари каттадир.

Неондертал одамлар яшаган маданият маконлари Марказий Осий ҳудудинининг 50 дан ортиқ жойида топилган. Сурхондарё (Тешиктош), Самарканд (Омонқўтон, Кўтирбулоқ, Зирабулоқ, Хўжамазгил деб номланган булоқ ёқалари), Тошкент (Обираҳмат, Хўжакент, Палтов номли унгур ва ғорларида Кўлбулоқ ёқаси), Навоий (Учтут) ҳудудлари, қўшни Тожикистон (Қорабура, Жарқўрғон) ва Қирғизистон (Тоссар ва Георгий дўнглиги) ҳудудларида мустъе даврига оид ёдгорликлар жуда кўплаб топилган. Хусусан, 1938 йилда Бойсун ғоридан топилган ёдгорликлар алоҳида қимматга эгадир.

Мезолит даврида Марказий Осийнинг деярли барча туманлари, Мовароуннаҳрнинг қулай имкониятларга эга жойларда, жумладан, Фарғона водийсининг тоғли ва тоғ олди туманларида, Марказий Фарғонада вужудга келган катта ва кичик кўллар бўйларида кўплаб манзилгоҳлар топилган. Олим Ў.Исломов бу ҳудудда 1970-1980 йилларда кенг миқёсда археологик тадқиқотлар олиб борди ва Сўх яқинида Обишир номи билан аҳоли ўртасида маълум бўлган унгурларда мезолит даври жамоаларининг қароргоҳларини кашф этди. Фарғонада яна 100 дан ортиқ мезолит даври ёдгорликлари топилди. Мезолит даврига оид бошқа гуруҳ ёдгорликлари Тошкентнинг Сарикамиш туманида қадимги Бўзсув ҳавзасида ҳам топилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти Айритом, Каттакўрғон, Заранчук-гут, Дуқанхона, Эски Термиз, Подаҳона, Оқтош, Кўхитоннинг Мачай сойи устада кўтарган қоя остидаги ғорда ҳам мезолит даврига оид археологик маълумотлар топиб ўрганилди.

1970-1971 йилларда Мачай ғорини текширган олим Ў.Исломовнинг фикрича, ушбу ёдгорлик мезолит даврининг энг сўнгги босқичи ва илк неолит даврига тегишлидир.

Неолит даври ёдгорликлари Ашгабатдан 40 кмлар чамаси шимоли-ғарбда жойлашган, туркманлар Чақмоқли деб атаган жой бўлиб, «Чақмоқли» - деб аталишининг боиси шундаки, туркман чўпонлари бу жойдан чақмоқгош теришар экан. 1956-1957 йилларда археолог В.М.Массон бу ерда изланишлар олиб борган. Бу жой фан оламига «Жойтун» маданияти номи билан кирди. Жойтунни ўрганиш жараёнида унинг атроф туманларида ҳам археологияга оид қидирув ишлари йўлга қўйилди. Натижада, Жойтун маданиятига доир ўнлаб неолит жамоаларининг қароргоҳлари (Найзатепа, Бам и, Чўпонтёпа ва бошқалар) очилди. Бу ер аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланганлар.

Академик С.П.Толстов томонидан қадимги Хоразмда, Амударёнинг қуйи ҳавзасида «Калтаминор маданияти» номи билан тарихга кирган. Бу маданият Хоразм ҳудудидаги Жонбосқалъа номи билан маълум бўлган 4 та маконни текшириш орқали аниқланди ва ўша макон яқинидаги жой номи билан Калтаминор маданияти номини олди. Бу милодданав. IУ-III минг йилликда яшаган овчилар ва балиқчилар жамоаси маданиятидир. Неолит даври маданияти топилмалари Ватанимизнинг Зарафшон, Қашқадарё воҳалари ва бошқа ҳудудларда ҳам мавжуд ва улар олимлар томонидан ўрганилган.

**Мис-тош ва бронза асри даври тарихий географияси.** Милоддан аввалги III -минг йилликнинг охирига келиб, Марказий Осий ҳудудида тош даври тугади, у ўз ўрнини энеолит ва кейинчалик бронза асрига бўшатиб берди. Археологияга оид қазилма манбаларнинг гувоҳлик беришича, ибтидоий одам металл оламига дастлаб мисни ихтиро қилиш орқали кирган. Одамлар мисдан унча катта бўлмаган пичоқпар, бигиз, игналар, болталар, узуклар, мунчоқлар, исирғалар тайёрлаганлар. Шунинг учун металлни қўллашнинг бу илк даври *Энеолит* — *Мис-Тош* даври деб атади. Бу даврда деҳқончилик ва чорвачиликда ҳам бирмунча малака ҳосил қилинган, яшаш учун зарур бўлган ўсимликларни сунъий ўстиришга ўта бошланганлар. Баъзи ов қилинган хайвонларни кўдда боқиш одат тусига кира борган.

Секин-аста меҳнат қуролини такомиллаштирилиб, рудали металллар, мис, қалай, кумуш, олтинни ихтиро қилганлар ва уларни эритиш, қуйиш, улардан фойдаланиш йўллари ўрганганлар.

Бронза, мис ва қалай аралашмасидан иборат бўлиб, у мисга қараганда катта афзалликларга эга. Ишлаб чиқаришда бронзанинг ишлатила бошланиши билан жамият тараққиётида *Бронза даври* бошланган. Инсоният жамият тараққиётида халқ ҳўжалиги, техника ва маданият соҳасидаги эришилган ютуқлар ана шу давр билан боғлиқдир.

Зарафшоннинг куйи оқидамидаги Замонбобо кўлида ва Саразмда ўтказилган археологияга оид тадқиқот натижалари юқоридаги фикрлар ҳақ эканлигига гувоҳлик беради. Замонбобо кўли атрофидаги қабрлар очиб қўрилган. Уларда биттадан, иккитадан ва ҳатто учтадан кўмилган майит қолдиқлари нақшли сопол идишлар ва ҳар хил буюмлар топилган.

Замонбобо манзилгоҳидаги аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан ҳам шуғулланган. Бундай маданият ёдгорликлари Ўзбекистоннинг Сурхондарё (Сополлитепа, Жарқўтон), Хоразм (Тозабог'ёб), Тошкент (Ачикқўл, Янгиер тумани, Тошкент канали атрофи, Бурғулук), Наманган (Бувана мазор), Андижон (Далварзин тепа), Қашқадарё (Ерқўрғон, Тўрткўлтөпа) ва бошқа вилоятларида ҳам кўплаб топилган.

Сўнги бронза даври ёдгорликлари Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида деворлар билан ўралган қишлоқлар пайдо бўлганлигига гувоҳлик беради. Бу Марказий Осиёда қадимги шаҳарларнинг вужудга кела бошлаш жараёни эди.

#### **Таянч нушунча :**

**Чакмоқли** - Неолит даври ёдгорлиги бўлиб, Ашгабатдан 40 кмлар шимоли-ғарбда жойлашган, «Чакмоқли» - деб аташининг боиси, туркман чўпонлари бу жойдан чакмоқтош теришар экан.

**Сополлитепа, Жарқўтон** - Сурхондарё ҳудудида жойлашаган.

**Тозабог'ёб** - Хоразм ҳудудида жойлашаган.

**Ачикқўл, Янгиер тумани, Бурғулук** - Тошкент ҳудудида жойлашаган.

**Бувана мазор** - Наманган ҳудудида жойлашаган.

**Далварзин тепа** - Андижон ҳудудида жойлашаган.

**Ерқўрғон** - Қашқадарё ҳудудида жойлашаган.

### **3-мавзу: МАКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ҚАДИМГИ ДАВЛАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ**

#### **Режа:**

- 1. Энг қадимги давлат тузилмалари тарихий географияси, уларнинг ҳўжалиги.**
- 2. Қадимий шаҳарларнинг тарихий географияси.**

**Энг қадимги давлат тузилмалари тарихий географияси, уларнинг ҳўжалиги.** Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида ватанимиз ҳудудида дастлабки давлат тузилмалари бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Турли ёзма манбаларда бу даврда бир неча қадимги давлатлар бўлганлиги тилга олинади. Булар: *Катта Хоразм* — Амударёнинг куйи оқидамидаги шимолий ерлар, Мурғаб воҳаси ва Парфия ҳудудлари. *Бацитрия* — ҳозирги Сурхондарё, Тожикистоннинг Амударёга яқин ерлари ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари, *Сўғдиёна* — Зарафшон дарёсидан сув ичган ерлар ва Қашқа воҳаси ҳудудларидир. Энг қадимги кулдорлик давлатлари конфедерациясига Катта Хоразм ва Бактрия кирган, Сўғдиёна эса бу даврда мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатмаган. Аммо кулдорлик давлати Марказий Осиё шароитида нисбий характерга эга. Чунки бу ҳудудда кулдорлик тузуми ва кулдорлик давлати том маънода содир бўлмаган. Ҳўш, кулдорлик жамияти хусусида қандай фикр баён қилиш мумкин?

Кулдорлик жамияти кишини киши томонидан эксплуатация қилинишига асосланган биринчи синфий жамиятдир. Бу жамият шуниси билан тавсифга лойикки, кулдорлар ва куллар асосан қарама-қарши синфлар бўлиб, улар ўртасидаги доимий кураш мазкур жамият тарихини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб келган. Демак, ана шу синфий кураш туфайли жамиятнинг бутун тузилиши иккасодий, ҳуқуқий нормалари, турмуши, урф-одати, техникаси ва билим даражаси, этикаси, дини, фалсафаси ва ижтимоий қарашлари тўла куч билан намоён бўлган.

Ўтмишдан маълумки, энг қадимги илк кулдорлик давлатлари бу милоддан аввалги IV—III минг йилликларда вужудга келган Месопотамия ва Миср ҳисобланиб, қолган ҳудудларда эса анча кейинроқ, яъни УШ—Ш асрларда вужудга келган ва ривож топган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ибтидоий жамоа тузумидаги мулкдор қабила бошлиқлари билан оддий жамоа аъзолари ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви натижасида кулдорлик тузуми ва кулдорлик давлатлари юзага келган.

Бу тузумда кулликнинг 3 хил асосий хусусиятлари мавжуд бўлган:

1. Кул бир ёки бир неча ҳўжайиннинг шахсий мулки ҳисобланган.
2. Кул ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган.
3. Кул эксплуатацияга ноиктисодий йўл билан мажбур этилган.

Геродот асарларида Бактрия ҳақида баъзи бир маълумотлар учрайди. Жумладан, у Кирнинг Мидия подшоши Крез устидан қозонган ғалабаси ҳақида ҳикоя қилар экан, энди Кир йўлида Вавилон, Бактрия халқи, саклар ва мисрликлар ётади деб қайд этади.

Юнон муаллифларининг «Қадимги Бактрия подшолиги» ҳақидаги ҳикоялари заминда тарихий ҳақиқат борлигини Жанубий Бактрияда Бактра шаҳри вайронларида, Шимолий Бактрияда эса Кучуктепа, Қизилтепа, Таллашкантепа, Бандихон-2 каби ёдгорликларида олиб борилган археологияга оид қидирув топилмалари ҳам Марказий Осиёни Аҳмонийлар салтанати босиб олгунга қадар (бу воқеалар милоддан аввалги VI- IV асрларда содир бўлган эди) бу она заминда иккита давлат мавжуд бўлганлигини исботлайди. Бу давлатлар «Катта Хоразм» ва «Қадимги Бактрия подшолиги» эди. Бу давлатларнинг ҳудудий доираси ички давлат таркиби ва ижтимоий-иктисодий ҳамда маданий алоқалари тўғрисида «Авесто» асари ва юнон муаррихлари қисқача бўлса-да, баъзи бир маълумотларни берадилар.

Марказий Осиёнинг энг қадимий ўлкаларидан яна бири Сўғдиёнадир. Бу ўлка ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудида шакланган. Тарихий ёзма манбаларда милоддан олдинги VI—IV асрларда Сўғдиёна аҳолиси аҳмонийларга катта жарима тўлаб турганлиги таъкидланади. Сўғд тили қадимда ва илк ўрта асрларда жаҳон савдо тили сифатида катта нуфузга эга бўлган. Бу давлатнинг пойтахти Самарқанд Шарқ билан Ғарбни савдо-иктисодий жиҳатдан боғлаган «буюк ипак йўли»да Шарқ дарвозаси ҳисобланган. Самарқанднинг туб ерли аҳолиси археолог олимларнинг маълумотларига қараганда бу шаҳарни *Смарақанса* деб атаган. Кейинчалик сўғд тили ўрнини форс



тили эгаллагач, тахминан милоннинг IX асри ўрталарида Смарақанса Самарқанд деб атала бошлаган. А.Аскаронинг «Ўзбекистон тарихи» китобида Самарқанд туркийча Семизкент, Хитой манбаларида Кан деб юритилган. XIII асрдан, яъни мўғуллар босқинида сўнг беш аср ўтгач, Самарқанд - Афросиёб деб юритила бошлаган. Ўлкамизда олиб борилган археологияга оид қазилма ишлари Сўғдиёнада яшаган аҳолининг юксак деҳқончилик ва чорвачилик маданиятига эга бўлганликларини кўрсатади. Бу ерда хунармандчилик ҳам ривож топганини кейинги 25—30 йил давомида Самарқандда Афросиёб — I, Қашқадарёда Ерқўргон — I, Бухорода Бухоро — I ва бошқа ерларда олиб борилган қазилма топилмалари кўрсатади. Сўғдиёнада кулолчилик ва сополчилик ҳали бу ерга аҳмонийлар келмасдан илгари ҳам, милондан аввалги IX—VIII асрлардаёқ ривожланганини исботлади.

Қадимги халқларнинг ҳудудий жойлашув чегаралари ҳақида фанда ҳанузгача аниқ бир фикрга келинмаган. Сўнгги 15-20 йил ичида олиб борилган археологик тадқиқотлар ва уларни ёзма манбалар билан солиштириш натижасида тарихий вилоятлар ҳудудлари, жойлашувига тарихий чегаралари муаммоларига аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди. Маълумки, давлатларнинг этник ва сиёсий чегаралари пайдо бўлишдан олдин аҳоли жойлашувининг географик чегаралари пайдо бўлади. Қадим замонлардан бошлаб қабила ва қабила гуруҳлари, кейинроқ эса халқлар ўзлари жойлашган катта ва кичик ҳудудларда ўз чегараларини белгилаб олганлар.

Антик давр тарихчилари қадимги Ўзбекистоннинг баъзи вилоятлари (Сўғдиёна, Бактрия) чегаралари ҳақида ёзганларида аҳолининг аралаш жойлашганлигини ҳисобга олмаганлар. Шунинг учун ҳам улар аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва чегараларининг ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилаб беролмайдилар. Геродот Урта Осиё халқларини алоҳида сатрап-ўлкаларга жойлаш-тирса ҳам улар жойлашувининг географик чегараларини аниқ белгиламайди.

Аҳмоний ҳукмдорлари ўзлари босиб олган ҳудуднинг шарқий чегаралари ҳақида билмасликлари мумкин эмас эди. Ҳеч бўлмаганда Кир II ёки Доро I, ёки бўлмаса аҳмоний подшоҳлари юришларидан сўнг шарқий чегаралар - вилоятлар географияси, аҳоли жойлашган асосий жойлар, йўллар, йирик манзилгоҳлар, қалъалар ҳақида аниқ маълумолар олинган бўлиши керак. Аммо қадимги форс ёзма манбаларида булар ҳақида эслатилмайди<sup>2</sup>. Қадимги форс ёзувларини ўрганиш асосида қадимги Ўзбекистоннинг жумладан, Сўғдиёнанинг милондан аввалги У1-У асрларга оид сиёсий тарихига доир кўплаб муаммоларга аниқлик киритилди<sup>3</sup>. Геродот, Ксенофонд, Ктесийлар Сўғдиёнанинг қўшни вилоятлар билан чегаралари ҳақида нафақат аниқ, балки, умумий хулосаларга ҳам эга бўлмаганлар. Сўғдиёнанинг тарихий географиясига оид кўпгина долзарб масалаларни ҳал этишда македониялик Искандар юришлари тўғрисида ёзиб қолдирган тарихчи ва географларнинг маълумотлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу маълумотлар тарихий адабиётларда ҳам кенг еритилган<sup>1</sup>. Антиқ давр ёзма манбалари Сўғдиёнанинг жанубий чегараларини Окс-Амударё деб берадилар. Искандарнинг юришлари пайтида Окс Бактрия ва Сўғдиёна ўртасидаги чегара ролини бажарган. Страбоннинг ёзишича, Окс дарёси "Сўғдиёнани бактрияликлар ўлкасидан" ажратиб турган. Страбон Сўғдиёнани Бактриянинг юқорисида, шарқий йўналиш томонда, Окс ва Яксарт оралиғида жойлаштириб, унинг чегараларини анча кенгайтириб беради. Курций Руф Навтака, Ксениппа сўғдийлар ерлари деб эслатиб ўтади.

Тадқиқотчилар орасида Александр Македонскийнинг юришлари, аниқроғи унинг Сўғдиёна ерларига Окснинг қаеридан кечиб ўтганлиги турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Кечув жойини баъзи олимлар Шўроб<sup>1</sup> деса, баъзи олимлар Керки атрофида<sup>2</sup> дейдилар. А.Сагдуллаев эса бу жойини Керки ва Шўроб ўртасида бўлган деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

Шуни таъкидлаш мумкинки, антиқ муаллифларнинг Ўзбекистоннинг жанубидаги аҳоли жойлашуви ва тарихий вилоятларнинг чегаралари ҳақидаги тасаввурлари деярли умумий эди.

Милондан аввалги II—I асрларда Сирдарё, Етгисув чўллари ва Орол денгизи атрофларига Хунн қабилалари кўчиб келиб ўтроқ ҳаётга ўта бошлаганлар. Хуннлар асли Марказий Осиё чўлларида ташкил топган йирик қабила иттифокдир.

ИБичурин, Н.Гумилев берган маълумотларга қараганда, бу туркийзабон қабила бирлашмалари тўғрисидаги маълумотлар Хитой солномаларида милондан аввалги 1756 йилдан бошлаб тилга олинган. Хуннлар жуда катта ҳудудларда яшаганлар. Улар Олтой, Марказий Осиёдан Ғарбий Европа ерларигача, жанубда Каспий денгизи бўйлари ҳамда Шимолий Кавказ ерларигача бўлган жойларга эгаллик қилар эдилар. Бу салтанат ҳаддан ташқари катта ҳудудларга ёйилиб кетганлигидан икки қисмга: Ғарбий ва Шарқий Хунн салтанатига бўлиб идора қилинган. Шимоли-шарқдан Туронга кўчиб келган Хуннлар маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетганлар. Натижада Сирдарёнинг ўрта оқимида туркий тилда сўзлашувчи этник гуруҳлар қатлами кўпайган ва улар Қанғуй ёки Қанха давлатига бирлашганлар. Ана шу даврдан эътиборан Марказий Осиёда туркий тиллар таъсири кучая борга. Айниқса, бу жараён Турк хоқонлиги даврида янада ривож топган. Бу даврга келиб, Шимолий Энасой (Енисей)дан тортиб то Сирдарёнинг ўрта оқимига қадар чўзилган кенг ҳудудларда яшаган аҳолининг асосий сўзлашув тили туркий тил булган.

**Қадимги шаҳарларнинг тарихий географияси.** Жамиятдаги маълум бўғин сифатида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши бутун жамият ҳаётидаги чуқур сифатий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу тарихий - маданий ривожланиш натижасида шаҳарлар қишлоқлардан ажралиб чиқади. Ушбу ажралиш туфайли иккала қарама-қаршилик бирлашувига асосланган жамият ривожланишининг давр тақозо этган ўта муҳим янги қонуниятлари маълум тузум сифатида ўрнатилди. Муҳим янги ижтимоий жараён сифатида шаҳарлар шаклланишидаги дастлабки шарт-шароитлар илгор ва нисбатан жадал ривожланган (маълум тарихий ва табиий шароитларда, албатта) жамиятда, кўп қиррали меҳнат тақсмоти жараёнининг доимий чуқурлашуви натижасида пайдо бўлади.

Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари ва омиллари масалалари бўйича турли йилларда В.М.Массон, Б.А.Литвинский, А.А.Аскарров, Т.Ш.Ширинов, Э.В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллаев, Б.Эшовлар тадқиқот ишларини олиб бордилар. Улар ўз тадқиқотларида илк шаҳарлар пайдо бўлиш асослари, омиллари ва шарт-шароитлари, дунё тарихидаги қадимги шаҳарлар билан қиёсий таҳлил масалалари кўриб чиқилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, каммажсул меҳнат ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг нисбатан паст даражаси шароитида меҳнат тақсмоти жамият ривожланишининг ягона асоси эди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, доимий табақаланиш жараёни ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ихтисослашуви меҳнатнинг умумий ҳажми ва кўшимча маҳсулот ўсишини таъминлаб, эҳтиёжлар тартибининг мураккаблашувига олиб келади. Бу жараён эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маиший имкониятлар

яратади. Ўрта Осиёнинг ҳар бир тарихий-маданий воҳасида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ривожланган деҳқончилик асосида илк шаҳар марказлари пайдо бўлди. Ўзид илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи марказларга ҳозирги кунда Жанубий Туркманистондаги Олтиндепа, Намозгоҳдепа, Улуғдепа, жанубий Ўзбекистондаги Сополитепа, Жарқўтон, шимолий Афғонистондаги Мундигақ, жануби-шарқий Эрондаги Сўхта, шимолий Эрондаги Ҳисор қабиларни киритиш мумкин.

Жамиятдаги мавжуд шарт-шароитлар ва омиллар милоддан аввалги III минг йилликнинг охири II минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё худудларида ўзида шаҳарсозлик маданияти белгиларини акс эттирувчи аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлишига олиб келди. Дастлабки шаҳарларда аҳолининг турли ишлаб чиқаришдан келган кўшимча маҳсулоти, йирик иншоотлар-саройлар, ибодат-хоналар, мудофаа иншоотлари каби қурилишларда, маданий ва иқтисодий алоқа-ларда ўзининг моддий аксини топди.

Чуст маданияти ёдгорликлари таркибига кирувчи асосий катта манзилгоҳлар Далварзинтепа, Чуст, Ашқолтепалар Фарғона водийсидаги ўзида илк шаҳарсоопик белгиларини акс эттирувчи ёдгорликлар ҳисобланади. Айнан Далварзинтепа ва Чустнинг атрофи деворлари билан ўраб олинган бўлиб, уларда ҳукмдор яшайдиган арк ажралиб туради. Далварзинтепа милоддан аввалги II минг йилликнинг сўшти чорагидан бошлаб маълум муддат Фарғона водийсининг йирик маданий ва иқтисодий маркази бўлиб хизмат қилган.

*Сўғдиёнада*, хусусан Самарқанд Сўғди худудларида илк давлат уюшмалари ва шаҳарлар шаклланишида қуйидаги йирик омиллар шубҳасиз етакчи роль ўйнаганлигини таъкидлайди. Сўғдиёнанинг Ҳисор тоғ олди тизмаларида, Қашқадарёшг юқори оқимида ва Қарши воҳасида шаҳарсозлик маданиятининг узлуксиз шаклланиш жараёнларини кузатиш мумкин. Ўрта Зарафшон воҳасидаги энг йирик ва дастлабки очилган кўҳна шаҳар Афросиёб ҳисобланади. А.Македонский давридаги Мароканда (Самарқанд) айнан Афросиёб ўрнида жойлашганлигини В.Л.Вяткин, Н.И.Веселовский каби шарқшунослар илгари сурганлар. Улар Мароканда шаҳрининг иккита қальаси борлигини К.Курций Руф маълумотида асосланганлар. Сўғдиёна давлатчилигида Афросиёб муҳим аҳамиятга эга. Қашқадарё воҳаси (Жанубий Сўғд)да Ёркўрғон кўҳна шаҳри бўлган.

Милоддан аввалги У1-1У асрлар Бухоро воҳасининг энг муҳим ажралиб турадиган томони - Бухоро, Варахша, Рамиш, Хўжа Бўстон каби кўҳна шаҳарларнинг пайдо бўлишидир. Милоддан аввалги У-1У асрларга келиб ҳозирги Бухоро ўрнида ва атрофларида шаҳарсозлик маданияти ривожланган изларини кузатиш мумкин.

Хоразмнинг энг қадимги шаҳар - қальаларидан бири бўлган Кўзалиқирнинг шаклланиши милоддан аввалги УП-У асрларга оиддир. Ушбу ёдгорликни С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм экспедицияси чуқур ўрганган.

#### **Таянч тушунча :**

**Катта Хоразм** — Амударёнинг қуйи оқимидаги шимолий ерлар, Мурғаб воҳаси ва Парфия худудлари.

**Бақтрия** — ҳозирги Сурхондарё, Тожикистоннинг Амударёга яқин ерлари ва Шимолий Афғонистон худудлари.

**Сўғдиёна** — Зарафшон дарёсидан сув ичган ерлар ва Қашқа воҳаси худудлари бўлиб, ҳозирги Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари худудида шаклланган.

**Мароканда** - Самарқанд, Афросиёб ўрнида жойлашган.

**Афросиёб** - Ўрта Зарафшон воҳасидаги энг йирик ва дастлабки очилган кўҳна шаҳар.

**Ёркўрғон** - Қашқадарё воҳаси (Жанубий Сўғд)даги шаҳар.

### **4-мавзу: МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АҲМОНИЙЛАР ДАВРИДАГИ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ, САЛАВКИЙЛАР ДАВЛАТИ, ЮНОН-БАКТРИЯ ДАВЛАТИ, КУШОН ПОДШОЛИГИ**

#### **Режа:**

1. Ўрта Осиёнинг Аҳмонийлар даври тарихий географияси.
2. А.Македонский томонидан Ўрта Осиёни босиб олиниши тарихий географияси.
3. Салавкийлар даври тарихий географияси.
4. Парфия ва Юнон-Бақтрия подшолиги тарихий географияси.
5. Сўғдиёна, Қанг (Қанха) ва Фарғона (Давань)нинг тарихий географияси.
6. Кушон подшолиги тарихий географияси.
7. Буюк Ипак йўли ва унинг кенгайиши тарихий географияси.

**Ўрта Осиёнинг Аҳмонийлар даври тарихий географияси.** Милоддан аввалги VI асрда Эронда Аҳмонийлар давлати вужудга келган. Бу давлат икки аср мобайнида яшаган. Унинг худудлари Мисрдан то Шимоли-Ғарбий Хиндистонга қадар чўзилган эди. Аҳмонийлар давлатининг пойтахти *Персополь* шаҳри бўлган.

Аҳмонийлар шоҳи Кир II Мидия, Кичик Осиёдаги Лидия, Бобилини босиб олгач, сўнгра Бақтрияга юриш бошлади. Ўзбекистон тарихидан маълумки, милоддан аввалги 530 йилда массагетлар маликаси Тўмаристомонидан ҳалокатга учрайди. Шунга қарамай ўлка Аҳмонийлар таркибига кирган: *Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм кирган.*

Доро I га қарши қўтарилган *Маргиёнадаги* кўзғолон Марказий Осиё вилоятларида ягона кўзғолон эмасди. Бундай кўзғолон *Парфияда* ҳам қўтарилган. Бу кўзғолон милоддан аввалги 521 йилнинг ёзига давом этган эди. Доро I даврида Аҳмонийларга қарши эрк ва озодлик учун саклар хзм бош қўтарганлар. Буни биз Бихустун ёзувларида очик кўрамиз. Доро I сакларни қувиб Орол соҳилларига борган, у саклар ҳукмдорини асир олганлиги, бошқа бир Скунха исмли лашкарбоши саклар ўзларини Доро I га топширганликлари қайд этилади. Бу воқеалар милоддан аввалги 520—518 йилларда юз берган. Аҳмонийлар ҳукмронлигига қарши озодлик ва эрк деб бош қўтарган халқ қаҳрамонлари тимсолига Широқ ҳаракати ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Жангнома тилидаги машҳур афсона ҳисобланган «Широқ» тарихий воқеалар асосида вужудга келган ва барчанинг эътиборини ўзига тортган. Бу қадимги афсонани биринчи марта юнон тарихчиси Полиэн ўзининг «Ҳарбий

хийлалар» деган асарида келтирган. Асарда Широқ — Сийрак деб номланган, афсонада сак кабиласидан чиккан отбоқар Широқнинг буюк жасорати, тadbиркорлиги, ватанпарварлиги фазилатлари ҳикоя қилинади. Широқ ўз кабиласи манфаатларини ҳимоя қилиб, Эрон шоҳи Доро лашкарларига қарши чиқади ва ҳарбий ҳийла билан унинг қўшинларини чалғитиб, сувсиз, *Қизилцумнинг дашт-сахросига* бошлаб боради. Сувсизлик ва очликдан, дармонсиз қолган ганим лашкарлар ҳалокатга учрайди. Эл-юрт вайронагарчиликдан саклаб қолинади.

Асарнинг энг эътиборли, таъсирчан жойи шундаки, Широқнинг ўзи ҳам душман қўлида ҳалок бўлади, лекин Широқ учун бу ўлим мағлублик эмас эди, унинг орқасида она Ватан ҳимояси, катта бир халқнинг тақдири ётарди. Широқ ўзи ҳалок бўлса-да, юртдошларини, ватанини катта бир офатдан саклаб қолди.

Бу кўтарилган қўзғолонлар Доро I ни бир қатор ислохотлар ўтказишга мажбур қилган. У ҳатто сарой зодагонлари ҳуқуқларини ҳам чеклаб қўяди ва қаттиққўллик билан сиёсат олиб боради, маълакатда ўзининг мутлақ ҳокимиятини жорий қилади.

Осиё ҳудуди Аҳмонийлар томонидан Бактрия ва Марғиёна билан бирга ҳисоблаганда 12 сатрапликка бўлиб идора қилинган. Бу сатрапликлар подшо ҳазинасига ҳар йили 360 талан<sup>5</sup> жарима тўлаган. Парфия, Хоразм, Сўғд ва Арея биргаликда 16 сатрапликдан иборат бўлиб 300 талан, саклар ва каспийлар эса 15 сатраплик бўлиб, улар ҳар йили Доро I ҳазинасига 250 талан жарима солиқ тўлаганлар.

Марказий Осиё аҳолиси шаҳаншоҳ ҳазинасига ҳар йили тўлаб турган аниқ -миқдордаги солиқларга қўшимча йирик давлат қурилишларида ҳам ишлаб берар эдилар. Хуллас, Марказий Осиё халқлари милоддан аввалги VI — IV асрларда, яъни қарийб 200 йил мобайпида Эрон Аҳмонийлари ҳукмронлиги остида яшадилар. Улар доимо эрк ва озодликка интилиб қурашдилар. Фақат милоддан аввалги IV асрларга келиб Аҳмонийларнинг марказий ҳокимияти кучсизлана бошлагач, зулм асоратида бўлган халқлар ўз мустақилликларига эришиш имкониятига эга бўлдилар.

Марказий Осиёда ўз мустақиллигига биринчилар қаторида Хоразм воҳаси эришди.

Бактрия эса то Искандар Зулқарнайн истилосига қадар Аҳмонийлар ҳукмронлиги остида бўлган.

**А.Македонский томонидан Ўрта Осиёни босиб олиши тарихий географияси.** А.Македонский милоддан аввалги 334 йил Граник, милоддан аввалги 333 йилда Исс ва милоддан аввалги 331 йилда Гавгамел ёнидаги жангларда Доро III ни мағлубиятга учратгандан кейин Марказий Осиёга кириб келди. Политимит дарёси бўйида кучли тўқнашув юз беради. Кирополь (Курушқат, Ўрта Ўратепа)да Спитамен қўзғолони Сўғдиёна ва Бактрияга ёйилади. А.Македонский Марказий Осиёда 12 та янги шаҳар қуради. Шулардан *олисдаги Александрия* (юнонча номи -Апександрия Эсхата) у Хўжанд ва Бекобод оралиғида жойлашган. Александрия -Марғиёнаси Марв ўрнида қурилган.

Марказий Осиё ҳудудининг Аҳмонийлар асоратидан батамом озод бўлиши бу ўлканинг македониялик Искандар Зулқарнайн (ккки шоҳи) томонидан эгалланиши билан билан боғлиқдир. Гап шундаки, милоддан авваяги VI—V асрларда Эрон Аҳмонийлар манфаати билан Юнонистон манфаати Кичик Осиёда тўқнашиб қолади. Ҳар иккала давлат бу ҳудудда ўз таъсир доирасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун, иқтисодий ва сийёсий жиҳатдан юқори маъқули эгаллаш учун ҳаракат қилдилар. Шу эзгу ниятни амалга ошириш илинжида Искандар Зулқарнайннинг отаси шоҳ Филипп II (милоддан аввалги 382—336 йиллар) зўр бериб Эронга қарши урушга тайергарлик кўра бошлади. Хусусан у милоддан аввалги 338 йилда Херонеяда бўлган жангда эрон аскарларини мағлубиятга учратгандан сўнг Эронни забт этишни мақсад қилиб қўйганди. Лекин Филипп II ўз ниятини амалга оширолмади 336 йилда уюштирилган фитна оқибатида, сарой базми вақтида ўлдирилди.

Филипп II ўлдирилганда Элиппа шоҳининг қизи Олимпиададан туғилган ўғли Искандар (милоддан аввалги 356-323) ўн тўққиз ёшда бўлиб, отаси унинг тарбиясига катта эътибор берган эди. Уни 13 ёшда бўлган чоғида буюк олим Аристотель тарбиясига беради. Филипп II ўлдирилгач, Искандарни лашкарлар йиғини шоҳ қилиб қўтардилар. Тахтни эгаллаган Искандар ўз рақиблари ва тахтга даъво қилиши мумкин бўлган барча эркак зотини қиличдан ўтказди ва мутлақ ҳоким бўлиб олади. У ўз фаолияти давомида қадимги дунёнинг машҳур лашкарбошиси ва буюк давлат арбоби даражасига қўтарилди. Искандар Зулқарнайн 22 ёшида жаҳон салтанатини ташкил қилишга бел боғлади. Милоддан аввалги 334 йилда Сурия, Шум, Финикия, Миср, Эрон, Турон ва Ҳиндистонни эгаллаб буюк салтанат барпо этади.

Искандар Эроннинг асосий вилоятларини босиб олгач, милоддан аввалги 329 йилнинг баҳорида Ҳиндикуш тоғидан ошиб Марказий Осиё ҳудудларига кириб келади.

Искандар қўшинларига аввало биринчи зарба Ориёна (ҳозирги Хирот вилояти)да берилди. Шимоли-шарқий вилоятлар — Гиркания, Ария, Парфия, Дронгиана, Арахозия, Бактрия ва Сўғдиёна буййсундириш учун уч йил вақт керак бўлди.

Искандар Марказий Осиёда биринчи бор Уструшонада Самарқанд билан Хўжанд орасида тоғлиларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келади. Танаис (Сирдарё)нинг нариги томонидан тигатарадарайя сакларига қарши кетганида, Искандарга Самарқанддан чопар келиб, Спитамен бошчилигида шаҳарда унга қарши қўзғолон кўтарилганлиги хабарини беради.

Тарихий ёзма манбаларда катта совға-саломлар билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида Хоразм шоҳи 1500 отлик суворийлар билан Искандар олдига бош эгиб келганлиги ёзилади. Жумладан, «Искандарнома»да Хоразмшоҳ «Ферузбахва Жамшидшоҳ ўз аскарлари билан ёрдамга» келгани таъкидланади. Арриан эса «Хоразмликлар шоҳи Фарасман Искандарга бош эгиб келди», дейди. Аслида Хоразм ҳукмдори ўзининг донишмандлиги ва узокни кўра билганлиги туфайли мамлакат мустақиллигини саклаб қола олди. У вазиятни тўғри баҳолай олди ва Самарқандга Искандар ҳузур ига келди. Фарасман мазкур учрашув чоғида ҳарбий иттифоқ тузиб Қора денгиз томон юришни таклиф этади. Спитамен қўзғолонини бостириш билан банд Искандар «Фарасманга ташаккур айтиб, у билан дўстлик иттифоқини тузади». Шу билан бирга ҳозир Понтига, (Қора денгизга) юриш қилиш вақти эмас» деб айтади.

<sup>5</sup> Талан — солиқ миқдори. Бир талан 34 кг га тенг бўлган.

Искандар маҳаллий халқ вакиллари, биринчи навбатда ҳукмдор оқсоқоллар ва раҳбарлар билан умумий тил топиш, уларга яқинлашиш йўллари излай бошлади. У милоддан аввалги 327 йилни Наутақда ўтказиб, баҳорда Сўғд қальясини эгаллайди. Тоғлар орасида жойлашган бу шаҳарнинг ҳокими Аксиарт эди. У Аксиартнинг кизи Роксанага уйланган. Сўнгра, Бактрия ва Сўғдиёна тоғлари орасида жойлашган 4 та қальяни: Сўғд, Сизимета, Аримаза ва Хориенни эгаллайди.

Искандар Марказий Осиё худудларида шаҳарлар барпо этган, Жумладан, Юстин «Помпей Трог эпитомии» асарида Искандар Бактрия ва Сўғдиёнада 7 шаҳар курдирганлигини ёзади. Шулардан бири Сирдарё соҳилида 17 кунда қуриб битказилган қалья «Александрия Эсхата», яъни олисдаги Искандария эди. Бу шаҳар Хўжанд билан Бекобод оралиғи (тахминан Фарҳод ГЭСи) да жойлашган эди. Искандарнинг қалья ва -шаҳарларни қуришидан сабаб, у бу шаҳарларда юнон-македон қўшинларини жойлаштириб Бактрия ва Сўғдда ўз истелочилик зулмини кучайтиришни ўйлаган эди. Искандарнинг Марказий Осиёда олиб борган яратувчилик фаолиятига қараганда, вайрон этувчилик фаолияти ортик. Шу сабабдан Искандар Зулқарнайн Марказий Осиёни обод қилди, халқлар орасига маърифат ва маданият киритди, дейиш адолатдан эмас.

**Салавкийлар даври тарихий географияси.** Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг тахт ворислигига ҳеч ким қолмаган эди. Барча эркак зотини унинг ўзи қириб тамомлаган эди. Шоҳ вафотидан сўнг тўрт ой ўтгач, Роксана ўғил кўради. Унга Искандар деб исм қўядилар. Кичик Искандар Шарқий вилоятлар ҳукмдори этиб тайинланади. Ҳукмдор ҳали ёш бўлганлиги учун бу вилоятарга раҳбарлик қилиш қўмондонлардан Пердикка ва Антипатр зиммасига юкланади. Аммо тож-тахт учун олиб борилган кураш ёш гўдакни ҳам омон қолдирмайди. Тахт учун курашда Ис-кандар лашкарбошиларининг биронтаси ҳам ёрқин ғалабага эриша олмайди. Бунинг устига Искандар вафотидан хабар топган халқлар озодлик курашига отланадилар. Тарихий манбаларга қараганда, *Мурғоб водийсида барпо этилган Марғиёна Александрия* шаҳрини «варварлар» вайрон этадилар. Милоддан аввалги 301 йилда Фригиянинг Ипс деб аталган жойида юз берган қонли жанглар оқибатида Искандар салтанати уч мустақил давлатга: Македония, Миср, Суриядан то Марказий Осиё -Ҳиндистонгача бўлиниб кетади. Македония — Антиох авлодларига, Миср — Птоломей авлодларига ва Суриядан Ҳиндистонгача Салавкага тегади.

Салавка 312 йилдаёқ Бобилда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаган эди. Шундан сўнг Салавка шарқий сатрапликларни ҳам эгаллайди. Бу масалада Салавка билан Никатор ўртасида кураш кучаяди. Никатор биринчи жангда ёқ мағлубиятга учрайди. Салавка милоддан аввалги 311—302 йилларда бошқа сатраплар билан ҳам жанг олиб боради ва Шарқда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлайди. Ана шу тарихида Салавка I парфиялар, бактриялик, сўғдийлар, гирканлар устидан ўзининг танҳо ҳукмронлигини ўрнатади.

302 йилдаги Сурия, Кичик Осиё ва Месопотамия вилоятлари учун Салавка билан Антигон ўртасидаги жанг бир йилга чўзилади, бу жанг Салавканинг ғалабаси билан якунланади.

Ана шу тарихида Искандар салтанатининг катта қисми Салавка қўли остида бирлашади. У мустақил сиёсат олиб борди, сатрапликларни майдалаб юборди, уларнинг сонини 72 тага етказди.

293 йилда Салавка, ўз пойтахтини Бобилдан Суриядаги — Антиохияга кўчиради.

Сатраплар қўлида катта ҳокимият бўлган, аммо уларда олий ҳарбий ҳокимият йўқ эди. Олий ҳарбий ҳокимият марказий ҳукмдор подшоҳ ихтиёрида бўлган.

Салавка 293 йилда шарқий вилоятларни бошқариш ишини ўз ўғли Антиохга топширади ва уни ҳукмдор қилиб тайинлайди.

Антиох Спитаменнинг кизи Апамадан туғилганди. Салавканинг тўнғич ўғли ҳам бўлган. Юнон муаррихлари Салавка I ва Антиохлар Марказий Осиёга жуда катта эътибор берганликларини ёзадилар. Улар даврида 75 шаҳар қурилганлиги манбаларда қайд этилади. Бу шаҳарлар Салавкия, Антиохия ва бошқа номлар билан аталган. Бундай шаҳарлардан бири узқоқликда жойлашган «Яксарт» (Сирдарё) ортидаги Антиохия бўлиб, бу шаҳарни Хитой манбаларида Ўзган шаҳри бўлса керак деб тахмин қилинади. Салавка халқаро тижорат ишларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор беради. Шу мақсадда у Каспий билан Қора денгизни боғлаб Амударё орқали «Тош минора»га йўл очишга қарор қилади. (Беруний фикрича «Тош минора» ёки «Тош шаҳар» бу Тошкентдир.)

Страбон берган маълумотларга қараганда Антиох Марғиёнада ўз номига курдирган шаҳар — Антиохияни кўчманчиларнинг тинимсиз ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида Мурғоб воҳаси атрофини 250 км девор билан ўраб олган. Аммо кўчмакчиларнинг ҳужумлари бу билан тўхтамаган.

Ана шундай оғир бир вазиятда Салавк I Ҳиндистонга каша уруш бошлайди. Бу уруш унинг мағлубияти билан якунланади. Натижада Салавкийларнинг Марказий Осиёдаги обрўсига путур етади, уларга қарши кўзғолонлар бошланади. Салавкийлар оғир аҳволга тушиб қоладилар. Милоддан аввалги 280 йилда Салавк I вафот этади. Салавкийлар давлатига Антиох I бош бўлади. *Ана шу даврдан бошлаб шарқий вилоятлар Антиох I фаолиятидан четда қолади*, чунки ғарбий вилоятлардаги ҳарбий вазият унинг қўшин билан бирга бўлишини тақозо этар эди. Айни пайтда ғарбий вилоятларда ҳам вазият кўнглидагидек эмас эди. Хуллас, Салавк I вафотидан сўнг давлатнинг заминига путур кетади. Шарқий вилоятлар олтин, фил лазуритлар билан доимо жарима тўлаб турсалар-да, уларнинг мустақилликка интилаётганликлари сезилиб турарди. Бу жараён хусусан милоддан аввалги III аср ўрталарига келганда кўзга ташлана бошлади.

Бу даврда Марказий Осиёнинг Салавкийлар давлати таркибида бўлиши уларда Эллин маданияти таъсирнинг ўлка халқлари орасида тарқалишига сабаб бўлган омилдир.

**Парфия ва Юнон-Бактрия подшолиги тарихий географияси.** Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида салавкийлар салтанати инкироз сари юзланди. Шарқий сатрапликлар марказий ҳокимиятга бўйсунилган бош тортиб, мустақил сиёсат юргизишга интилдилар. Парфия ва Бактрия милоддан аввалги III асрнинг ўрталарида, тахминан 250 йилда салавкийлар тобелигидан чиқиб кетдилар. Бу даврда Бактрия сатрапи Диодот эди. Бактриянинг салавкийлардан ажралиб чиқишини Евтидем ҳам қўллаган эди. Евтидем Сўғдиёна ёки Марғиёнанинг ҳокими бўлиб, у Диодотга қарам эди. Диодот Бактрияда Салавкийларга қарши кўтарилган маҳаллий аҳоли кўзғолонидан фойдаланган.

Мустақилликка эришган Бактрия Диодот I даврида қудратли давлатга айланади. Бу давлатнинг пойтахти ҳозирги Афғонистоннинг Мозори-Шариф шаҳрига 90 км яқин қадимги Балх шаҳри бўлган. Бактриянинг Афғонистон ҳудудидаги *Беграм, Бактра, Ойхонум, Далварзин, Тожикистон ҳудудида қарашли Қобадшоҳ, Қайҳобод, Кўҳна Қалъа, Ўзбекистон ҳудудидаги Далварзинтепа, Дунётепа, Хайитободтепа, Жондавлаттепа* каби қадимги шаҳарлар бўлган.

Тарихий манбаларда Бактрия юксак ривожланган 1000 шаҳарли мамлакат деб юритилган. Вилоят ҳокимларидан бири бўлган Сўғдиёна ҳокими Юнон Эвтидем Диодот II га қарши кураш бошлаб, курашда Эвтидем ғолиб чиқади. У милоддан аввалги 212 йилда Юнон-Бактрия давлатига асос солди. Эвтидем Бактрияда ўз ҳукмронлик мавқеини мустақамлашга ҳаракат қилди.

Ўз имконияти ва кучига ишонган Антиох III Эвтидем ёрдамида Ҳиндистонга уруш эълон қилди. У салавкийлар давлатининг шарқий вилоятларини ўзига тобе этишни мақсад қилган эди. Аммо салавкийлар учун Марказий Осиё абадий йўқотилган эди.

Милоддан аввалги 206 йилдан эътиборан Юнон-Бактрия давлати учун салавкийлар ҳавфи йўқолди, бироқ шимолдан сак-массагетларнинг ҳавфи кучайган эди.

Эвтидем бошлиқ давлат таркибига Бактрия, Сўғд, Арея ва Марғиёна ҳудудлари қарар эди. Эвтидем ўз давлати ҳудудий чегараларини Ҳиндистон ерлари ҳисобига кенгайтиришни орзу қилар эди. Аммо бу ишни Эвтидемнинг ўғли Деметрий (милоддан аввалги 199—167 й.й.) амалга оширишга ҳаракат қилди.

Натижада Бактриянинг давлат чегаралари кенгайиб ҳар жихатдан таракқий этди. Деметрий даврида кўплаб ҳарбий қалъалар қурилди. Шундай қалъалардан бири Амударё соҳилида қад кўтарган *Термиз* шаҳридир.

Давлат чегараларининг Ҳиндистон ҳисобига кенгайиши муносабати билан Деметрий давлатининг маркази жанубга — *Таксилага* кўчирилди. Милоддан аввалги 174 йилда Бактрияда давлат тўнтариши юз берди. Бу ҳол Сўғдиёнага, Юнон-Бактрия подшолиги тасарруфидан чиқиб олишига қулай шароит яратди.

Бинобарин, тез орада Сўғдиёна Юнон-Бактрия давлатидан мустақил ажралиб чиқди. Парфия Юнон-Бактриядан Марғиёнани тортиб олгач, унинг сиёсий майдондаги мавқеи яна ҳам пасайиб кетди. Бу даврга келиб энди Юнон-Бактрия давлати учун шимолдан кўчманчилар ҳавфи кучайди.

Гелойк Юнон-Бактриянинг қудратини саклаб қола олмади. Унинг ихтиёрида фақат Бактрия ерлари қолди. Юнон-Бактрия давлатининг катта ҳудудини Парфия босиб олди.

Бактрияга эса тобора юэчжи қабилалари таҳдиди кучайиб-борди. Милоддан аввалги III асрда Шарқий Туркистон ва Шимоли-Шарқий Тибетда яшаган катта қабилалар Хитой манбаларида катта юэчжилар «да юэчжи» деб аталганлар. Юэчжилар Марказий Осиёга ўтиб Юнон-Бактрияга зарба берадилар.

**Сўғдиёна, Қанг (Қанха) ва Фарғона (Давань)нинг тарихий географияси.** Сўғдиёнанинг тарихий географиясига оид кўпгина долзарб масалаларни ҳал этишда македониялик Искандар юришлари тўғрисида ёзиб қолдирган тарихчи ва географларнинг маълумотлари катта аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, Сўғдиёна ва Бактрия чегаралари ҳақидаги илмий муаммо XIX асрнинг охирида пайдо бўлган бўлсада, ҳозиргача у тўла ечимини топмаган. Ўтган асрнинг 80-90 йилларида бу муаммо И.В.Пьянков, Э.В.Ртвеладзе, Б.Л.Ставиский, П.Бернер, А.С.Сагдуллаев ва бошқа олимлар асарларида ўз таҳлилини топди.

Бактрия билан ёнма-ён *Сўғдиёна* ҳам бўлган. Сўғдиёнанинг Бактрияга нисбатан чўл зонаси кўпроқ, аммо у ерда аҳоли анча зич жойлашган, унумдор ерлар, экинзорлар, боғлар кўп, у Зарафшодан сув ичади. *Марғиёнада* эса суғорма деҳқончилик кенг ривожланган.

Антик давр ёзма манбалари Сўғдиёнанинг жанубий чегаралари Окс-Амударё деб берадилар. Искандарнинг юришлари пайтида Окс Бактрия ва Сўғдиёна ўртасидаги чегара ролини бажарган. Страбоннинг ёзишича, Окс дарёси Сўғдиёнани бактрияликлар ўлкасидан ажратиб турган. Аррианнинг ёзишича Окс дарёсидан кейин дарҳол Сўғдиёна ерлари бошланади. *Сўғдиёнада Ерқўрғон, Афросиёб, Бухоро, Тали Барзу, Марғиёнада Говурқалъа* каби қадимги ишқарлари бўлган.

Қадимда Юнон-Бактрия давлатига асос бўлган Бактрия, Сўғдиёна, Марғиёна иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқ, табиий бойликлари мўл ва иқлимий қулайликларга эга бўлган.

Ватанимиз тарихининг милоддан аввалги III—I асрлари ва милоднинг IV асрларигача бўлган маълумотлари асосан Хитой манбаларига алоқадор бўлиб, уларда Хитой тилида қандай ёзилган бўлса, ҳеч қандай ўзгаришсиз манбадагидек аталган. Бу номларнинг маҳаллий тилда ўша пайтда қандай аталганлиги маълум эмас. Жумладан, Хитой тарихчиси Сима Цзянь милоддан аввалги II асрнинг сўюти чорагида Марказий Осиёда бўлган бир Хитой элчиси ва сайёҳнинг сўзларига асосланиб, бу ерда аҳолиси юэчжигача ўхшаш Кангюй номли катта кўчманчилар давлати бўлганлигини хабар қилади. Қанғарлар ва Қанғ давлати тарихи бўйича олимлар Я.Ф.Фуломов, С.Г.Кляшторний, Б.А.Литвинский, Ю.Ф.Бураков, К.Ш.Шониёзов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар ва Қанғ давлати тўғрисида қимматли асарлар яратдилар. Қадимги Хитой манбаларида қанғарларда давлат бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар милоддан аввалги III аср охири ва II аср бошларига тўғри келади. Тарихчи олим К.Шониёзовнинг фикрича: «Қанғ давлати солномаларда айtilган даврдан анча олдинроқ мавжуд бўлган... Сўз-сиз, Қанғ давлати Ўрта Осиёга бостириб келган македониялик Искандар кўшинлари билан юнон-македонияликлардан ташкил топган Салавкийлар сулоласи (милоддан аввалги 312—250 й.й.) билан узлуксиз равишда олиб борилган курашлар натижасида тахминан милоддан аввалги III аср бошида вужудга келган»<sup>6</sup>.

Қанғ давлатининг чегараси манбаларда аниқ кўрсатилмаган. Лекин К.Шониёзовнинг маълумотларига қараганда қанғлилар шарқда Фарғона водийси, шимоли-шарқда усунлар, шимоли-ғарбда Сарису дарёси ва ғарбда Сирдарёнинг ўрта оқими билан чегарадош бўлган. Бу чегарада қанғарларга қарашли бир неча вилоят ва уларга тобе бўлган қабилалар жойлашган.

<sup>6</sup> Шониёзов К. Қанғ давлага ва қанғлилар. —Т, «Фан», 1990, - Б. 27. <sup>3</sup>Ўшаасар,-Б. 21-27.

Қанғ давлати етти аср яшади. Милоднинг V асри ўрталарига келиб, Қанғ давлатининг гмирилиши билан унинг таркибидаги элат ва қабилалар ҳам тарқалиб кетди, ўрнида янги сиёсий уюшмалар ва этник бирликлар қарор топди.

Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимларининг Қанғ деб аталган. Агар туркий ва тунгус-манжур тилларида сакланиб қолган «қанғ» сўзини қадимги хинд-Европа тилларида «дарё» ёки «сув»ни ифодалаганини тан олганимизда Сирдарё (Қанғ) номининг маъноси ҳам «дарё», «сув» бўлганлиги эҳтимолга яқин. Қанғар қабиласининг номи бу азим дарё билан узвий боғлиқ бўлган. Этнонимнинг (қанғар, қангарас, хангакиши, қангли) охири бўғини — «ар», «эр» (қанғ эрлари, одамлари), киши (қанғ кишилар), «ли» (қангли) ҳам бу халқнинг Сирдарёнинг ўрта асрлардаги номи билан яқинлигидан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, Қанғ — дарё номи бўлса, «ар», «киши», «ли» маълум бир халқнинг шу дарё бўйларида яшаб келганидан далолат беради.

Қанға тобе вилоятлар жумласига қадимги Хоразм, Сўғд худудлари ва Ўрололди туманлари (алан ва ян қабилалари) кирган. Тарихчи К.Шониёзов берган маълумотларга қараганда Қанғ давлатнинг иккита маркази бўлган. Улардан бири, Қанқа (Қанғдиз) булиб, у Тошкент воҳасида, Сирдарёга яқин ерда жойлашган. Бу шаҳар милоддан аввалги III асрда бунёд этилган бўлиб, у Қанғ подшоҳларнинг доимий қароргоҳи бўлган. Арис дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Ўтрор (Тарбанд) эса Қанғ давлати ҳоконларининг ёзги қароргоҳи бўлган.

Қанғарлар Қашғар ва Ёрқент вилоятларига ҳам ҳарбий мадад юбориб турганлар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Қашғар, Ёрқент ва Фарғонанинг Хитой таъсирида бўлиши қанғарларга ҳам қатта хавф солар эди. Шунинг учун ҳам Қанғ ҳукмдорлари кўшни халқларга ҳарбий куч билан ёрдам бериб, босқичиларни ўз чегараларига яқинлаштирмасликка ҳаракат қилардилар.

Шундай қилиб, қанғарлар ўша даврдэ Хитойда ҳукмронлик қилаётган Хань империясининг босқинчилик сиёсатиға қарши чиқиб уларни ўз чегарасига, ҳатто унга яқин бўлган Фарғона ва Қашқар ерларига келтирмасликка ҳаракат қилар эди.

I асрда қанғарлар Бухоро ва Хоразмни эгаллайди. Аммо бу вилоятлар тезда Қанғ давлати таъсиридан чиқиб, Кушон салтанати таркибига ўтади. Фарбда эса қанғарлар Парфиянинг кучсизлигидан фойдаланиб, Алан ерларини эгаллайди.

Тарихий маълумотлардан қанғарларнинг Битян, Юни ҳамда археологлар очган Ўтрор, Октепа 1, Октепа 2, Қоровултепа, Чоштепа харобалари урнида қадимий қўрғонлари ва шаҳарлари ҳам бўлган.

Олинган археологик барча топилдиқлар Қовунчи маданияти деб тарихға кирган, Қовунчи маданияти Тошкент воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқими, Етгисув ва Шимолий Фарғонада кенг тарқалган. Бу маданиятнинг айрим намуналари Узбекистоннинг жануби ва Тожикистоннинг бир қанча туманларидан ҳам топилган.

Хитойда яшаб, ўша ернинг фуқароси бўлиб кетган бир қанча санъат усталари қайси шаҳар ва вилоятдан келган бўлсалар, ўша жойнинг номини ўз исмларининг олдиға қўшиб айтганлар: уларнинг авлодларига эса бу номлар фамилия бўлиб қолган. Масалан, Бухородан келганлар - Ань (Анго-Бухоро), Самарқанддан келганлар - Кань (Канго-Самарқанд), Шахрисабдан келганлар - Ши (Шиго-Шахрисабз, Тошкент ҳам Ши деб берилади, аммо унинг белгиси бошқачароқ бўлган).

Фарғона водийсининг қадимги давр тарихи етарли даражада ўрганилмаган. Қадимги Фарғонанинг тарихи ҳақида Хитой манбаларида *Давань* бўлганлиги тилға олинади. Аммо бу давлатнинг қачон пайдо бўлганлиги ва инкирозға юз тутиб, қачон тарих сахнасидан тушганлиги масаласида ҳеч нарса дейилмаган. Биз бу давлатнинг милоддан аввалги II-III асрларда қудратли давлат уюшмаси бўлганлиги маълум. Аммо Фарғона давлати - *Давань* милоддан аввалги II асрда эмас, балки анча илгарироқ, тахминан IУ-III асрлардаёқ тарих сахнасида бўлганлиги маълум бўлади. У пайтда бу давлат *Паркаи* деб аталган. Давань эса хитойликлар томонидан берилган номдир.

А.Аскаронинг фикрича, милоддан аввалги У1-У асрларда Марказий Осиёнинг Бақтрия, Парфия, Марғиёна, Сўғд, Хоразм каби ўлкалари Эрон аҳмонийлари томонидан босиб олинганда қадимги Фарғона бундай тобеликдан озод бўлган. Бу давлат Хоразм давлати сингари македониялик Искандарға ҳам тобе бўлмаган. Шунингдек Фарғона водийсининг қадимда Салавкийлар давлати таркибида бўлганлиги ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот йўқ. Бундан маълумки, Фарғона қадимда Аҳмонийлар ва юнонлар ҳукмронлиги даврида сиёсий эркини ўз қўлида сақлаб қола олган.

Хитой манбалари қолдирган маълумотларға қараганда милоддан аввалги II-III асрларда Даванда деҳқончилик маданияти ва йилкичилик юксак даражада ривожланган. Чжан Цянь бу даврда ҳаммаси бўлиб 70 та обод шаҳарлар бўлганлигини, унда бир неча юз минг аҳоли яшаганлигини ёзади.

Чжан Цянь Даваньдан то *Авьси (Парфия)гача* бўлган худудларда яшовчи аҳоли тил жиҳатдан ҳар хил бўлса-да, уларнинг урф-одатлари ҳам бир-бириға ўхшаш бўлган, деб таъкидлайди.

Қадимги фарғоналиклар фарбда қанғлилар, шимолда усунлар, шарқда эса уйғурлар билан яқин алоқада эдилар. Ташқи душман билан бўлган жангларда уларни доимо яқин алоқада бўлганлар.

Қадимги Давань давлатини милоднинг дастлабки юз йилликлари давомида маҳаллий аслзодалар сулоласи бошқарган. Бунини Хитой манбалари тасдиқлайди. Уларда кўрсатилишича, қадимги Фарғонани 419 йилгача бир сулола вакиллари узлуксиз идора қилганлар. Марказий Осиё худудларида Эфталитлар давлати қарор топгач, қадимги Фарғона давлати ҳам ўз мустақиллигини йўқотиб, ана шу Эфталитлар давлати таркибига кирган эди.

**Кушон подшолиги тарихий географияси.** Милоддан аввалги IV аср охирида хитой манбаларида юэчжилар деб аталган массагет қабилалари Шарқий Туркистондан то Мўғулистон чегараларигача бўлган худудларға кўчиб кетганлар.

Хитойнинг шимолида эса хунн қабилалари яшаган. Юэчжилар хуннларға жанубий кўшни бўлган.

Милоддан аввалги 176 йилда хуннлар юэчжилар устиға ҳужум уюштирдилар. Оқибатда хуннлар 165 йилда юэчжиларни фарбға улоқтириб ташлайдилар. Юэчжи қабилалари қадимги Фарғона ерларига чекинадилар ва ўша ерда истиқомат қила бошлайдилар. Жумладан, ҳозирги Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани худудида Кушон кишлоғи ва Косонсойда Косон шахрини юэчжилар барпо қилган эди. Маълумки, милоддан аввалги 155 йилда Юнон-Бақтрия

давлати инкироз сари юзланди. Шу кулай вазиятдан фойдаланган юэчжилар милоддан аввалги 140 йили Сўғд ерлари оркали Бактрияга бостириб келадилар ва Шимолий Бактрия худудларини эгаллаб оладилар.

Юэчжилар Бактрияда 100 йил мобайнида 5 та қабилага бўлиниб яшаганлар. Гуйшуан (Кушон) қабиласи (ябгуси кудзула Кадфиз эди) тўртта қабила ябгуларини ўзига тобе этиб барча қабилалар устидан хукмронлик қиларди. У ўз давлатини Кушон подшолиги сифатида эълон қилди ва hozirги Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепани бу бекликнинг пойтахтига айлантирди. Кудзула Кадфиз ўз давлат чегараларини кенгайтириш ва унинг кудратини мустақамлаш максатида Амударёнинг чап соҳилидаги туманларини эгаллашга бел боғлади. У тез орада Парфия, Афғонистон ва Кашмирни эгаллади.

Кудзулла Кадфиз вафотидан сўнг унинг ўғли Вима Кадфиз тахтга ўтиради. Бу даврда Кушонлар давлати Покистон ва Ҳиндистоннинг марказий вилоятларини босиб олади.

Вима Кадфиздан кейин мамлакатни идора қилиш Канишка зиммасига тушган. У подшолик қилган даврда Ҳиндистоннинг жанубий туманлари, Марказий Осиениш Сўғдиёна, Хоразм ва Чоч вилоятларини забт этади.

Милоннинг I аср 70-80 йилларида Шаркий Туркистон ерлари масаласида Хитой-Кушон можаролари бошланади. Шунга қадар кушонлар хитойликларнинг Шаркий Туркистон ерларини эгаллаш учун қилган ҳарбий ҳаракатларига хайрихоҳ бўлганлар. Ҳатто улар 84-йилда хитойларга қарши курашиш учун Қршғарга юборилган Қангуй қўшинини тезда чақириб олишни Қангуй подшосидан талаб ҳам қиладилар. Натижада Қангуй подшоши ўз қўшинини чақириб олади. Қошғар ҳокимлиги эса хитойликларга таслим бўлади.

Сосон подшоши Шопур I (241-242 йиллар) ёздирган «Зороастр Каабаси»да кушонлар салтанатининг худуди ҳақида: «Кушонлар мамлақати Пешавор, Қошғар, Сўғд ва Чочга чўзилган», - дейлади. Марказий Осиёда кушонлар асос солган 3 та шаҳар бўлган: 1. Косон-Фарғона водийсида; 2. Каттакўрғон - Зарафшон воҳасида; 3. Кеш - Қашқадарё вилоятидадир.

Васудева даврига келиб Кушон подшолиги 2 қисмга бўлинади. Мамлакатлик бир қисмига Васудева, иккинчи қисмига Канишка III хукмронлик қиладди. Буни уларнинг ҳар иккаласи номидан зарб этилган танга пуллар исботлайди.

226 йилга келиб кушонлар салтанатида ғарбда - Парфия давлатининг ўрнида Сосонийлар давлати сиёсат майдонига чиқди. Бу давлат Парфияга қарар эди. аммо подшо Арташир I даврида мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатишга интилди ва кушонлар давлатига ҳавф сола бошлади. Бундай вазият кушонларни бефарқ қолдирмади. Кушон подшоши Васудева сосонийлар томонидан бўладиган ҳавфга қарши иттифоқ қидириб, 230 йилда Хитойга ўз элчисини юборди. Кушонлар билан сосонийлар ўртасида жанг бўлиши табиий эди. 242-243 йилларда бўлиб ўтган икки ўртадаги жангда сосоний Шоггур I нинг қўшини кушонларни мағлубиятга учратди. Шундан сўнг сосонийлар хукмдорлари Шаркий Туркистон худудларида «Кушоншоҳ» унвонига эга бўлдилар. 252 йилда эса улар яна «Кушон шоҳларининг улуг шоҳи» деган унвонга эга бўлдилар. Бу йилларга келиб кушонлар Ҳиндистондаги ерларнинг ҳам катта қисмидан жудо бўлдилар. Буни бир будда матнида (III аср ўрталарига оид) «дунё уч қисмга (Хитой, Рим, Кушон) бўлинган, аммо осмон ўғлонлари (салтанатлари) тўртта: Хитой, Рим, Кушон ва Ҳинд» деб берган хабаридан ҳам билиш мумкин. Ҳинд манбаларида кўрсатилишича, III аср ўрталарига келиб Ҳиндистон кушонлардан мустақил давлат бўлиб ажралиб чиққан. Худди шу йилларда Хоразм ҳам кушонлардан ажралиб чиқади. Шу тариқа III аср ўртапаридан эътиборан кушонлар салтанати чуқур иқтисодий ва сиёсий инкироз сари юзланади. Аммо шундан кейин ҳам Кушон давлати Урта Шарқнинг йирик давлатлардан бири сифатида яна 100 йилдан ортиқроқ вақт тарих саҳнасида турди. IV асрнинг ўрталарига келиб кушонлар билан сосонийлар ўртасидаги муносабатлар яна кескинлашди. Бу даврда Шопур II (309-379) кушонларга зарба бериб, Шимолий Бактрия ерларини босиб олади.

Кушон подшолиги ва кушонлар даври Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон тарихида муҳим ўрин тутди. Шундай қилиб, Кушонлар салтанати тарих майдонида ўз ўрнини бошқа, ўзидан кучлироқ сиёсий уюшмаларга бўшатиб берди. Кушонлар ўзларининг тахминан 400 йиллик хукмронлик даврида инсоният жамияти тараққиётида ўчмас из қолдирдилар. Бу даврда яратилган унинг ўтмишдаги кудратидан далолатдир.

**Буюк Ипак йўлининг тарихий географияси.** Ватанимиз халқлари тарихида «Буюк ипак йўли» катта аҳамиятга эгадир. Қадим замонлар тарихига кўз ташлар эканмиз, жамият тараққиётининг бронза давридан ҳам илгариги даврлардан бошлаб, худудлараро боғловчи восита сифатида унга хос ихтисослашган йўллар пайдо бўлганлигини кўрамиз. Тарихда милоддан аввалги У1-У4 асрларда Эрон Аҳмонийлағж салтанати даврида унинг худуди бўйлаб «шоҳйўли» ўтган. Ундан ҳам илгарироқ Урта ва Яқин Шарқда Бадахшон лазуритига бўлган эҳтиёж «лазурит йўли»нинг вужудга келишига сабаб бўлган. Бадахшон лазуритлари Месопатамия ва Миср подшолари саройларини, ибодатхоналарини безаган, аёлларнинг турли безакларини ишлашда кенг қўлланилган. Қарб билан Шарқни бир неча минг йиллар давомида бир-бирига боғлаб келган ана шундай қадимги йўллардан бири - «Буюк ипак йўли»дир. Бу йўл фанга «Ипак йўли» номи билан фақат ХГХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб немис олими Фердинанд фон Рихтгофен томонидан киритилди. Унга қадар бу йўл «Ғарбий меридонал йўл» деб аталарди. 1877 йили Берлинда Д.Райнер нашриётида Фердинанд Фрайхерн фон Рихтгофеннинг «Китай. Результатъ I собственнх путешествий и последующего глубокого изучения» номли кўп томлик монографияси нашр этилди. Ф.Ф. фон Рихтгофен (1833-1905) - немис географи ва геологи, Берлин георграфлар жамиятининг аъзоси бўлиб, у Хитойнинг табиатининг тадқиқотчиси дир. У Хитойнинг нафақат географиясини балки, геологияси, флора ва фаунасини, динини ҳам ўрганган. Ушбу китобида Ф.Рихтгофен биринчи бўлиб илмий муомалага «Буюк Ипак йўли» терминини киритади. Шунингдек, қарвон йўлларининг қадимдан то ўзининг давригача бўлган йўналишларини келтиради.

Хитойда ипакчиликнинг дастлаб кенг тарқалган жойи Хуанхе дарёсининг қуйи ҳавзасида жойлашган Шандун вилоятидир. Қадимги Хитойдаги Сиан шаҳри ипак йўлининг бошланиш нуқтаси ҳисобланади. Академик А.А.Скаровнинг маълумотларига қараганда ҳам «Буюк ипак йўли» Хитойнинг қадимги маркази Сиандан бошланиб, Ланчжоу орқали Дунхуанга келади. Бу ерда у иккига ажралади. Ипак йўлининг жануби-ғарбий тармоғи Такламакон саҳроси орқали Хотанга, ундан Бактриянинг бош шаҳри Зариаспа (Балх) келган. Балхда йўл яна уч тармоққа ажралади, ғарбий тармоғи Марвга, жанубий тармоғи Ҳиндистонга, шимолий тармоғи Термиз орқали Дарбанд, Наутак, Самарқандга қараб кетади. Ипак йўлининг шимоли-ғарбий тармоғи эса Дунхуандан Баами, Кучи, Турфан орқали Тарим воҳасига-Қашғарга боради. У

ердан Тошкўрғон орқали Узган, Уш, Кува, Ахсикент, Попга, ундан Ашт дашти орқали Хўжанд, Зомин, Жиззахга, сўнгра Наутак йўли билан бирлашади. Йўл Самарқанддан ғарбга - Добусияга, Малик чўли орқали Бухоро ва Ромитанга, ундан Варахша орқали Байкент ва Форобга бориб Амуль шаҳрига ўтади. Амулда Марвдан Урганч томон Аму бўйлаб кетаётган йўлга қўшилган. Қадимда Марв шаҳри ўзининг турли йўналишдаги қарвон йўллари туташидан географик кулайликларига кўра ипак йўлидаги энг йирик шаҳар ^ди. Марвдан Ғарбга томон катта қарвон, савдо йўли бўйлаб Хитой, Хиндистон ва Ўрта Шарқни Яқин Шарқ ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан боғлаб туради. Археологик маълумотларга кўра Марвдан ғарбга томон йўналган «ипак йўли» Табриз ва Парфия давлатининг Ниса шаҳри орқали Эроннинг Гекотомпил, Апалия ва Экбатана (Ҳамадон) шаҳарларига ва улардан ўтиб Месопатамиянинг Ктесифон ва Бағдод шаҳарларига тарқалган. Ундан Дажла, Тигр дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб шимол томон йўналиб, Антиохия орқали Дамашкка, ундан Тир ва Куддус шаҳарлари орқали Мисрга ўтган. Марвдан чиққан шимолий йўл эса Амул орқали Урганчга, ундан Шимолий Каспий бўйлаб Шимолий Кавказга, сўнгра Қора денгизнинг шимолидан Константинополга бориб, Босфор ва Дарданелл орқали Ўрта Ер денгизига ўтиб, Византия шаҳарларини оралаган. «Буюк ипак йўли» орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатлари савдо ва элчилик алоқалари қилганлар. Ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда Ш-УП асрларда Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ орқали ўтган ипак йўлининг назорати сўғдларнинг қўлида бўлган бўлса, УШ аср ўрталарига келиб, «Ипак йўли»нинг ғарбий қисми араблар назоратига ўтади. XIII асрда эса ипак йўлининг барча тармоқлари бўйлаб назоратни Чингизхон ўз қўлига олади. Бу ҳолат то XIV аср ўрталаригача давом этди. Сўнг «Ипак йўли» Темур ва Темурийлар назорати остига ўтди. «Ипак йўли» орқали Хитойдан Ғарб мамлакатларига, асосан ипак, илк ўрта асрлардан бошлаб қоғоз чиқарилган бўлса, ғарб мамлакатларидан Хитойга шиша, жундан ишланган ҳар хил газламалар, гилам, палос, ойна, металл, зеби зийнат безаклари, қимматбаҳо тошлар (лазурит, бирюза, сердалик) ва ҳар хил дориворлар, аргумоқотлар олиб борилган. Хуллас, Буюк «Ипак йўли» Марказий Осиё халқларини сиёсий, иқтисодий, маданий ва савдо соҳасидаги ҳаётида катта ўрин тутган, ўлка халқлари бу йўл туфайли Ғарб ва Шарқ дунёси ҳамда уларнинг хўжалик ихтироларидан кенг баҳраманд бўлганлар.

#### *Таянч тушунча :*

**Наутак шаҳри** - Қашқадарё.

**Кирополь** (Курушкат) - Ўратепада (ҳозирги Тожикистонда)

**Танаис** - Сирдарёнинг номи.

**Александрия Эсхата** - Сирдарё соҳилида 17 кунда қуриб битказилган қалъа, яъни олисдаги Искандария шҳри бўлиб, Хўжанд билан Бекобод оралиғи (тахминан Фарход ГЭСи)да жойлашган эд\_и.

**Марғиёна Александрия** - Мурғоб водийсида барпо этилган шаҳар.

**Давань, Паркана** - Фарғона.

**Аньси** - Парфия. .

**Кушон қишлоғи ва Косонсойда Косон шаҳри** - ҳозирги Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани ҳудудида юэчжилар томонидан барпо қилинган.

**Бактриянинг Афғонистон ҳудудидаги шаҳарлари** - Беграм, Бактра, Ойхонум, Далварзин, Тожикистон ҳудудига қарашли Қобадшоҳ, Қайқобод, Кўҳна Қалъа, Ўзбекистон ҳудудидаги Далварзинтепа, Дунётепа, Ҳайитобтепа, Жондав-латтепа.

**Термиз** - Бактриянинг Деметрий даврида Амударё соҳида қурилган ҳарбий қалъаси.

**Сўғдиёнанинг қадимги шаҳарлари** - Ерқўрғон, Афросиёб, Бухоро, Тали Барзу, Марғиёнада Говурқалъа.

**Қанка (Қанғдиз)** - Қанғ давлатининг маркази бўлиб, у Тошкент воҳасида Сирдарёга яқин ерда жойлашган.

**Ўтрор (Тарбанд)** - Қанғ давлати ҳоконларининг ёзги қароргоҳи.

**Марказий Осиёда кушонлар асос солган 3 та шаҳар** - Косон-Фарғона водийсида, Каттақўрғон - Зарафшон воҳасида, Кеш - Қашқадарё вилоятида.

### **5-мавзу: МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ВА XII-XIV АСРЛАРДАГИ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ**

**Режа:**

**1.Эфталитлар давлати тарихий географияси (IV-V асрлар)**

**2.Турк ҳоконлиги тарихий географияси**

**3.Чингатай улуси ва XГУ-XУ асрлар Марказий Осиё тарихий географиясига оид манбалар.**

**4.Амир Темур давлати ва салтанати тарихий географияси**

**5.Тарихий манбаларда Марказий Осиё тарихий географиясининг турли аспекти. (сиёсий маъмурий бўлиниши, табиати, хўжалиги, савдо йўллари, халқаро алоқалари, топонимияси в.х.к.)**

**6.Темурийлар давлатининг маъмурий-худудий бўлиниши.**

**Эфталитлар давлати тарихий географияси.** Мамлакатимиз ҳудудида илк йирик феодал давлатлардан бири - Эфталитлар давлатидир. Эфталитларнинг келиб чиқиши ҳақида фанда турли фикрлар бор<sup>7</sup>. Аниқроғи, Эфталитлар массагетларнинг авлодидан бўлиб, улар Кушонлар сиёсатини давом эттирадилар ва Марказий Осиёда ягона марказлашган давлатни барпо этдилар.

Эфталитлар подшоси Вахшунвар 457 йидда Чоғониён Тохаристон ва Бадахшонни ўзига бўйсундирди. Эфталитлар қўшниси Эрон сосонийлари билан уруш ҳолатида бўлиб, икки марта шартнома тузган. Аммо шартномани бузиб, Византия ёрдамида сосонийлар шоҳи Пероз эфталитларга ҳужум бошлайди аммо тор-мор келтирилади. Эфталитлар Эронга катта ўлпон соладилар, Марвни эгаллайдилар. Сўнгра улар Қобул ва Панжоб водийсини, Қарашар, Кучу, Қошгар ва Хўтонни эгаллайдилар.

<sup>7</sup> Ватан тарихи, Б.112-113



Аммо Турк ҳоконларининг эфталитларга қилган ҳужумидан фойдаланиб, Хусрав I 554 йилда эфталитлардан Тоҳаристонни тортиб олади. 563-567 йилларда эса турк ҳокони Силсивул Эрон билан иттифоқликда эфталитларга қашатғич зарба беради ва бу подшоликни тобе аҳволга солиб кўяди.

Эфталитлар давлатининг сиёсий маркази - пойтахти қаерда бўлганлиги тўғрисида қатъий аниқ маълумот йўқ. Тахминий фикрларга кўра бундай марказ *Пойканд ёки Балх* бўлган дейилади.

Эфталитлар даври тарихига оид баъзи бир моддий маданият ёдгорликлари мамлакатимиз ҳудудида сақланиб қолган. Булар Хоразм вилояти ҳудудидаги Фирқалъа (Қиёт-Беруний яқинида), Бухоро вилоятида Пойканд ва бошқалардир.

Эфталитлар даврида шуҳрат топган йирик шаҳарлардан бири Пайкент (Байкенд)дир. Нрашахий Байкентни «Бухоро шаҳридан қадимийроқ» - деб ҳисоблайди<sup>8</sup>.

Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви ва кичик-кичик майда ҳукмдорларнинг рақобатлари натижасида VI асрнинг ўрталарига келиб Эфталитлар давлати аста-секин емирила бошлади.

**Турк ҳоконлиги тарихий географияси.** VI асрнинг ўрталарига келиб Олтой, Етгисув ва Марказий Осиёдаги турли қабилалар ва халқлар бирлашиб катта турк ҳоконлиги давлатини ташкил қилдилар. Лекин қадимги туркийзабон халқ хитой солномаларида милoddанав. 1756 йилдан бошлаб тилга олинади.

545 йилдан эътиборан Турк ҳоконлиги Марказий Осиё, Мўғулистон, Ғарбий Сибирь ва Дашти Қипчоқ ерларида ҳукмрон давлатга айланди. Турк ҳоконлари ниҳоятда катта ҳудудларга эга бўлган мамлакатларини саккизта тобе хонликлар асосида бошқардилар. Шарқий ҳоконлик Етгисувда бўлган. Ёзма манбаларда Шарқий ва Ғарбий Турк ҳоконлигини ташкил этишда қатнашган туркий уруғларнинг номлари тилга олинган: Ашин, Арғу, Аз, Басмил, Изгил, Ўғуз, Тўққиз ўғуз, Уч ўғуз, Ўн уйгур, Ўтуз татар қарлук, Қурданта, Қимчок, Китой, Қирқ аз, Тордуш, Татаби, Дулу Нушуб, Тўқри (тахарлар), Толис, Турган, Тупури, Турк, Уйгур, Сир, Қуриқан, Дуба.

551 йилда ҳокон Бумин даврида ҳоконлик бир йирик давлатга бирлаштирилди. Истеми даврида ҳоконлиқнинг чегараси янада кенгайиб, Марказий Осиё ҳудудлари ҳам унинг таркибига кирди. Жумладан, Тошкент ва унинг атрофлари, Қозоғистон, Етгисув ва Хоразмдан то Амударёгача етиб борди. 563 йилларда ҳоконлик эфталитларни тор-мор этгач, унинг чегаралари Эрон билан бевосита яқинлашиб қолди. Бу ҳол Эрон ва Турон манфаатларининг тўқнашувига олиб келди.

**Чигатой улуси ва XIV - XV асрлар Марказий Осиё тарихий географиясига оид манбалар.** Маълумки, XIII асрда Мўғуллар давлати ташкил топиб, унинг ҳукмдори Чингизхон ўзи эгаллаган барча ерларни тўртта йирик маълумий бирлик-улусга ажратиб, ўғилларига идора этиш учун топширган. Чингизхон ўз давлатини ўғилларига бўлиб берганида Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг шарқий қисмдан иборат ҳудудни иккинчи ўғли Чигатойга (вафоти 1241 йил) тегишли эди. Чингизхон вафотидан сўнг, унинг авлодлари ўртасида, жумладан, Чигатой улусида ҳам, ички низолар кучайиб, бу улус иккита сиёсий-маълумий қисмдан иборат бўлиб қолди. Тарихий асарларда унинг шарқий қисми «Мўғулистон», ғарбий қисми эса мавжуд қадимги номи билан «Мовароуннаҳр» деб қайд этилган.

XIV –XV асрларга оид Марказий Осиё тарихий географияси бўйича қиматли материалларга эга. Бу даврнинг асосий манбалари Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Ҳофизи Абрунинг «Жўғрофий» ҳамда «Зубдат-ут таворих», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдуразоқ Смарқандийнинг «Матлаус-саъдайн», Мирхонднинг «Равзатус-сафо» ва бошқа асарларидир. Темурийлар даври манбалари Марказий Осиё тарихий жуғрофиясининг турли аспекти бўйича кенг материал беради.

XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрда яхлит ҳокимият йўқ ва ўлка кичик-кичик феодал мулкларга бўлиб кетган эди. Темурийлар даврининг машҳур олими Ҳофизи Аbru «Зубдат ат-таворих» асарида бу ҳолатни қуйидагича таърифлайди: «Амир Ҳожи Барлос Кеш шаҳри ва унга қарашли, барлос амирларининг асл юрти бўлган, ерларни эгаллади. Амир Боязид эса, жалойир амирларига қарашли Хўжанд вилоятини ўз қўл остига олади. Қароғинлардан ҳисобланмиш Амир Хусайн, ўзининг бир гуруҳ қадим мўғуллари ва ул уруғдан келиб чиққан қаравунослар билан кўркувга тушиб бугун бир томонда бўлсалар, эртасига бошқа томонда бўлардилар. Улжой-Буғо сулдуз ҳам сардорлик даъвосини қилиб, сулдузлар тўпи бир томон бўлган эди. Шох Муҳаммдхўжа Зиндахашм ва Қаросон (иккаласи) Андхўд ва Шибурғонни эгалладилар. Шох Муҳаммад Бадахшоний ўз Кўхистонини мустаҳкамлаб одди ҳамда ул вилоят ҳукмдорлигини тамаъ қиларди. Амир Кайхусрав ва амир Улжайту апарди иттифоқликда Қатлон ва унга тобеъ жойларни эгаллаб олдилар. Амир Ҳизр ясаурий ўз қабилалари ва кўчманчиларини атрофига йиғиб, ўзини бошқалардан кўра кўпроқ мустақил дейишга ҳақли, деб биларди. Шу боисдан, ул мамлакатда ҳар кун бир фитна ва ҳар лаҳзада бир ғавго келиб чиқарди». Мўғулистон хони Туғлуқ-Темурхон бу вазиятдан фойдаланиб, 1360 йил Мовароуннаҳрга кўшин тортди ва осонгина эгаллади. Кеш вилоятининг ҳокими Ҳожи Барлос Хуросонга қочиб кетади. Амир Темур эса ўз юртини душман томондан талон-тарож қилинишдан сақлаб қолиш мақсадида, Туғлуқ Темурхонга тобелик изҳор этди. Хон уни яхши қабул қилиб, Кеш вилояти ва унга ёндаш ерларга ҳоким этиб тайинланарди.

**Амир Темур давлати ва салтанати тарихий географияси.** Амир Темур ҳокимият тепасига келгач (1370), унинг халқаро миқёсдаги фаолияти, дастлабки йигирма йил давомида ўз мавқеини мустаҳкамлаш, собиқ Чигатой улуси ҳудудини ўз тасарруфига киритишни ва Мовароуннаҳрни юксалтиришдан иборат бўлди. Бу иш анча кийинчилик билан амалга ошди; XIV асрнинг 70—80 йилларида собиқ Жўчи ва Чигатой улуслари ерларини қамраб олган мураккаб халқаро вазият юзага келди. Натижада, Амир Темур Мўғулистон, Хоразм ва Олтин Ўрдага бир неча бор юришлар қилишга мажбур бўлди ва уларнинг ҳар бирининг ўз сабаби бор.

Амир Темур айниқса, Мўғулистон томондан янги чопқинлар, юришлар бўлиши мумкинлигидан доим хавфсизарди. Амир Темур 1371 йил биринчи бор Мўғулистонга юриш қилиб, то Или водийсигача етиб борди. Сўнгра Чигатой улусининг ғарбий чегараларини тиклашга киришди. Ўз вақтида Чингизхон бутун империясини ўғилларига тақсимлаб, Ўрта Осиё ҳудудларини Чигатойга, Хоразмни эса Жўчига тегишли этган эди. Бироқ Хоразмнинг жануби-

<sup>8</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. - Т.: Камалак, 1991. - Б. 100.

шарқий қисми ва у ердаги Кот ва Хива шаҳарларини Чигатойга берган. Қўнғиротуруғидан бўлмиш Хусайн Сўфи XIV асрнинг 60-йилларида Олтин Ўрда хоилигида авж олган феодал низолардан фойдаланиб, Хоразмда ҳокимиятни қўлга олди ва ўз номидан танга ҳам зарб этди. Сўнгра у Чигатой улусидаги феодал тарқоқликдан фойдаланиб, Хоразмнинг жануби-шарқий қисмини ҳам қўшиб олди.

Амир Темур Мовароуннаҳрда тахтага ўтиргач, ўзини Чигатой улусининг қонуний ҳукмдори ҳисоблаб, Алқа тавочини Хоразмга Хусайн Сўфи қошига элчи қилиб жўнатди ва Кот ҳамда Хива шаҳарларини тобе ерлари билан бирга қайтариб беришни талаб қилди. Тарихчи Ҳофизи Абру бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Чингизхон замонидан буён бу икки вилоят (*Кот ва Хива*) бизнинг (чигатой) ҳукмдорларига тааллуқли бўлган». Шарафиддин Али Яздий «Зарафнома»сида ҳам ушбу мазмун қайд этилган: «Кот ва Хивак Чигатой улусига тегишли эрур. Ўтган муддат ичида уни эгасиз топиб, ўз тасарруфинг хавзасига киритмишсан. Энди лозимдирки, уни барча тобеъ ва туташ (ерлари) билан бирга бул томон элчилари ихтиёрига қайтарсанг, токи (шу асосда), хар иккала томон ўртасида самимият ва дўстлик йўли очиклигича қолса, тотувлик ва қўллаб-қувватламоқ шарт-шароитлари яратилса». Хусайн Сўфи элчиларга қўполлик билан: «Бу вилоятни мен қилич воситасида қўлга киритганман ва уни қилич билан олишга тўғри келади», — деб жавоб қилди. Шундан сўнг, Амир Темур 1372 йили Хоразмга юриш қилиб, тўла ғалаба қозонди. Хусайн Сўфи бу мағлубиятдан ғам-андухга ботиб оламдан қўз юмди ва Хоразм тахтини унинг укаси Юсуф Сўфи (1372—1380) эгаллаб, Амир Темурга тобелик изхор этиб сулҳ тузди. Ушбу сулҳни Амир Темур таклифига кўра, қон-қардошлик иплари билан боғлаш мақсадида, Ўзбекхоннинг невараси Хонзода исми билан машҳур бўлган Савинбекни Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзога беришга аҳдлашилди. Лекин Юсуф Сўфи ўз ваъдасига вафо қилмади, аксинча, Кот вилоятига чопқин ясади. Ушбу воқеа сабабли, Амир Темур 1373 йилнинг март ойида иккинчи марта Хоразмга юриш қилади. Лекин у етиб бориши билан Юсуф Сўфи кўрқиб, узр сўрайди ва зудликда Хонзодани жўнатади ва темурийлар билан чингизийлар ҳукмдорлари хонадони ўртасида қариндошлик риштаси вужудга келади.

Мўғулистонда эса бу пайтда дуғлот амирларидан Қамариддин сиёсий майдонга чиқади. У тез орада чингизийлар авлодини кириб ташлаб, зўравонлик билан тахтни эгаллайди. Хон авлодидан фақат хали жуда ёш бўлган Хизрхожа ўғлонни бекитиб Бадахшонга жўнатадилар ва шу йўл билан ўлимдан сақлаб қоладилар.

Амир Темур 1375 йили Мўғулистонга Қамариддин устига юриш қилди. Бироқ Қамариддин жанг қилмайди ва<sup>^</sup> қочиб кетади. Соҳибқирон қўшинлари Қамариддинни таъқиб қилиб то *Йилбоғи, Уч Фармон ва Қорақасмо*<sup>^</sup> деган жойларгача етиб бордилар. Кейинги тарихий воқеалар Мўғулистон, Олтин Урда ва Хоразм Амир Темурга қарши бирлашганликларини кўрсатади. Баъзан, уларга Мовароуннаҳрдаги баъзи норози кичикроқ гуруҳлар ҳам қўшилган. Жаҳонгир Мирзо бошчилигида илғор тарзда олдинроқ етиб келган қўшин Кармина яқинида душман билан жанг қилиб, уни тўзатиб юборди, бош кўтарганлар Дашти Қипчоққа қочиб Ўрусхон даргоҳидан паноҳ топдилар. Маълум вақтдан сўнг улар Мўғулистонга қайтиб келиб, Қамариддинга қўшилдилар ва биргаликда Андижонга чопқин ясадилар. Амир Темур Қамариддинга қарши юришга отланди. Бу Мўғулистонга қилган бешинчи юриш эди. Лекин ўғли Жаҳонгир Мирзонинг вафоти туфайли юришни ниҳоясига етказмай қайтишга мажбур бўлган эди. Маълум муддатдан сўнг Амир Темур яна Мўғулистонга юриш қилди ва унинг лашқаридаги илғор қисмлар Қамариддинга етиб жанг қилдилар. Ёв енгилди, лекин Қамариддин яна қочиб қолишга улгурди. Бу юришда Қамариддин тўла тор-мор этилиб, Мўғулистонда хонлик тахтини Хизрхожа ўғлон эгаллади. Қамариддин ўн йилдан ортиқ вақт давомида Мўғулистонда ҳокимият тепасида бўлди ва шу муддат ичида Амир Темур билан икки ўртада сулҳ ёки келишув бўлганлиги ҳақида манбаларда ҳеч нарса дейилмаган. Хизрхожа ўғлон (Натанзий ёзиб қолдирган маълумотга кўра), хонлик тахтига ўтирган пайтданок Амир Темурга тобелик изхор этди. Бунга жавобан, Амир Темур уни Мўғулистон хони этиб қолдирди ва бу ўлкага юриш қилишни тўхтатди. Хизрхожа ҳокимиятни эгаллагач, Мўғулистондаги амирларни бўйсундиришга ва ўз мавқеини мустаҳкамлашга киришди. Бироқ бу анча мушкул иш эди.

Амир Темур 1376 йили Мўғулистонда юриш қилиб турганида Тўхтамиш Олтин Ўрда хони Ўрусхоннинг таъқибидан қочиб, унинг даргоҳидан паноҳ излаб кедди ва Соҳибқирон уни хайрихоҳлик билан қабул қилиб, ҳатто ўғлим, деб атади, деб ёзади Шарафиддин Али Яздий. Сўнгра уни Сирдарёнинг қуйи хавзасидаги вилоятларга ҳоким этиб тайинлайди. Бу, ўз навбатида, Амир Темур давлати билан Олтин Ўрда хонлиги ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашувига олиб келди. Ўрусхон Тўхтамишга қарши қўшин жўнатди; улар ўртасида жанг бўлиб Тўхтамиш енгилиб қочди, бироқ Урусхоннинг ўғли Қутлук-Бўка ҳам ушбу муҳорабада ҳалок бўлган эди. Ўрусхон Кепек манқит ва Тулузонларни элчи қилиб Амир Темур ҳузурига юборади ва: «Тўхтамиш менинг ўғлимни ўлдириб сизнинг юртингизга қочиб кетмиш. Ё менинг душманамни беринглар ёки бўлмаса уруш жойини белгилаб, жанг қилмоққа юзланинг», — деган мазмунда пайғом юборади. Амир Темур эса Тўхтамиш унинг салтанатидан паноҳизлаб келганлигини ва уни қайтариб бериш ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмаслигини ва жанг қилмоқ масаласига келганда эса, у ҳар доим тайёр эканлигини айтади. Иккала томон урушга отланадилар, бироқ қишнинг қажратон совуғи бунга тўсқинлик қилиб қолади. Бироз вақтдан сўнг Ўрусхон, бир оз вақт ўтиб, унинг ўрнига қолган ўғли Тўхтақийё ҳам оламдан қўз юмади. Шундан сўнг, Амир Темур Тўхтамишни Жўчи улусининг ҳукмдори этиб тайинлайди. Бу воқеа 1376 йили бўлган эди. Ўрусхоннинг Олтин Урда тахтида хон бўлиб турган ўғли Темур Малик ўғлон Тўхтамишнинг устига юриш қилади. Бўлиб ўтган жангда Тўхтамиш енгилди ва бахтли тасодиф билан омон қолади. Амир Темур уни янгидан энг сара қўшинлар билан таъминлаб, 1377 йили Сигноқ вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди.

Олтин Ўрдада эса, Темур Малик ҳокимиятни бошқаришни эплайолмай, давлати борган сари заифлашади. Амир Темур ана шу қулай вазиятни аниқ ҳисобга олиб, Тўхтамишни жўнатади ва у осонгина тахтни эгаллайди. Кейинги йилларда Тўхтамиш ўз мавқеини кучайтириб бориб, ниҳоят 1380 йили Олтин Ўрдага хон бўлди. Тўхтамиш хонлик тахтига ўтиргач, Амир Темур Олтин Ўрда билан муносабатлардан қўнғили таскин топган бўлса, бироқ<sup>^</sup>Хоразм масаласида хали чигалликлар бор эди. Чунки 1376 йили Амир Темур Ўрусхон билан урушмоқчи бўлиб Ўтрорда турганида, Хоразм волийси Юсуф Сўфининг қўшинлари Бухоро атрофларига чопқин ясаб аҳолини талаган эдилар.

Амир Темур Жилортини Хоразмга Юсуф Сўфи хузурига элчи килиб жўнатди ва ўз мактубида икки ўртада тузилган сулҳ ҳамда куда-анда бўлганларини эслатди. Лекин Юсуф Сўфи элчини қамаб қўйди ва мактубни жавобсиз қолдирди. Соҳибқирон иккинчи марта элчи юборди ва элчи дахлсиз шахс эканлигини, уни қамаб бўлмаслигини таъкидлаб, элчини озод қилишни талаб этди. Юсуф Сўфи иккинчи элчини ҳам қаматди. Хоразм волийси бу ҳаракати билан Амир Темурни Ўрусхон билан жанг қилмоқдан чалғитмоқчи бўлганми ёки ўзи мустақил ҳаракат қилганми, буниси номаълум. Қандай бўлмасин, Амир Темур ўша пайтда бу воқеага унчалик эътибор бермади ва Дашти Қипчоқ ишларидан холи бўлгандан кейингана унинг тадбирига киришди. Амир Темур 1379 йили Хоразмга юриш қилди. Бу унинг тўртинчи ва ҳал қилувчи юриши эди. Хоразм пойтахти уч ой давомида қамал қилинди, охири Юсуф Сўфи ғам-андужга ботиб оламдан қўз юмди. Шаҳар забт этилиб вайрон қилинди, олимлар ва хунармандлар Кеш шаҳрига кўчириди. Тўртинчи юришдан кейин ҳам Амир Темур давлати билан Хоразм ўртасида мавжуд муносабатлар ишончли эмасди. Юсуф Сўфидан сўнг Хоразм волийси бўлган Сулаймон Сўфи тез орада Тўхтамиш билан иттифок тузиб, унга тобеъ бўлди ва унинг номига танга зарб этди. Амир Темурнинг Тўхтамишни ўзига қарам ҳоким қилиш режаси амалга ошмади. Аксинча, Тўхтамиш Олтин Ўрда тахтига ўрнашгач хавфли рақибга айланди.

Амир Темур ғарбий юришга кетган чоғида, 1387 йили барча чингизий куллар — Олтин Ўрда, Мўғулистон ва Хоразм бирлашиб Мовароуннаҳрга ҳужум қилдилар. Улар фурсатдан фойдаланиб қаттиқ зарба беришни мақсад қилган эдилар. Душман қўшинлари кишлокларни талаб, Карши ва Занжирсарой шаҳарларига ўт қўйди. Самарқанд ва Бухорони қамал қилди. Амир Темур зудликда Мовароуннаҳрга қайтишга мажбур бўлди. Бу хабарни эшитган душманлар турли томонга қочиб қолишди. Соҳибқирон бу воқеадан қаттиқ дарғазаб бўлган эди, душманлардан қасос олишга аҳд қилди. У дастлаб, Хоразм томон юриди. Ушбу бешинчи юришда Хоразм қалъаси яксон этилди ва аҳолиси Самарқандга кўчириди. Лекин орадан уч йил ўтгач, Соҳибқирон афв-имзо чекиб, Хоразмни янгидан обод этмоққа фармон берди. Тўхтамишхон 1388 йилнинг декабр ойида сон-саноксиз лашкар тўплаб Мовароуннаҳрга юриш қилади ва илғор қисмлари Сирдарёдан ўтиб Жиззахга яқинлашганда Соҳибқирон лашкари томонидан тор-мор этилади. Амир Темур 1389 йилнинг февралда ўз лашкари билан Сирдарёдан ўтади. Зафарли лашкарнинг етиб келганидан хабар топган душманлар тумтарақай қочиб қоладилар. Худди шу 1389 йили Амир Темур арқони давлат билан маслаҳатлашиб Мўғулистон сари юриш бошлайди. Или водийсига етиб борганида курултой чақириб, унда бутун Мўғулистон худуди рўйхатга олинади. Турли йўналишларда жўнатилган қўшинлар Мўғулистонни бошдан оёқ кезиб талон-торож қилдилар, Бу юришда Мўғулистон бутунлай забт этилиб, унинг хоки Хизрхожа тўла тобелик изҳор қилади. Кейинрок, аниқроғи 1397 йили, Амир Темур Хизрхожахоннинг қизи Тукал хонимга уйланиб қариндошлик риштасини ҳосил қилади. Ана шу юришдан кейингина Мовароуннаҳр учун Мўғулистон томондан ҳужум хавфи узил-кесил тугатилди. Бу катта ғалаба Мовароуннаҳрнинг Хитой билан савдо-элчилик муносабатларини йўлга қўйишга имкон берди, зеро савдо йўли Мўғулистон ва Шарқий Туркистон орқали ўтарди. Савдо алоқаларининг ривожига Амир Темур алоҳида эътибор берган, чунки улар Мовароуннаҳрнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий кудратини юксалтиришга кўмак берарди. Амир Темур 1389 йили Мўғулистонни узил-кесил ўз тасарруфига киритгач, Хитой билан савдо-элчилик алоқалари тикланди. Амир Темур Мўғулистондан бошқа хавф бўлмаслигидан қўнгли тўлгач, Олтин Урда томондан мавжуд хавф-хатарни бартараф этишга киришди ва 1390 йили ўзининг Тўхтамишхон устига қилган энг оғир юришларидан бирига азм этди. Ҳатто Тўхтамишнинг ўз айбига иқдор бўлиб узр сўраб юборган элчиларига ҳам эътибор бермади. Ҳозирги Қозоғистон даштларини катта машаққат билан босиб ўтиб, сўнгра ғарбга юриб Волга дарёси соҳилларига яқинлашиб борди. У ерда Тўхтамишнинг жуда катта лашкари билан қаттиқ жанг қилиб ғалаба қозонди. Олтин Ўрда хонлиги 1395 йили узил-кесил тор-мор этилди.

Соҳибқирон 1393 йили Бағдодни забт этгач, Миср султони Барқўк қошига элчи юборади. Элчилар орқали йўлланган мактубда иккала давлат ўртасида элчилар воситасида мактублар ёзиб туриш, уларнинг бемалол қатнови ва хавфсизлигини таъминлаш, савдо-сотикни ривожлантириш зарурлиги қайд этилганди. Бироқ Миср подшоси мавжуд элчилик қоидаларига ҳилоф тарзда иш тутди ва элчиларни қатл этмоққа фармон беради. Барқўк вафотидан сўнг, унинг салтанатини эгаллаган ўғли Фараж ҳам отасининг йўлини тутди. Амир Темур етти йиллик юриши (1399—1404) чоғида, Шом томонга юзланганда, Фараж хузурига элчи юборганда, у элчиларни Амир Темур элчиларини Ҳалаб шаҳрида қамаб қўядилар. Амир Темурнинг Рум подшоси устидан ғалаба қозонганидан сўнг эса Миср подшоси Фараж охириги умиди ҳам узилиб, Итилмишни банддан озод қилди; бўйсунини тан олиб, бутун Миср мамлакатада Соҳибқирон исми билан танга зарб қилди ва номини хугбада зикр этадиган бўлди; элчи юбориб хирож ва мол тўламоқни зиммасига олди. Амир Темур унинг элчиларини яхши қабул қилиб, Фаражни ўз ўрнида, яъни Миср тахтида қолдирганини, муқаддас Макка ва Мадина шаҳарлари бўйича ҳам илгаригидай мутасадди этилганини маълум қилди. Шундан сўнг Миср билан Амир Темур давлати ўртасида мунтазам элчилик ва савдо алоқалари давом этган. Соҳибқирон 1404 йили Самарқанднинг Кониғил ўлангида берган катта тўй-томошаларда, турли мамлакатлар — Ифранж, Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ каби жойлар элчилари қатори Мисрдан ҳам элчи бор эди.

*XIV асрнинг 2-ярми, яъни Амир Темур Марказий Осиёда мустақил давлат барпо этиб, сўнгра худудий жиҳатдан Евросиё бўйлаб ястанган ва ҳатто Мисрни бўйсундириб Африкага чаққун улкан империя тузишга муваффақ бўлган.*

Амир Темурнинг 1405 йили Ўтрорда вафот этиши туфайли кўпгина режалари амалга ошмай қолди.

#### **Таянч нушунча :**

**Жете (Жета)** - Темурийлар даври ёзма манбаларида Мўғулистон ҳам шу ном билан аталган, яъни иккала ном бир-бирига синоним тарзда қўлланилаверган.

**Дашти қипчоқ** - ҳозирги Қозоғистоннинг ўрта ва ғарбий қисмига тўғри келган, то Волга дарёсигача; бошқача аталишлари: Дашти Қипчоқ ва Жўчи улуси; Дашти Қипчоқ ва Ўзбек мамлакатлари.

**Кониғил** - мавзе, Самарқанд шаҳридан шарқда. (Яланглик)

**Кеш суви** - Қашқадарё.

*Изоҳ : Бу ўқув қўлланмани ўқиб ушбу фан бўйича билим оласиз деган умидда тайёрладик. Ёзишдаги айрим камчиликлар учун сиз азиз ўқувчидан узр сўраймиз.*

## **Мундарижа .**

### **1 – боб. Хронология.**

Хронология фани предмети, мақсад ва вазифалари.....	3
Вақт санаси бирлиги. Энг қадимги календарлар.....	6
Қадимги Юнонистон ва Римдаги календарлар. Юлиан ва Григория н календар ислохоти.....	10
Шақр мамлакатлари ва мусулмон календари.....	15

### **2– боб.Палеография ва эпиграфика.19 – 28 бетлар.**

Палеография ва Эпиграфика фани предмети, мақсад ва вазифалари.....	20
Қадимги Туркий эпиграфик ёдгорликлар.....	22
Илк ўрта асрлар Ўрта Осиё тарихига оид эпиграфик манбалар.....	25
Араб ёзувининг вужудга келиши, ривожланиши ва унинг турлари.....	26
Китоб босиш трихидан.....	29

### **3– боб.Нумизматика.**

Нумизматика фанининг мақсад ва вазифалари.....	30
Антик давр тангалари.....	32
Қадимги давр Ўзбекистон тангалари.....	33
Ахмонийлар, аршакий ва сосоний шаханшоҳларининг тангалари.....	34
Илк ўрта асарларда Ўзбекистон ҳудудидаги тангалари.....	35
Араб халифалиги ва Сосонийлар даври танагалари.....	36
XI-XII асрлардаги Ўзбекистон ҳудудида муомалада бўлган тангалар.....	37
XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида муомалада бўлган тангалар.....	38
Амир Темур томонидан зарб қилинган тангалар.....	39
Шайбонийлар ва жонийлар ҳукмронлиги давридаги Ўзбекистон тангалари.....	41
XVIII-XX аср бошларида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида зарб қилинган тангалар.....	42
Қадимги рус тангалари.....	43
Қадимги ва Ўрта аср тангалари.....	44

### **4– боб.Тарихий география.**

Тарихий географиянинг вазифалари, таркибий қисмлари. Тарихий география фан сифатида.....	45
Марказий Осиёнинг қадимги давр тарихий географияси.....	47
Марказий Осиёнинг қадимги давлат тузилмалари тарихий географияси.....	48
Марказий Осиёнинг Ахмонийлар давридаги тарихий географияси, Салавкийлар далати , Юнон – Бактрия давлати, Кушон подшолиги.....	50
Марказий Осиёнинг ила ўрта асрлар ва XII - XIV асрлардаги тарихий географияси.....	56